Б. М. Теплов

ПСИХОЛОГИЯ

ЎРТА
МАКТАБЛАР УЧУН
ДАРСЛИК

ЎЗДАВНАШР

1948

Б. М. ТЕПЛОВ

ПСИХОЛОГИЯ

ЎРТА МАКТАБЛАР УЧУН
ДАРСЛИК

ТУЗАТИЛГАН ВА ТЎЛДИРИЛГАН
УЧИНЧИ НАШРИДАН ТАРЖИМА

*РСФСР Маориф министрлиги
тасдиқлаган*

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1949

I боб

ПСИХОЛОГИЯ НИМАДАН БАҲС ЭТАДИ, УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ

1. ПСИХИКА ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ МА'ЛУМОТ

Психология инсон психикасини текширучи фандир[1]. Психика деб, ҳаркимга ўз тажрибасидан ма'лум бўлган ҳис, тасаввур, фикр, интилиш ва истак каби нарсаларни айтамиз. Инсоннинг ҳаваси, қобилияти, темпераменти, я'ни мижози, шунингдек характери, я'ни фе'ли ва хулқи ҳам психика доирасига киради. Идрок қилиш, ҳис қилиш ва ирода процесслари қандай воқи' бўлади? Хотира (эс), хаёл ва тафаккурнинг қандай қонунлари бор? Одамнинг қобилияти қандай ўсиб боради ва характери қандай пайдо бўлади? — Психология илми ана шу масалалар блан шуғулланади.

„Психология" сўзи юнонча „псюхе" (я'ни руҳ) сўзи блан „логос" (я'ни сўз, илм) сўзидан мураккаб бўлиб, ма'носи „руҳ илми" демакдир.

Қадимги замонларда пайдо бўлиб, динда ва ба'зи буржуа идеалист файласуфларнинг қарашларида ҳалигача сақланиб қолган тасаввурларга кўра, руҳ одамнинг танасида яшовчи ва одам ўлганда унинг танасидан чиқиб кетучи жисми йўқ, моддий бўлмаган нарсадир. Бу тасаввурларга кўра, инсоннинг ҳамма психик ҳаётининг сабабчиси шу руҳдир, я'ни инсонда бўладиган ҳис қилиш, фикрлаш, истак каби ҳолларнинг ҳаммасини туғдирган шу руҳ эмиш.

Психикани бундай тушуниш, *идеалистик* тушунишдир. Бунинг қаршиси ва бирдан-бир тўғри бўлган тушуниш, *материалистик* тушунишдир.

Бирнеча минг йиллардан бери психологияда материализм блан идеализм курашиб келди. Қадимги Греция ва Римда кўп мутафаккир ва олимлар руҳни идеалистик равишда тушунишга қарши курашиб, инсоннинг руҳий ҳолатларини материалистик равишда тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Янги замоннинг илғор

[1] Ҳайвонларнинг руҳий ҳолатларини текшириш психологиянинг алоҳида бир тармоғини ташкил қилади.

олимлари, материалист файласуфлари бу курашни давом этдирдилар. Улуғ рус материалист файласуфларидан Герцен, Белинский, Чернишевский ва Добролюбовлар инсоннинг руҳий ҳолатларини материалистик равишда тушуниш йўлида анча хизмат кўрсатиб, илмнинг бу соҳасига қимматбаҳо янгиликлар киргиздилар. Улуғ рус олимларидан Сеченов блан Павловнинг нерв системаси ва мия физиологияси тўғрисида қилган текширишлари, материализм асосига қурилган психологияни яратишда катта аҳамиятга эга бўлди. Лекин бошдан оёқ, тамомила материалистик асосга қурилган психология ёлғиз сўнги замон ичида, Маркс, Энгельс, Ленин, Сталиннинг асарлари соясида яратилган диалектик материализм негизида вужудга келди.

Материализм „Олам асл зотида моддийдир, ва оламдаги ҳархил ҳодисалар ҳаракатда бўлган материянинг турли хилидир, деган фикрга суянади“ *(Сталин)*.

Бас, руҳни идеалистик тушуниш янглишдир, я'ни моддадан (материядан) айрича бўлиб, жисми бўлмаган ҳечбир қандай зот йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Психика модданинг ўсган сари пайдо қилган хоссаларидан биридир. Анорганик моддада бу хосса йўқ, бу модда сезмайди, фикр ҳам қилмайди. Сезиш ва фикр қилиш хоссаси органик моддаларнинг ҳам ҳаммасида бўлабермайди, масалан, ўсимликларда бу хосса йўқдир.

Психика *„махсус равишда таркиб топган модданинг маҳсулидир“ (Ленин)*, (та'кидлаган мен — *Б. Т.*). *Инсон психикаси ҳамда такомилнинг юқори даражасига чиққан ҳайвонларнинг психикаси, улар миясининг маҳсулидир.* Бизнинг психик ҳаётимизни идора қилучи ҳамма руҳий ҳолатларимизнинг ибтидоси, я'ни тасаввур, фикр, ҳиссиёт ва иродамизнинг ибтидоси, жисмсиз руҳ эмас, миядир.

„Руҳ“, „жон“ деган сўзнинг ўзи тилимизда сақланиб қолган. Бу сўздан ҳали ҳам фойдаланмоқдамиз, лекин материалистик психологияда „жон“ сўзи жисмсиз бир нарсанинг номи бўлмай, балки „инсон психикаси“ деган сўзнинг ма'носи қандай бўлса бунинг ма'носи ҳам шундайдир.

Психика мураккаб модданинг алоҳида бир хоссасидир. Бу хосса мавжуд *дун'ёни акс этдиришдан* иборатдир. *Бизнинг сезгиларимиз, тасаввур ва фикрларимиз ташқи дун'ёнинг бизда пайдо бўлган суратидир.*

Одам дун'ёни идрок қилганда ҳаракатсиз, пассив туриб идрок қилмайди. *Одам дун'ёни амалий фаолият натижасида*, табиатга ва одамларга фаол равишда та'сир қилиш йўли блан билади. Бизнинг сезги ва идрокларимиз шу актив фаолиятда пайдо бўлади, я'ни сезги а'золаримиз орқали миямизга та'сир кўрсатучи моддий нарсаларнинг образи миямизда акс этади.

Албатта, миямизда ҳосил бўлган бу образлар ҳамавақт ҳақиқатда бор бўлган нарса ва ҳодисаларнинг худди ўзининг айни **сурати** бўлмайди. Бизнинг сезги ва идрогимиз ба'зида нарсаларни нотўғри акс этдириши мумкин (чунончи, бир ёғочнинг

ярмиси сувга тиқилса, кўзимизга синиқ кўринади), воқи'даги ҳодисалар тўғрисидаги фикрларимиз ба'зида янглиш ва нотўғри бўлиши мумкин. Воқи'даги нарсаларнинг сезги ва фикримизда пайдо бўлган образлари тўғри ёки нотўғрилиги, ҳақиқатми ёки эмаслиги қандай билинади? „Бу образларни синаш, тўғрисини нотўғрисидан айириш *тажриба* блан бўлади" *(Ленин)*, (та'кидлаган мен *Б. Т.*).

Одам бир нарса устида бир юмиш қилганда, идрогида бу нарсадан қолган тасаввуротига, бу нарса тўғрисидаги тасаввури ва тушунчасига суяниб иш кўради. Агар бу нарсанинг одам тасаввуридаги сурати тўғри бўлса, унинг устида қилинган ишдан мурод ҳосил бўлади, агар нотўғри бўлса, бу ҳолда ишда муваффақият бўлмайди; броқ бундай синашни одам ҳардоим, ёлғиз ўз тажрибаси блангина қилолмайди. *Бунда энг муҳими кўпчилик жамиятнинг узоқ замон ичида қилиб келган ишларидан олинган тажрибадир.*

Билиш, ҳақиқий бор дун'ёнинг, жамият фаолияти, амалий иши жараёнида мияда пайдо бўладиган ин'икосидир; бунинг тўғри ва нотўғрилигини фаолият натижалари кўрсатади.

Илмий психология одамнинг психикаси блан шуғулланади ва қуйидагиларни текширади:

1. Психик процесслар. Идрок, хотира, фикр, ҳис, жазм ва азм—буларнинг ҳарбири психик процесларнинг турли хилидир.

Психологиянинг вазифаси психик процесларнинг *қонунларини топиш* ва бу тариқа мазкур процесларни илмий равишда тушунтиришдир. Руҳий ҳаёт ниҳоятда мураккаб ва ўзгаручанлигига ва гоҳда жуда беқарор ва бетайинлигига қарамай, турмушдаги барча ҳодисалар сингари, бу ҳам муайян қонунларга бўйсунади. Бу қонунларнинг ба'зиси ҳали аниқ тайинланганича йўқ, лекин кўпини психология илми етарлик даражада хўб текшириб аниқлади.

2. Шахснинг психик ҳислатлари, я'ни ҳаркимнинг ўзига хос бўлган руҳий хусусиятлари. Шахснинг психик ҳислатларига шулар киради: унинг ҳавас ва қобилияти, темперамент, я'ни мизожи, характери, я'ни фе'ли-атвори (хулқи).

Психологиянинг ўз олдига қўйган вазифаси шуки, бу илм одамдаги *психик ҳислатларнинг пайдо бўлишини ва ўсишини текширади.* Одамнинг ҳаваслари қандай пайдо бўлади? Унинг қобилиятлари қандай ўсиб боради? Одамнинг характери (хулқи) қандай пайдо бўлади? Бу хил масалаларни текшириш психология илмининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

2. ПСИХИК ПРОЦЕССЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Одамда бўладиган барча мураккаб руҳий ҳолатларни текшириб билиш учун, уларни ма'лум гуруҳларга бўлиш, психиканинг айрим хил ёки кўринишларини тафовут қилиб, ажратиш

керак, я'ни психик процессларнинг барчасини классификация қилиш лозим.

Классификациянинг энг оддий ва жўни, психик ҳаётнинг бир-бири блан маҳкам боғлиқ бўлган уч томонини, я'ни *билиш, ҳис ва иродани* ажратишга асосланади.

а) Билиш процесси

Ташқи дун'ёдаги нарсалар ва унда бўладиган ҳодисалар одамнинг сезги а'золарига та'сир қилиб, бу а'золарни қўзғотади. Марказга элтучи нервалар бу қўзғоқни мияга элтадилар ва бунинг натижасида сезги ва идрок ҳосил бўлади. *Сезги деб, нарсаларнинг сезги а'золаримизга, ҳар оннинг ўзида та'сир қилиб турган айрим хоссаларининг ин'икосини айтамиз, идрок деб, бу нарсаларнинг бутун ва яхлит ҳолатининг ин'икосини айтамиз.* Нарсаларнинг рангини, овозини, ҳидини, иссиқ ва совуқлигини ва бошқа бунинг каби хоссаларини сезамиз, одамни ва бу одамнинг айтган сўзларини, суратни, музика ва ҳоказоларни идрок қиламиз. Сезиш, нисбатан жўнроқ, оддий процессдир, лекин идрок таркибида бирқанча ҳархил сезгилар ва бошқа психик процесслар бўлган мураккаб процессдир.

Аммо биз кўз ўнгимизда турмаган ва, бинобарин, шу оннинг ўзида бизнинг сезги а'золаримизга та'сири бўлмаган нарсаларни ҳам тасаввур қиламиз. *Нарса ва ҳодисаларнинг шу оннинг ўзида биз идрок қилмаган суратини тасаввур деймиз.*

Ба'зида бизнинг тасаввурларимиз ўтган вақтда қилган идрокларимизни қайтадан такрорлашдан иборат бўлади. Чунончи, танишимиз бўлган бир одамнинг афтини тасаввур қилганимизда, ёки қулоғимизга ошно бўлган бир қушиқни тасаввур қилганимизда ана шундай такрорлаган бўламиз. Бу ҳолат хотира тасаввуридир. Хотира ўтган вақтда идрок қилган нарсаларни эсга клетиришдангина иборат бўлмай, балки ўтгандаги ҳаракат ва фикрларни эсга келтириш ҳам хотирлаш доирасига киради. *Умуман аввал идрок қилган, кўнглимиздан кечирган нарсаларни, ёки қилган ишларимизни сақлаш ва кейин уларни яна такрорлаш хотира дейилади.*

Ба'зида аввал сра идрок қилмаган нарсаларимизни тасаввур қиламиз. Тарих ўқиганда қадимги вақтдаги Русия шаҳарларини тасаввур қиламиз; ихтиро' қилучи одам ихтиро' қилмоқчи бўлган машинасининг суратини аввал кўнглида ясайди. Бу ҳол хаёл тасаввуридир ва бу тасаввур ёлғиз аввал идрок қилинган нарсани оддий такрорлашдан иборат бўлмай, балки аввал идрок қилинган ва эсимизда қолган нарсани *дилдан ўтказиб, ўзгартиш* натижасидир. *Ўтган вақтда идрок қилинган нарсалар асосида янги образлар яратишни хаёл деймиз.*

Аммо биз нарсаларни идрок қилиш, эслаш, ёки хаёлга келтириш блангина кифояланмаймиз. Бу нарсаларни бир-бирига таққослаймиз, уларни таҳлил қиламиз, я'ни уларнинг айрим

бўлакларини миямизда бир-биридан ажратамиз, улар ўртасидаги муносабат ва алоқаларни тайинлаймиз, уларнинг муштарак хоссаларини ва уларни ўзгартиш қонунларини топамиз. Бошқа та'бир блан айтганда, фикр қилиб ўйлаймиз. *Нарсаларнинг муштарак хоссаларини акс этдириш ва нарсалар ўртасидаги муносабат ва алоқаларни топиш тафаккур, я'ни фикр қилиш дейилади.*

Сезиш, идрок қилиш, тасаввур қилиш, хотирлаш, хаёл қилиш ва фикр қилиш процесслари билиш дейилади.

б) Ҳис

Одам дун'ёни билган ва таниганда беҳавсала ва бепарво, анчайин тамошабин бўлиб қололмайди. Одам дун'ёдаги нарсаларни кўриш, эслаш ва ўйлаш блангина кифояланмайди. Бу нарсаларга бир муносабати бўлади, уларни туйғусидан кечиради. Турмушдаги ҳодисалар, унда бўлган воқиалар уни хурсанд ёки хафа қилиши, суюнтириши ёки аччиғлантириши, қўрқитиши ёки нафратини қўзғатиши мумкин, я'ни одам дун'ёдаги нарсаларни фақат билиш блангина кифояланмай, уларни ҳис ҳам қилади.

Одамнинг билаётган нарсаларига ва қилаётган ишларига бўлган ўз муносабатидан туғулган туйғулари, ҳис дейилади.

„Ҳис“ сўзининг ма'носи қандай бўлса, „эмоция“ сўзининг ма'носи ҳам шундайдир. Психиканинг, инсондаги рангбаранг ва турли-туман туйғуларга оид соҳасини, *эмоция*, ёки ҳиссиёт соҳаси деймиз ва психиканинг бу томонига тегишли бўлган руҳий ҳолатлар *эмоция процесслари дейилади.*

в) Ирода

Тирик одам қандай бўлсада бир ҳаракат қилади. Турли равишда ҳархил фаолият кўрсатади. Одамнинг бутун ҳаёти *фаолият* ичида ўтади.

Одамнинг фаолияти бирқанча *амаллардан* иборатдир. Дарсни такрорлаш, иншо, имтиҳон бериш — буларнинг ҳарқайсиси бир иш бўлиб, мактаб ўқучисининг фаолиятини ташкил қилади.

Одамнинг онгли равишда ўз олдига қўйган мақсадига етмоқ учун қилган ишлари *ихтиёрий ҳаракатлар* дейилади. Бу ҳаракатларни қилиш учун аввал ҳаракатнинг турли йўлларидан бирини *танлаш* ва жазм қилиш, сўнгра жазм қилингач, уни бажариш керак бўлади.

Ихтиёрий ҳаракатлар қилиш блан бевосита боғлиқ бўлган бу ишлар, я'ни танлаш, қарорга келиб жазм қилиш ва бу қарорни бажариш *ирода қилиш* дейилади, психиканинг бу ҳаракатларда ифода қилинган томони эса ирода дейилади. Иродада фикр ва ҳисдан амалиётга ўтиш бор.

3. ПСИХИКА ВА ФАОЛИЯТ

Одамнинг руҳий ҳаётини тўғри тушунмоқ учун *билиш, ҳиссёт ва ирода бир-биридан айрим ҳолда бўлмаслигини* доим назарда тутмоқ керак. Биз бир нарсани ҳис қилганимизда, билмоқда ёки қилмоқда бўлган нарсамизга бўлган муносабатимизни туйғумиздан кечирамиз. Бир нарсага қарор қилиб жазм этганимизда, муайян фикр ва ҳисларни назарда тутиб қарор қиламиз.

Айниқса шуни эсда тутмоқ керакки, *руҳий процессларнинг барчаси биронта фаолият ичида воқи' бўлади.* Ёлғиз ирода блан боғлиқ бўлган процессларгина бундай бўлмай, балки билиш процесслари, эмоцияга доир бўлган процесслар ҳам шундайдир. Одам ҳамиша бирон хил ҳаракатда бўлади ва шу ҳаракати асносида билади ва ҳис қилади.

Албатта, одамнинг ҳарбир фаолияти кўзга кўринган ташқи ҳаракат шаклига киради, деб ўйламаслик керак. Одам биронта қийин масала устида ўйлаб турган чоғида ўзи тамомила ҳаракатсиз, жим туриши мумкин, лекин шундай бўлса ҳам уни биз фаолиятда деб биламиз, ма'лум сабаби ва мақсади бўлган ҳамда одамдан ўз иродасини анча ишга солиб, зўруришни талаб қилган, ма'лум бир ишни бажариб турипти, деймиз.

Шу тариқа, инсоннинг руҳий ҳаётининг қайси нуқтасини олсак, бари-бир ҳамиша психиканинг ҳамма уч томонини кўрамиз; унда ҳамавақт билиш процесслари блан бирга эмоцияга ва иродага оид процессларни ҳам кўрамиз. Иккинчи томондан, одамнинг фаолияти вақтида пайдо бўлган бу процессларнинг ҳамиша одамни ма'лум ҳаракат ва ишга рағбатлантириб, унинг келажак фаолиятига та'сир этганини кўрамиз.

Мисол учун М. Шолоховнинг „Улар ватан учун урушдилар" деган романидан бир парчасини оламиз. Бу парчада жангчи Лопахиннинг немис бомбардимончи аэропланлари ва танклари ҳужум қилган вақтдаги ҳаракатлари ва бу вақтда кечирган туйғулари тасвир қилинган.

„Лопахин қарсиллаган, гумбуллаган овозлар, ёрилган ўқ парчаларининг гувиллашиб, йиқилиб тушаётган деворларнинг гумбуллаган товуши ичида, ўз зенитка̀ларининг овозини эшитармикинман, деб уриниб интизор эди. Мактаб чорбоғидаги тўплар жим-жит, шунинг учун Лопахин „газандалар босиптилар, шекилли!" деб ўйлаб афсус еди, кейин балки тўплар бошқа жойга кўчгандир, деган фикр эсига келиб бирмунча тинчланди. Юзада бўлиб турган даҳшатли портлашлар, гарчи унинг эс-ҳушини олиб меровлантириб қўйган бўлса ҳам, ғайратини қўлидан бермай хандақдан зўрға туриб, дамбадам эҳтиёт блан секин-секин хандақ бўйидаги тупроқдан бошини чиқазиб қарар эди. Ёрилган бомбаларнинг ўтли тўлқини бошини қайириб юборса ҳам, душман бомба ёғдириб туриб, шу тўполон ичида танклари блан бостириб келмаётганмикин деган ховотир блан осмонни босган чанг-тўзон орасидан душман танкларини кўрмоқ бўлиб тикилиб-тикилиб қарар эди. Ховотири рост чиқди. Немис танклари кўриниб қолди. Ер бағирлаб йўлни қия олиб келаётган қорамтир танкларни аниқ кўрди... Унинг қип-қизариб бўртиб кетган ёшли кўзлари ҳамма нарсани кўрарди. Лекин отган ўқим хато кетмасин деб, орадаги масофа лоақал эллик метр қолганда отмоқчи бўлиб кутиб турди. Икки марта ўқ узишда танкни ишдан чиқазди".

Қисқа вақт ичида ниҳоятда қаттиқ ва ма'нодор руҳий фаолият бўлиб ўтди. Бунда идрокнинг билиш процесслари блан бирга *„Эшитармикинман*

деб уриниб". — „ *тикилиб қарар эди,"* аниқ „*кўрди*" (фикр) ўйлаш" („фикр эсига келиб") ҳам бор, ҳиссиёт ҳам бор („*афсус еди*", „тинчланди"), сўнгра бунда ирода ҳам бор („ғайратини қўлидан бермай...", „бошини чиқазиб қаради", „ўқим хато кетмасин деб кутиб турди"); бу процессларнинг ҳаммаси бунда бир-бирига ниҳоятда қаттиқ боғлаиган ва буларнинг ҳаммаси фаолиятнинг умумий бир вазифасига, я'ни душман ҳужумини қайтариш вазифасига буйсундирилган бўлиб, натижаси ниҳоятда муҳим ва мас'улиятли иш блан тамом бўлди, я'ни „танкни ишдан чиқазди .

Одамнинг фаолияти вақтида ёлғиз руҳий процессларгина пайдо бўлмай, балки одамнинг *руҳий хусусиятлари ҳам шу фаолият соясида* вужудга келиб боради. Одамнинг турмуши, унинг амалий фаолияти унинг руҳий қиёфасини туғдиради. Бировнинг турмушини ва қиладиган ишларини билмагунча, унда пайдо бўлган ҳаваларни, турли қобилиятларини тушунаолмаймиз, унинг характери нега бу хил ёки у хил бўлганини билаолмаймиз.

4. ОДАМНИНГ РУҲИЙ ҲАЁТИНИ ТЕКШИРИШ МЕТОДЛАРИ

Психология кўпроқ *мушоҳада ва эксперимент* методларидан фойдаланади.

Мушоҳаданинг психологияда ниҳоятда кўп татбиқ қилинадиган айрича бир хили кишининг ўзи тўғрисида қилган мушоҳадаларидир, я'ни ҳаркимнинг ўзида бўладиган руҳий ҳолатлар тўғрисида ўзининг қилган мушоҳадаларидир. Чунончи, масалани ечиш процесси менда қандай боришини текширмоқчи бўлсам, масалан, бундай қилишимиз мумкин: масалани ечишга киришиб, миямга қандай фикрларнинг қандай тартибда келганини ниҳоятда қаттиқ диққат блан билиб бораман, биронта қоида ёдимга келдими, масалани, ечаётганда ўзимга ишонмаслик, афсусланиш, ёки ўзимга ишониш каби ҳиссиётлар қўзғолдими, қўзғолса қандай чоқларда қўзғолди, диққатим ба'зида бошқа ишларга чалғиб кетдими, диққатимни чалғитмаслик учун курашишга тўғри келдими ва бошқа бунинг каби ҳолларни текшириб бораман.

Аммо кишининг ўзи тўғрисида ўзи қилган мушоҳадалари, психикани текширишда бирдан-бир бўлган йўл эмас. Бундан кўра муҳимроқ бошқа йўл ҳам бор, у ҳам бўлса, одамларнинг қилган ҳаракатларига диққат қилиб бориш ва бунинг натижасига қараб, уларнинг руҳий ҳаёти тўғрисида муҳокама юргизишдир.

Психиканинг фаолият блан маҳкам боғлиқлигини, одамнинг психикаси унинг фе'л-атворида ва қилган ҳаракатларида зоҳирга чиқишини биламиз. Одамни танимоқ учун унинг қилмишларига диққат қилмоқ керак. Шунинг учун ҳам бировнинг ҳаётини диққат блан мушоҳада қилиб, текшириб борганлар, бу одамда бўлган ўзгаришларни, унда пайдо бўлган янги ҳаваларни, янги туғилган ҳиссиётларни аксари унинг ўзидан аввал пайқайдилар. Аксари шундай ҳам бўладики, ба'зиларнинг характер,

ёки қобилиятларини уларнинг ҳаётини текшириб борган киши уларнинг ўзидан яхшироқ билади.

Психология мушоҳаданинг бу икки хилидан ҳам, я'ни одамнинг *ўзи тўғрисида қилган мушоҳадасидан* ҳам, *бошқаларнинг ҳаракат* ва *фе'л-атворлари тўғрисида қилинган мушоҳадасидан* ҳам фойдаланади ва бу йўлларнинг ҳарбири воситаси блан ҳосил қилинган натижаларни қиёс қилиб кўради.

Психикани текширишдаги бу йўлларнинг иккови ҳам ма'лум даражада билим ва тайёргарлик талаб қилади. Одам ўз руҳий ҳаётини муваффақият блан яхши текшириб бориши учун, бир онда жараён қилиб ўтиб кетадиган нозик руҳий ҳолатларни пайқай оладиган ва уларни тўғри атаб баён қилаоладиган бўлмоги керак. Бу ишда тажрибаси бўлмаган одам, ба'зи туйғуларга ном тополмайди, руҳий ҳолатларнинг қандай жараён қилганини баён этиб ёзишга келсак, бунга жуда ҳам нўноқлик қилиб қолади. Бошқаларнинг руҳий ҳаётларини яхши текшира билиш учун аввало у одамнинг қиёфасида зоҳир бўладиган барча ҳаракатларни (унинг қилиқларини, қиладиган ҳаракатларини, гапиришини ва имо-ишораларини) диққат блан яхши мушоҳада қилабилиш, иккинчидан, унда зоҳир бўлган бу кўринишларнинг психологик ма'носини тўғри чақабилиш керак. Одамнинг афтида бўлган ўзгаришни пайқашнинг ўзи кифоя қилмайди, бу ўзгаришни пайқаш блан бирга, ниманинг ифодаси эканини ҳам тушунмоқ керак.

Одам ўз туйғуларини текширишни қанча яхши ўрганган бўлса, бошқаларнинг психологиясини ҳам тушунмоқ унга шунча осондир. Аксинча, одам бошқаларнинг руҳий ҳаётини тушунишда қанча юксалган бўлса, ўзининг руҳий ҳаётини ҳам шунча яхши тешкира оладиган бўлади.

Албатта, психологиянинг иши фақат унинг ўзи муносабатда бўлган одамларни мушоҳада қилиш блан чегараланаолмайди. Бевосита қилинган мушоҳаданинг материаллари, кундалик хотиранома, хатлар, хотирот сингари ҳужжатларни текшириш ва бундан ташқари одамларнинг руҳий ҳаётларини чуқур ва тўғри тасвир этучи катта сан'аткор адибларнинг асарларини текшириш йўллари блан тўлдирилмоғи керак.

XIX асрнинг ўртасидан бошлаб айрим психик процессларни текширишда эксперимент кенг суратда татбиқ қилинабошлади.

У вақтдаги улуғ олимлар аввал одамнинг кўриш, эшитиш, тери туйғуси каби сезгиларини текширишда эксперимент методини қўлладилар. Кейин махсус асбоблар воситаси блан ба'зибир психик процессларнинг қанчалик тез жараён қилишини ўлчаш имкони топилиб, ба'зи психик процессларнинг тезлиги бир секундинг мингдан бир бўлаги доирасида тўғри аниқланди. 80-нчи йилларда хотирани текшириш учун энг биринчи экспериментлар қилинди, я'ни махсус йуллар блан одамнинг бир нарсани қанча тезлик блан: қанчалик пухта ва аниқ ёд ола билиши ва қанчадан кейин эсидан чиқиши ва бошқа бунинг каби ҳоллар текширилиб ўлчанилди. Рус психологи Николай Ланге 80 ва 90-нчи йилларда одамнинг диққат ва идроғини эксперимент

методи блан текширди. 90-нчи йилларга келиб, одам фикрининг қандай жараён қилиши тўғрисида энг аввалги экспериментлар қилинди. XX аср бошларида руҳий ҳолатларни амалий равишда текшириш блан шуғулланучи бирнеча ўнлаб ҳисобланган лабораториялар пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда одамнинг психологиясини эксперимент йўли блан текширадиган махсус асбобларга эга бўлган бирнеча катта ва мукаммал институтлар бор.

Психологияда экспериментнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Биринчидан, эксперимент қилганда текширучи одам, текширмоқчи бўлган психик процессларнинг тасодифан юзага чиқишини кутиб ўтирмасдан, текширилаётган одамда бу руҳий ҳолатларни туғдиручи шароитларни унинг ўзи пайдо қилади.

Иккинчидан, эксперимент қилучи одам психик процесслар жараён этучи шароитнинг ба'зиларини ўз хоҳиши блан ўзгартади ва бунинг оқибати нима бўлганини ўзи кўриб туради. Масалан, бирор материални (чунончи, бирқанча ажнабий сўзларни) ҳархил йўллар блан ёд олдириб кўриб, қандай қилганда тезроқ ва пухтароқ ёд олиш мумкинлигини аниқласа бўлади.

Учинчидан, махсус асбоблар воситаси ва алоҳида методлар йўли блан психик процессларнинг ба'зи томонларини *ўлчаш* мумкин бўлади, масалан, психик процессларнинг қанчалик тез жараён қилишини, хотиранинг қувватини ва расолигини ва бошқа бунинг каби томонларни ўлчаш мумкин бўлади.

Тўртинчидан, бир экспериментни доим бир шароитда бирнеча одам устида такрорлаб, бу одамлар ўртасида шу жиҳатдан қандай тафовут борлигини, ҳарқайсисининг бу жиҳатдан қандай хусусиятлари борлигини аниқлаш мумкин бўлади.

5. ПСИХОЛОГИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Одамни текшириш фаннинг энг муҳим вазифаларидан бири эканлигига шубҳа йўқ. Одам ҳақидаги фанлар ичида психология ҳам биринчи ўринда туради.

Материалистик илмий назарияга эга бўлмоқ учун бошқа фанлар қаторида психология фанини ҳам ўрганиш лозимдир. Жон (руҳ) ҳақидаги идеалистлар назарияси турли таассуб ва хурофатларга замин бўлганлиги ма'лум. Психология фанининг асосларини билиш бу таассуб ва хурофотларга қарши курашда кучли қурол бўлади.

Психология турли одамларнинг руҳий ҳаётларини билишга имкон беради. Одамларга та'сир қилиш блан боғлиқ бўлган ва одамларнинг руҳий ҳолатларини билиб, шунга қараб улар блан муомала қилабилишни ва уларнинг руҳий хусусиятларини тушунишни талаб қиладиган ҳарбир ишда, психологиянинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Одамларнинг руҳини текшириб билаолиш ва яхши тушуниш ҳамда уларга та'сир қилиш зарурати бўлмаган ҳечбир ихтисос йўқ, десак бўлади.

Бизнинг СССР да социализмдан коммунизм даврига ўтиш палласида психологиянинг аҳамияти айниқса каттадир. Марксизм-

ленинизмнинг мустаҳкам пойдевори устига қурилмоқда бўлган чинакам илмий психология, капитализмнинг кишилар онгида қолган сарқитлари блан курашишга ва ёшларимизга коммунистик тарбия беришдан иборат бўлган улуғ вазифани бажаришга ёрдам беручи билим блан бизни қуроллантириши керак.

Ўртоқ Сталин ёзучиларни „инсон руҳининг инженерлари" деган. Одамнинг руҳий ҳаётини идора қилучи қонунларни билиш ёзучиларга қанчалик фойда эканини исбот қилиб ўтиришга эҳтиёж бўлмаса керак. Ба'зибир хил ихтисос намояндалари ҳам бирмунча даражада „инсон руҳининг инженерларидир"; булар қаторига ҳаммадан аввал педагоглар киради. Психологияни билиш педагогларга мутлақо зарурдир.

Адабиёт ва тарих ўрганиш учун ҳам психологияни билиш аҳамияти катталигини айтиб ўтмоқ керак. Одамнинг руҳий ҳаётини тушуна билиш, тарих ва адабиётга доир бўлган кўп ҳодисаларни тўла ва тўғри онглашга катта ёрдам беради.

Психологияни ўрганиш кишининг ўз руҳий ҳаётини тушунишга ёрдам беради. Ба'зида киши ўз туйғуларини сўз блан баён қилиш ва ёзишга қандай қийналишини ҳарким билади; ҳолбуки ўз туйғуларини баён қилабилиш ва ёзиб тушунтира билиш ниҳоятда қимматли фазилатдир. Ўз туйғулларини баён қилабилиш, бу туйғуларни онглаш ва тушунишга ва бунинг соясида уларни ма'лум даражада идора қилабилишга имкон беради.

Психология кишига ўзини танишга, ўзининг яхши ва ёмон томонларини билишга имкон беради. Кишининг ўз тарбияси учун ўзи устида ишлаши, камчиликларини йўқотиб, яхши сифатларини ўстириш учун одам ўзини билмоғи керак. Ватанга мумкин қадар кўпроқ фойда келтираоладиган ва ўзини мумкин қадар кўпроқ қаноатландирадиган, ўзига муносиб ихтисос ва касб танлаб олмоқ учун ҳам киши ўзини яхши билмоғи керак.

Психологияни билиш, ўзининг зиҳний ишини тўғри тартибга солишга, жумладан ўқиш ишларини режага солишга ёрдам беради. Ёд олишнинг қайси усули яхши, қандай қилганда тез ёд бўлади ва билим маҳкам ўрнашади? Турли малакаларни пайдо қилиш учун уларни қандай машқ қилмоқ керак? Зиҳн, диққат ва фикрнинг ўсиши нимага боғлик? Эсни қандай йўллар блан камолга етказиш мумкин? Бу масалаларнинг ҳаммаси психология билими доирасига киради.

Ҳозирги замондаги психология илми бирнеча тармоқларга бўлинади. Балоғатга етган ва руҳий соғлом, саломат кишиларнинг руҳий ҳаётидаги қонунларни текшириш блан шугулланучи *умумий психология* блан бир қаторда, психологиянинг яна қуйидаги тармоқлари ҳам муҳимларидан ҳисобланади: *болалар психикасини текширучи психология,* ҳайвонлар психологиясини текширучи *зоопсихология,* одамнинг руҳидаги касалликларни текширучи *патопсихология* (юнонча „дард" ма'носида бўлган „патос" сўзидан).

Бундан ташқари, фаолиятнинг ма'лум соҳасига оид бўлган шароитда инсоннинг руҳий ҳаётини текширучи яна бир қанча махсус тормоқлари ҳам бор, чунончи: *ҳарбий психология, педагогика психологияси, сан'ат психологияси* ва бошқалар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Психология қандай масалалар блан шуғулланади?
2. Психикани материалистик равишда тушуниш блан идеалистик тушунишнинг фарқи нима?
3. Руҳий процессларнинг хилларини айтинг.
4. Руҳий процесс блан шахснинг руҳий хусусияти ўртасида қандай фарқ бор?
5. Одамнинг психикаси блан унинг фаолияти ўртасида қандай муносабат бор?
6. Одамнинг руҳий ҳаётини текшириш учун мушоҳада методи қўлланилганда, мушоҳада қилучидан нималар талаб қилинади?
7. Кишининг ўзини ўзи мушоҳада қилиши нимадир?
8. Психологияда экспериментнинг аҳамияти нимадан иборат?
9. Психологияни ўрганишнинг қандай аҳамияти бор?

II боб

ПСИХИКАНИНГ ТАРАҚҚИЙСИ

6. ПСИХИКАНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ТАРАҚҚИЙСИ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ МА'ЛУМОТ

Дун'ёга материалистик қарашнинг асоси—материянинг тараққийси тўғрисидаги та'лимотдир.

Ҳаётнинг пайдо бўлиши, я'ни тирик материянинг, ёки бошқача айтганда, органик материянинг вужудга келиши, материянинг ўсиб тараққий қилишидаги муайян бир босқичдир. Анорганик (жонсиз) материядан пайдо бўлган тирик материянинг жонсиз материяда бўлмаган айрича хоссалари бордир. Бу хоссаларнинг энг муҳими унинг *сесканучанлигидир*, я'ни ташқаридан бўлган қўзғовга сесканиб жавоб беришидир, муҳитнинг та'сири блан қўзғолишидир. Тирик материя сесканадиган материядир.

Материянинг бундан буёнги ўсиши, тирик материянинг бирмунча юксак шаклларида янги бир хоссанинг пайдо бўлиши блан боғлиқдирким, янги пайдо бўлган бу хосса, унинг *сезучанлигидир*, я'ни организмга та'сир қилган нарсаларнинг хоссасини акс этдиручи *сезиш қобилиятига эгалигидир*.

Психиканинг ибтидоий шакли ана шу сезгидир.

Шу тариқа, психика ҳарбир тирик материяда бўлаверадиган хосса эмас. Ленин та'бирича, психика „органик материянинг юксак шаклларининг юксак маҳсулидир". Фақат сесканиш (ёки қўзғолиш) қобилиятига эга бўлган материя ўсиб, сезиш қобилиятига эга бўлган матёрияга айлангунча, я'ни ер юзида даставвалги ҳаёт пайдо бўлгандан, то психикага эга бўлган ҳайвонлар пайдо бўлгунча, жуда узоқ муддат ўтди.

Сезиш қобилияти аввал нерв системаси бўлмаган ҳайвонларда пайдо бўлган эса ҳам эҳтимол. „Сезиш қобилияти албатта нервларга боғлиқлиги шарт эмас, лекин ҳалигача яхши аниқланмаган ба'зи оқсил жисмларга боғлиқлиги шубҳасиздир" *(Энгельс)*. Броқ ковакичлилардан бошлаб психика нерв системасининг иши бўлиб қолганлиги шубҳасиздир; бундан сўнг ҳайвонот оламида психиканинг яна юксалиши нерв системасининг тараққий қилиши блан боғлиқдир. Умуртқали ҳай-

вонларда психиканинг ўрни тўғридан-тўғри мия бўлиб қолади. Шу тариқа юксак даражага чиққан ҳайвонлар блан инсоннинг психикаси, улар миясининг маҳсулидир; бошқа та'бир блан айтганда, мия психика а'зосидир.

Психика ҳайвонлар такомилнинг ма'лум босқичига етганда пайдо бўлган нарсадир.

Ҳайвонот олами такомил қилиб, инсон бу такомилнинг энг юқори даражасидаги самараси ўлароқ пайдо бўлди. Одамизоднинг психикаси ҳам, ҳайвонотнинг бутун такомил тарихи ичида етишиб борганлиги турган гап. Ҳайвонот оламида психиканинг пайдо бўлиши ва ўсиб тараққий қилиши, одамизод психикасининг гўё илк тарихидан иборатдир. Ҳайвонот психикасининг қандай пайдо бўлиб, қандай ўсганлигини текшириш, одамизод психикасининг қандай етишганлигини билишга ҳамда одамизод психикасини ҳайвонот психикасидан фарқ қилган ва одамизоднинг ўзига хос бўлган янги хусусиятларнинг нимадан иборатлигини билишга имкон беради.

Психиканинг энг аввал одамизодда пайдо бўлган юқори босқичи онг дейилади. Такомилнинг юқори даражасига чиққан ҳайвонларга хос бўлган психикадан одамизоднинг онгига кўчишда энг катта аҳамиятга эга бўлган нарса меҳнатдир. „Одамнинг ўзини меҳнат яратди" *(Энгельс). Одамнинг онгини ҳам меҳнат яратди.*

Албатта, ибтидоий ҳолдаги одамларнинг онги ҳозирги одамлар онгидан анча бошқача эди. Ҳозирги инсонларнинг психикасида бўлган хусусиятлар, инсоннинг табиатида азалдан бор бўлган нарса эмас. Инсоннинг онги замоннинг ўтиши блан ҳаётнинг ижтимоий шароитлари ўзгариб тараққий қилган сари, шу тараққиёт заминида вужудга келди.

Психиканинг пайдо бўлганидан, то ҳозирги инсон онги даражасига етгунча босиб ўтган узоқ йўли, бир-биридан фарқли бўлган икки процессга бўлинади: бу процесснинг бири *ҳайвонлар психикасининг ўсишидир.* Бу процессни табиатдаги *ўзгаручанлик,* ирсият ва табиий *сараланишдан* иборат бўлган биологик қонунлар идора қилиб келган ва у инсон онгига замин ҳозирлаган. *Иккинчиси инсон онгининг замон ўтиши блан тараққий қилиб боришидир. Инсон онгининг бу тараққиётида ижтимоий-тарихий қонунлар энг асосий, муҳим ўрин тутгандир.*

7. ҲАЙВОНЛАР ПСИХИКАСИНИНГ ЎСИШИ

а) Ҳайвонларда инстинкт ва кўникма

Муҳитга яхши мосланиш учун ҳайвоннинг ўзгарганлиги, муҳит ўзгарганда, шунга қараб дарров ўзгариш қобилияти ниҳоятда муҳимдир. Ҳайвоннинг бу қобилияти *эгилучанлик,* ёки мосланиш қобилияти деб юргизилади. Ҳайвоннинг мосланиш қобилияти, *психикасининг тараққий даражасига* боғлиқ-

дир, я'ни психикаси қанча юксалган бўлса, муҳитнинг ўзгаришига шунча тез ва мукаммал мосланаолади.

Эгилучанлик нуқтаи назаридан қараганда, *ирсият йўли ила мирос бўлиб ўтган туғма қилиқлар устун бўлган инстинктлар блан ҳайвоннинг ўз тириклик тажрибаси соясида пайдо қилган кўникмаларини* бир-биридан фарқ қилмоқ керак. Инстинктларнинг асоси *шартсиз рефлекслардир, кўникмаларнинг асоси эса шартли рефлекслардир.*

Ҳайвонлар инстинкти деб, уларга ирсият тариқасила мирос бўлиб ўтган бирмунча мураккаб бўлган ҳаракатларни айтамиз. Чунончи, асаларининг мўмдан ин қилиши, қушларнинг уя қилишлари, фасл ўзгариши блан уларнинг учиб кетиш ва келишлари, уларнинг инстинкт блан қилган ҳаракатларига бир мисолдир. Муҳит та'сири остида ҳайвонотнинг ҳарбир жинсида пуштдан-пуштга ўтиб борадиган бирнеча аломат ва хусусиятлар пайдо бўлиб боради. Бу аломат ва хусусиятлар пуштдан-пуштга ўтиб анчаси йиғилгач, бунинг натижасида табиий сараланиш йўли блан турли инстинктлар пайдо бўлади. Ҳар жинс ҳайвондаги инстинктларнинг улар яшаган муҳитга ниҳоятда яхши мослашганлигининг сабаби шудир. Асалари мўмдан шундай ин ясайдики, сўнг даража кичкина, тор жойда сўнг даража оз материал сарф қилиб, имкон иборича ихчам ва кенг уй қилади.

Броқ инстинкт блан қилинадиган бу хил ҳаракатлар ҳайвоннинг ақли борлигига бирмунча далалот қилади, деб ўйлаш чаккидир. Асалари ўзига уя қилганда, унинг сар ҳисобига бориб, ўйлаб қилмайди. Ҳайвонларда ба'зида ақлнинг аломати кўриниб қолади, лекин ҳайвонлардаги бу ақл аломати, инстинкт ҳаракатларидан бўлмаган бошқа ҳаракатларда кўринади. Буни кейинроқ баён қиламиз.

Ҳайвонлар тўғрисида қилинган қуйидаги мушоҳадалар, инстинк ҳаракатларида „ақл иштироки" борлиги тўғрисида айтилган мулоҳазаларнинг нотўғрилигини кўрсатади. Чунончи, муҳит, инстинкт ҳаракатларини бема'ни қилиб қўядиган равишда ўзгартилганда ҳам бу ҳаракатлар бояги-боягидай қилинаберади. Масалан, арининг мўмдан қилган инини тешиб қўйиб, ундаги асалнинг ҳаммасини оқизиб юборилса ҳам, асалари барибир унга қўядиган одатдаги асалини қўйиб, гарчи бу иш беҳуда бўлса ҳам, ковакнинг оғзини маҳкам қилиб бекитиб қўяди. Шимолда яшайдиган гагарка номли қуш тухум босса, агар у овқат излаб тухум босган жойидан туриб кетганда тухумни нарироқ силжитиб қўйсак, қайтиб келиб, тухуми йўқ бўлса ҳам, аввал ётган жойига келиб, олдида турган тухумга сра парво қилмай ётаберади. Шу тариқа, ҳайвоннинг яшаган муҳитида одатдагидан ташқари бўлган ўзгариш, ниҳоятда мукаммал ва мувофиқ бўлган инстинктив ҳаракатни, ҳайвоннинг биологияси нуқтаи назаридан, жуда беҳуда, ба'зида ҳатто зарарли ҳаракатга айлантириб қўяди.

Броқ инстинктив ҳаракатлар ҳечбир ўзгармайдиган ҳаракат эмас. Идеалист биологларнинг, организмларда бўлган ирсий хоссалар ўзгармайди, деган да'воларининг таксизлигини, Мичурин назарияси асосига қурилган илғор биология исбот қилди. Организм янги муҳитга тушиб қолса, янги аломат ва хусусиятлар пайдо қилади; янги пайдо бўлган бу аломат ва хусусиятлар пуштдан-пуштга ўтган сари кучайиб, келажак авлодда сақланиб қолади. Ирсий аломат ва хусусиятлар шундай ўзгаради. Ҳайвонларнинг инстинктлари ҳам шу равишда ўзгараберади.

Бир жинс ҳайвоннинг яшаган муҳитида тўсатдан биронта ўзгариш бўлиб қолганда, ҳайвонларда қандай ҳолатлар рўй берганини, қандай ҳаракатлар қилишларини мушоҳада қилсак, инстинктив ҳаракатлар ўзгармас экан деган хаёлга келамиз. Лекин бир жинс ҳайвоннинг яшаган муҳити бир ўзгарганча шу ҳолда тураверса, бу ҳолда ҳайвоннинг инстинктлари ҳам шунга қараб ўзгариб боради. Аммо бу ўзгариш тез бўлмай, нисбатан секин бўлади, бирнеча пушт ўтгунча секин-секин давом қилиб бораверади.

Демак, *инстинктлар, ҳайвонлар табиатидаги қилиқ ва одатларнинг энг эгилмайдигани, я'ни ҳаммадан секин ўзгарадиганидир.*

Ҳайвонларнинг кўникмаси деб, ҳарбир ҳайвоннинг ўз тириклик тажрибасида секин-секин пайдо бўладиган қилиқларини айтамиз. Инстинктлар ҳайвонга мирос тариқасида ўтади, кўникмани эса ҳайвон кейин ўз умри ичида пайдо қилиб боради.

Ҳайвонларни ром қилиш, я'ни *„ўргатиш“* деган нарса ҳайвонда бирнеча кўникмалар пайдо қилиш демакдир. Бу қобилият ҳатто чувалчангларда ҳам бирмунча бор. Ёмғир ёққанда чиқадиган чувалчангларни ҳам „ўргатиш“ мумкин. Агар юриб кетаётган чувалчанг чап томонга бурилганда унинг баданига электр қуввати югуртирилса, қачонки чувалчанг яна чап томонга бурилганда яна ҳа деб шундай қилаверсак, юриб кетаётган чувалчанг шу ма'лум жойга борганда, доим ўнг томонга буриладиган бўлади.

Тишлик балиқ (окунь) устида қилинган қуйидаги тажриба балиқларда ҳам ўрганиш борлигини аниқ кўрсатади. Буни синаш учун аквариумни ўртасидан ойна блан бўлиб, бир ёғига иккита тишлик балиқ ташланади. Нариги ёғига эса тишлик балиқнинг емиши бўлган майда балиқдан бирнечаси ташлаб қўйилди. Тишлик балиқлар, албатта, майда балиқларни ейишга кўп қаттиқ ҳаракат қилдилар, лекин ҳар гал тумшуқлари ҳалиги, ўртадаги ойнага тегиб қайтишар эди. Бу тажриба ҳар куни ярим соатдан бир ойгача такрорланди. Тишлик балиқларнинг ҳаракати секин-секин сусайиб, бир ой деганда майда балиқларни ейишга ҳеч ҳаракат қилмай қўйдилар. Кейин ўртадаги ойна олиб ташланиб, майда балиқлар катта тишли

балиқлар турган томонга ҳам ўтиб юрабердилар, лекин тишлик балиқлар уларга тегмадилар ва майда балиқлар турган томонга ўтишга ҳаракат ҳам қилмадилар.

Сутэмизучи ҳайвонларда турли мураккаб кўникмалар пайдо қилиш қобилияти ниҳоятда кучлик эканлиги жуда яхши ма'лум.

Кўникманинг инстинктдан фарқи шуки, ҳарбир ҳайвоннинг ўз тажрибасини акс этдириш ва бундан ташқари у, ҳайвоннинг *кўникиш ва ўзгаришга энг кўп мойил бўлган қилиғидир.* Ҳайвон ўзида бир ўрганиш пайдо қилганда, тириклик шароитидаги янгиликларга, муҳитда бўлган ўзгаришларга мосланади.

Ҳайвонот оламида бўлган такомил шундай йўлдан бордики, ҳайвонотнинг ҳар жинсида бирхил қилиқ пайдо бўлди.

Ҳайвонот оламининг икки катта тормоғидан бири бўлган бўғин оёқлиларда (я'ни ўргумчак, қўнғиз каби ҳашоратларда) такомилнинг оқибати шу бўлдики, бу жинс ҳайвонларда ниҳоятда мураккаб инстинктлар пайдо бўлди. Иккинчи тормоққа кирган ва такомилнинг юқорироқ даражасига чиққан умуртқали ҳайвонларда кўникмалар кўпроқ ўсди. Умуртқали ҳайвонларнинг тубанроқ даражада турганларининг қилиғи ҳашаротларникига қараганда анча басит, я'ни соддадир, лекин буларнинг қилиқлари ўзгаришга кўпроқ мойилдир ва шунинг учун тобора ўсишга кўпроқ имкон беради. Ҳашаротнинг ниҳоятда мураккаб бўлган инстинктлари сўнг даража мукаммал бўлса ҳам, ўсиш, тараққий қилиш жиҳатидан, гўё боши берк кўчадир.

Умуртқалилар шажарасига кирган ҳайвонларда ҳам шунга ўхшаш ҳолни кўрамиз. Қушларда жуда мукаммал қилиқларни туғдирган ва лекин тараққиётни тўхтатиб қўйган инстинктлар ниҳоятда яхши ўсган. Сутэмизучи ҳайвонларни олсак, буларда қилиқнинг ўсиши кўпроқ кўникма йўлидан борди.

Броқ ҳарбир жинс ҳайвонда қилиқнинг бирон хили устун бўлгани ҳолда, бошқа хиллари ҳам бирмунча бўлади. Бу ҳол ниҳоятда муҳимдир. Бўғиноёқли ҳашаротларда инстинкт кучлидир, лекин бу блан бирга уларда кўникма пайдо қилиш қобилияти ҳам бордир. Иккинчи томондан, кўникма ҳамиша инстинкт асосида пайдо бўлади, я'ни ирсият йўли блан мирос тариқасида ўтган ба'зи қилиқлар асосида пайдо бўлади.

б) Ҳайвонларда билишнинг ўсиши.

Ҳайвонда бўлган қилиқларнинг муҳитга мосланиш қобилиятининг даражаси, ҳайвон психикасининг даражаси блан бевосита боғлиқдир, я'ни дун'ёда бор нарсаларни мияда акс этдиришнинг бирмунча юксак шаклларининг пайдо бўлиши ва психик процессларнинг мураккаброқларининг туғилиши блан боғлиқдир.

Психиканинг бошланғич шакли *сезги* эканини биламиз. *Идрок* қобилияти, *я'ни нарса ва ҳодисаларни бутун ҳолида*

уларнинг барча хосса ва аломатлари блан тўла равишда акс этдириш қобилияти анча кейин пайдо бўлади, шунда ҳам ёлғиз умуртқали ҳайвонлардагина пайдо бўлган бўлса керак. Ҳатто юксакроқ даражага чиққан бўғиноёқлилар, я'ни ўргумчак ва қўнғиз каби ҳашаротлар ҳам психика тараққисининг *нарса ва ҳодисаларнинг айрим хоссаларини акс этдириш қобилиятини* вужудга келтирган даражасига чиқаолмайдилар. Бу ҳашаротларнинг психикасида идрок устун бўлмай, балки сезги юқори туради.

Масалан, ўргумчакнинг қилган ҳаракатларига диққат қилсак, бу тўғрида қаноат ҳосил қилишимиз мумкин. Пашша ўргумчакнинг инига илинди дегунча, ўргумчак дарров етиб келиб пашшани ипи блан ўрайбошлайди. Бунда ўргумчак *пашшани идрок қилган* бўладими, я'ни уни бирқанча аломатлардан таркиб топган бутун бир нарса деб биладими? Йўқ, бунда ўргумчак пашшанинг ёлғиз бир хоссасини билади, я'ни пашшанинг қанотларидан чиққан ва ўргумчакнинг ипидан бориб унга етадиган дириллашини билади, холос. Агар пашшанинг қаноти дирилламай қолса, ўргумчак ҳам ҳаракатини тўхтатади, худди пашша унинг инига сра илинмагандек, пашшани ҳеч пайқамай қолади. Аммо пашша ипларни яна дириллата бошласа, ўргумчак дарров пайқаб, яна унга ёпишади. Тинғиллаб овоз чиқазадиган камертонни ўргумчак инига тегизсак, ўргумчак дарров пайқаб, уни ўрайбошлайди. Пашша блан камертон ўртасида тинғиллаган овоздан бошқа ўхшашлик йўқ. Модомики ўргумчак пашшага ҳам камертонга ҳам бир хилда муомала қилдими, бас у *пашшани идрок* қилганидан эмас, балки *тинғиллаган овозни сезганидан* бундай муомалада бўлади.

Умуртқали ҳайвонлар психикасининг ўсишида *нарсаларни идрок* қилиш қобилияти пайдо бўлган давр энг муҳим даврдир; ҳайвонларда бу қобилият пайдо бўлгач, кейин бунинг заминида, нарсаларнинг тасаввурини сақлаш қобилияти пайдо бўлади, сўнгра правордида тафаккурнинг бошланғичи пайдо бўлади ва бу ҳол ҳайвоннинг фаросат блан боғлиқ бўлган қилиқларида зоҳир бўлади.

в) Ҳайвонларнинг фаросат блан боғлиқ бўлган қилиқлари.

Ҳайвонот оламининг такомилда юксалган жинсларида, чунончи, одам қиёфали маймунларда, ба'зида шундай қилиқлар кўриладики, бу қилиқларни инстинкт деб ҳам, кўникма деб ҳам бўлмайди. Қилиқнинг юқорироқ даражада турган бундайлари *интеллект қилиқлар*, ёки фаросат дейилади.

Бу хил қилиқлардан бўлган ба'зи ҳаракатларнинг бирнеча мисолларини кўрсатамиз.

Қафасдаги маймуннинг олдига, қафасдан ташқарида маймуннинг қўли етмайдиган жойга банан меваси ташлаб, қафаснинг ичига бир калтак ҳам ташлаб қўйилса, маймун аввал бананни олишга хўб уриниб кўради, уриниб-уриниб ололмагач, калтакни кўриб қолиб, уни олади ва бу калтак блан бананни думалатиб қафасга яқин келтиради.

Агар банан қафас ичида баланд жойга осилиб қўйилган бўлса, ва маймуннинг бўйи етмаса, аввал хўб сакраб уни олмоқчи бўлади, кейин қафас ичидаги яшикни қўйиб, унинг ус-

тига чиқади, шунда ҳам бўйи етмаса, устига яна бирнеча яшикни қўйиб чиқади (расм 1).

Агар банан боягидай қафасдан ташқарида бўлиб, уни битта калтак блан думалатиб келтириш мумкин бўлмаса, бу ҳолда маймун қафасдаги калтакларнинг иккитасини бир қилиб узайтиради (калтаклар бомбукдан бўлганидан ичи ковок бўлиб, маймун уларни бир-бирига тиқади — расм 2).

Фаросат блан боғлик бўлган қилиқ, кўникмага қараганда, анча эгилучан бўлади, я'ни муҳитнинг янги шароитларига тезроқ мосланишга имкон беради. Куникма секин-секин пайдо бўлади. Ҳайвон бир нарсага ўрганганда, шу пайтдаги ҳолатига мувофиқ бўлган ҳаракатни *секин-секин* эгаллаб боради, лекин фаросат блан боғлиқ бўлган қилиқлар пайдо қилганда, аввал бошда фаҳм етмай турганда ҳаракатда муваффақият бўлмаганини кўрамиз (маймуннинг бананни



Расм 1.

Шипга осиғлиқ бананни олмоқ учун яшикларни устма-уст қўйиб чиқаётган шимпанзе.



Расм 2.

Иккита калта калтакни улаб узайтираётган шимпанзе.

қўл блан олишга уриниши, сакраб-сакраб ололмагани), аммо ҳайвон нима қилиш кераклигини фаҳмлагач (албатта, ҳайвон ҳаммавақт буни топавермайди), дарров муваффақиятга эришилади.

Бу блан бирга, *фаросатга боғлик бўлган қилиқда янги топилган йўл, ҳайвоннинг „эсидан"чиқмай, мустаҳкам ўрнашиб қолади.* Бояги тажрибалар яна такрорланса, энди бу гал маймун беҳуда урунмай, дарров ҳалиги топган йўлини ишлатади.

Фаросат блан боғлик бўлган қилиқларни тахлил қилиб текширсак, ҳайвонот оламининг такомилда юксак даражага кўтарилган турларида тафаккурнинг басит шакллари борлигини кўрамиз. *Фаросат блан қилинадиган ҳаракатларнинг ҳаммаси бир нарса воситаси блан қилинадиган ҳаракат бўлади*; я'ни ҳайвонни жалб қилган нарсани ҳайвон бевосита ўзи олмай, балки бошқа бир нарса воситаси блан олади. Аммо ҳайвоннинг психикаси *айрим нарсаларнигина акс этдирмай, балки бу блан бирга шу нарсалар ўртасидаги муносабатни ҳам акс этдирадиган бўлмагунча*, бу нарса мумкин бўлмайди. Нарсалар ўртасидаги муносабатни психикада акс этдириш, я'ни билиш эса, фикрлашнинг энг муҳим аломатларидан биридир.

Броқ *ҳайвонларнинг фаросати, одамнинг тафаккуридан тамомила бошқадир, ўртада сифат айирмаси бордир* ва ҳатто энг „ақллик" маймунларнинг ҳам фаросати ниҳоятда заифдир. Нарсалар ўртасида бўлган ва ҳатто гўдакларга ҳам аниқ ва равшан бўлган бирқанча муҳим муносабат ва алоқаларни маймунлар асло билмайдилар. Шипга осилиб қўйилган бананни олмоқчи бўлиб нарвон ёки яшикка чиққанда, маймун, аксари, нарвонни суямасдан уйнинг ўртасига келтириб қўяди, лекин яшикни бўлса ерга тегизмасдан, деворга ёпиштиргандай суяб қўяди. Маймуннинг бу иши анчайин бир „янглиш" эмас; бунинг беҳудалигини маймунларнинг ҳечқайсиси тушунаолмайди.

Расм 3.

Гидранинг диффуз нерв системаси.

8. НЕРВ СИСТЕМАСИ ВА ПСИХИКА

Нерв системасининг бошланғич шакли гидра жинсидан бўлган ҳайвонлардаги *диффуз нерв системасидир* (расм 3). Бунда нерв ҳужайралари блан толалари тўрга ўхшаб ҳайвоннинг пўсти тагида бутун а'зосига ёйилган бўлади. Диффуз нерв системасида нерв маркази деган нарса мутлақо бўлмайди.

Нерв системасининг бундан кейинги такомили бир томондан—чувалчанглар блан бўғиноёқли ҳашаротларда, иккинчи томондан, умуртқали ҳайвонларда бошқа-бошқа йўлга кириб кетди. Ҳайвонлар оламининг икки тормоғини ташкил қилган бу икки хил жониворнинг ҳарқайсининг психикаси блан қилиғи бошқа-бошқа икки йўлдан ўсиб борганлиги блан танишиб эдик. Бу жониворлардаги нерв системасининг бундай бошқа-бошқа йўлдан бориб такомил қилганлиги ҳам бевосита шунга боғлиқдир.

Чувалчангларда юксакроқ жониворларни оладиган бўлсак, бўғиноёқлиларда, *бора-бора тугунчакли нерв системаси* пайдо бўлади (расм 4.). Энг аввал нерв системасининг шунисида марказлашиш бошланади, я'ни нерв ҳужайралари бир жойга тўпланиб, нерв марказлари пайдо бўлабошлайди. Бу нерв марказлари нерв тугунчаги ёки ганглий дейилади. Нерв системасининг бундан буёнги такомили шу марказлашишнинг кучайишидан иборат бўлади. Нерв системасида пайдо бўлган бу тугунчаклардан баданнинг бош томонида, бўғиз тепасида бўлган бири кучайиб, қолганлари унга итоат қилгадиган бўлиб қолади (расм 4 да 1-тугунчак).

Умуртқали жониворларда нерв системасининг найча хили пайдо бўлади ва унинг бир-биридан аниқ фарқ қилиб турган икки қисми



Расм 4.

Чувалчангнинг тугунчакли нерв системаси (1 — бўғиз тепасидаги тугунчак).

бўлади; бу икки қисмнинг бири марказий нерв системаси, я'ни орқа мия блан бош мия бўлса, иккинчиси периферик, я'ни бутун баданга тарқаган нерв системасидир. Нерв системасининг бу шаклида марказлашиш аввал бошданоқ аниқ кўринади. Бу нерв системасининг бундан буёнги такомили миянинг мураккабланиши ва унинг ролининг кучайиши йўлидан боради. *Умуртқали жониворларнинг психикасини идора қилучи нерв системаси шу миядир.*

Умуртқали жониворлар жинсида нерв системасининг такомил қилиб ўсиши, миянинг олдинги қисмининг, я'ни унинг катта мия ярим шарининг улгайиши ва унинг ролининг ошиши блан боғлиқдир (расм 5).



Расм 5.

Умуртқали ҳайвонларда катта мия шарларининг такомили. Юқорида наҳанг балиқ (акула) нинг мияси; унинг пастидаги калтакесакнинг мияси; бунинг пастидаги қуённинг мияси; энг пастдагиси одамнинг мияси (*I* — миянинг ҳид биладиган бўлаги; *II* — катта мия ярим шарлари; *III* — оралиқ мия; *IV* — ўрта мия; *V* — мияча; *VI* — чўзинчоқ мия).

Балиқлар ва сувда ҳам қуруқда яшайдиган жониворларнинг психика а'зоси ҳамда уларнинг *кўникмаларини идора қилучи* а'зонинг бири мия поясининг олдинги қисмидир. Балиқ ёки курбақа катта мия ярим шарлари олиб ташланса, уларнинг қилиқларида унча катта ўзгариш бўлмайди ва бояги-боягидай ҳаракат қилаверадилар. Лекин қушларнинг катта мия ярим шарлари олиб ташланса, жуда ёмон та'сир қилади; гарчи

ҳархил сода кўникмалар пайдо қилиш қобилияти йўқолмаса ҳам, мураккаб кўникмалар тамомила йўқолиб кетади. Агар итнинг катта мия ярим шарлари олиб ташланса, тамомила ишдан чиқади; бунда ит бояги-боягидай туппа тузук ҳаракат қилаверади, юраберади, лекин нарсаларни таниш ва эсда сақлаш қобилиятини йўқотади ва ҳечқандай кўникма пайдо қилолмай қолади. Агар маймуннинг катта мия ярим шарлари олиб ташланса, бу нарса унга таъсир ҳам ёмон та'сир қилади; бунда маймунлар ҳаракат қилиш қобилиятини тамомила йўқотиб, ҳатто тўғри юролмай қоладилар.



Расм 6.

Турли сутэмизучилар миясининг пешона қисмининг бир-бирига қиёси

Сутэмизучи ҳайвонлардан бошлаб, психика а'зоси ҳамда кўникмаларни идора қилучи а'зо катта мия ярим шарларининг пўсти бўлиб қолади ва шунинг учун психиканинг тараққиёти жиҳатидан қараганда, мия пўстининг такомили асосий аҳамиятга эга бўлиб қолади.

Мия пўстин нг такомили қуйидаги йўллардан боради.

Биринчидан, мия пўстининг жим-жималари кўпайиб ва бу жим-жималар *узайиб*, бунинг орқасида *мия пўстининг сатҳи кенгаяди.*

Иккинчидан, мия пўстининг *ҳарбир қисми алоҳида вазифани ўтайдиган* бўлади, я'ни мия пўстида махсус вазифаларни бажаручи *марказлар* пайдо бўлади. Судралиб юручи жониворлар, ҳатто қушлар миясида ҳам вазифалар тақсими йўқ. Бу жониворлар миясининг пўсти ҳаммаси бир бўлиб, бир вазифани ўтайди. Сутэмизучи жониворларнинг мия пўстида ҳарқайсиси айрим бир вазифани бажаручи марказлар пайдо бўлади. Бунда, бир томондан, сенсор марказлар, я'ни айрим сезги а'золари блан боғлиқ бўлган сезги марказлари пайдо бўлади, иккинчи томондан, ҳаракат а'золари блан боғлиқ бўлган ҳаракат марказлари пайдо бўлади.

Учинчидан, миянинг манглай бўлаги бошқа бўлакларига қараганда улғайиб, унинг аҳамияти ошади ва миянинг бу бўлаги, кўпинча хилий мураккаб психик процессларни идора қилучи а'зо бўлиб қолади. Маймун устида қилинган тажрибалар шуни кўрсатдики, агар маймун миясининг манглай қисми олиб ташланса, аввал фаросат блан қилган ишларини ҳали ҳам қилаберади-ку ва лекин аввал қилмаган янги бир ишни энди қилаолмайди, аввал ўрганган ишига, масалан, калтак воситаси блан мевани тортиб олишга, фаросати етса ҳам, бошқасига етмайди.

Ҳайвонлар психикасининг ўсиши учун нерв системасининг, жумладан миянинг юқорида баён қилинган такомилидан ташқари, *улардаги сезги а'золари блан ҳаракат а'золарининг мукаммалланиб бориши ҳам катта аҳамиятга эгадир.*

9. И. П. ПАВЛОВНИНГ ҲАЙВОНЛАРДА ЮКСАК НЕРВ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ ТА'ЛИМОТИ

Ҳайвонларда янги кўникмалар пайдо бўлганда, бунинг физиологик асоси, улуғ рус физиологи И. П. Павлов томонидан топилган ва батафсил текширилган шартли рефлекслар механизмасидир. И. П. Павловнинг юксак нерв фаолияти тўғрисидаги та'лимоти, ҳайвонларда кўникма пайдо бўлишига сабаб бўладиган шароит ўзгарганда, кўникманинг ҳам ўзгаришига ва шароит ўзгариши орқасида кўникма фойдасиз бўлиб қолганда, ёки ҳатто зарарли бўлиб қолганда, унинг секин-секин барҳам топиб кетишига сабаб бўладиган физиологик қонунларни аниқ баён қилиб берди.

Павлов, мия пўстининг асосий ва энг ибтидоий вазифаси *нервлар ўртасида мувақкат (шартли) алоқа пайдо қилиш* эканини аниқлади. Мия пўстининг бу вазифаси қуйидагидан иборатдир. Агар бир ҳайвонга айни замонда икки қўзғовчи та'сир қилса, я'ни бири шартсиз рефлекс туғдиручи (чунончи, овқат), иккинчиси холис, ўзи ҳайвонда шартсиз рефлекс туғдирмайдиган (чунончи, қўнғироқ) икки қўзғовчи та'сир қилса, бу ҳолда мия пўстининг икки нуқтасида қўзғов пайдо бўлади. Қўзғов пайдо бўлган бу икки нуқта ўртасида йўл очилиб, боғланиш пайдо бўлади, я'ни икки нуқта бир-бирига боғланади, агар кейин ҳалиги икки қўзғовчи яна такрор қилинса, қўзғолган бу икки нуқта ўртасидаги боғланиш мустаҳкамланади. Икки нуқта ўртасида пайдо бўлган бу муносабат натижасида шундай ҳол туғиладики, овқат ҳайвонда одатда қандай ҳолат туғдирса, қўнғироқ ҳам шундай ҳолатларни туғдирадиган бўлиб қолади. Миянинг икки нуқтаси ўртасида бу боғланишни вужудга келтирган энг муҳим шарт, икки қўзғовчининг айни вақтда такрор қилинишидир.

Мияда қўзғолиш процесслари блан бирга, унинг акси бўлган процесслар ҳам, я'ни *тормозланиш* ҳам бўлади. Павлов буни ҳам аниқлади. Мия доим фаолиятда бўлиб, унинг бу фаолияти ҳамиша турли-туман, рангбаранг қўзғолиш ва тормозланиш ҳаракатларидан иборатдир, ва бу процесслар ўртасида *индукция қонуни* амал қилади. Бу қонун шундан иборатки, агар мия пўстининг бирон қисмида қўзғов бўлса миянинг бу қисми блан боғлиқ бўлган бошқа қисмлари тўхтайди; аксинча, миянинг бирон қисмида тормозланиш процесси воқи' бўлса, унинг ёнидаги бошқа қисмлари қўзғовга келади.

Ташқи тормозланиш индукция қонунига бўйсунган ҳоллардан биридир. Ташқи тормозланиш, деб Павлов қуйидаги ҳодисани айтган. Фараз қилайлик, ҳайвонда қачонки қўнғироқ овозини эшитса, овқат рефлекси туғиладиган одат бўлсин. Қўнғироқ чалганда итнинг оғзининг суви келади. Агарчи қўнғироқ чалиниб турган вақтда бошқа кучлироқ та'сир қилучи воқиа бўлиб қолса (масалан, уйга бегона одам кириб қолса), бу

ҳолда боя туғилган шартли рефлекс сусаяди, итнинг оғзидан суви келмайди. Бунинг сабаби шуки, миянинг бошқа нуқталари қўзғовга келиб, бошқа нуқталарини сусайтиради ва бунинг орқасида аввал пайдо бўлган шартли рефлекс сусайиб тўхтайди.

Ички тормозланишнинг сабаби бошқадир. Тормозланишнинг буниси ташқаридан бўладиган бошқа қўзғовчилар амал қилмаган ҳолда бир карра воқи' бўлган муваққат боғланишнинг ма'лум шароитларда давом этиши натижасида туғилади. Шартли рефлекснинг барҳам топиб кетиши ички тормозланишнинг бир мисоли бўлаолади. Агар ҳайвонга та'сир қилиб, унда рефлекс туғдиручи нарса (масалан, қўнғироқ) кетма-кетига бирнеча мартаба такрор қилинса-ю, лекин унинг кетидан шартсиз қўзғотучи ҳам такрор қилинмаса, масалан, овқат берилмаса, бу ҳолда ҳайвоннинг рефлексини қўзғотучи та'сир (қўнғироқ) та'сир қилмайдиган, я'ни шартли рефлекс туғдирмайдиган бўлиб қолади. Икки нуқта ўртасида боғланган алоқа вақтинча сусаяди (тўхтайди). Аммо бирмунча вақт ўтгач яна қўнғироқ чалинса, шартли рефлекс яна туғилади. Бу ҳол ўртадаги шартли боғланиш тамомила узилмай, фақат вақтинча сустлашганини исбот қилади. Ҳайвонларнинг қилиқларида ички тормозланишнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир, чунки у, фойдасиз бўлиб қолган рефлексни вақтинча барҳам бердиради.

10. ҲАЙВОННИНГ ЯШАШ ТАРЗИ ВА ПСИХИКА

Психика, унинг моддий асоси бўлган нерв системасининг, жумладан миянинг ўсиши блан маҳкам бирликда ўсади. Лекин психика ва нерв системасининг ўсиши оқибат натижада ҳайвоннинг *қандай тарзда яшаганига боғликдир.*

Мисол учун қушларни олайлик. Буларнинг тана тузилишини ҳам, психикасини ҳам белгилаган муҳим омил, уларнинг ҳавода учишга мосланганидир. Ҳавода яшаш учун кўз блан қулоқнинг жуда яхши ўткир ва зийрак бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам қушлардаги сезги а'золари шу йўлда такомил қилди. Йиртқич паррандалар учун ўз овини *йироқдан* кўриш ниҳоятда муҳимдир, шунинг учун бу хил паррандаларнинг кўзи бошқа ҳайвонларда бўлмаган даражада ўткир бўлади. Иккинчи томондан, ҳавода яшаш тери блан сезиш ва ҳид билиш жиҳатидан ҳайвондан кўп нарса талаб қилмайди, шунга кўра қушларда бу сезгилар жуда заифдир. Қушларнинг қиладиган ҳаракатлари (учиш) ниҳоятда маҳорат талаб қиладиган ва лекин жуда *қолиплашиб* қолган ҳаракатдир, шунинг учун бошқа турли-туман ва ўзгаручан ҳаракатларнинг пайдо бўлишига кўп имкон бермайди. Сутэмизучи ҳайвонларнинг кўпчилиги ер юзида яшайди; ер юзига қараганда ҳаво муҳити бирхилдир. Шу сабабли қушлар инстинктларни мукаммаллаштириш ва мураккаблаштириш йўлида такомил қилдилар, я'ни ўзгаришга

энг ноқобил бўлган қилиқларни ўстириш йўлида тараққий қилдилар; аммо сутэмизучи ҳайвонларга келсак, буларда қилиқнинг соддароқ ва лекин ўзгаришга кўпроқ қобил бўлган шаклари ўсди.

Иккинчи мисолга *маймунларни* олсак бўлади. Маймунларда психиканинг кўпроқ ўсганлигининг сабабини суриштирганда, уларнинг дарахт тепасида яшашини назарда тутмоқ керак. Дарахт устида яшаш ҳайвоннинг кўриш доирасини кенгайтиради; ҳид билиш қобилиятининг аҳамияти камайиб, олисни кўришнинг аҳамияти ошади. Шохларда юриш, шохдан-шохга сакраш, кўз блан яхши чамалашни, тери блан сезишда нозикликни ва энг муҳими ҳархил ҳаракатларга эпчилликни талаб қилади. Маймунлар ёнғоқ мағизини, ёғочнинг ўзагини ва ҳархил меваларни еб тириклик қилади. Бинобарин, маймунлар овқатни анча нозик ва қийин ҳаракатлар блан топадилар. Маймунларнинг қўли юриш вазифасини бажаришдан бирмунча қутилиб (дарахт тепасида яшаш натижасида), ушлаш вазифасини бажарабошлаганидан, улар ҳалигидек нозик ва қийин ҳаракатларни қилаоладиган бўлдилар.

Маймунларда психиканинг ўсишига сабаб бўлган муҳим омил, кўз назорати остида эпчиллик блан қиладиган нозик ҳаракатлар қобилиятининг пайдо бўлишидир. Шохдан-шохга сакрашда бўлсин, еядиган овқатлари блан қиладиган ишларида бўлсин ҳаммасида шу қобилият кўринади. Ёнғоқни чақиб мағизини олиш, апилсин пўстини арчиш ва бошқа бунинг каби ишлар, маймунларда ҳарбир нарсага „разм солиш", қилган ишларининг бу нарсаларни қандоқ ўзгартганига диққат қилиш қобилиятини ўстирди. Бунинг натижасида маймунларга хос бўлган „ҳар нарсага қизиқиш"одати, я'ни уларга янгилик бўлган ҳарбир нарсани кўрганда ҳар ёнидан тамоша қилиш, тимирскилаб кўриш одати пайдо бўлди.

Бунда айтилган гаплар, ҳайвонот оламида психика тараққисининг юксак даражаси бўлган фикр қилиш қобилиятининг бошланғичи маймунларда қандай пайдо бўлганини онглатади.

11. ИНСОННИНГ ОНГИ ВА ҲАЙВОНЛАР ПСИХИКАСИДАН УНИНГ ФАРҚИ

Инсоннинг онги, одамизод ҳайвонлик даражасидан ўтиб, меҳнат қиладиган бўлгач, шунинг натижасида пайдо бўлди. Ҳайвон табиатга *мослашади*, инсон бўлса, ўз эҳтиёжларини қондириш учун табиатни *ўзгартади*.

Инсондаги онгли психиканинг ўзига хос алоҳидалиги, одамизод блан унинг энг аввалги ота-бобоси бўлмиш ҳайвон ўртасидаги энг асосий ва энг муҳим ва ажрим қилучи фарқдан иборат бўлган ана шу меҳнат, ана шу ишлабчиқаришнинг алоҳидалигидан келиб чиқади.

Меҳнатнинг энг биринчи хусусияти, бир-бирига боғлиқ бўлган қуйидаги икки томонидир: 1) *қурол (асбоб) ишлатиш ва қурол тайёрлаш;* 2) *меҳнатнинг кўпчилик блан, жамият бўлиб бажарилиши.*

Энгельс, „Меҳнат, асбоб тайёрлашдан бошланади" дейди. Асбоб ясаш учун лозим бўлган шарт-шароитлар, юқорида кўрдигимиз каби, маймунлардаёқ пайдо бўлган эди. Қўлнинг юриш вазифасини бажаришдан бирмунча бўшаб, ушлаш ва тутиш вазифасини бажаришга мосланиши, кўз назорати остида ҳархил нарсалар устида қўл блан ҳархил ишлар қилиш қобилиятининг пайдо бўлиши, сўнгра фаросат блан боғлиқ бўлган қилиқларнинг пайдо бўлиши, бинобарин, фикр қилишнинг бошланиши, асбоб ясашга ўрганиши учун лозим бўлган шарт-шароитлар эди. Лекин бунинг учун яна бир муҳим қадам қўйиш керак бўлди, я'ни такомилда юксалган маймунларнинг тасодифий равишда асбоб ишлатишдан, энг аввалги инсоннинг асбоб ясаш ва асбоб ишлатишга *асосланган* меҳнатдан иборат бўлган фаолиятига ўтиш учун типпа-тик юришга ва қўлнинг юриш вазифасини бажаришдан *тамомила* қутилиши керак бўлди.

Маймуннинг қўли етмаган бананни тортиб олиш учун ишлатган „асбоби" бўлган калтак блан, чин меҳнат асбоби ўртасидаги фарқ, меҳнатнинг кўпчилик блан қилинишидаги хусусиятидадир. Меҳнат кўпчилик, коллектив фаолияти бўлиб майдонга келди ва меҳнат асбоблари даставвалданоқ бошлаб, ма'лум бир тўда одам томонидан майдонга келтирилган ва шу тўда одамга ма'лум бўлган муайян *бир усулда ишлатиладиган* асбоб сифатида майдонга келди. Шунинг учун асбоб „тайёрлаб қўйиш" ва уни сақлаш коллективдагина мумкин бўлди. Аммо маймунларда бундай ҳолни кўрмаймиз. Банан мевасини тортиб олиш учун калтак „ишлатиш усули" бу калтакнинг бир тўда маймунларга ма'лум бўлган доимий хусусияти ўлароқ сақланмайди. Маймунлар калтакни „асбоб" сифатида, аҳ'ёнаҳ'ёнда, тасодифан ишлатадилар. Шунинг учун ҳайвонлар ўз „асбобларини" сра сақламайдилар.

Асбоб ишлатиш, буюмнинг бирқанча доимий бўлган ва мустаҳкам қарор топган хусусиятларини ҳамда шу буюмнинг бошқаларига бўлган доимий муносабатини онглаш блан боғлиқдир. Бирор асбобнинг овқат топиш, ёки кийим қилиш учун бир восита эканини онгламагунча ва, бинобарин, бу асбоб воситаси блан топиладиган нарсаларга унинг қандай муносабати борлигини онгламагунча, асбоб ясаб ҳам бўлмайди, ишлатиб ҳам бўлмайди. Бирон асбобни ясаб, тайёрлаб қўйиш ва сақлаб қўйиш учун, унинг бошқа нарсаларга бўлган муносабати доимий ва барқарор эканини онгламоқ керак. Буюмнинг доимий хоссасини ва унинг бошқа буюмларга бўлган муносабатини онглаш, ба'зи ҳайвонларда бўладиган ибтидоий шаклдаги фикр қилишдан, одамда бўладиган онгли фикр қилишга ўтишнинг энг муҳим аломатларидан биридир.

Меҳнатнинг коллективлик хусусияти, меҳнатда айрим шахсларнинг кўмаклашишлари борлигини кўрсатади, я'ни ишнинг ҳеч бўлмаганда ибтидоий равишда бўлса ҳам, бирнечалар ўртасида тақсим қилинишини кўрсатади. Тўданинг ҳарбир айрим нафари, унинг қиладиган ҳаракати блан бошқаларнинг ҳаракати ўртасидаги муносабатни, ва, бинобарин, кўзланган мақсад блан унинг ҳаракати ўртасидаги муносабатни онгласа, шундагина ишнинг бундай тақсим қилиниши мумкин бўлади, йўқса мумкин бўлмайди.

Мисол учун ибтидоий ҳолдаги инсонлар ов қилганда, овни ҳайдаб келтиручининг қиладиган ишини олайлик. Уни ҳаракат қилдирган нарса нима? Ҳайвоннинг гўшти ёки терисига бўлган эҳтиёжи; овда қатнашганларнинг барисини кўзлаган мақсади ҳайвоннинг эти ва терисидир. Аммо овни ҳайдаб келтириб қамаб беручининг кўзлаган мақсади овни ҳуркитиб қочиришдир. Агар овни ҳуркитиб беручи, унинг ҳаракатлари блан овда қатнашучиларнинг бошқалари ҳаракати ўртасидаги муносабатни, демак, ҳайвоннинг эти блан терисини қўлга киргизишдан иборат бўлган мақсад ўртасидаги муносабатни онгламаса, унинг ҳаракатидан нима фойда бўлар эди. Ҳуркитиб беручи ўз ҳаракатларининг овдан кўзланган мақсадга етишиш учун бир восита деб онгламаганлиги учунгина бундай ҳаракат қилганлиги аниқдир.

Шу тариқа, инсонлар тўда бўлиб, коллектив блан меҳнат қилганларида, ҳарбир одамнинг ҳаракати бир мақсадга қаратилган бўлади, я'ни коллектив бўлиб ишлаш учун бу ишдан кўзланган мақсадни ва бу мақсадга етишмоқ воситаларини онглаш шартдир. Одамнинг фаолияти ва онги блан ҳайвонларнинг қилиғи ва психикаси ўртасидаги муҳим фарқларнинг бири шудир[1].

Онг *нутқ* блан баравар пайдо бўлди, *я'ни инсонлар тил воситаси блан бир-бирлари ила алоқа қиладиган бўлганларида онг ҳам пайдо бўлди.* Маркс, „онг қанча кўҳна бўлса, тил ҳам шунча кўҳнадир", деган.

Ҳайвонларнинг тили йўқ. Тўғри, ба'зида ҳайволар товушлари воситаси блан бир-бирларига та'сир кўрсатадилар. Галалашиб юручи қушлар қоровулининг бирор хавф тўғрисида

---

[1] Асалари, чумоли ва бошқа бунинг каби жониворлар орасида бўлган „меҳнат тақсимоти" ёлғиз инсонлар орасидагина бўладиган чинакам меҳнат тақсимотига ташқи кўринишдагина бирмунча ўхшайди ва бу ўхшаш жуда юзакидир. Бундай жониворларнинг фаолияти ҳеч маҳал коллектив ҳаракати бўлолмайди, уларнинг фаолиятида бир-бирига ёрдамлашиш йўқ. Юзадан қараганда, масалан, чумолилар ба'зида инларига „биргалашиб" овқат ташиётгандек кўринади. Аммо уларнинг бу ҳаракатларига яхшироқ диққат қилинса, овқатни ҳарқайсиси ўз томонига тортаётганлигини кўрамиз, лекин чумолиларнинг кўпи инига қараб бораётганидан, праворди натижада овқат инга келиб қолади.

овоз чиқазиб берган хабари бунинг мисолидир. Чунончи, турналар ерга қўнганларида қоровуллик қилиб турган турна узоқдан одамни, ёки бирорта йиртқич ҳайвонни пайқаб қолса, дарҳол қичқириб, бошқаларга билдиради ва қанот қоқиб учади. Буни кўриб бошқалари ҳам бирдан учиб кетишади. Броқ бундай ҳоллар ёлғиз ташқи кўринишдагина инсонларнинг гапиришларига ўхшайди. Қоровуллик қилиб турган қуш яқинлашиб келган хавфни билдириш учун онгли равишда қичқирмайди; унинг қичқириғи пайқаган хавфига инстинкт блан берган жавобидир, ёки шартли рефлексдир. Унинг бу жавобида қичқириқдан ташқари қанот қоқиш, учиш каби ҳоллар ҳам бор. Бошқа қушлар қоровулнинг овозидаги „ма'нони тушунганларидан" учмадилар, балки бу қичқириқ блан учиш ўртасида пайдо бўлган шартли рефлекс сабабидан инстинкт блан учдилар. Қушлар овознинг ма'нисига эмас, ўзига қараб иш қиладилар, ҳолбуки одамлар бир-бирлари блан гаплашганларида товушга қараб эмас, балки сўзларнинг ма'носига қараб иш қиладилар.

Юқорироқ даражада турган бошқа ҳайвонларнинг овоз чиқаришлари ҳам ҳақиқатда шундайдир. Маймунларни текширган олимлардан ҳечким уларни гапиришга ўргатаолмаганининг сабаби шудир.

Инсон даражасига етган одамлар коллектив бўлиб ишлаганда *„бир-бирларига бирон нарса айтиш эҳтиёжи"* (*Энгельс*) туғилгач, шунда нутқ пайдо бўлди.

Энг биринчи тил аввало ишдаги турли ҳаракатларни кўрсатадиган *ишора тили эди. Бу замонда нутқ а'зосининг муҳими қўл эди.* Броқ қўл блан бўладиган ишоралар воситаси блан гаплашганда, товуш ҳам чиқазилар эди ва бу товушнинг аҳамияти бора-бора ошди. Такомил давом этган сари ишораларнинг аҳамияти камайиб, муҳим рольни товуш ўйнайдиган бўлди: шундай қилиб айрим товушлардан иборат бўлган нутқ пайдо бўлди.

Меҳнат процессида онг вужудга келди, ва шу блан бирга бу онгнинг а'зоси бўлган *катта миянинг пўсти* ҳам ўсиб борди.

Миянинг такомил қилиб ўсиши блан бирга, унинг энг яқин қуролларидан бўлган сезги а'золари блан ҳаракат а'золари ҳам такомил қилиб борди. Аввал бошда қўлнинг такомил қилиб ўсиши катта аҳамиятга эга бўлди. Одамизод инсон даражасига етганда, ишлагандаги ҳаракат а'зоси ҳам, нутқ а'зоси ҳам, тери блан сезиш воситаси ила билиш а'зоси ҳам қўл эди. Кейинроқ бориб одамнинг ҳархил товуш чиқазадиган а'зоси ҳам, бу товушни эшитиш қобилиятига эга бўлган қулоқ ҳам, ва ҳайвонларнинг ҳечқайсисига муяссар бўлмаган, синжиклаб кўриш қобилиятига эга бўлган кўз ҳам қўлдан қолишмайдиган даражада катта аҳамиятга эга бўлди.

12. ОДАМДАГИ КАТТА МИЯНИНГ ПЎСТИ

Одамнинг мияси барча ҳайвонлар миясидан, жумладан юқори даражада турган маймунлар миясидан ҳам, аввало катталик жиҳатидан фарқ қилади; одам миясининг ўртача оғирлиги 1400 *г* келади, ҳолбуки орангутан миясининг ўртача оғирлиги 400 *г* келади. Шимпанзеники 450 *г*, горилланики — 500 *г* келади.

Инсон миясининг катта ярим шарлари пўсти ниҳоят даражада юксалган бўлиб, бунда 16 миллиардга яқин нерв ҳужайралари бордир. Бу ҳужайралардан бошланадиган нерв толалари мазкур ҳужайраларни сезги а'золари ҳамда ҳаракат а'золари блан боғлайди ва шунингдек ҳужайраларнинг ўзини ҳам бирбирига улайди.

Миянинг пўсти 3—4 *мм* қалинликда бўлиб, катта мия ярим шарлари устини қоплагандир. Микроскоп блан қараганда, мия пўстининг бирнеча қаватлиги ва бу қаватларнинг ҳарқайсисидаги нерв ҳужайралари бошқача тузилиб, ўтайдиган вазифаси ҳам бошқа эканлиги ма'лум бўлади. Мия пўстининг энг муҳим, асосий қаватларини олтита ҳисоблайдилар. Мия пўстининг турли бўлагида бу қаватлар ҳархилдир: миянинг бир бўлагида бирхил қавати кўпроқ ўсган бўлса, бошқа бир бўлагида яна бошқа қавати кўпроқ ўсган бўлади. Бунинг сабаби мия пўстининг ҳар бўлагининг бир вазифани ўташидир. Мия пўстининг ҳарқайсиси бирхил вазифани бажаручи бўлакларидан ҳозиргача аниқлангани 100 га яқиндир.

Одам миясининг тузилиши ва унинг қандай ишлаши турли методлар блан текширилади.

Инсон мияси блан юқори даражадаги ҳайвонлар мияси пўстининг қандай ишлашининг асосларини И. П. Павлов шартли рефлекслар методи блан аниқлади. Павлов ва унинг шогирдлари бу йўл блан, мия пўстининг ҳақиқий физиологиясининг асосларини қурдилар.

Мия биотокларини, я'ни мия пўстида ҳосил бўладиган жуда заиф электр қувватини текшириш методи сўнги вақтларда катта аҳамият олиб бормоқда. Ниҳоятда сезгир бўлган махсус асбоблар воситаси блан бу биотокларни билиш мумкин. Мия пўстининг ҳарбир бўлагида биотоклар, бу бўлакнинг ёлғиз ўзига хос бўлган равишда тўлқинланганлиги аниқланди (расм 7), сўнгра одамнинг мияси машғул бўлган иш ўзгарганда, биотокларнинг ўзгариши ҳам аниқланди.

Мия хирургияси соҳасида ҳозирги вақтда эришилган муваффақиятлар, мияни операция қилганда, мия пўстининг айрим бўлакларини электр қуввати блан ҳаракатга келтириб, бунда операция қилинган одамда қандай ҳаракат ва сезгилар пайдо бўлганини билишга имкон беради. Шуни айтмоқ керакки, мия оғриқни ҳис қилмайди, шунинг учун мияни операция қилганда, операция қилинадиган жойнинг ўзини наркоз блан жонсиз қи-

либ ҳам операция қилса бўлади, мия пўстига электр қуввати юборганда, оғригани сезилмайди.

Мия пўстининг айрим бўлаклари томонидан бажариладиган вазифаларни ўрганишнинг энг муҳим методи шиш, қон қуйилиш ёки яраланиш натижасида миясининг бирон бўлаги ишдан чиққан касал одамларни текширишдир. Мия пўстининг турли бўлагининг ишдан чиқиши турли оқибатга сабаб бўлади, ба'зида сезгиларнинг бирнечаси йўқолиб кетади, ба'зида турли ҳаракатлар издан чиқади, ба'зида эса нутқ ёки фикр изидан чиқиб айнийди.

Бу методлар ёрдами блан бирнеча муҳим натижалар ҳосил қилинди ва бу натижалар, инсон миясининг пўстидан иборат



Расм 7.

Мия пўстининг турли бўлакларидан келучи биотоклар ҳаракатининг чизиғи. *А* — ҳаракат марказидан, *В* — кўриш марказидан, *С* — эшитиш марказидан.

бўлган ниҳоят даражада мураккаб а'зонинг қандай ишлашини кўрсатади.

Биринчидан, одам миясининг пўстида ҳам, юқори даражадаги ҳайвонлар миясининг пўстида ҳам қуйидаги икки бўлакча бор, буларни айирмоқ лозим: 1) сезги блан идрокнинг марказий а'зоси бўлган сезучи бўлакча; 2) қимирлашни идора қилучи ҳаракат марказлари жойлашган бўлакча; мия пўстининг сезучи бўлакчаси кўпроқ *унинг орқа қисмидадир* (марказий жим-жиманинг орқасида), *қимирлашни идора қилучи бўлакча* марказий жим-жиманинг олди қисмидадир. Кўришни идора қилучи жой ҳам мия пўстининг сезучи бўлакчасида бўлиб, бу жой мия пўстининг энсага яқин томонидадир. Эшитишни идора қилучи қисм ҳам шунда бўлиб, бу қисми мия пўстининг чакка томонидадир.

Иккинчидан, мия пўстининг сезучи бўлакчаси жойи ҳам, ҳаракат бўлакчаси жойи ҳам бирламчи ва иккиламчи дейилган икки қатламга бўлинади. Мия пўстининг сезучи бўлакчасининг жойи *бирламчи* қатлами, оддий сезгилар марказидир, *иккиламчи* қатлами нарсаларни идрок қилиш, я'ни акс этдириш марказидир. Мия пўстининг ҳаракат марказларининг бирламчи қатлами ба'зибир хил мушаклар ҳаракатини идора қилучи марказдир. Бу жойларнинг биронтаси зарарланса, фақат зарарланган жойи блан боғлик бўлган ма'лум мушаклар (мускуллар) ишдан чиқади. *Ҳаракат марказларининг иккиламчиси* бир текис ва бир маҳомда қилинадиган мураккаб ва қийин ҳаракатларни идора қилучи марказдир. Бу марказлар зарарланса, кишининг ҳеч ери фалаж бўлмайди ва ҳарқандай ҳаракатларни қилаверади, аммо қийин ва мураккаб ҳаракатларда эпчиллик қолмайди, бу хил ҳаракатларга нўноқлик пайдо бўлади. Чунончи, аввал машинкада тез босган машинистка, энди ҳар ҳарфни бирма-бир, зўрға салмоғлаб босадиган бўлиб қолади.

Одам мияси пўстидаги сезгини идора қилучи жойнинг иккиламчи қатлами ҳам, қимирлашни идора қилучи жойнинг иккиламчи қатлами ҳам юқори даражадаги ҳайвонлар миясининг пўстига қараганда анча юксалган бўлади. Маймуннинг мия пўстининг кўп қисмини бирламчи қатлами ишғол қилади, одам миясининг кўп қисмини иккиламчи қатлами ишғол қилади. Миянинг иккиламчи дейилган қатламлари даставвал одам миясида пайдо бўлади. Одам миясининг бу иккиламчи қатламлари орасида, мия ярим шарининг чап қисмида жойлашган *нутқ марказларини* алоҳида кўрсатиб ўтмоқ керак. Нутқнинг сезучи (сенсор) маркази миянинг чакка қисмида бўлиб, ҳаракат маркази миянинг манглай қисмининг паст томонида орқа ёқдаги бурчакдадир.

Учинчидан, одам миясининг пўстида сезгиларни идора қилучи жойнинг ҳам, қимирлашни идора қилучи жойнинг ҳам иккиламчи дейилган қатламлари томонидан бажарилучи мураккаб ишлардан ҳам яна мураккаброқ ишларни бажаручи жойлар ҳам бор. Булар учламчи дейилган қатламлардир. Булар орасида вазифаси, айрим ҳаракатларни бирлаштириб, *уларни ма'лум бир мақсадни кўзда тутиб, онгли равишда қилинган мунтазам ҳаракатга* айлантиришни идора қилишдан иборат бўлган марказлар ҳам бор. Фақат инсондагина бўлган бу марказлар мия пўстининг *манглай қисмининг олдинидадир.* Мия пўстининг бу жойлари зарарланган одам, гарчи ҳаракат қобилиятини, нутқини ва ба'зибир фикр қилиш қобилиятини йўқотмаса ҳам, ўз қилиқ ва ҳаракатларини онгли равишда идора қилиш қобилиятини йўқотади. Мия пўстининг манглай қисми зарарланган касал кишиларнинг қиладиган ҳаракатларидан бирнеча мисол. Касал доктор блан гаплашиб бўлгач, кетмоқчи бўлиб ўрнидан туради; лекин шу чоғда эшиги очиқ турган шкафга кўзи тушиб, шкафга кириб кетади, кейин нима қили-

шини билмай ҳайрон бўлиб, жовдираб тураверади. Яна бир касал йўлакпинг охирида турган столдаги папиросни олмоқчи бўлиб, ётган уйидан чиқди, йўлда боратуриб рўбарўдан келаётган бир касални кўргач, беихтиёр қайирилиб, аввалги ниятини унутиб, унинг орқасидан кетаверади.

Бас, бундан ма'лум бўлдики, одам миясининг манглайидаги бўлаги, бошқа бўлакларига нисбатан, айниқса катта экан: одам миясининг бу бўлаги бутун мия пўстининг тахминан ўттиз процентини ташкил қилади, ҳолбуки юқори даражадаги маймунларда миянинг бу бўлаги ўнбеш процентини ташкил қилади (расм 6 қаралсин).

Мия пўстининг айрим жойларининг ҳарқайсисининг бажарадиган вазифаларини фарқ қилганда, инсон психикасининг соғлом ишлаши ҳамиша мия пўстининг ҳаммасининг ишида иштирок этишини талаб қилишини доим назарда тутмоқ керак. Ҳаракат, уни идора этучи махсус марказларга бевосита боғлиқ бўлса ҳам, бу ҳаракатнинг юзага чиқмоғи учун сезгиларли идора қилучи марказларнинг ишлаши ҳам мутлақо зарур, чунки ҳарбир ҳаракатни бир сезги идора қилиб ва йўлга солиб туради, иккиламчи дейилган қатламлар блан баравар бирламчилар ҳам ишламаса, иккиламчиларнинг ишлаши мумкин эмас; шунингдек, бирламчи ва иккиламчи дейилган қатламлар ҳам ишламагунча, учламчи қатламлар ишламайди.

Одамдаги катта миянинг пўсти, бўлаклари бир-бирига маҳкам боғланган бир бутун ва яхлит а'зодир, унинг турли вазифаларни бажаручи ҳархил бўлаклари бир-бирига ниҳоятда маҳкам боғлангандир.

13. ОНГНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЙСИ

Одамнинг онги, бизлар тарқаган қадимги ота-боболаримизнинг меҳнатга, ишлабчиқаришга ўтишлари натижасида секин-секин вужудга келди. Лекин ўртоқ Сталин айтганидек:, „Ишлабчиқариш ҳамиша ва ҳамма шароитда *ижтимоий* ишлабчиқаришдир". Дарвоқи', одам онгининг барча асосий хусусиятлари аввало меҳнатнинг коллектив бўлиб қилинадиган ижтимоий нарсалиги орқасида вужудга келган хусусиятлар эканини кўрдик. „Онг даставвалданоқ бошлаб жамият маҳсулидир ва инсон дун'ёда яшагунча, шу моҳиятда қолади" *(Маркс)*. Шунинг учун *онгнинг ўсиши, инсон психикасининг тараққий қилиши ижтимоий-тарихий тараққиётнинг боришига боғлиқдир.*

Бу тараққиёт аввало *янги эҳтиёжларнинг туғилишида* ифодаланди.

Ҳайвонни фаолиятга келтирган нарса ҳамиша унинг тириклик йўлидаги инстинктив эҳтиёжларидир. Ҳайвоннинг табиатида пайдо бўлган янгиликлар, янги хил ҳаракатлар, унда янги эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши блан боғлиқ бўлмайди. Масалан, итда янги бир қўзғовчи та'сири блан, чунончи, ёруғлик та'сири

блан, янги шартли рефлекс пайдо бўлганда, итда янги эҳтиёж туғилади эмас, я'ни бизнинг бу мисолимизда ёруғлик эҳтиёжи туғилади эмас, бунда ит аввал қандай бўлса, энди ҳам овқат эҳтиёжи та'сири блан қўзғолади, ёруғлик овқатдан дарак беручи бир ишора бўлиб қолгани учунгина бу ишора уни қўзғотади.

Лекин инсон бундай эмас. Дастлабки эҳтиёжларнинг меҳнат орқасида қондирилиши, бу эҳтиёжларнинг яна ўсишига, нозикланишига, сўнгра янгиларининг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Эҳтиёжларнинг ўсиши инсоннинг янги-янги фаолиятига боис бўлди ва бу фаолиятни борган сари мураккаблаштирди. Инсон психикасини бой ва кенг қилиб, ҳайвонларнинг тор доирада чегаралланган психикасидан уни жуда катта фарқ қилиб айирган нарса ҳам, инсон эҳтиёжларининг бундай ўсиб кўпайишидир.

Инсоннинг барча қобилиятлари унинг ўз эҳтиёжларини қондириш йўлида *қилган фаолияти натижасида пайдо бўлди ва ўсди.* Инсоннинг фаолияти дун'ёдаги мавжуд нарсаларни тобора мукаммалроқ, тўла ва ингичкароқ айиришни талаб қилган сари, унинг идрок қобилияти ўсиб бораверди. Инсоннинг фаолияти дун'ёдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги муносабат ва алоқани борган сари чуқурроқ тушунишни талаб қилган сари, унинг фикрлаш қобилияти ҳам ўсиб борди. Меҳнат, зиҳн қўйишни ва астойдил ҳавсала блан ишлашни, ишламоқда бўлган нарсага диққат қилишни талаб қилди, бунинг натижасида инсонда ифода ҳамда диққатни бир нуқтага тўплаш қобилияти ўсди.

Инсоннинг фаолияти қанча кўпайиб ранг-баранглашса, унинг қобилияти ҳам шунча кўпайиб ранг-баранглашди. Илм ва фан тараққий қилган сари инсоннинг илмий фикр қилиш қобилияти ўсди, музиканинг тараққиси, қулоқнинг оҳангларни билиш қобилиятини ўстирди.

Инсон табиатни эгаллаган сари ўзини идора қилишни ҳам ўрганиб борди. Инсонда бошқа нарсаларга бўлган муносабатини онглаш, ўз ҳиссиётини, эҳтиёж ва майлларини онглаш қобилияти бор, лекин ҳайвонларда бу қобилият йўқ. Ўз ҳиссиёт ва майлларини онглаш заминида, жамиятдаги тирикчилиги ва фаолияти талаблари та'сири остида, инсонда бу ҳиссиёт ва майлларни идора қилиш қобилияти, *ўз фе'ли-атворини онгли равишда тартиб ва интизом остига олиш қобилияти* пайдо бўлди.

Ҳайвонлар психикасининг такомилини биологик қонунлар, жумладан ирсият қонунлари, идора қилади. Инсон психикасининг тараққийсида булардан муҳимроқ бўлган бошқа омиллар амал қилиб, биологик омиллар эса орқага чекиндилар.

Юқорида кўрганимиздек, инсон томонидан исте'мол қилинган даставвалги меҳнат қуролларидек *кўпчилик жамият тажрибасининг* самарасидир. Ибтидоий ҳолдаги одамнинг бир қуролни

эгаллаши, кўпчилик жамият тажрибасини эгаллаши эди. Шунинг ўзиёқ психикани тараққий қилдиришда ҳайвонлар оламига сра ма'лум бўлмаган, тамомила янги бир омил эди. Жамиятда ҳосил қилинган тажрибани давом этдиришнинг яна бир воситаси аввал оғзаки нутқ бўлса, кейин ёзув бўлди. Инсонларнинг тажриба ва билимлари нутқ соясида бошқаларга тарқади ва бўғиндан бўғинга кўчди.

Гўдак та'лим ва тарбия олганда, ундан олдин ўтган бўғинларнинг барчаси томонидан яратилган меросни эгаллайди.

Одамнинг онгини, унинг ижтимоий турмуши белгилайди. „Одамларнинг маишати қандай бўлса, фикрлаши ҳам шундай бўлади“ *(Сталин.)* Одамларнинг иқтисодий муносабатлари, ёҳуд ишлабчиқаришдаги муносабатлари ўзгариши блан, уларнинг психикаси, онги ҳам ўзгаради, я'ни одамлар ўз эҳтиёжларини қондириш учун табиат блан курашганларида, ишлабчиқаришда бир-бирлари ўртасида туғиладиган муносабатлар ўзгариш блан уларнинг онги ҳам ўзгаради. Ўртоқ Сталин дейди: „Тарих шуни кўрсатадики, турли замонларда одамларнинг фикрлари, тилак ва орзулари турлича бўлган ва бунинг сабаби шу бўлганки, одамлар ўз эҳтиёжларини қондирмоқ учун табиат блан курашганларида турли замонларда турли равишда курашганлар ва бунга кўра уларнинг бир-бирларига бўлган иқтисодий муносабатлари турли шаклларга кирган“.

Бошланғич коммунизм даврида, инсонлар биргалашиб табиат блан курашганларида, хусусий мулк деган нарсани сра билмаган вақтда одамларнинг онги бошқача эди. Хусусий мулкчилик муносабатлари пайдо бўлиб, жамият синфларга бўлиниб, эксплоатация қилучилар блан эксплоатация қилинучилар ўртасидаги синфий кураш жамият тузумининг асосий хусусияти бўлиб қолган вақтда, одамларнинг онгида бошқа хусусиятлар пайдо бўлди; кейин қулдорлик асосига қурилган жамиятда ҳам, феодализм, сўнгра капитализм жамиятида ҳам шундай қилиб, бу даврларда ҳам одамларнинг онгида янги хусусиятлар пайдо бўлди.

Синфий жамиятда ҳарбир синфнинг типик намояндаларининг психикасида бўлган хусусиятлар, бу синфнинг ишлабчиқаришда тутган ўрни оқибатидир. Масалан, Гогольнинг „Ўлик жонлар“ деган асаридаги Собакевич, Коробочка, Плюшкин каби қаҳрамонларнинг руҳидаги муҳим хусусиятларни текширганда, бу қаҳрамонларнинг синфий зотини э'тиборга олмасак, уларнинг XIX асрдаги 30—40 йилларда ўтган рус помешчиклари эканлигига э'тибор қилмай, фақат бир „одам“, деб қарасак, бу ҳолда уларнинг психикасидаги муҳим хусусиятларни илмий равишда таҳлил қилолмаймиз ва тушунаолмаймиз. Горькийнинг асарларидаги қаҳрамонларга муайян бир синфнинг намояндалари деб қарамасак, Артомоновлар оиласининг а'золарига, Егор Буличевга буржуазия синфининг намояндаси деб, „Она“ романининг қаҳрамони бўлган Павел Власовга, Ниловнага ва бу романда

иштирок қилучи бошқа шахсларга, ишчилар синфининг намояндаси, деб қарамасак, уларнинг психологиясини онглайолмаймиз.

Тарихда ниҳоятда катта ўзгаришдан иборат бўлган Улуғ Октябрь Социалистик революцияси одамлар онгида ниҳоят даражада чуқур ўзгаришларни бошлаб юборди. Совет тузумига ўтиш блан, инсонни асоратга солган хусусий мулкчилик муносабатларидан қутилган одам психикасининг тарихий тараққисида янги бир давр бошланди. Совет кишисининг психологияси, капитализм жамиятидаги ҳархил синфларнинг намояндаси бўлган кишиларнинг психикасидан сифат жиҳатидан тамоман бошқадир. Социализм батамом қурилиб бўлиб, энди коммунизмга ўтилаётган мамлакатимизда, одамларнинг психикасида ғоят катта ўзгаришлар бўлмоқда.

Ўртоқ Жданов, „Биз бугун кечагидақа эмасмиз, эртага бугунгидақа бўлмаймиз. Энди биз 1917 йилдагидан аввалги руслар эмасмиз, юртимиз ҳам энди бошқача, характеримиз ҳам аввалгидай эмас, бошқача. Мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартган улуғ ўзгаришлар блан бирга биз ҳам ўзгардик ва ўсдик“, дейди.

Онгнинг тарихий тараққиси ҳеч маҳал бир текисликда, бир моромда бормайди. Тараққиётнинг ички мазмуни *ҳамиша эскилик блан янгилик ўртасидаги курашдир, вақти ўтиб улиб бораётган блан, тараққий қилиб бораётган нарсалар ўртасидаги, ўтмиш сарқитлари блан келажакнинг янгиликлари ўртасидаги курашдир.* Бунда шуни назарда тутмоқ керакки, аввал одамларнинг ижтимоий муносабати ўзгариб, кейин бу боисдан уларнинг онги ҳам ўзгаради. „Аввал ташқи шароит ўзгаради, аввал одамларнинг аҳволи ўзгаради. Сўнгра бунга мувофиқ уларнинг онги ҳам ўзгаради“ *(Сталин)*. Онг ўзгарганда бирданига ўзгармайди. Ҳатто онгнинг янги хусусиятлари аниқ, равшан бўлиб, бу хусусиятлар энг муҳим ва шоён-диққат хусусият даражасига етганда ҳам, ўтмишнинг сарқитлари кишиларнинг онгида яна бирмунча вақтгача сақланиб қолаверади, ва бу эскилик қолдиқлари ўртасидаги кураш ба'зида ниҳоятда қаттиқ тусга кириб кескинланиши мумкин.

1929—1930 йилларда деҳқонлар ялписига колхозга кирабошлаб, совет ҳукумати қулоқларни иқтисодий жиҳатдан чегаралаш сиёсатидан уларни тугатиш, уларни синф сифатида битириш сиёсатига ўтганда бўлган бурилиш, ниҳоятда катта инқилобий ўзгаришдан, жамиятнинг янги сифатларга эга бўлган бошқа ҳолатга ўтишидан иборат бўлган эди. Бунинг оқибатида деҳқонлар психологиясида чуқур ўзгаришлар бўлди. М. А. Шолоховнинг „Очилган қўриқ“ („Поднятая целина“) деган романида, деҳқонлар психологиясида бўлган бу чуқур ўзгаришлар жуда аниқ кўрсатилган. Деҳқонлар якка хўжаликдан колхоз хўжалигига кўчганларида, улар онгидаги, эскилик блан янгилик ўртасида бўлган кураш жиҳатидан қараганда, бу романда иштирок этучиларнинг бири бўлган Кондрат Майданниковнинг образи кўп ибратлидир.

Кондрат Майданников ўрта ҳол деҳқон бўлиб, колхозга кириш учун энг аввал ариза берганлардан бири эди. Гремячий қишлоғида колхоз тузиш масаласи кўрилган мажлисда у, бошқаларни ҳам колхозга ундаб ташвиқот қил-

ди. Лекин унинг бу янги турмушга кўчиши жуда қийин бўлиб, дилида кўп қаттиқ курашлар бўлиб ўтди.

„Кондрат колхозга осонлик блан етишмади. Уни, хусусий мулкка, ҳўкизларига, ота-бобосидан қолиб келган ўз пайкалига боғланган киндигини қонга белаб, кўзда ёши блан зўрға узди“... „Кондрат худодан аллақачон қайтиб, бутун дун'ё меҳнаткашларини озодликка, келажак қучоғига бошлаб бораётган коммунистлар партиясига ишонади. Чорваларининг ҳаммасини етаклаб колхозга олиб келди... Кондрат фақат ишлаганлар тишласин, ишлаганлар ўтласин, дейди. Кондрат совет ҳукуматига маҳкам ва қаттиқ ёпишиб, бирикиб кетди. Лекин, кечалари кўзида уйқи йўқ... ўз мол-мулкига қўйган ҳирси юрагини илондек чақиб ачитар эди“.

Колхоз мулкига жони ачийди, меҳнатга янгича қарашнинг намуналарини кўрсатади. Ударник деган улуғ номга колхозда ҳаммадан аввал у сазовор бўлди. Аммо хусусий мулкчилик қолдиқларидан миясини сра батамом тозалайолмади. Кечалари бедор ётиб хаёл суриб кетганда, „отхоналар олдидан ўтганида бошқа отларни кўрсам ҳеч парвойимга келмайди, лекин ўз отимни кўрганимда, яғринидан сағринисигача келган қорасига қараб, чап қулоғидаги тамғасини кўриб сра чидайолмайман, юрагим ачиб кетади. Пичаннинг яхшисини, тозасини, сер ғумойроғини унга ташлагим келаверади“ дейди.

Кондрат Майданниковнинг руҳий ҳолатидаги энг муҳим яхши нарса, ўз психологиясида қолган хусусий мулкчилик руҳини яхши тушуниб, унга қарши курашишга ва енгишга астойдил киришганидир. Гремячий қишлоғидаги ВКП(б) ячейкасининг секретари колхознинг энг яхши ударниги бўлган Кондратни партияга киргил, деб таклиф қилганида, партия а'зоси деган улуғ номни кўтаришга ҳали лойиқ бўлмаганини айтиб партияга кирмайди: „Модомики хусусий мол-мулкдан ҳали бутунлай кечаолмаган бўлсам, демак, партияга киришга ҳам виждоним қабул қилмайди. Менинг тушунишим шу“, дейди. Эскиликнинг ўз психологиясидаги колдиқларига бундай қараш, бу қолдиқларни енгиш учун энг яхши кафилдир.

Улуғ Октябрь Социалистик инқилобидан бери ўтган 31 йил ичида совет кишиларининг онги таг-тугидан ўзгарди.

„Инқилобимизнинг қўлга киргизган энг муҳим ғалабаси, одамларимизнинг руҳий қиёфасида пайдо бўлган янгилик ва улар ғоясининг ўсиб совет ватанпарварлари бўлиб етишганликлари эканини э'тироф қилмоқ керак. „Энди совет кишилари бундан ўттиз йил аввалги одамлар эмас“ *(Молотов)*.

СССР да зиҳний меҳнат блан жисмоний меҳнатни бирга қўшган одамлар етишаётганини, шаҳар халқи блан қишлоқ халқи психологияси ўртасидаги фарқ йўқолиб бораётганини, совет ишчиси, деҳқони ва зиёлисининг психологиясидаги фарқ ҳам секин-аста йўқолиб бораётганини биламиз.

Бу янги руҳий қиёфа ўтмишдан қолган сарқитларга қарши олиб борилаётган доимий кураш ичида майдонга келмоқда. Янгидан етишиб келаётган одамнинг психикасидаги янги хусусиятлар ўзидан ўзи пайдо бўлмайди. Бу хусусиятлар улуғ большевиклар партияси раҳбарлиги остида социалистик жамият қуриш соҳасидаги ишда актив қатнашиш соясида пайдо бўлади.

Капитализм ва унинг мафкурасининг психикага кўрсатган та'сиридан иборат бўлиб, янги социалистик жамиятга қарши бўлган қолдиқлар блан курашиш, сўнгра, иккинчи томондан, келажакнинг тухумидан иборат бўлиб, коммунизм давридаги

одам психологиясининг куртаклари бўлган янги хусусиятларни аниқ ва равшан онглаш, бу тарбиянинг айниқса катта аҳамиятга эга бўлган муҳим томонидир.

Ўртоқ Жданов совет ёзучиларига мурожаат қилиб бундай деган эди:

„Совет кишиларининг бу янги хислат ва фазилатларини кўрсатмоқ, халқимизни ёлғиз шу кунги ҳолида кўрсатмай, балки унинг келажаги, эртаги кунда бўладиган ҳолига ҳам назар ташламоқ, унинг илгарига босиб бораётган йўлини маш'ал блан ёритиб, унга ёрдам бермоқ, ҳарбир виждонли совет ёзучисининг вазифасидир".

Совет психологияси олдида ҳам бу вазифа энг муҳим ва марказий вазифа бўлиб туради.

Такрорлаш учун саволлар

1. Қўзғолиш қобилияти блан сезги ўртасидаги фарқ нима?
2. Онг деб нимани айтамиз?
3. Инстинкт деб нимани айтамиз?
4. Инстинктларнинг ўзгариши тўғрисида ниман биласиз?
5. Ҳайвонларнинг кўникмаси деб нимани айтамиз?
6. Ҳайвонлар психикаси такомил қилиб борганда, уларда бўладиган ба'зи психик процессларнинг қайсилари аввал ва қайсилари кейин пайдо бўлди?
7. Ҳайвонлардаги фаросатнинг асосий аломатлари қайси?
8. Нервлар ўртасида пайдо бўладиган муваққат боғланиш (шартли боғланиш) қайси йўсинда бўлади?
9. Ташқи тормозланиш блан ички тормозланиш ўртасидаги фарқ нимадир?
10. Ҳайвонлар психикасининг такомили нимага боғлик?
11. Инсон онгини ҳайвонлар психикасидан айирган муҳим фарқлар қайси?
12. Одамнинг катта мияси пўстидаги бирламчи, иккиламчи ва учламчи дейилган қатламлари ўртасида нима фарқ бор?
13. Онгнинг тарихан тараққий қилиб келганини кўрсатучи хусусиятларини айтиб беринг.

Масалалар

1. Ҳайвонлардаги инстинкт ҳаракатларидан мисол кўрсатинг.
2. Ҳайвонларда қандай кўникмалар пайқагансиз, айтинг.
3. Одамизоднинг ақли (тафаккури) ҳайвонларнинг фаросатидан тамомила бошқа бўлиб, сифат айирмаси борлигини кўрсатадиган мисолларни айтинг.
4. Адабиётдан совет кишиларининг руҳида ўтмиш қолдиқлари блан бўлган кураш мисолини кўрсатинг.

III боб

СЕЗГИЛАР

14. СЕЗГИЛАР ҲАҚИДА УМУМИЙ МА'ЛУМОТ

Сезги деб, моддий дун'ёдаги нарса ва ҳодисаларнинг сезги а'золаримизга кўрсатган та'сири натижасида вужудга келадиган ва бу нарса ёхуд ҳодисаларнинг айрим хоссаларини акс этдирадиган энг содда психик процессларни айтамиз.

Сезгилар воситаси блан атрофимиздаги нарсаларнинг хоссаларини биламиз, я'ни уларнинг қаттиқ ва юмшоқлигини, силлиқ ва ғидиришлигини, оғир-енгиллигини, иссиқ-совуқлигини, ҳидини, мазаси ва рангини, бу нарсалардан чиқадиган товушни биламиз. Бундан ташқари сезгиларимиз, бизнинг ўз баданимизда бўлган ўзгаришларни ҳам билдиради; чунончи, баданимизнинг айрим а'золарининг қимирлаганини, қайси ҳолатда турганини, ички а'золаримизнинг бузилганини ва бошқа бунинг каби ҳолларни сезамиз.

Бизнинг сезгиларимиз дун'ё тўғрисидаги барча билимимизнинг манбаидир. Сезгиларимиз, дун'ёни билдирадиган бошқа мураккаброқ процессларга, я'ни идрок, тасаввур, хотирлаш, фикр қилиш каби руҳий процессларга озиқ беради.

Ленин, „сезгиларимиз орқали бўлмаса бошқача йўл блан, на бирон хил жисмни, на бирон хил ҳаракатни билаоламиз" деган.

Сезги а'золарига та'сир қилучи моддий нарса ва процесслар *қўзғовчилар* деб аталади ва та'сир қилишнинг ўзи *қўзғотиш* дейилади. Қўзғотиш натижасида нервларда пайдо бўладиган процесс *қўзғолиш* ёки та'сирланиш дейилади. Қўзғолиш марказга элтучи нервалар орқали катта мия ярим шарларининг пўстига бориб етганда *сезги* ҳосил бўлади. Шу тариқа қўзғотиш физик процесс, қўзғолиш эса физиологик процесс, сезиш эса психик процессдир.

Сезиш ҳосил бўлиши учун зарур бўлган а'золарнинг ҳаммасини ва уларнинг ишини И. В. Павлов *анализатор* деб аташни таклиф қилди. Ҳарбир анализатор уч қисмдан иборатдир: сезги а'зоси, марказга элтучи нервлар ва миянинг ҳарқайси сезгининг ўзига тегишлик бўлган бир марказидир. Шун-

дай қилиб катта мия ярим шарларидаги бирламчи ҳис марказлари ҳам анализаторнинг бир қисмидир. Агар анализаторнинг бирон қисми бузилса, шу қисмда туғиладиган сезгиларнинг туғилиши мумкин бўлмай қолади; масалан, кўз зарарланса ҳам, кўз нервлари кесилса ҳам, миянинг ҳар икки бўлагининг энсадаги қисми бузилса ҳам кўриш сезгиси қолмайди.

15. СЕЗГИНИНГ ХИЛЛАРИ

Сезгиларнинг ҳаммасини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1) Бизнинг хорижимизда бўлган нарса ва ҳодисаларнинг хоссаларини акс этдиручи сезгилар, бу сезгиларнинг а'золари баданнинг ташқарисида бўлади ёки ташқарига яқин жойда бўлади.

2) Баданимизнинг айрим бўлакларида бўладиган ҳаракатларни ва ички а'золаримизнинг ҳолини акс этдиручи сезгилар. Бу сезгиларнинг а'золари баданимиз ичида (масалан, мушакларда), ёхуд ички а'золаримизнинг деворларидадир (масалан қорин, нафас оладиган а'золарнинг деворларидадир).

Кўриш, эшитиш, ҳидлаш, маза билиш ва тери сезгилари биринчи гуруҳга киради.

1. Кўриш сезгилари. Кўриш а'зоси кўзнинг қўзғовчиси ёруғликдир, я'ни узунлиги 390 миллимикрондан то 800 миллимикронгача бўлган электр магнит тўлқинидир (миллимикрон бир миллиметрнинг миллиондан биридир).

Биз кўрган нарсаларнинг ҳаммасининг бирон хил ранги бўлади. Тип-тиниқ бўлган ва, бинобарин, кўзга кўринмаган нарсаларгина рангсиз бўлади. Шунинг учун кўриш сезгилари ранглар сезгисидир, деяоламиз.

Рангларнинг ҳаммаси икки катта гуруҳга бўлинади: *ахроматик* ва *хроматик* ранглар. Оқ, қора ранглар ва кўкиш рангларнинг ҳаммаси ахроматик ранглардандир, қолган рангларнинг ҳаммаси, я'ни қизил, сариқ, яшил ва ложувар рангларнинг ҳаммаси хроматик ранглардандир.

2. Эшитиш сезгилари. Эшитиш а'зосининг қўзғовчиси товуш тўлқинларидир, я'ни ҳаво зарраларининг товуш манба'ларидан ҳар томонга қараб ёйилган узунасига тебранишидир.

Товуш тўлқинларининг қуйидаги хусусиятлари бор: тебранишнинг тезлиги, тебранишнинг амплитудаси, я'ни тебранишнинг паст-баландлиги, сўнгра унинг шакли. Бунга мувофиқ эшитиш сезгиларининг қуйидаги уч томони бўлади: товушнинг паст-баландлиги (йўғон-ингичкалиги), секин ва қаттиқлиги; тембри, я'ни оҳанги. Товушнинг паст-баландлиги ҳаво тўлқинларининг сур'атига боғлиқдир. Секин ва қаттиқлиги ҳаво тўлқинининг тебраниш кучига боғлиқдир, товушнинг оҳанги эса тўлқиннинг тебраниш шаклига боғлиқдир. Эшитиш а'зоси бўлган қулоғимиз, ҳар секундда 16 дан бошлаб то 20 минг теб

ранишгача бўлган тўлқинни сезаолади. Секундига 20 мингдан ортиқ бўлган тебранишни бизнинг қулоғимиз эшитаолмайди, ва бу товуш ультра товуш, дейилади.

Товушларни, улар туғдирган сезгиларга қараб, икки хилга бўладилар: *оҳангли товушлар* (қўшиқ, музика асбобларининг товуши, нағма чиқазадиган асбобларнинг товуши); *шовқинлар* (ҳархил ғижирлаган, тақирлаган, қарсиллаган, шитирлаган, гупиллаган ва бошқа бунинг каби овозлар). Нутқда оҳангли товушлар ҳам бор (кўпинча унлиларда), шовқин ҳам бор (кўпинча унсизларда).

3. Ҳидлаш сезгилари. Ҳид а'зоси бурун ковагининг юқори томонидаги ҳид ҳужайраларидир. Ҳид а'зосини қўзғовчи нарса, ҳидли нарсаларнинг ҳаво блан бурунга кирган зарраларидир.

4. Маза сезгилари. Маза сезгиларини, я'ни маза биладиган ғуддачаларни қўзғовчи нарса сувда ёхуд тупукда эриган мазалик нарсалардир.

Маза сезгиларининг бир-бирига ўхшамаган тўрт сифати бор: ширин, нордон, шўр ва аччиқ. Турли овқатларнинг ҳархил мазаси хилий даражада, маза сезгиларига ҳид сезгиларининг қўшилишига боғлиқдир. Агар ҳид сезгисига тамомила барҳам берилса, бу ҳолда чой, қаҳва, хинин ҳаммаси бир миқдорда эритилса мазаси бирхил бўлиб қолади.

5. Тери сезгилари. Тери ҳамда оғиз ва бурун ичининг сиртқи нам пардаси тўрт хил нарсани сезади: а) *Бир нарсанинг тегишини сезиш* (бу тактиль сезиш дейилади); б) *совуқни сезиш;* в) *иссиқни сезиш;* г) *оғриқни сезиш.*

Терининг ба'зи нуқталари фақат тегишни сезадилар (тегиш нуқтаси). Ба'зилари фақат совуқни сезадилар (совуқ нуқталари), яна ба'зилари фақат иссиқни сезадилар (иссиқ нуқталари) ва ба'зилари фақат оғриқни сезадилар (оғриқ нуқталари), совуқ нуқталари борлигини жўн бир синаш йўли блан билиш мумкин. Бунинг учун кўзни юмиб туриб, қаламнинг учини қовоққа секин сурмоқ керак. Бундай қилганда дам-бадам бир лаҳза ичида совуқ сезилиб ўтади.

Бу тўрт хил сезгининг ҳарқайсисини терининг турли жойи турли даражада сезади. Тилнинг учи ва бармоқларнинг учи, я'ни а'золарнинг энг чаққон қимирлайдиган жойи, теккан нарсани дарҳол сезади, лекин кишининг орқасида бу сезгирлик жуда камдир. Оғриқни тез сезадиган жойлар бутунлай бошқадир, орқанинг ва юзнинг териси оғриққа жуда сезгирдир, бармоқларнинг учи блан кафтда бу сезгирлик жуда камдир. Шу тариқа, терининг бир нарсани ушлаб кўрганда кўп ишлатиладиган жойи оғриққа жуда кам сезгирдир. Терининг бу жойлари оғриққа энг „чидамли" жойидир. Иссиқ блан совуқ сезгисига келсак, одатда терининг кийим ичида юрадиган жойлари, я'ни бел, қорин ва тўшнинг териси бу жиҳатдан жуда сезгирдир.

Ҳаракат сезгилари, мувозанат сезгиси ва ички сезгилар иккинчи гуруҳга киради.

1. Ҳаракат сезгилари. Бу сезги а'золари мушакларда, чандирларда ва бўғинларда бўлади. Қимирлаш сезгилари мушакларнинг қанчалик тортишиб тиришганлиги ва а'золаримизнинг ваз'ияти тўғрисида, масалан, қўлимизнинг кафти, тирсаги, ёхуд билаги қанчалик қайрилганлиги тўғрисида хабар беради.

Нарсаларни ушлаб кўрганда, я'ни қимирлаб турган қўлни нарсаларга теккизганда, айни замонда бирданига ҳосил бўлган тери сезгиси блан қимирлаш сезгиси туйиш дейилади. Туйиш а'зоси қўл ва унинг терисидаги мушак ва бўғинларидаги ҳамма сезги а'золаридир. Қўл даставвал маймунлардан бошлаб туйиш а'зоси бўлган, лекин фақат одамизодга ўтиб меҳнат а'зоси бўлгач, шундагина қўл мукаммал бир туйиш а'зосига айланди.

Тери сезгиларининг ёлғиз ўзи фақат баданга бир нарсанинг текканидан ва бу нарсанинг теккан жойи қаер эканлигидан хабар беради. Пешонамизга пашша қўнса буни дарҳол пайқаймиз, лекин қўнган нарса пашша бўлмай бир ҳас, хашак, ёки қоғоз теккан бўлса, буларни ҳам пашша хаёл қилишимиз мумкин. Терига теккан нарсанинг нималигини, унинг хоссаларини қаттиқми, юмшоқми, силлиқми, ғидиришми, юмалоқми, чўзинчоқми ва бошқа бунинг каби томонларини аниқ билиш учун бу нарсани ушлаб кўрмоқ керак бўлади. Масалан, нарсанинг қаттиқ ёки юмшоқлигини сезиш, бадан бу нарсага текканда унга қанчалик қаршилик кўрсатишига кўпроқ боғлиқдир; шу сабабдан ҳаракат сезгилари қатнашмаса, терига теккан нарсанинг қаттиқ, юмшоқлигини аниқ билиб бўлмайди.

2. Мувозанат сезгилари. Бу сезгиларнинг а'золари қулоқнинг карнайида бўлиб, бошнинг қимирлаши ва ваз'иятидан хабар беради. Учучиликда бу сезгилар ниҳоятда катта роль ўйнайди, шунинг учун учучининг бу ишга ярар-ярамаслигини аниқлаганда, ҳамиша унинг шу а'золари синаб кўрилади.

3. Ички а'зо сезгилари. Бу сезгиларнинг а'золари ички а'золардан аксарисининг деворларидадир. Чунончи, ҳалқум ва қизил ўнгач, қорин, ичаклар, томирлар, ўпка ва ҳоказоларнинг деворларида бўлади. Очиққанда, сувсаганда, тўйганда, кўнгил айниганда ва ички а'золаримиз оғриганда органик (ички) сезгилар туғилади. Соғломлик чоғимизда, тўқ вақтимизда, умуман ички а'золаримиз саломат бўлиб, соғлом ишлаб турган вақтда, ички сезгиларнинг ҳечқайсисини пайқамаймиз; бу сезгилар, аксари, ички а'золаримизнинг иши издан чиққанидан хабар беради.

16. СЕЗГИРЛИК ВА УНИНГ ЧЕГАРАЛАРИ

Сезгирлик деб, сезиш қобилиятига эга бўлмоқни тушунамиз. Сезгирликнинг икки даражаси бор: *абсолют сезгирлик, фарқ сезгирлиги* бор. Буларнинг бир-биридан тафовутини билмоқ керак. Абсолют сезгирлик деб, та'сири заиф бўлган

қўзғовларни сезиш қобилиятини айтамиз; фарқ сезгирлиги деб қўзғовлар ўртасидаги салгина айирмаларни сезиш қобилиятини айтамиз.

Қўзғовнинг ҳарқандақасидан сезиш ҳосил бўлавермайди. Баданимизга қўнган тўзаннинг теримизга текканини сезмаймиз; уйда осиғлиқ турган девор соати ёки қўл соатининг чиқиллашини узоқроқ жойдан эшитаолмаймиз. Сезгининг туғилиши учун бу сезгини қўзғотучи та'сирнинг кучи ма'лум даражада бўлмоғи шарт. Қўзғовнинг *эндигина сезилабошлаган даражаси, сезишнинг абсолют чегараси дейилади.* Кучи бу даражадан пастда турган қўзғовларнинг та'сири сезилмайди.

Сезиш даражасининг миқдори қанча кам бўлса, абсолют сезгирлик, шунча зўр бўлади. Агар биров баданининг 1 *мм*^{2} га 3 грамм оғирлик тушмагунча уни сезмаса, лекин бошқа биров баданининг 1 *мм*^{2} га 6 грамм оғирлик тушмагунча уни сезмаса, бас иккинчи одамнинг теккан нарсани сезиш қобилиятининг даражаси икки баравар ортиқ бўлади, абсолют сезгирлик эса иккинчи одамда биринчи одамдагидан икки баравар кам бўлади. Шу тариқа, *абсолют сезгирлик блан сезишнинг абсолют чегараси ўртасида тескари таносиб бор.*

Бизнинг сезги а'золаримизнинг абсолют сезгирлиги ниҳоят даражада кучли. Масалан, академик С. И. Вавилов кўзимизнинг абсолют сезгирлигини синаш йўли блан аниқлади. Кўзимиз энг яхши шароитда бўлганда бирнечагина квант миқдорида нур қувватини ҳам сезаолар экан. Агар ҳаво тамомила тиниқ бўлса эди, бунда шам'нинг мингдан бир қисми даражасида бўлган нурни бир километр жойдан туриб кўраолар эдик. Физика асбобларидан ҳечбири нурга бу қадар сезгир эмас. Ҳидга бўлган сезгирлигимиз ҳам ниҳоят даражада баланддир. Бизнинг ҳид билиш қобилиятимиз шу қадарки, ким'ёвий анализнинг ҳечқандай методи блан билиб бўлмайдиган миқдордаги моддаларнинг ҳавода борлигини бу қобилият воситаси блан билаоламиз. Чунончи, бир литр ҳавода бир миллиграм сун'ий мушкнинг юз миллиондан бир ҳиссаси бўлса кифоя, ҳид билиш қобилияти воситаси блан шуни ҳам билаоламиз.

Фарқ сезгирлигига келсак, буни аниқлаш учун *фарқ қилиш чегарасининг* қанчалигини аниқлайдилар.

Қўлимизга 100 грамм оғирлиқдаги юкни қўйиб, кейин унга яна бир грамм қўшсак, бунинг ҳеч та'сири бўлмайди, я'ни ҳечким қўлидаги юкнинг 1 грамм ошганини сезмайди. Оғирлик сезгисининг ошиши учун 100 грамм оғирликдаги юкка лоақал 3—4 грамм қўшмоқ керак бўлади. *Қўзғовларнинг кучи ўртасидаги сезилар-сезилмас, салгина фарқни билиш сезгисини туғдирган фарқнинг энг ақаллиси, фарқ қилиш чегараси дейилади.*

Шуни айтиб ўтишимиз керакки, сезишнинг кучи андак пайқаладиган даражада ошмоғи учун кейин қўшилган юк аввалгисига ма'лум бир нисбатда бўлмоғи лозим. Масалан, юкнинг

оғирлашганини пайқаш учун аввалги 100 граммга 3 грамм қўшиш лозим бўлса, 200 грамм юкка 6 грамм қўшмоқ керак бўлади, я'ни юкнинг оғирлиги ошганини пайқаш учун аввалги юкка тахминан унинг $^1/_{30}$ қисмини қўшмоқ керакдир.

Демак, фарқ қилиш чегарасининг доимий нисбат миқдори бор, шу сабабли сезишда салгина ўзгариш ҳосил бўлиши учун қўзғовнинг аввалги миқдорига унинг неча улушини қўшмоқ лозимлигини кўрсатадиган адад нисбат рақам (ёки каср) бўлиши керак. Бу қоида *асосий психо-физик қонун* дейилади.

Фарқ сезгирлигини кўрсатадиган адад блан фарқ қилиш даражасини кўрсатадиган адад бир-бирига тескари нисбатдадир.

Нур кучини фарқ қилиш даражаси тахминан $^1/_{100}$-дир. Бунинг ма'носи шуки, 100 шам' кучига эга бўлган нурга 1 шам' кучига эга бўлган нур қўшилса, шунда нур кучайиб, ёруғликнинг ошганлиги сезилади.

Товуш кучини фарқ қилиш даражаси ўртача олганда $^1/_{10}$-дир, демак, товушнинг сал баланд кўтарилганини пайқаш учун 100 кишидан иборат бўлган хўрга лоақал яна 10 киши қўшмоқ керак.

Абсолют сезгирлик ҳам, фарқ сезгирлиги ҳам, ўзгармайдиган доимий миқдор эмас. Бу миқдорнинг иккови ҳам шароитга қараб ўзгараверади. Сезгирликни ўзгартадиган сабабларнинг энг муҳими қуйидаги учтасидир. Биринчидан, сезгирлик, сезги а'золарига та'сир қиладиган қўзғовлар та'сири блан ўзгаради. Иккинчидан, сезгирлик айни замонда туғиладиган бошқа сезгилар та'сири блан ҳам ўзгаради. Учинчидан, сезгирлик тирикчилик шароити та'сири блан, аввало кишининг машғул бўлган фаолиятининг талаблари та'сири блан ўзғаради. Энди бу сабабларнинг ҳарқайсисининг қандай та'сир қилишини батафсил баён қиламиз.

17. АДАПТАЦИЯ.

Агар етарли даражада кучли бўлган қўзғовлар сезги а'золарига бирқанча вақтгача та'сир қилиб келса, бу қўзғовларнинг та'сири камайиб, улардан қўзғолиш қобилияти секин-секин камайиб, кор қилмайдиган бўлиб қолади. Агарчи қўзғовчилар жуда заиф бўлса, ёки ҳечқандай қўзғовчи бўлмаса, бу ҳолда сезгирлик ошади. *Сезги а'зосининг унга та'сир қиладиган қўзғовларга мосланиши орқасида сезгирликнинг бундай ўзгариши адаптация дейилади.*

Ба'зихил сезгиларда адаптация жуда кучлик бўлса, ба'зиларида жуда заифдир. *Бир нарсанинг текканини сезиш, иссиқ ва совуқни сезиш, ҳид сезгиси ва кўриш сезгиларида адаптация кучлидир, эшитиш ва оғриқ сезгиларида адаптация заифдир.*

Терининг бирон ерига бирмунча вақтгача ҳадеб тегилаверса, терининг *теккан нарсани сезиш қобилияти дарров ка-*

майиб кетади. Оғирлик сезгиси нарса баданга теккандан кейин орада уч секунд ўтгандаёқ аввал бошдаги кучининг $^1/_5$ улушигина қолади, буни кўп тажрибалар кўрсатди. Масалан, қимирламасдан бир жойда ўтирганимизда устимиздаги кийимнинг оғирлигини сезмай қолишимиз ҳам, баданга теккан нарсани сезиш қобилиятида пайдо бўлган адаптациядир. Ба'зида одам пешонасида турган кўз ойнагини излаб юради. Бунинг сабаби шуки, пешонанинг териси кўз ойнакнинг оғирлигига кўникиб қолиб адаптация пайдо қилади ва уни сезмай қолади.

Иссиқ ва совуқни сезиш қобилиятида адаптация жуда кучлидир. Чўмилганда сувга тушган он сув совуқ кўринади, лекин орадан икки-уч минут ўттач, сувнинг совуқлиги билинмай қолади.

Қуйидаги тажриба иссиқ-совуқ адаптациясини жуда аниқ кўрсатади. Агар бир қўлни 1—2 минутгача 40° даражасида бўлган иссиқ сувга, иккинчи қўлни иссиқлиги 20° дан ортиқ бўлмаган сувга тиқиб тургандан кейин иккисини ҳам бу сувдан чиқазиб иссиқлиги ўрта даражада бўлган (30°) сувга бирданига тиқилса, бу сув бир қўлга иссиқ туйилса, иккинчи қўлга совуқ туйилади.

Ҳидлаш сезгиларида ҳам адаптация ниҳоятда тез пайдо бўлади. Кўчада юриб, яхши шамоллатилмаган, ҳавоси бузуқ уйга кирганимизда, уйнинг ҳавоси бузуқлигини дарҳол сезамиз, лекин орадан бирнеча минут ўтгач, уйдаги ҳавонинг бузуқлиги сезилмай қолади. Қилинган тажрибалар, чунончи, иоднинг ҳидига 50—60 секунд ичида адаптация пайдо бўлиб, киши унинг ҳидига тамомила кўникиб қолишини кўрсатди. Камфаранинг ҳидига одам $1^1/_2$ минутда кўникади, я'ни адаптация пайдо қилади; ҳиди ўткир сирга (пишлоққа) 8 минутдан кейин адаптация пайдо бўлади. Ҳид билиш қобилиятини қайтадан тамомила тиклаш учун 1 минутдан 3 минутгача дам олиш керак бўлади.

Кўз адаптацияси айниқса катта аҳамиятга эгадир.

Қоронғи уйдан офтоб тушиб турган ёруғ ҳовлига чиққанимизда, аввал кўзимиз қамашиб, яхши кўраолмаймиз; куннинг ёруғи кўзимизни қамаштириб хира қилиб қўяди, аммо тўртбеш минутдан кейин кўзимиз куннинг ёруғига кўникиб, яна яхши кўраверади. Бу ҳол *ёруғлик адаптацияси*, я'ни ёруғликка кўникиш дейилади. Жуда ёруғ жойдан қоронғироқ уйга кирганимизда, бу ҳолнинг акси бўлади, я'ни *қоронғилик адаптацияси* пайдо бўлади. Бунда, аввал худди тим қоронғи жойга кириб қолгандек бўламиз; ҳечнарсани кўрмасдан пайпаслаб юрамиз. Аммо бир пастдан кейин қоронғи уй ёришгандай бўлиб, ҳатто ундаги нарсаларни ҳам кўрабошлаймиз. Қоронғи жойда турганимизда кўзнинг сезиш қобилияти (я'ни кўриш қобилияти) ошади. Бу тўғрида қилинган тажрибалар кўзнинг кўриш қобилияти жуда кўп ошишини кўрсатди: бир соатгача қоронғида турилса, кўзнинг кўриш қобилияти ёруғда тургандагидан 200 минг мартаба ошар экан.

Кўзнинг кўриш қобилиятининг бу қадар кўп ошишига сабаб нима?

Бунда кўзга тушган ёруғликнинг миқдорига қараб, кўз қорачиғининг кенгайиши бирмунча роль ўйнайди. Ёруғ жойдан қоронғи жойга кирганда кўз қорачиғининг сатҳи 17 мартаба кенгаяди, бинобарин, унга ўнетти мартаба ортиқ ёруғ тушади. Лекин қоронғилик адаптациясининг (қоронғиликка кўникишнинг) сабабини фақат бундан кўриб бўлмайди, чунки бунда кўзнинг кўриш қобилияти 17 мартаба эмас, 200 минг мартаба ошади.

Бунда энг муҳим бўлган нарса, кўзнинг тўр пардасида ёруғликни сезучи икки хил аппарат бор: бири тўғри найчалар, иккинчиси кўзачалардир. Кўзачалар кўз тўрининг биз қараган нарсалар сурати тушадиган ўрта қисмидаги чуқурчага жойлашганлар. Кўзачаларнинг сезиш қобилияти заиф, уларга кор қилмоқ учун хилий даражада кучлик ёруғлик бўлиши керак. Кўзачалар воситаси блан равшан-ёруғда кўрамиз, шунинг учун уларни *кундузи кўрадиган аппарат* десак бўлади. Кўз тўрининг кўпинча атрофида жойлашган қаламчаларнинг ҳис қилиш қобилияти жуда кучлидир, улар ҳатто жуда заиф нурни ҳам сезадилар. Булар воситаси блан биз кечаси, қоронғида ва умуман хира ёруғда кўрамиз, шунинг учун буларни *кечаси кўрадиган аппарат* десак бўлади. Шу тариқа, қоронғилик адаптацияси кўзачалар воситаси блан кўришдан қаламчалар воситаси блан кўришга ўтиш ила боғлиқдир.

Броқ қаламчаларга қараганда кўзачалар унча мукаммал эмас, деб бўлмайди. Уларнинг ёруғликни сезиш қобилияти заифроқ бўлиб, улар воситаси блан фақат жуда ёруғда кўриш мумкин, буниси тўғри, лекин рангларни ва турли буюмларнинг шаклларини ёлғиз бу кўзачалар воситаси блангина айираоламиз. Қоронғилик бўлиб, кўзимиз қаламчалар воситаси блан кўраётганда рангларни айираолмаймиз, ҳамма нарса бир тусда қора кўринади. Шунингдек қоронғида нарсаларнинг шаклларини ҳам айираолмаймиз.

Фақат кундузгина кўраоладиган ҳайвонларнинг кўз тўрида ёлғиз кўзачалар бўлади. Бу ҳайвонлар кечаси сра кўраолмайдилар; чунончи, товуқ, каптар каби паррандалар кечаси сра кўрмайдилар. Уккиқуш, кўршапалак каби кечаси кўрадиган жониворларнинг кўз тўрида, аксинча, фақат қаламчалар бўлиб, кўзачалар йўқдир. Бу жониворлар кундузи яхши кўраолмайдилар. Гоҳ-гоҳда кўз тўридаги кўзачалари сра ишламайдиган одамлар ҳам учрайди; бу одамлар рангларни фарқ қилаолмайдилар, уларнинг кўзига ҳамма нарса худди фотографиядек қорайиб кўринаверади. Бундан ташқари бундай одамлар ёруғликдан қўрқадилар, я'ни жуда равшан ёруғ бўлса кўзлари қамашади. Кўзнинг бу нуқсони *ранг айирмас кўрлик* дейилади. Кўзида бундай нуқсони бўлган одамлар рангни *такир* айираолмайдилар; лекин рангларни қисман айираоладиган

„кўрлик кўпроқ учрайди. Кўзида бу нуқсони бўлган одам ба'зи рангларни айириб, ба'зи рангларни айираолмайди. Бу ҳолни ба'зида „дальтонизм" ҳам дейдилар. Ба'зида кўзнинг тўридаги қаламчалар ишламайди, бунда одам ғира-шира қоронғида ва умуман хира ёруғда кўролмайди, буни „шапкўр" дейдилар.

Эшитиш сезгиси блан оғриқ сезгиси адаптацияси заиф бўлган сезгилар эканини биламиз. Агар бир ҳид анчагача думоққа уриб турса, кейин сезилмай қолади, лекин бирнеча минутгача тўхтамасдан эшитилиб турган овоз кейин эшитилмай қолмайди. Бирнеча вақтгача давом қилиб турган оғриқ ҳам кейин-кейин сезилмайдиган бўлиб қолмайди. Бунда оғриқ сезгиси озроқ камаяди, лекин унинг камайиши шундай суст борадики, оғриқ сезгисининг камайганини пайқаш қийин бўлади. Эшитиш сезгиларида қоронғилик адаптацияси (я'ни қоронғилиққа кўникиш каби ҳол сра бўлмайди. Жуда тинч жойга кириб қолганимизда, бироздан кейин, оддий шароитда эшитган товушларимиздан минг мартаба кучсиз бўлган товушларни ҳам эшитадиган бўлиб қолмаймиз.

Дуруст, товуш ва оғриқ тўғрисида ҳам ба'зида, биринчи қарашда адаптацияга ўхшаган ҳоллар бўлади. Уйдаги соатнинг чиқиллашига гоҳда шу қадар ўрганиб (кўникиб) қоламизки, бора-бора ҳеч сезмайдиган бўлиб қоламиз. Оғриққа ҳам шу ма'нода ўрганиб қолиб, унга парво қилмай қўйишимиз мумкин. Лекин бу ҳоллар фақат юзаки қарагандагина адаптацияга ўхшайди. Уйда ҳамавақт чиқиллаб турса бундан менинг эшитиш қобилиятим сра заифланмайди. Соат эсимга тушган он, чунончи, соатни бурадимми йўқми деб, уни эсга олишим блан дарҳол унинг чиқиллаганини эшитабошлайман. Адаптация натижасида сезгининг ўзи заифланади, ёки кучаяди; ҳолбуки соатнинг чиқиллашига ўрганиш эшитиш сезгисининг заифланиши бўлмай, балки диққатнинг бошқа томонга бурилишидир. Бирхилдаги овоз ёки оғриқни пайқамасдан қолишимнинг сабаби, уларга парво қилмай қўйганлигимдир, агар хоҳласам истаган ҳар вақтда уларни яна пайқашим мумкин. Ростакам адаптация бўлганда бирмунча бошқачароқ бўлади, я'ни қоронғи уйга кирган ондаёқ, дарров ундаги хира ёруғни кўрмоқ истасам ҳам кўраолмайман. Адаптация анализаторларнинг ишида ўзгариш бўлганидан келади ва ма'лум сезгига диққат қилиш йўли блан уни хоҳлаган вақтимизда йўқотиб юбораолмаймиз.

18. СЕЗГИЛАРНИНГ БИР-БИРИГА ТА'СИРИ

Биронта қўзғовчини сезиш қобилияти шу онда бўлиб турган бошқа сезгиларга жуда қаттиқ боғлиқдир. Бу боғланиш ниҳоятда мураккаб бўлиб, уни идора қилучи қонунларнинг ба'зилари яхши текширилиб билингани йўқ. Лекин бир оддий қонун борким, аксари ҳолда шу қонун амал қилади. *Заиф қўзғовчилар улар блан бараварига айни замонда амал қилучи бошқа қўзғовларга нисбатан бўлган сезгирликни кучайтиради, ҳолбуки кучли қўзғовчилар сезгирликни, аксинча) камайтирадилар.*

Агар қоронғи жойдаги сал ёришиб турган нарсани кўрмоқчи бўлсам, кўз ўнгимда яна бошқа сал йилтираб турган нар-

салар бўлганда, бояги нарсаларни яхшироқ кўраман. Агар кўз ўнгимда бошқа жуда ёруғ нарса бўлса, бу ёруғ нарса сал йилтираб турган ёруғни кўришни қийинлаштиради. Бошқа сезги а'золари воситаси блан ҳосил қилинган сезгилар ҳам кўриш қобилиятига шундай та'сир кўрсатади. Паст товушлар енгил маза сезгилари, ёхуд иссиқ ва совуқ сезгиларининг юмшоқлари кўзнинг кўриш қобилиятини оширгани ҳолда, баланд товушлар, бирданига қаттиқ совуш, ёки исиш кўзнинг кўриш қобилиятини, аксинча, заифлантиради.

Расм 8.

Ранг контрасти (товланиши).

Сезгиларнинг бир-бирига та'сир қилишини жуда аниқ кўрсатучи ҳол *сезгилар контрастидир.* Ширин ҳолва егандан кейин олма ейилса, нордан татийди, лекин ҳолва емасдан аввал ейилса, ширин татир эди. Аввал намакобни татиб, кейин тоза сув ичилса, ширин татийди. Кулранг тусдаги тўғри бурчак нарса оқ устига қўйилса, қора устига қўйилгандагидан қорайиброқ кўринади *(расм 8).* Лекин худди шу кулранг тўғри бурчакни қизил устига қўйсак, яхшироқ кўринади, сариқ устига қўйсак, кўкимтирроқ кўринади ва ҳоказо.

Контраст сабабидан сезги бошқа қўшни сезгилар томонига, ёхуд аввал бўлиб ўтган сезгилар томонига қараб ўзгаради. Барча ранглар қора устида очроқ кўринади, оқ устида тўқроқ кўринади. Қўшни бўлган ёки кетма-кетига келган сезгилар ўртасидаги айирма контраст орқасида кучаяди. Идрок қилишда бу ҳолнинг катта аҳамияти бордир, чунки бунда сезгилар бир-биридан аниқроқ айриладилар.

19. ҲАЁТ ВА ФАОЛИЯТ ТАЛАБЛАРИНИНГ ТА'СИРИ БЛАН СЕЗГИРЛИКНИНГ ЎЗГАРИШИ

Инсондаги сезги а'золарининг сезгирлиги нечоғлик кучли бўлаолишини кўрдик, броқ амалда, аксари одамларнинг сезиш қобилияти, сезги а'золарининг тузилиши имкон берган даражада ўсмай кейинда қолади.

Сезгининг ўсиши нимага боғлиқ? Сезгининг ўсиши бошлича ҳаётнинг ва аввало одам машғул бўлган фаолиятнинг сезгиларга қандай талаблар қўйишига боғлиқдир.

а) Эшитиш сезгирлиги

Қулоқнинг барча учун энг муҳим бўлган вазифаси нутқни эшитишдир. Карлик нутқни эшитишдан маҳрум қилади. Шунинг учун оғир дарддир. Ҳаммамизнинг эшитиш сезгимиз, аввало нутқ товушларини эшитиш йўлида ўсади, лекин ҳарқандай нутқ товушини эмас, балки она тили бўлган нутқ товуши-

ни эшитиш йўлида ўсади. Бу товушларни ёшлик чоғимизданоқ бошлаб фарқ қила билиш ҳаммамизга энг керак бўлган нарсадир. Шунинг учун бу товушларни айира билмаслик бизга ғалати туйилади. Броқ ҳақиқатда нутқнинг кўп товушлари ўртасидаги айирма ниҳоятда кам бўлиб, бу айирмани билиш учун қулоқнинг эшитиш қобилияти ниҳоятда нозик бўлиши керак. Ҳарбир ажнабий тил сўзларини тўғри талаффуз этишни ўрганмоқ истаган ҳарбир одам буни амалда кўриб билаолади.

Масалан, рус тилидаги сўзларнинг ма'носини тушуниш учун қаттиқ унсиз товушларни юмшоқ унсиз товушлардан фарқ қилабилиш керак. „Мел" ва „мель", ёки „мол" ва „моль" сўзларининг ма'носи тамомила бошқа, лекин товуш жиҳатидан уларнинг фарқи фақат шуки, ба'зиларининг охиридаги унсиз товуш қаттиқ бўлса, ба'зиларида юмшоқ. На французчада, на инглизчада ва на немисчада қаттиқ унсиз товушлар блан юмшоқ унсиз товушлар ўртасида бундай фарқ йўқ. Бу тилларда қаттиқ унсиз товуш ўрнига юмшоқ унсиз товушни қўйиш блан сўзнинг ма'носи ўзгармайди, бундай ҳол бу тилларда мутлақо йўқ. Бу тиллар унсиз товушларни қаттиқ ва юмшоққа ажратишни талаб қилмайди. Шунга кўра француз ёки немис ва инглиз қаттиқ унсиз товуш блан юмшоқ унсиз товушни фарқ қилаолмайди, уларнинг қулоғи буни айираолмайди. Бу фарқ уларга ниҳоятда қийин ва сезилмайдиган даражада нозик кўринади. Шунинг учун улар рус тилини ўрганганларида доим қаттиқ унсизни юмшоқ айтиб, юмшоқни қаттиқ айтиб кўп хато қиладилар.

Бошқа ажнабий тилларни ўрганмоқчи бўлган рус ҳам шундай қийинликка учрайди, фақат у, бошқа товушларни айтишда қийналади. Масалан, француз тилида „е" товушининг қандай айтилишига қараб, я'ни очиқ ёки юмуқ талаффуз этилишига қараб, сўзларнинг ма'носи ўзгаради (масалан, nez — бурун, net — тоза). Француз назарида бу товушлар ўртасидаги айирма жуда катта, лекин рус киши буни жуда қийинлик блан айиради, унинг қулоғи буни фарқ қилишга ўрганиш учун анча тиришмоғи керак. Немис тили блан инглиз тилида узун унлилар блан қисқа унлилар ўртасидаги айирма ҳам шундай катта аҳамиятга эгадир, лекин рус тилида бу айирма йўқ.

Шу тариқа, ҳаркимнинг қулоғи болалик чоғидан бошлаб, ўз она тилининг товушларига кўникиб қолади, бир-бирига яқин товушларни жуда нозик фарқ қилиш қобилияти пайдо бўлади. Ажнабий тилларни яхши билиш учун кишининг қулоғи ўз она тилининг товушларини қандай яхши ажратаолса, ажнабий тил товушларини ҳам шундай яхши ажратадиган бўлиши керак, аммо бу нарса, ажнабий тилда доим сўзлашув орқасидагина муяссар бўлади.

Музика блан шуғулланган кишининг эшитиш сезгилари бошқа йўлдан ўсади; музика ҳаммадан аввал товушларнинг баланд-пастлиги ўртасидаги нисбатни жуда нозик фарқ этишни талаб қилади. Музика блан шуғулланиш процессида қулоқнинг оҳангларни фарқ қилиш қобилияти ўсади.

Ба'зи касблар турли махсус товушларни эшитиш қобилиятини жуда нозиклаштиради, масалан, тажрибали учучи, мотор товушининг энг нозик нуқталарини фарқ қилаолади ва бунга қараб моторнинг қандай ишлаётганини билади, ҳолбуки бошқа одамлар қулоғига моторнинг товуши ҳамиша бирдек туюлади.

Аксари кўрларнинг эшитиш қобилияти ҳам жуда ўткир бўлади. Кўп кўрлар юрганда ёки гапирганда чиққан овозга қараб, ўтирган уйларининг катта-кичиклигини билаоладилар. Сўнгра бу товушларга қараб, уйда жиҳоз бор-йўқлигини, деворларда гилам осилган-осилмаганлигини ҳам билаоладилар. Кўрлар одамни фақат товушидангина эмас, балки ба'зида қадамининг товушидан ҳам танийдилар. Шундай кўрлар ҳам борки, дарахт япроқларининг шитирлашидан дарахтнинг ўзини ҳам ажратаоладилар (теракми, акациями, зайтун дарахтими).

Кўзи соғлар қулоғининг табиий хоссалари қандай бўлса, кўрларники ҳам, албатта шундай, лекин турмуш кўрларни ўз қулоқларидан мукаммалроқ фойдаланишга ўргатади. Кўзи соғ киши осонгина кўзи блан кўрадиган нарсани, кўрлар қулоқлари блан ажратадилар, шунинг учун кўрлар товушнинг бошқалар фарқ қилаолмаган нозик томонларини ҳам ажратишга ўрганадилар.

б) Кўриш ва туйиш

Одам фаолиятининг аксарисида кўз айниқса катта роль ўйнайди ва шунинг учун кўпчилик одамларда кўриш сезгиси энг юксак тараққий қилган бўлади. Инсонни ба'зида „кўрадиган ҳайвон" дейишлари бечиз эмас. Аммо бизнинг сезгиларимиз кўпинча кўриш соҳасида ҳам кўзимизда бор имкониятларга қараганда, жуда кам ўсгандир. Масалан, тикучилик саноатида қора газламалар ишлабчиқаришда мутахассислашган ба'зи ишчилар, қора туснинг нимрангларидан қирққа яқинини ажратаоладилар, ҳолбуки бошқа одамлар аксари қоранинг уч-тўрт хилидан бошқасини ажратаолмайдилар.

Ба'зибир ишларда туйиш сезгиси ҳам ниҳоят даражада ўткирлашади. Масалан, тажрибали тегирмончилар унни ушлаб кўриб, унинг сифатини, ҳатто бу уннинг буғдойи қаерда битганлигини ҳам тўғри билаоладилар.

в) Ҳид сезгиси

Жуда кўпчилик одамларнинг турмушида ҳид билиш сезгиси жуда кам роль ўйнайди, шу сабабдан бу сезги унча ўсмайди. Броқ одамнинг ҳид билиш қобилиятини ўстириш имконияти жуда катта. Одамнинг касби ва фаолияти ҳид билиш сезгисига суяниб иш қилишни талаб этганда, бу имкониятнинг катталиги дарров ма'лум бўлади.

Кўр ва карларнинг, я'ни болалик чоғида кўз ва қулоғидан ажраган кишиларнинг ҳид билиш сезгилари ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлиб қолади. Кўр ва карларнинг ҳид билиш

сезгиси узоқроқда турган одам ва нарсаларни танишда энг муҳим воситага айланади. Улар эшикдан ичкари кириб келган одамни ҳидидан танийдилар, бировни излаганларида у одамнинг яқин-ўртада шу жойга келган-келмаганини ҳид воситаси блан биладилар: доим юрадиган кучаларидан ўтиб кетаётганларида, қайси уй олдига келганларини ҳид воситаси блан биладилар.

г) Карларда ва гунгларда тебранишни билиш сезгиси

Вибрацияни, я'ни тебранишни сезиш деб, ҳаракат қилиб турган нарсанинг ҳавони тебратишидан баданимизнинг ҳамма ерида пайдо бўлган сезгини айтамиз. Бу сезги бизнинг турмушимизда ҳеч роль ўйнамайди, десак бўлади, чунки ҳавонинг тебранишини қулоқ воситаси блан яхши сезамиз. Шу сабабдан одатда бу сезгини ҳатто пайқамаймиз. Аммо биров эшитиш қобилиятини йўқотса, тебранишни сезиш қобилияти унинг учун жуда муҳим бўлиб қолади. Шундай ҳоллар бўлганки, қулоғи бутунлай эшитмайдиган кишилар, ҳечбир товушни эшитаолмаганлари ҳолда, музикага ҳавас қўядилар. Бундай одамларнинг ба'зилари рояль чалишни яхши кўрадилар ва музиканинг овозини „тинглаш" учун қўлларини унинг устига қўядилар. Ба'зилари бўлса, оркестр чалганни „эшитишни" яхши кўрадилар ва концертга борганларида орқаларини музикага ўгириб ўтирадилар, чунки ҳавонинг тебранишини орқалари блан ҳаммадан яхши ҳис қиладилар. Бундай одамлар билган музикаларини янглишмасдан фарқ қилаоладилар ва анча тушунадилар.

Кўзи кўр ва қулоғи кар кишиларда, хусусан буларнинг думоғи ҳам ҳид билмайдиганларида, тебранишни сезиш қобилияти яна ҳам катта аҳамиятга эгадир. Кўзи кўр ва қулоғи кар кишилар эшикнинг тақиллаганини, уйга бировнинг кирганини тебранишни сезиш қобилияти воситаси блан биладилар, ҳатто одамнинг юришидан танийоладилар. Кўчада кетаётганларида автомобильнинг келишини ҳам шу сезги воситаси блан узоқдан туриб биладилар. Кўзи кўр ва қулоғи кар кишиларнинг ба'зилари блан уйнинг бир чеккасида туриб, оёқни дукиллатиб Морзе ишоралари воситаси блан гаплашиш ҳам мумкин; бунда улар ҳавонинг тебранишини сезиб, бундан гапни тушуниб оладилар.

Тебранишни сезишда бундай қобилият ҳаммада бор, лекин одатда бу қобилият ўстирилмасдан қолиб кетаверади, ундан фойдаланилмайди, чунки бу хил ҳолларда биз, бу сезгига қараганда мукаммалроқ бўлган бошқа сезгилардан фойдаланамиз.

д) Сезгини ўстириш

Шу тариқа, сезги а'золари соғлом бўлса, сезиш қобилиятини ниҳоятда нозиклаштириш мумкин. Сезгини нозиклашти-

риш учун, ўз олдимизга унинг бирон хилини ниҳоятда ўткирлаштиришни албатта талаб қиладиган вазифалар қўйишимиз керак. Бу вазифани доим машқ қилиш йўли блан бирмунча муддат ичида катта натижаларга эришмоқ мумкин.

Бу жиҳатдан қараганда, сан'ат блан шуғулланиш айниқса муҳимдир. Рассомлик, чизмакашлик ва бошқа ҳархил чиройлик нарсалар ишлаш, кўзнинг кўриш қобилиятини кучайтириш учун ниҳоятда фойдалидир. Ҳайкалтарошлик ишлари кўриш сезгисини кучайтириш блан бирга, туйиш сезгисини ҳам кучайтиради. Музика блан шуғулланилса, қулоқнинг оҳангни билиш қобилияти кучаяди. Гўзал адабиёт, ше'р ўқиш, театр сан'ати блан шуғулланиш, кишининг „нутқ қулоғининг" нозикланишига сабаб бўлади. Сан'ат тарбияси юксак бўлган одамнинг сезгилари ҳам одатда яхши ўсган бўлади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Сезги деб нимани айтамиз?
2. „Қўзғов" термини блан „қўзғолиш" термини ўртасидаги фарқ нима?
3. Сезгилар қандай гуруҳларга бўлинади?
4. Кўриш сезгисини қўзғотадиган нима, эшитиш сезгисини қўзғотадиган нима?
5. Ҳид сезгисини қўзғотадиган нима, мазаники нима?
6. Тери сезгисининг хилларини айтинг.
7. Ҳаракат сезгиси деб қайси сезгиларни айтамиз?
8. Туйиш деб нимани айтамиз?
9. Сезгининг абсолют даражаси деб нимани айтамиз?
10. Фарқ қилиш даражаси деб нимани айтамиз?
11. Ҳисчанликнинг кучли ва кучсизлигига нима та'сир қилади?
12. Адаптация нимадир?
13. Кўз туридаги қаламчалар воситаси блан кўриш ила кўзачалар воситаси блан кўриш ўртасидаги фарқ нима?
14. Сезгилар контрасти деб нимани айтамиз?
15. Сезгиларнинг ўсиши нимага боғлиқ?

Масалалар

1. Сезишнинг абсолют чегараси ва фарқ қилиш чегараси борлигини кўрсатадиган мисолларни турмушдан олиб айтинг.
2. Қўл соатининг (ёки чўнтак соатининг) чиқиллаган овозини бирнеча кишига тинглатдириб, уларнинг абсолют эшитиш қобилиятини солиштиринг.
3. Икки соатнинг чиқиллаганини бирнеча кишига тинглатдириб, улар қулоғининг баланд-паст овозни фарқ қилиш қобилиятини солиштиринг.
4. Она тилидаги товушларни эшитиш сезгиси ўткирлигини кўрсатадиган мисоллар топинг.

IV боб

ИДРОК

20. ИДРОК ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ МА'ЛУМОТ

Сезги а'золаримизга доим бирталай қўзговчилар та'сир қилиб туради ва бу қўзғовчиларнинг талай қисми сезгирлик чегарасидан юқоридадир (13 бетга қаралсин). Шу тариқа, ҳамиша нарсаларнинг айрим хоссаларини акс этдиручи бирталай сезгиларимиз бўлади. Бу сезгилар заминида атрофимиздаги нарса ва ҳодисаларни идрок қиламиз.

Идрок деб, дун'ёда мавжуд бўлиб, бизнинг сезги а'золаримизга та'сир қилиб турган нарса ёхуд ҳодисаларни акс этдиришдан иборат бўлган психик процессни айтамиз.

Идрокнинг энг муҳим хусусияти шуки, идрок ҳамавақт *нарса, жисм ва ҳодисаларнинг* айрим хосса ва аломатларинигина акс этдирмай, балки уларнинг яхлит ҳолини акс этдиради. Оддий шароитда биз рангни, ёруғдан тушган сояни ёки кўланкани эмас, балки муайян нарсаларни кўрамиз. Ингичка ва йўғонлиги, қаттиқ ва секинлиги ва оҳанги ҳархил бўлган товушларни эмас, балки одамнинг товушидан, ёмғирнинг шовиллашидан, шўхлик қилаётган болаларнинг шовқинидан, трамвайнинг қўнғироғидан иборат бўлган муайян товушларни эшитамиз.

Тургеневнинг „Овчининг хотироти“ деган асаридан кўклам кечасининг тасвирига оид бўлган бирнеча сатрини ўқиймиз. „Масалан, баҳорда саҳар пайтда арава қўшиб айланиб чиқишнинг қандай гашти борлигини биласизми? Эшикка чиқиб зина тепасида турипсиз... Ғира-шира қоронғи, осмонда унда-бунда юлдузлар милтиллайди. Гоҳ-гоҳда шабода туриб, намли салқини уради... Кўланкага ғарқ бўлиб ётган дарахтлар секин-секин шитирлайди. Ёнга қўшилган икки от гижингланиб типирчилайди. Эндигина уйғониб чиққан бир жуфт оқ ғоз салмоқ блан юриб, кўчанинг нариги бетига ўтиб кетаяпти. Четан девордан ўтгандаги боғ ичида ётган қоровул гоҳ-гоҳда хуррак отиб қўяди“.

Бунда кўклам гезида саҳар пайтда эшикка чиққан одамнинг ҳиссиётидан бир манзара баён қилинган. Саҳар пайтда

эшикка чиққан одамда бирқанча сезгилар уйғонди. Кўриш, эшитиш сезгилари, иссиқ-совуқ, ҳаракат ва ҳоказо сезгилар туғилди. Лекин Тургеневнинг бу тасвирида сезгилар баён қилинмай, балки бу сезгилар воситаси блан идрок қилинган нарса ва ҳодисалар, я'ни осмондаги юлдузлар, ердаги дарахтлар, жийрон отлар, бир жуфт ғоз, хуррак отиб ухлаб ётган қоровул зикр қилинган.

„Гоҳ-гоҳда шабода туриб, намли салқини ураді" деган иборани олайлик. Одам шабоданинг турганини қаердан билади? Албатта, бирқанча ҳархил сезгиларидан билади. Бунда тери сезгилари ниҳоятда муҳим роль ўйнайди. Шабоданинг баданга текканини сезиш блан бирга, баданнинг очиқ жойлари (бет ва қўллар) шабоданинг салқинини ҳам сезадилар, бунда икки сезги бирга қўшилади. Қулингизга пуфлаб кўринг, бунда сиз шамолнинг тегишини ва совуқни бирданига сезишдан иборат бўлган бир сезги ҳосил қиласиз. Бу тери сезгиларига ҳид сезгилари ҳам қўшилади, я'ни намнинг рутубат ҳиди ҳам сезилади; сунгра эшитиш сезгилари, эҳтимолки, кўриш сезгилари ҳам қўшилади (шамолдан қимирлаган дарахтларнинг шитирлаган овози, қоронғида қимирлаб турган дарахтларнинг қора кўланкалар суратида кўриниши) бу сезгилар бошқа яна бирталай сезгилар ичидан айрилиб чиқиб „гоҳ-гоҳда эсган намли шабоданинг салқини"дан иборат бўлган яхлит бир манзара ҳосил қилади.

Бошқа об'ектларни идрок қилганда ҳам шу ҳол кўринади. Бирқанча кўриш ва эшитиш сезгиларидан, гижинглаб пишқириб, типирчилаб турган икки отнинг сурати ҳосил бўлди. Ма'лум бир сурати ва шакли бўлиб, қимирлаб турган қора доққа, ниҳоятда мураккаб бўлган бирқанча хилдаги ғалати товуш қўшилиб, одам буларнинг ҳаммасини, отларнинг ҳаракати деб идрок қилади. Бир жуфт ғоздан ҳосил бўлган идрок яна бошқа бирнеча кўриш сезгилари асосида пайдо бўлади. Одам ма'лум бир тарзда қимирлаб юриб бораётган ва ғалати суратли икки оқ доғни кўриб, бунинг ғоз эканини билади. Кўриш сезгиларининг яна бирнечаси боғ атрофини ўраган четан девор идрогини ташкил қилди. Четан девор орқасидан келаётган ғалати товушни эшитиб, бу товушнинг хуррак эканини билади.

Идрок натижасида онгда идрок қилинган нарса ёки ҳодисанинг образи туғилади. Бу сурат ҳамиша сезгилар заминида туғилади, броқ бу сурат сезгиларнинг оддий йиғиндисидан иборат эмас. Ҳарбир идрокда, идрок қилинган нарса ва ҳодисадан онгда ҳосил бўлган бу образни (суратни) *тушуниш*, *онглаш* бор ва бу тушуниш ва онглаш бўлмаса нарса ёки ҳодисани *таниб* бўлмайди.

Одамнинг *ўтмишда ҳосил қилинган тажрибалари* идрок қилишда қандай муҳим роль ўйнаши бундан ма'лум. Ғознинг фақат суратини кўриб, ўзини кўрмаган одам уни таниб оли-

ши, хусусан кечаси таниб олиши қийин бўлса керак; гозни сра кўрмаган одам кучадан ўтиб келаётган оқ бир нарсани кўради-ку, лекин унинг нималигини билмасдан ҳайрон қолади. Ўтмишда ҳосил қилган тажрибаларимиз бўлганлигидан, кўрган нарсаларимизни одатда дарров идрок қилиб, уларнинг нималигини биламиз ва тушунамиз. Одатдагидан бошқа шароитларда аввал таниш бўлмаган нарсаларни ҳамавақт бундай тез, осон ва яхши идрок қилавермаймиз.

Шу тариқа, идрокнинг ниҳоятда мураккаб процесс эканини ва бу процесс бирқанча сезгилардан ба'зиларини ажратиб олиб, улардан яхлит ва тўла бир образ ҳосил қилиш, бу образни тушуниб ёки онглаб, унинг ма'лум бир нарса ёки ҳодиса эканини билиш заминида пайдо бўлишини билдик.

Бир нарсани танимагунча, уни онглаб идрок қилиш мумкин эмас. Агар кучада бир танишимни кўриб, уни танимадим, десам, бу ҳолда ҳечқандай таниш процесси бўлмаганлиги онглашилмайди. Ҳар ҳолда кўрган нарсамнинг одам, эркак эканини, устида пальтоси борлигини ва ҳоказоларни билдим. Бундай танишни *умумий таниш* деймиз. Бу равишли танишда биз, кўрган нарсамизнинг қайсихил нарсалардан эканини, я'ни одамми, столми, автомобильми эканини аниқлаймиз, холос, лекин унинг хос хусусиятларини билмаймиз. Агар бир одамнинг, ёки бир нарсанинг ёлғиз унинг ўзидагина бўлган хусусиятларини аниқлаб билсак, буни *хусусий таниш* деймиз; бунда кўрган бу одамим анов куни поездда танишган одамнинг худди ўзидир, театр гардеробида осиғлик турган бирталай кийимлар ичидан ўз кийимимни таниб оламан—булар хусусий танишдир.

21. ИДРОКНИНГ ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ

Идрокда ҳамиша турли сезги а'золари воситаси блан ҳосил қилинган бирқанча сезгилар бор бўлгач, бас, идрокка асос бўлган физиологик процессларда ҳам қўзғолиш процессларй бор, я'ни ташқи дун'ёдаги нарсаларнинг сезги, а золарига кўрсатган та'сири блан шу сезги а'золарида бошланиб, сўнгра марказга элтучи нервлар орқали катта миянинг пўстига бориб етадиган қўзғолиш процесслари бордир. Бу қўзғовлар мия пўстига бориб етгач, сезгилар маркази бўлган бирламчи сезги қисмига тушади, кейин бундан иккиламчи сезги бўлагига чиқади; мия пўстининг бу бўлаги нарса ва ҳодисаларни тушуниб, онглаб идрок қилиш марказидир.

Мия пўстининг энса томонида бўлган кўришни идора қилучи бўлагига кучсиз электр қувватти юборилиб, қўзғов қилинса (мия операцияси қилинганда, § 12 га қаралсин), миянинг сезгиларини идора қилучи бирламчи ва иккиламчи бўлагининг бажарадиган вазифаси ўртасидаги фарқ аниқ ма'лум бўлади. Мия пўстининг кўришни идора қилучи бирламчи бўлаги қўзғов қилинса, бу ҳолда касалнинг кўзига ёниб турган думалоқ

нарса, олов шу'ласи каби нарсалар кўринади. Лекин аниқ ва муайян нарса кўринмайди. Сунгра иккиламчи бўлаги қўзғов қилинса, бунда касал аниқ нарсаларни кўради: бировнинг башарасини, капалак, ҳайвон ва ҳоказоларни кўради.

Миясининг энса бўлагининг айрим жойлари зарарланган касал одам устида қилинган синовлар ҳам бу айирмани хийли аниқ кўрсатади. Мия пўстининг кўришни идора қилучи бирламчи маркази зарарланса, бунда одам „хира кўради", холос, я'ни унинг кўзи хира тортади, ҳамма нарса туман ичидагидек хира кўринади. Миянинг икки ярим шарида ҳам кўришни идора қилучи бирламчи бўлаги зарарланса, бу ҳолда *марказ кўрлиги* деб юргизилган кўрлик пайдо бўлади.

Кўришни идора қилучи бўлакнинг иккиламчиси зарарланса, бунинг оқибати бошқа бўлади. Бунда одамнинг кўриш қобилияти ҳеч зарарланмайди, лекин нарсаларни тушуниб, онглаб таниш қобилияти қолмайди. Бундай одам бир нарсани кўрганда, унинг нима эканини айрим аломатлари ва қисмларидан „тахминан" билади.

Мия пўстининг кўришни идора қилучи бўлагининг иккиламчиси зарарланган кишиларнинг рангдор оддий суратларни кўрсатганда берган жавобларини бунинг бир мисоли қилиб кўрсатсак бўлади. Бундай касалларнинг бирига жуни қорамтир айиқ боласининг сурати кўрсатилганда „Жўжа бўлса керак" деб, жавоб берди. Кулранг шляпани кўрсатганда „қандайдир бир идишга ўхшайди" деб жавоб берди. Яна бир касал синалганда бундақа жавобларни берди: думининг патлари ялтираб турган хўроз сурати кўрсатилганда „ёниб турган олов бўлса керак" деб жавоб берди; кўз ойнак суратини кўрсатганда „иккита узук, иккита калтак. Нималигини билолмадим, қайчига ўхшайди" деб жавоб берди. Яна бир касал бунинг тамомила аксини айтди, я'ни қайчининг сурати кўрсатилганда „кўзойнак, думалоқлигини кўриб турипман" деб жавоб берди.

Мия пўстининг сезги бўлагининг иккиламчисидаги нервларда бўладиган процесслар, айрим сезгиларни бирлаштириб, мужассам нарсалар ҳосил қилишдан ва бу нарсаларнинг нималигини танишдан иборат бўлган ва онглаб, тушуниб идрок қилишнинг муҳим хусусиятини ташкил этган мураккаб процесснинг физиологик асосидир.

22. ИДРОКДА ОБ'ЕКТНИ АЙИРИШ

Нарса ва ҳодисаларни идрок қилишда бирқанча сезгилар ичидан бир об'ектга тегишли бўлган бирнечаларини ажратиб олиш, идрок процессида жуда катта аҳамиятга эгалигини кўрдик.

Ойнадан кўчага қараб турганда йўлакда кетаётган бирқанча одамлар орасидан бир ошнамни танидим. Танигач унга кўз солиб туравердим, демак, ошнамнинг гавдаси меним *идрок*

об'ектим бўлиб қолди. Кўчада кўринган бошқа нарсаларнинг ҳаммаси, я'ни уйлар, йўллар, кетаётган одамлар, юриб турган машиналар умумий бир манзара бўлиб, меним идрок об'ектим бўлган нарса бу умумий манзарадан алоҳида бўлиб, айрилиб чиқади.

Театрнинг долонида биров блан гаплашиб турганимда, мен блан гаплашиб турган одамнинг гапи бирнеча юз одамнинг товуши, тапир-тупури ва бошқа бунинг каби товушлар ичидан айрилиб, менга идрок об'ёкти бўлади.

Жуда кўп ҳолларда об'ект умумий манзарадан жуда осонлик блан бир лаҳзада, дарров „ўз-ўзидан" айрилиб чиқади, броқ об'ектнинг умумий манзарадан ажралиб чиқиши қийин бўлган ҳоллар ҳам бўлади. 9-нчи расм–



Расм 9.
Бекитилган квадрат.



Расм 10.
9-нчи расмни топиш калиди.

даги квадратни кўриб боқингчи. Бу расмдаги квадратни дарров ажратаолмаймиз. Лекин бунда квадрат борлигини, албатта, дарров *пайқайсиз*, пайқагач, бу квадратнинг чизиқларини секин қараб топиб оласиз. Аммо бу блан квадратни „кўрган" бўлмайсиз, я'ни квадратни идрокингизда унинг умумий манзарасидан ажратиб олганингиз йўқ. Изланган квадрат йўғон чизиқ блан ажратилган *10-нчи расмга* қараб олгач (бир марта эмас, неча марта), кейин 9-нчи расмда ҳам бу квадратни „кўрадиган" бўласиз. *12-нчи расмдаги* квадратни топиш яна ҳам кийин. Бунда *12 расмга* қараб ҳам дарров ажратиб олиш қийин, гарчи бундаги квадратни ажратиб олиш йўлини тушуниш осон бўлса ҳам. Бунда ҳар иккк томондан санаганда бешинчи чизиқ квадрат чизиғидир. Бу расм „идрокда об'ёктни ажратиш" блан уни фикр қилиш ва муҳокама қилиш каби йўллар блан ажратиш ўртасидаги фарқни аниқ кўрсатади.

Урушдаги маскировканинг (бекитишнинг) энг катта вазифаларидан бири об'ектни (танк, тўп, бино ва ҳоказоларни) бошқа нарсалардан айиришни қийинлаштирадиган равишда паналашдир. Сўнгра урушда яхши мушоҳада қилишга усталикнинг энг муҳим шартларидан бири, аксинча, ҳарбий аҳамияти бўлган об'ектларни бошқалар орасидан осонлик блан топиб айириб олишдир.

Об'ектни бошқалар ичидан айириб, топиб олишнинг асосида кўз блан идрок қилинган бирқанча доғ ва чизиқларни, қулоқ блан идрок қилинган бирқанча товушларни муайян бир равишда ажратиб *тўплаш* бордир. Айрим унсурларни бу равишда бирлаштириб тўплаш бирқанча шароитларга боғлиқдир.



Расм 11.

Бекитилган квадрат.

Кўз блан кўриб идрок қилишда *масофа* муҳим роль ўйнайди: яқиндаги унсурлар бир сирага тўпланадилар. 13-нчи расмга боққанда, ҳарким уни ҳарқайсисида учтадан чизиқ бўлган уч тўда чизиқ деб идрок қилади; бунда чизиқларнинг яна бошқа бир тарзда тўплангандек кўриниши қийин.



Расм 12.

11-нчи расмни топиш калиди.

Рангнинг ўхшашлиги ҳам хийли муҳим рольни ўйнайди. Агар тўғри бурчакли бир нарсани 14-нчи расмда кўрсатилгандек бўяб, қор устига ташлаб унга нарироқдан қарасак, унинг шакли 15-нчи расмда кўрсатилгандек кўринади, чунки қор рангига ўхшаган оқ жойлари қорга „қўшилиб“ кетади. Турли

рангга бўяб маскировка қилиш ана шу қоидага асосланади. Бунда нарсанинг ба'зи рангга бўялган жойлари умумий манзарага „қўшилиб“ кетганидан, унинг шакли бошқача кўринади.

Броқ, тўдаларга ажратишнинг натижаси кўпроқ, бошқа хил омилларга боғлиқдир. Бир уйга кириб уён-буёнга кўз ташлаган он, дарров ундаги стол ва стулларни, шкафларни, сурат

Расм 13.

ва бошқа бунинг каби нарсаларни кўргач, уларга ҳарқайсиси ўз ҳолига алоҳида бир нарса деб, э'тибор қиламан. Лекин бунда мен кўпроқ э'тибор қилган нарса, мен идрок қилган айрим доғларнинг бир-бирига яқинлиги ҳам эмас, рангларининг ўхшашлиги ҳам эмас. Столнинг оёғи стулнинг оёғига жуда яқин ва ранги ҳам бирхил бўлиши мумкин. Аммо столнинг оёғи

Расм 14.

Бўялган тўғрибурчакнинг бўялган жойлари қорга „қўшилиб“ кетиши.

Расм 15.

Бир чаккаси оққа бўялган тўғри бурчакни қор устига қўйиб узоқдан қарагандаги кўриниши.

менинг назаримда стулнинг оёғи блан бирлаштирилмай, балки, гарчи анча нарироқда турган бўлса ҳам, шу столнинг ўзининг бошқа оёқлари блан бирлашади, столнинг тепасига кўк мовут қопланган бўлса ҳам, унинг кўк мовут қопланган ва, бинобарин, ранги оёгининг рангига сра ўхшамаган шу тепаси блан бирлашади. Кўз ўнгидаги айрим доғлар бирлашганда, *ҳаммаси бир нарсанинг айрим қисмлари бўлганликларидан бирлашадилар*. Бизнинг идрокимиз *онгли идрок бўлмаса*, айрим доғларни бу равишда бирлаштириш мумкин бўлмас эди. 13-нчи расмдаги чизиқларнинг менинг учун ҳечқандай ма'носи йўқ, шунинг учун улар менинг назаримда фақат бир-бирига яқинликдан иборат бўлган ташқи кўринишдаги аломатга қараб бирлашади. Аммо уйга кирганда ундаги менга кўринган нарсалар-

да мен ма'но топаман, я'ни ма'лум шаклдаги узунчоқ сарғиш доғни столнинг оёғи деб тушунаман ва бу сабабдан мазкур доғ шу столнинг ўзининг бошқа қисмлари доғи блан бирлашади. Бизнинг идрокимизда энг муҳим биринчи роль ўйнаган бу йўсинда *тушуниб бирлаштириш, бу нарсалар блан* ҳаётимизнинг илиқ кунларидан бошлаб аввалдан *танишлигимиз* орқасидагина мумкин бўлади.



Расм 16.

Кубиклар нечта?

Бирлаштиришга тушунишнинг қандай та'сир қилиши *16-нчи* расмда аниқ кўринади. Бу суратни икки хил йўл блан тушуниш мумкин: 1) олти кубик деб (биттаси юқоридаги сирада, иккитаси ўртадаги, учтаси пастдаги сирада); 2) етти кубик деб (иккитаси юқоридаги сирада, учтаси ўртадаги ва иккитаси пастдаги сирада), бу ҳолларнинг икковида доғлар икки хил равишда тўпланган бўлади. Олти кубик кўринганда 3 рақамли оқ доғ 1 ва 2 рақамли доғ блан бирлаштирилади, лекин кубиклар еттита кўринганида 3 рақамлик, 4 ва 5 рақамлик доғ блан бирлаштирилади.

23. ИДРОКДА ТАСАВВУРНИНГ РОЛИ

Идрокнинг мазмуни ҳосил қилинган сезгилар мазмунидан анча ортиқ бўлади, чунки идрокда бу сезгиларга ўтмишда ҳосил қилинган тажрибалармиздан олинган *тасаввур ҳам қўшилади.*

Мен стол тепасига, ёки ойнанинг токчасига қўйилган мармар тошига боққанимда, унинг устини қаттиқ ва совуқ нарса деб идрок қиламан. Ва лекин на қаттиқликни ва на совуқликни кўриб бўлмайди-ку. Бу хоссалар ёлғиз туйиш (ушлаб кўриш) йўли блан ва иссиқ-совуқ сезгиси орқали билинади. Мармар тошига тегмагунча, бу сезгилар ҳосил бўлмайди, лекин аввалда мармар тошига неча мартабалар тегиб, бу сезгиларни ҳосил қилган эдим. Бунинг натижасида, мармарнинг ташқи кўриниши блан унинг туйиш йўли блан билинадиган хоссалари ўртасидаги муносабат менда маҳкам ўрнашиб қолди. Шунинг учун энди мармарни кўрсам бўлди, я'ни ундан кўриш сезгиси ҳосил қилсам бўлди, унинг қаттиқлигини, силлиқлиги ва совуқлигини дарров тасаввур этаман. Шу тариқа мармар тошини кўз блан кўриб идрок қилганда, кўриш сезгиларига унинг силлиқлиги, қаттиқлиги ва совуқлиги тўғрисидаги тасаввур ҳам қўшилади.

Худди шунингдек мўйнага боққанимда ҳам унинг юмшоқлигини, тукдорлик ва иссиқлигини идрок қиламан. Бу идроклар менда мўйнага боққанда ҳосил бўлган кўриш сезгиларига қўшилган тасаввурлардан ҳосил бўлади. Гарчи кўришнинг ўзи нарсаларнинг оғир ва енгиллиги тўғрисидаги сезгини туғдир-

маса ҳам, ба'зи нарсаларнинг назаримизда оғир ва ба'зи нарсаларнинг енгил „кўриниши“ ҳам шундандир.

Кўзингизни юмиб столга яқин келинг ва ундаги нарсаларни пийпаслаб билмоқчи бўлинг. Агар столдаги нарсалар сизга аввалдан ма'лум бўлса, бу ҳолда уларни албатта осонлик блан биласиз. Аммо бунда сиз қандай қилиб биласиз? Столдаги талинкага қўлингиз тегиши блан сизда дарҳол талинка тўғрисидаги кўриш тасаввури туғилади, патнисга қўлингиз тегиши блан, патнис тўғрисидаги кўриш тасаввури туғилади ҳоказо ва ҳоказо. Туйиш *сезгилари* туйилган нарсаларнинг кўриш *тасаввурини* туғдиради.

Сезгиларни идрок қилиш ҳамиша бирталай тасаввурлар блан бирга жараён қилади. *Бир нарсанинг идрогимизда ҳосил бўлган образида сезгилар ҳам бор, бу сезгилар блан боғлиқ бўлган тасаввурлар ҳам бор.*



Расм 17
Тахистоскоп.

Бир хатни ўқиганда идрокда тасаввурнинг ўйнаган роли жуда аниқ кўринади. Бу ҳақда қилинган тажрибалар, бир қарашда оддий босма хатнинг олти-етти ҳарфидан ортиғини кўраолмаслигимизни кўрсатади, чунки нарсаларнинг сурати тушадиган кўз тўрига бундан ортиқ бошқа ҳарфларнинг сурати тушмайди. Аммо кўзни синаганда узоқдан ўқитиладиган лавҳага ёзилган таниш сўзлар, секундннинг ўндан бирича келадиган вақт ичида тез кўрсатилганда ҳам одам бу таниш сўзларнинг 10—12 ҳарфини ўқий олади. Бунда одам ҳарфларнинг бир қисмини аниқ кўради ва бошқаларини фақат тасаввур блан қўшади.

Буни синаш учун **тахистоскоп** дейилган махсус асбоб бор (грекчада тез, илдам ма'носида бўлган „тахистос“ сўзи блан қараш, кўриш ма'носида бўлган „скопео“ сўзидан мураккаб бўлган номдир). Бу асбоб воситаси блан ҳарф, сўз ёзилган, сурат солинган карточкаларни секунднинг мингдан бири даражасидаги тезликдан бошлаб ҳархил даражада тезлик блан кўрсатишга имкон беради (расм 17).

Агар „элекртечество“ деган бема'ни сўзни ҳам тахистоскопда кўрсатсак, кўп одам бу сўзни „электричество“ деб ўқийди ва худди шу сўзнинг ўзини кўрганликларига қаттиқ ишонадилар. Демак, бирнеча ҳарфларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган сезгилар, бу сўзнинг одатдаги тасаввурини туғдирганлигидан бунда „электричество“ сўзининг сурати туғилганлиги аниқдир.

24. АППЕРЦЕПЦИЯ

Идрокни қайси томондан текширсак ҳам унинг ҳамиша одамнинг ўтмишда ҳосил қилган тажрибаларига, идрок қиладиган

нарсалари блан танишлигига жуда қаттиқ боғлиқлигини кўрамиз. Лекин бу блан кифояланмайди. Идрок қилишдаги билимнинг миқдорига, кишининг қараш ва маслагига, унинг ҳавас ва завқларига, майлларига ҳам боғлиқдир. Идрок, кишининг идрок қилган пайтидаги руҳий ҳолатига, унинг кайфига, идрок қилган нарсаларидан нима кутганига ва улардан муроди нималигига ҳам боғлиқдир. *Идрокнинг психик ҳаётнинг умумий мазмунига қарашлиги (боғлиқлиги) апперцепция дейилади.* Ҳаркимнинг апперцепцияси ҳархил десак, бунинг ма'наси ҳаркимнинг ҳархил қараши бор, ҳарким „ҳархил кўз блан" қарайди, ҳарким ҳар нарсага ҳар ёқдан қарайди, ҳархил тушунади, ҳархил муҳокама қилади, демакдир.

Гоголь „Ўлик жонлар" деган асарининг биринчи қисмининг IX ва X бобларида одамларнинг апперцепциясидаги фарқнинг жуда яққол мисолларини беради. Чичиковнинг шаҳар халқига ва помешчикларга ғалати кўринган ишларини, уларнинг ҳарқайсиси ўз ҳаваси ва фаҳми-фаросатига яраша ҳархил жўяди. Ўз хўжалигидан чиққан нарсаларни сотишдан нарига ақли етмаган Коробочка, Чичиковнинг парандалар патини ва мой олиб сотучи, деб фаҳмлайди ва „товламачи қув" эмасмикин, деб ташвишланади, холос. Касалхоналар позири „ўлик жонлар" сўзидан мурод, унинг бепарволиги оркасида ўлган кишилар бўлса керак, деган хаёл блан Чичиковни махфий терговчимикин, деб ховотир олади. Ишқ-муҳаббат можаролари блангина қизиққан шаҳар хонимлари, ўлик жонлар ёлгиз „бир баҳона", Чичиковнинг муддаоси губернаторнинг қизини олиб қочишдир, дейдилар. Ба'зи шаҳар амалдорлари Чичиковнинг ҳатто қиёфасини ўзгартиб келган Наполеон, деб гумон қиладилар. Улар Наполеон тўғрисида ҳархил гапларни кўп эшитган бўлсалар ҳам (чунки воқиа 1812 йилдаги Ватан урушидан сал кейин бўлган эди), лекин унинг қандай одамлигини сра билмас ва ҳарнарса хаёл қилар эдилар.

Билим кишига анча чуқур ва бама'ни фикр қилишга имкон беришдан ташқари, нарсаларни чуқур ва бама'ни идрок қилиш имконини ҳам беради. Кўп билган одам кўп нарсанинг фаҳмига етади. Ўсимликларни яхши билган одам арзимаган бир ўтда анча ажойиб ҳислатлар топади, ҳолбуки ўсимлик илмидан бехабар одам бу ўтда диққат қилгундай ҳечбир нарса тополмайди.

Илм кишига дун'ёни бошқача, янгича идрок қилиш имконини беради, унда янги қарашлар туғдиради.

Одам яшаб умр кўрган сари ўсади, унинг қарашлари, апперцепцияси ўзгаради. Бир китобни орадан бирнеча йил ўтказиб, яна қайтадан ўқиганда бу ҳол осон пайқаланади. Кишини аввал қизиқтирмаган ва зериктирган китоб, кейинчалик жуда бама'ни ва мароқли бўлиб қолади. Биринчи гал ўқиганда сра идрок қилинмаган бирқанча тафсилотлар энди идрок қилинади, аввал ҳатто ҳеч хаёлга ҳам келмаган фикрлар энди чиқиб қолади. Ба'зида одам шу ўқиб турган китоби аввал ўқиган китоби эканига ишонмай қолади.

Кишининг қарашларидаги бу ўзгариш кўпинча секин бўлади ва шунинг учун одам уларга э'тибор қилмайди. Аммо кишининг турмушида шундай пайтлар бўладики, масалан, янги шароитга кўчиш, касб-корини ўзгартиш, бир нарсадан чуқур таас-

сурот олиш, улуғ бир одам блан учрашиш каби ҳоллар бўладики, бунда одамнинг дун'ёга қарашида, ҳархил нарсаларга қарашида, унинг апперцепциясида тўсатдан катта ўзгариш бўлиб кетади.

Ҳарбир кишининг ўзига хос бўлиб, унинг дун'ёга қарашларига, илмига ҳавас ва завқига, тажрибасига боғлиқ бўлган доимий апперцепциядан, кишининг бир нарсани идрок қилган пайтдаги руҳий ҳолига боғлик бўлган вақтинчалик апперцепцияни фарқ қилиш керак. „Қўрққанга қўш кўринар" деган мақол бор. Қўрққан одам ҳарбир нарсадан ваҳима қилиб, ҳадукланаверади, ховотир олаверади.

Бир нарсадан „гумонсираш" ҳам, масалан, бировнинг айтган гапи ва қилган ишидан гумонсираш ҳам кишининг идрогига кўп та'сир қилади.

Шаҳар бошлиғи блан Хлестаковнинг меҳмонхонадаги дастлабки учрашишлари бунинг жуда яхши мисолидир (Гогольнинг „Ревизор" деган асарининг иккинчи пардасининг VIII кўриниши). Хлестаков шаҳар бошлиғини кўрганда, меҳмонхона эгасига ҳақ тўламаганлиги учун „турмага олиб кетгани" келди, шекилли, деб гумон қилади ва шаҳар бошлигининг ваҳима блан қўрқиб гапирган сўзларини уни қамоққа олиб кетмоқ ниятини амалга оширмоқчи, деб фаҳмлайди. *„Шаҳар бошлиғи (қўрқиб).:* Кечиринг, айб менда эмас... ижозатингиз бўлса, мен блан бирга бошқа уйга кўчишингизни сўрайман". *Хлестаков:* йўқ, истамайман! Бошқа уйга кўчайлик дейишингиздан муродингиз нималигини биламан, турмага демоқчисиз. *Шаҳар бошлиғи (ғоз туриб қалтираганича):* марҳамат қилинг, ҳалокатга солманг! Хотин, болачақам бор, одам боласини бекорга бадбахт қилманг! *Хлестаков.* Йўқ, истамайман. Ана холос! Бола-чақангиз бўлса менинг ишим нима, сизнинг бола-чақангиз деб мен турмага кирайми!".

Шаҳар бошлиғи Хлестаковнинг ревизор эканлигига ҳеч шак-шубҳа қилмайди. Хлестаковнинг ўзини оқламоқчи бўлиб қилган разилона ҳаракатларини жуда жаҳли чиқиб кетган юқори амалдорнинг дўқ ва попусалари, деб ўйлайди. *„Хлестаков:* йўқ, истамайман. Бошқа уйга кўчайлик дейишингиздан муродингиз нималигини биламан, турмага демоқчисиз. Нима ҳаққингиз бор? Ҳаддингиз сиғадими?.. Мен.. бўлсам Петербургда хизмат қиламан. *(Дадилланиб.)* Мен, мен, мен... *Шаҳар* бошлиғи *(орқасига қараб):* „Ёпирай, худойим, жаҳли ёмон экан! Ҳамма ишни аллақачон билипти, бадбахт дўкондор савдогарлар ҳамма гапни айтганга ўхшайдилар!".

Хлестаковнинг меҳмонхонага тўлашга дарвоқи' пули йўқлиги тўғрисида айтган рост гапларини шаҳар бошлиғи, пора сўраяпти, деб фаҳмлайди. *„Хлестаков:* ҳаққини тўлайман, албатта, тўлайман, фақат ҳозир пулим йўқ. Ёнимда бир чақа пулим йўқлигидан бу ерда ўтирипман. *Шаҳар бошлиғи* (ёнига қараб): Э, буниси жуда қалтис! Муддаоси шу эканда!.. (овозини чиқазиб.) Мабодо пулга ва ёки бошқа бирон нарсага эҳтиёжингиз тушган бўлса, мен шу онда тайёр қилай. Йўловчиларга ёрдам кўрсатмоқ менинг вазифамдир"

25. ИЛЛЮЗИЯ

Иллюзия деб, чатоқ ва нотўғри идрокни айтамиз.

Ба'зида иллюзия бирхил одамларга хос бўлган апперцепция натижаси бўлади. Дон Кихот ел тегирмонларини кўриб, уларни катта паҳлавонлар, деб фаҳмлайди. Пода бўлиб юрган қўйни душман аскарлари деб ўйлайди, чунки ҳақиқатда нимани кўрса бу кўрганларида жангномаларда ўқиган воқиаларни излайди ва бечора, мазлумларга ёрдамлашмоқни хоҳлайди.

Гоҳда иллюзия ма'лум бир пайтнинг ўзида юз берган апперцепция натижаси бўлади. Пушкиннинг „Вурдалак“ деган ше'рида „Қўрқоқ“ Ваня „Қўрққанидан а'зойи-бадани терга ботиб, ранги ўчиб“ кечаси мозористондан ўтади. Болани ваҳима босганлигидан мозористонда суяк ғажиётган ит унинг кўзига гўрдан чиққан мурда бўлиб кўринади. Бу хил иллюзияларни, *апперцепция иллюзияси*, деса бўлади.

Сезги ва идрокнинг ма'лум қонунлари орқасида майдонга келадиган ва муайян шароитларда ҳаммада, ёки кўпчилик одамларда бўладиган иллюзияни апперцепция иллюзиясидан айириш керак. Бу хил иллюзия кўп бўлади, унинг ба'зилари блан таништирамиз.



Расм 18

Контраст иллюзияси.

1. Оқ нарсалар, катта-кичиклиги бу оқ нарсалар блан баравар бўлган бошқа қорароқ нарсалардан каттароқ кўринади. Бу ҳодиса иррадиация дейилади.

2. Бирнеча хил рангни бир жойга қўйиб нарироқдан қаралганда буларнинг ба'зиси яқин, ба'зиси узоқ кўринади, я'ни ба'зиси „олдинга чиқиб“ кўринса, ба'зиси орқага „чекиниб“ олисдароқ кўринади. Тўқ ранглар оч рангларга қараганда, яқинроқ кўринади, масалан, қизил ва сариқ ранглар кўк рангларга қараганда яқинроқ кўринади. Қизил обой қоғоз ёпиштирилган уй, гарчи аслда иккови баравар бўлса ҳам, кук обой қоғоз ёпиштирилган уйга қараганда кичикроқ кўринади.



Расм 19

Параллел ограмм диагоналларининг узун-кисқа кўриниши.

Расм 20

Ёндош чизиқларни қийшиқ кўрсатган иллюзия.

3. Контраст иллюзияси. 18 параграфда кўрсатилган мисоллардан ташқари кичкина нарсалар орасида турганлигидан аслида катта кўриниши, катта нарсалар орасида турганлигидан

кичик кўринишини ҳам айтиб ўтамиз. 18 расмдаги ҳалқаларнинг ўртадагиси аслда иккови ҳам баравардир, лекин бири катта ҳалқалар ўртасида бўлиб, иккинчиси майда ҳалқалар ўртасида бўлганидан бири катта, бири кичик кўринади.

4. Ҳар шаклнинг юқори қисмининг катта кўриниши. Тик чизиқни ўртасидан қоқ бўлганда, кўзи хом одам доим янглишиб, чизиқнинг ўртасини ҳамиша баландроқдан кўрсатади. Босилган 3 ва 8 рақамларнинг юқори қисми блан паст қисми баравар кўринади, ҳолбуки ҳақиқатда юқориси пастидан кичикдир. Китобни тескари ушлаб қарасангиз, буни очиқ кўрасиз.

Расм 21

Ёндош чизиқларни қийшиқ кўрсатган иллюзия.

5. Бутун шаклнинг хоссаларини унинг айрим бўлакларига кўчириш. Катта ва кичик икки шаклнинг узунлиги баравар бўлган икки чизиғини олсак, катта шаклнинг чизиғи узун, кичик шаклнинг чизиғи қисқа кўринади. 19 расмда чап томондаги параллелограммнинг *AF* диагонали ўнг ёқдаги параллелограмнинг *FD* диагоналидан узунроқ кўринади, чунки чапдаги параллелограмнинг ўзи ўнгдагидан каттадир.

6. Бир ёққа қараган чизиқларнинг ва ҳархил шакларнинг бошқа ёққа қараган чизиқлар та'сири блан қийшайиб кўриниши. 20 ва 21 *расмларда* ёндош чизиқлар, ёнига чизилган, ёки уларни кесиб ўтган бошқа чизиқлар та'сири блан ёндош эмасдек кўринади. *22* ва *23 расмда* крадрат шакл блан доира устига чизилган чизиқлар, бу квадрат блан доиранинг шаклини бузганлиги кўрсатилган.



Расм 22.

Квадратнинг бошқа чизиқлар та'сири блан қийшиқ кўриниши.

Кўрган чизиқ ва шаклларимизни тушуниш ва онглашимиз иллюзияда катта роль ўйнаши мумкин. Ба'зи ҳолларда бу иллюзияга сабаб бўлмоғи, ба'зи ҳолларда эса иллюзияни йўқ қилмоғи мумкин.

24 расмдаги учта устуннинг баландлиги баравар бўлса ҳам, ўнг томондагиси чап томондагисидан баландроқ кўринади. Бунинг сабаби шуки, бундаги суратни биз тобора узоқлашиб боручи устунларнинг сурати, деб тушунамиз, аммо ҳарбир нарсага узоқдан туриб қараганда, у нарса кичик кўринишини тажрибадан биламиз. Сурат солганда ҳам йироқдаги нарсаларнинг сурати кичикроқ кўрсатилишини

Расм 23

Доиранинг бошқа чизиқлар та'сири блан қийшиқ кўриниши.

Расм 25

Тўғричизиқнинг бир бўлаги пастга силжиганроқ кўриниши.



Расм 24

Перспектива иллюзияси.



Расм 26

Расмга ма'лум бир ма'но берилганда иллюзиянинг камайиши.

биламиз. Бу суратда наридаги устун беридаги устун блан баравар кўрсатилган бўлса, демак, бу сурат баландроқ устуннинг сурати бўлса керак, деймиз. Бунда суратнинг ма'нисини муаян бир равишда тушуниш иллюзия туғдиради.

Энди бунинг акси бўлган мисолни кўрсатамиз. Кўп кишиларга ма'лум бўлган бир иллюзия бор, у ҳам бўлса шуки, икки ёндош чизиқ блан кесилган тўғри чизиқнинг кесилган икки бўлаги бир-бирининг давоми эмасдек кўринади. 25 *расмда CD* чизиғи *AB* чизиғининг чинакам давомидир, лекин *CD* чизиғи пастроқ тушгандек ва *AB* чизиғининг давоми у бўлмай *EF* чизиғидек кўринади. Аммо агар биз бу расмни тўлдириб, *AB* чизиғи блан *CD* чизиғига ма'лум бир ма'но берадиган бўлсак, масалан, уни икки киши икки томонга қараб тортаётган арқон деб тушунсак, бу ҳолда бу икки бўлак чизиқнинг иккови бир эканини кўрабошлаймиз (26 расм). Бунда иллюзия йўқолиб кетади. Расмни бир ма'нида тушуниш иллюзияга барҳам беради.

Идрокнинг тўғри-нотўғрилиги амалий ишда тажриба йўли блан синалишини биламиз. *18 расмда* ўртадаги ҳалқаларни ўлчасак, ёки *19 расмдаги* диагоналларнинг узунлигини ўлчасак, уларнинг ҳақиқатда баравларлигига қаноат ҳосил қиламиз, даф'атанига қараганда уларнинг узун-қисқа ва катта-кичик кўриниши хато эканини биламиз. Турли идрок иллюзияларини текшириш, ба'зида турли нарсалар нега нотўғри, хато идрок қилинишининг сабабини ошкор қилади. Иллюзияларнинг сабабини билиш эса, идрокдаги хатоларга қарши курашишга ва уларни тузатишга ёрдам беради.

26. МУШОҲАДА

Идрокнинг бир хили *мушоҳададир. Мушоҳада ма'лум бир мақсад ва ният блан қилинган режалик идрокдир.* Мушоҳада — бир нарсани идрок қилиб, идрок блан *ўрганиш* ва *текширишдир.*

Мушоҳада қилабилиш қобилияти турмушнинг ҳархил соҳаларида жуда фойдали бўлган қимматли нарсадир. Бу ўринда мушоҳаданинг урушда ўйнаган роли блан илмий текширишларда ўйнаган ролини кўрсатиб ўтсак, шу ҳам кифоя қилади. Бу қобилият кишида бирданига тез пайдо бўлмайди. Бу қобилиятни ҳосил қилиш учун мушоҳаданинг яхши-ёнмонлиги нимага боғликлигини, унинг шарт-шароитлари нималигини билиш жуда фойдалидир. Бу шарт-шароитларнинг энг муҳимлари блан танишиб чиқайлик.

Яхши мушоҳаданинг энг биринчи шарти шуки, аввало мушоҳададан *мурод нималиги аниқ бўлиши керак.* Киши ўз олдига аниқ бир вазифани қўймай „бемақсад" мушоҳада қилиши мумкин эмас. Бировга серқатнов кўчанинг муюшида туриб мушо-

ҳада қил, десангиз, бу одамнинг ақли соғлом бўлса, сиздан нима мақсад блан нимани мушоҳада қилай, деб сўрайди, я'ни мушоҳаданинг вазифаси нима? дейди. Мушоҳада қилучининг ўз олдига қўйган вазифаси унинг диққатини бир нуқтага тўплайди, диққат ва э'тибор қилиш лозим бўлган нарсани кўрсатади. Мушоҳадаси яхши деб, ўз иродасини олдида турган вазифаларга бўйсундираолган кишини айтамиз.

Мушоҳада мумкин қадар *тўла ва мукаммал* бўлиши керак. Лекин мушоҳаданинг тўлалиги тўпланган ма'лумотларнинг кўплиги эмас. Урушда артиллерия мушоҳадачиси тўқайда қандай дарахтлар борлигига диққат қилса ва яқинидаги бир дарахтда қушнинг уяси борлигини пайқаса, бу блан унинг мушоҳадаси тўла бўлмайди. Мушоҳаданинг тўла бўлиши учун, *мушоҳада қилучининг олдида турган вазифалар нуқтаи назаридан муҳим бўлган нарсаларга диққат қилиш шартдир*. Мушоҳаданинг мукаммаллигини ҳам шу ма'нода тушуниш керак. Мушоҳадаси яхши бўлган одам, бошқаларнинг назари э'тиборидан қочиб қоладиган майда-чуйдаларга диққат қилиб, уларни пайқай олади, лекин кераги борми-йўқми майда-чуйданинг ҳаммасига диққат қилавермай, балки мушоҳададан кўзда тутилган мақсад ва вазифалар нуқтаи назаридан муҳим бўлганларига диққат қилади.

Мушоҳаданинг муваффақияти мушоҳада қилинмоқда бўлган нарса тўғрисида *аввал олинган билимга жуда* қаттиқ боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бир нарсани энг яхши мушоҳада қилучи, бу нарса тўғрисида кўп билими бўлган мутахассис кишидир. Уруш ва'зиятида мушоҳадачи душманнинг техникаси блан ва урушда қўлланган тактикаси блан ҳамда унинг қаршисида турган душман аскарларининг тартиб ва интизоми, расм-одатлари блан қанча яхши таниш бўлса, унинг мушоҳадаси шунча муваффақиятли бўлади. Мушоҳадани яхши олиб бормоқ учун унга *яхши тайёрланмоқ керак*.

Мушоҳада *тартибли ва режали* бўлиши керак. Агар саккиз-тўққиз ёшлик мактаб боласига, уйдаги нарсаларни бирма-бир санаб чиқ, дейилса, бола уйнинг ҳали у бурчагидаги, ҳали бу бурчагидаги нарсаларни олиб, аввал кўзига нима кўринса, шунинг номини айтаберади. Боланинг бу қилиғи тартибсиз ва режасиз мушоҳаданинг бир мисолидир. Бундай қилганда нарсаларнинг ҳаммасини тўла санаб чиқиш мумкин эмаслиги аниқ. Катта одамга бундай юмуш таклиф қилинса, катталар аксари бошқача қиладилар. Катта одам аввало мушоҳаданинг режа ва тартибини белгилаб олади, я'ни, масалан, „Эшикдан бошлаб, аввал девор тагидаги нарсаларни атаб чиқаман“ деб ўзига бир режа қилиб олади, ёки „аввал стол, шкаф, диван каби катта нарсаларни атаб чиқаман, сўнгра улар устидаги нарсаларни айтаман, бундан кейин деворга осиғлиқ нарсаларни айтаман“ дейди. Топширилган юмуш қийинроқ ва бама'нироқ бўлса, мушоҳаданинг режаси ҳам бунга яраша қийинроқ бўлади. Мушо-

ҳададан тажрибаси зўр бўлган кишиларда, одатда, узоқ замонлар ичида ҳосил қилинган мушоҳада тартибли бўлади ва бу тартиб уларга бир одат бўлиб, бу одат улардаги фазилат ва маҳоратнинг биридир.

Мушоҳаданинг муҳим аломати, идрок блан *фикрнинг фаол ишлаши* ўртасидаги боғланишдир. Шунинг учун ҳам мушоҳадани ба'зида „фикр қилучи идрок" ёхуд „ўйловчи идрок" дейдилар.

Мушоҳада қилганда фикрнинг фаол ишлаши, мушоҳада қилинган нарсаларнинг бир-бирига *таққослашда* жуда аниқ ва равшан кўринади. Бир нарса бошқа бир нарса блан солиштирилса, унинг моҳиятини билиш, унинг қайси хил нарсалардан эканлигини ва хусусияти нималигини тушуниш осон бўлади.

Мушоҳада масаласида айтиб ўтилиши лозим бўлган сўнггги яна бир нарса, мушоҳаданинг натижаларини яхши *баён қилишдирким бу ҳам катта аҳамиятга эгадир.* Агар одам қилган мушоҳадаларидан кейин ҳисобот бериши лозимлигини, кўрган ва эшитганларини баён қилиб бериш лозимлигини билса, бунда мушоҳаданинг тўла ва расолиги ошади. Бунинг сабаби шуки, мушоҳада қилгандан кейин ҳисоб беришга мушоҳада вақтидаёқ бирмунча тайёргарлик кўриб, идрокнинг мазмунини сўз қолипига солиб шиббалаб қўйишга ҳаракат қиламиз, я'ни кўрган ва эшитган нарсаларимизга аниқ бир ном беришга, уларнинг хосса ва хусусиятларини баён қилишга тиришамиз. Бу эса бизни идрок қилган нарсаларимизнинг ма'носини тўла тушунишга, нимаики муҳим бўлса, шунга диққат блан э'тибор қилишга, аниқ ва тўғри мушоҳада қилишга мажбур этади. Ба'зи одамларда саёҳат қилганда, музей ва виставкаларга борганда, театр тамошосига борганда ва биронта ажойиб воқиани кўрганда бу кўрган ва эшитганларини ошно ва оғайниларига, ёхуд қариндошларига гапириб бермоқчи бўлиб фикрларида буни ўйлаб қўйиш одати бор, бу одат ҳалиги жиҳатдан қараганда ниҳоятда фойдаликдир.

Кишининг яхши мушоҳадачи бўлмоғи учун тўла ва аниқ идрок қилишга моҳирлиги кифоя қилмайди; бундан ташқари идрок натижаларини шиббалаб маҳкамлаб олиш, идрок қилган нарсаларини баён қила билиш маҳоратига ҳам эга бўлмоқ керак.

27. ҲАРКИМНИНГ ИДРОГИ ВА МУШОҲАДАСИДАГИ ФАРҚ

Идрок қилиш нечоғлик мураккаб процесслигини билганимиздан кейин бу процесснинг ҳаммада бирхил бўлмай ҳархил бўлажагини тушунишимиз энди осон бўлади. Ҳаркимнинг ўз идрок қилиш „йўли" бор, ҳаркимнинг ўзига одат бўлиб қолган мушоҳада қилиш усули бор; одат бўлиб қолган бу йўл ва усулларни юзага келтирган сабаб одамнинг хусусий сифатлари ва умри ичида пайдо қилган малакаларидир.

Ҳаркимнинг идроги ва мушоҳадасида бўлган фарқни кўрсатадиган энг муҳим аломатларни айтиб ўтамиз.

Ба'зилар идрок ва мушоҳада қилганда *фактнинг ўзига* кўпроқ э'тибор қилишга, ба'зилар бўлса бу *фактларнинг ма'нисига* кўпроқ э'тибор қилишга мойилроқ бўладилар. Биринчилар идрок ва мушоҳада қилган нарсаларини *баён қилишга*, иккинчилар уларнинг *сабабини билишга* кўпроқ қизиқадилар. Идрок ва мушоҳаданинг биринчи хили *баёнот хилидир*, иккинчиси *изоҳат хилидир*.

Идрокнинг *об'ектив* хили блан суб'ектив хили ўртасидаги айирма жуда каттадир. Об'ектив идрок деб, мушоҳада қилучининг олдиндан қарор қилиб қўйган фикрлари, унинг тилаги ва кайфи унча та'сир қилмаган тўғри, расо ва тўла бўлган идрокни айтамиз. Бунда одам фактларни қандай бўлса шундай идрок қилади, ўз томонидан унга ҳечнарса қўшмайди ва ҳархил тусмолларни кўп қилмайди. Суб'ектив идрокда бунинг акси бўлган ҳолларни кўрамиз. Бунда одамнинг дарвоқи' кўрган ва эшитганларига унинг ҳархил хаёл ва тусмоллари ва эҳтимоллари қўшилади, одам турли нарсаларни ҳақиқатда қандай бўлса шундай ҳолда кўришдан кўра, кўпроқ унинг ўзига матлуб бўлган ҳолда кўради.

Идрокнинг суб'ективлиги ба'зида шундай ҳолларда ҳам кўринадики, бунда одамнинг диққати, идрок қилинмоқда бўлган фактлар та'сири блан одамда туғилган ҳиссиётлар томонига оғиб кетади ва бу ҳиссиётлар фактларнинг ўзини назар э'тибордан қочиради. Қачонки биров блан гаплашсалар, кўпроқ ўз ҳасратларидан, қўрққани, ваҳмаси, юраги ачинганидан гапириб, лекин унда бу ҳисларни уйғотган воқиалар тўғрисида жуда кам гапирадиган одамларни кўп кўрамиз.

Ба'зида идрокнинг суб'ективлиги яна шунда ҳам кўринадики, бунда одам мушоҳада қилган бир нарсаси тўғрисида умумий таассурот ҳосил қилиш учун етарлик ма'лумот топган бўлмаса ҳам, бу ҳақда тезроқ умумий таассурот ҳосил қилишга тиришади. Кишининг кўзини синаганда ўқитиладиган лавҳада ёзилган сўзларни ўқитиб кўриб синалганда, кишининг бу хусусияти жуда аниқ кўринади. Бунда лавҳадаги сўзлар, уларни ўқиб улгуриш мумкин бўлмаган даражада тез кўрсатилади. Масалан, „конторка" сўзи кўрсатилганда, идроги об'ектив идрок хилидан бўлган одам аввал кўрсатишда бу сўзни „конт" деб ўқийди; иккинчи даф'а кўрсатишда „контор"гача ўқий олиши мумкин; сўнгра учинчи даф'а кўрсатишда „конторка" деб тўла ўқийди. Лекин идроги суб'ектив идрок хилидан бўлган одамни синайдиган бўлсак, бу одам бояги сўзни биринчи даф'а ўқитишда, масалан, „корзинка" деб, иккинчи даф'а ўқитишда „касторка" деб, учинчи даф'адан кейин „конторка" деб ўқиши мумкин.

Ҳаркимнинг идрок ва мушоҳадасидаги фарқни та'риф қилганда, кишининг *разм солиш* деган хусусияти ниҳоятда катта

аҳамиятга эгадир. Нарса ва ҳодисаларнинг бирон жиҳатдан ниҳоятда муҳим, мароқли ва қимматли бўлган ва лекин кўзга унча яққол кўринмаганидан аксари одамларнинг назар-э'тиборидан тушиб қоладиган аломат ва хусусиятларини пайқаш қобилияти разм солиш дейилади. Разм солиш фақат мушоҳада қилишдангина иборат эмас. Бир нарсага разм солмоқ учун кишида мароқланиш, я'ни билиш ҳаваси, янги фактларни ва улар тафсилотини билишга доимий бир интилиш бўлмоғи керак; тимсол қилиб айтганда, одамда „фактлар овига" ҳавас бўлиши шарт. Разм солиш одам лабораториядами, музейдами, посибонликда тургандами ва ҳоказо жойлардагина пайдо бўлмай, ҳар ерда, ҳар қачон пайдо бўлаверади. Размли ўткир деб, ҳарбир шароит ва ҳарбир ҳолда ва ҳарбир ишда доим муҳим ва қиммати бўлган нарсаларни пайқаш қобилиятига эга бўлган одамни айтамиз. Кишида бу қобилият бўлиши учун у идрок қилишга ҳамавақт тайёр бўлсин.

Ҳарбир нарсага разм солиш қобилияти кишининг ниҳоятда муҳим сифатларидан бўлиб, тирикчиликнинг барча соҳасида унинг қиммати ма'лум бўлиб туради. Ба'зи ишларда, масалан, олимларнинг ишларида бу сифат айниқса зарурдир. Улуғ рус олими И. П. Павлов лабораторияларининг бирисининг биносига „разм солмоқ, яна разм солмоқ" деган сўзни ёздирганлиги бечиз эмас. Ёзучида ҳам бу қобилият бўлиши мутлақо шартдир, чунки ҳар нарсага разм солиш, ёзучининг ёзадиган асари учун материал бўладиган амалий тажриба ва турмуш таассуротлари йиғиб боришга имкон беради.

Такрорлаш учун саволлар

1. Идрок нимадир ва сезгидан унинг фарқи нима?
2. Идрокнинг физиологик асослари нима?
3. Кўриш идрогида айрим доғ ва чизиқларни тўдаларга айириш қайси шароитларга боғлиқлигини айтинг.
4. Идрокда тасаввур қандай рольни ўйнайди?
5. Апперцепция деб нимани айтамиз?
6. Иллюзия деб нимани айтамиз?
7. 19 ва 20 расмлардаги иллюзияларни тушунтиринг.
8. Мушоҳада деб нимани айтамиз?
9. Мушоҳаданинг сифати қайси шарт-шароитларга боғлиқ, айтинг.
10. Мушоҳаданинг баёнот хили блан мулоҳазот хили, об'ектив хили блан суб'ектив хили ўртасида нима фарқ бор?
11. Разм солиш қобилияти деб нимани айтамиз?

Масалалар

1. Бадиий адабиёт асарларидаги қаҳрамонлардан бирининг маҳкам ўрнашиб қолган апперцепциясидан бир мисол топинг.
2. Бадиий асарлардан кишининг ма'лум бир пайтдаги кайфиятига боғлиқ бўлган апперцепция мисолини топинг.
3. Иллюзиядан ўзингиз бир мисол кўрсатинг.

4. Бирнеча кишига (ҳарбир шаклнинг юқори қисми кишининг кўзига катта кўринишини билмаган одамларга) тик чизиқни ўртасидан тик бўлдириб кўринг ва уларнинг ҳарқайсисида қанчалик иллюзия борлигини белгиланг.

5. Бирнеча кишини синаб, уларда тўғри чизиқни кесиб ўтган чизиқни силжиган деб хаёл қилиш иллюзияси қанчалигини белгиланг (расм 25).

6. Мушоҳада ўткирлигидан бир мисол кўрсатинг.

V боб

ҲИС

28. ҲИССИЁТ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ МА'ЛУМОТ

Ҳис ёхуд эмоция деб, кишининг билмоқда ва қилмоқда бўлган нарсаларига ўз муносабатларини туйғуларидан кечиришини айтамиз, я'ни муҳитидаги нарса ва ҳодисаларга, ўз ишларига, ўзига ва ўзининг қилган ҳаракатларига бўлган муносабатларидан туғилган туйғуларини айтамиз. Бир нарсадан ҳузурланиш ёки беҳузур бўлиш, суюниш, қайғириш, муҳаббат, қаҳру-ғазаб, ғайрат ва шижоат, қўрқиш, изтироб, ташвиш, хотиржам'лик каби ҳолларнинг ҳарқайсиси ҳис ёхуд эмоциянинг бир мисолидир.

Ҳис блан сезги ўртасидаги фарқни жуда аниқ ва равшан билиш керак. Бу фарқни яхши билмагунча, бошқа мураккаброқ руҳий процессларни таҳлил қилишни билиб бўлмайди. Оддий гапда аксари бу икки сўзнинг фарқига бормайдилар. Чунончи, „бир нарсанинг ҳидини ҳис қилдим", „кўнглим алланечук ховотирни сезаяпти" дейдилар. Бу гапларнинг иккови ҳам мужмалроқ, чунки ҳақиқатда ҳид билиш сезгидир, ховотирланиш ҳисдир.

Инсоннинг хоҳишидан қат'ий-назар мавжуд бўлган *нарса ва ҳодисаларнинг хоссалари сезгиларда акс этади. Ҳиссиёт бўлса одамнинг бу нарса ва ҳодисаларга бўлган муносабатидан туғилган туйғуларидир.* Кишининг сезгилари нарса ва ҳодисаларнинг ўзидан хабар беради, ҳис бўлса кишининг бу нарса ва ҳодисаларга қандай муносабатда бўлганидан, бу нарса ва ҳодисалар кишида қандай кайфият туғдирганидан хабар беради.

Мен бир товушни эшитганимда бу товуш менда хурсандлик ҳиссини уйғотади. Товуш ва унинг менинг сезгиларимга бориб етган паст-баландлиги, қаттиқ ва секинлиги ва оҳанги ҳаммаси бир бўлиб, менинг хоҳишимдан қат'ий назар, ўзича мавжуд бўлган бир нарсадир; агар мен бу товушни эшитмасам ҳам бари-бир у бордир ва менинг уни эшитмаганимдан унда ҳеч ўзгариш бўлмайди. Аммо мен ҳис қилган хурсандликка келсак, бу фақат мендагина мавжуддир. Агар мен ҳали-

ги товушни эшитмасам ундан менда пайдо бўлган хурсандлик ҳам бўлмас эди.

Меним сезгиларим менга нарсаларнинг хосса ва сифатларини билдиради, ҳиссиётим эса бу нарсаларга бўлган муносабатимни билдиради. Сезгиларим нарсаларнинг ўзидан дарак берса, ҳисларим бу нарсаларга муносабатим қандайлигидан, уларнинг менда қандай кайфиятлар туғдирганидан дарак беради.

Ҳисни муайян нарса ва ҳодисалар туғдиради, ва ҳис аввало шу нарса ва ҳодисаларнинг хоссаларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам биз ба'зи нарсаларни „хуш" ва ба'зи нарсаларни „нохуш" деймиз, ба'зи ҳикояларни „ваҳмали", ба'зиларини „суюнчли" деймиз. Бироқ ҳиссиётда бу нарса ва ҳодисаларнинг хоссалари акс этмай, балки бизнинг уларга бўлган муносабатимиз акс этади. Шу сабабдан бир нарса ва бир ҳодиса, ба'зида ҳархил одамда ҳархил ҳис уйғотиши мумкин.

Ҳис кишининг яшаган муҳитига ва ўзининг фаолиятига бўлган муносабатидан туғилган туйғуларидир. Лекин одам жамият ичида яшайди, фаолияти ҳам жамиятдаги фаолиятдир. Шу сабабдан *одамнинг ҳисси ҳам ижтимоий ҳис бўлиб*, унинг қандайлиги кишининг *жамиятдаги ҳаётига* боғлиқдир. Албатта, хурсандлик ёки хафалик, ҳузур ва беҳузурлик, муҳаббат, қаҳру-ғазаб каби туйғулар кишида ҳарқандай ижтимоий шароитда ҳам бўлади. Лекин бу ҳисларнинг нимага қаратилганлиги, уларнинг қандайлиги, уларнинг бир туйғу эканлиги—буларнинг барчаси одамнинг ижтимоий турмушига боғликдир.

Ҳиссиётни одамнинг онгидан алоҳида қилиб айириб бўлмайди; ҳиссиётни онгга сра боғланмаган алоҳида бир нарса деб бўлмайди. Кишининг онги ўзгаради, кишининг қарашлари, маслаги, дун'ёга қараши ўзгаради, бас, ҳиссиёти ҳам ўзгаради.

Горький „Она" деган романида кишининг турмуши ва касбкори ўзгарганда, қараш ва маслаги ўзгарганда, унинг бутун ҳиссиёти ҳам ўзгаришини ниҳоятда чуқур ва нозик кўрсатган. Бу романда Павел Власовнинг онаси Ниловна аввал ўғли Павел Власовнинг ва унинг шерикларининг қилган революцион ишларига секин-секин аралашиб, кейин ишчилар синфининг бахт ва саодати учун жонини фидо қилган инқилобчилар блан яхши танишиб борган сари, инқилобчиларнинг жонбозлик кўрсатиб улуғ мақсад ва омоллар йўлида чор ҳукумати блан курашганларини кўрган ва билган сари бутун ҳиссиёти ўзгариб боради.

Аввал унинг бутун ҳаёти фақат бир ҳис блан тўлган эди, у ҳам бўлса қўрқиш ҳисси эди; бу ҳис уни шу қадар чулғаган эдики, ўғлига бўлган муҳаббатига ҳам кўнглида ўрин қолмаган эди. Павел Власовнинг онаси „умримнинг ҳаммаси қўрқишда ўтди, кўнглимни қўрқув бутун эгаллади" дейди. „Доим калтак... калтак... эрдан бошқа ҳечнарса кўзим кўрмади, қўрқишдан бошқа ҳечнарса билмадим! Пашанинг қандай ўсганини кўрмадим, эрим тириклигида ўғлимни суярмидим, йўқми, буни ҳам билмайман!"

Энди унинг олдида янги ҳислар олами очилди. У, „энди ҳамманарса ўзгарди, хафалик ҳам, хурсандлик ҳам бошқача бўлиб қолди..." дейди. Аввалги қўрқув йўқолиб, унинг ўрнига аввал ўғлига, сўнгра унинг ўртоқларига, охири бўлса ўғли ва ўртоқлари кимнинг бахт ва саодати учун ку-

рашаётган бўлсалар, шуларга, я'ни барча меҳнаткашларга фидокорона бир муҳаббат пайдо бўлди.

„Умр бўйи ўйлаганим фақат бир нарса эди, бир илож қилиб тинчлик блан кунни ўтказай, ҳечким менга тақилмасин, панада бўлай, дер эдим. Энди бўлса, нима бўлса у хаёлимга кираверади, қилаётган ишларингизни яхши тушунмасам-тушунмасман, лекин ҳаммангиз менга яқинсиз, ҳаммангизга куяман, ачинаман, ҳаммангизга яхшилик соғинаман".

Қўрқув, албатта, батамом йўқолиб кетмади, лекин у ҳам ўзгарди: аввал ўзининг ташвиши блан қўрқса, энди бошқалар учун қўрқади, „Бутун ҳаётим бошқа бўлиб кетди, қўрқув ҳам энди бошқа, энди ҳамма учун ташвишланаман". Аммо бу қўрқув ҳам борган сари йўқолиб, унинг ўрнини бошқа ҳислар, я'ни унинг ўғли ва шериклари нима учун курашаётган бўлсалар, бу ишнинг душманларига қарши нафрат ва адоват ҳислари эгаллайди. Уйида биринчи мартаба обиска бўлганда фақат қўрққан эди, лекин иккинчи галда унинг туйғулари бутунлай бошқача бўлди: „Энди биринчи галдаги обискадагидек қўрқмади, энди тунда келган бу қора меҳмонларга кўпроқ нафрат қўзғоди,... бу нафрат ва адоват унинг қўрқусини босиб кетди".

Ўзининг ҳам инқилобий ишга фаол қатнашишига имкон эшиги очилиши блан, я'ни фабрикага хитобнома олиб борганда умрида энди биринчи мартаба ич-ичидан қувонди: „Бу вазифани бажаришга қобилияти борлигини билиб, хурсандлигидан а'зойи-бадани учар эди".

Ҳиссиётнинг кўплиги кишининг ички ҳаётининг юксалиб ҳар жиҳатдан камолга етиши учун энг керакли шартдир. Кишининг ҳиссиёти кам ва заиф бўлса, унинг ҳаёти безавқ ва бемаза бўлади, бундай одам ҳавсаласиз, ҳаракатсиз бўлади ва одамлар орасида э'тибори бўлмайди.

Бепарво, қуруқ одам чинакам курашучи бўлаолмайди, чунки курашиш учун нима учун курашаётган бўлсанг, ўшани севмоқ керак, ниманинг қаршисига курашётган бўлсанг, уни ёмон кўрмоқ керак. „Душманни жонинг борича ёмон кўрмагунча, уни енгиб бўлмайди" (*Сталин*).

Улуғ Ватан урушида жонбозлик кўрсатган беҳисоб қаҳрамонларни фидокорлик йўлига бошлаган, совет мамлакатининг ичкарисида фидокорона ишлаб ғалаба қуролини тайёрлаган ҳисобсиз ботирларга ғайрат бағишлаган икки улуғ ва муқаддас ҳиснинг бири Ватан муҳаббати бўлса, иккинчиси душманга ғазабдир.

Шолоховнинг „Ғазаб фани" деган ҳикоясининг қаҳрамони бўлган лейтенант Герасимов бундай дейди: „Урушдек қайроқ кишининг ҳамма ҳиссиётини ўткир қилиб қайрайди... Немисларнинг ватанимга ва менинг ўзимга қилган баттолликлари учун уларга кўп қаттиқ адоватим бор, шу блан бирга ўз халқимга муҳаббатим борлигидан немислар зулми остида халқимнинг эзилишини истамайман. Мени ва барчамизни бундай жадду-жаҳд, қаҳру-ғазаб блан урушишга мажбур қилган нарса шудир, ҳаракатда гавдаланган ва бизга ғалаба бағишлайдиган икки куч биздаги шу икки ҳиссиётдир".

Бепарво, дардсиз, қуруқ одам ижод ҳам қилаолмайди. „Инсоний ҳиссиётларсиз, ҳақиқат йўлида инсоний излашлар ҳеч вақт бўлган эмас, бўлмайди ва бўлиши мумкин ҳам эмас" (*Ленин*).

Улуғ рус олими И. П. Павлов вафоти олдида совет ёшларига бағишлаб ёзган хатида бундай деган эди: „Илм одамдан катта ғайрат ва улуғ ҳиммат талаб қилади. Ишингизда ва излашларингизда дард бўлсин“. Бу гаплар одам боласининг фаолиятига доир бўлган барча ишларига тегишлидир. Ўз ишингизга дард блан муҳаббат қўймагунингизча, ижодият бўлмайди. Ғайрат ва „улуғ ҳиммат“ бўлмагунча, ҳечбир ишда катта муваффақият ва натижа бўлмайди.

29. ҲИССИЁТ ВА БИЛИШ ПРОЦЕССЛАРИ

Ҳиссиёт *манба'лари ҳақиқатда мавжуд бўлган ҳархил нарса ва ҳодисалардирким*, одам ўз ҳаёти ва фаолиятида бу нарса ва ҳодисаларга тўқнашади. Броқ ҳарбир нарса ва ҳодисани одам бевосита ўзи идрок қилмагунча, ёки бирон бошқа йўл блан уни билмагунча, бу нарса ва ҳодисалар ҳиссиёт манба'и бўлаолмаслиги аниқдир. Бирор нарсага қандайдир муносабатда бўлмоқ учун уни бирор жиҳатдан билмоқ керак. Шу сабабли ҳиссиёт ҳамиша сезги, идрок, хотира ёки хаёл образлари, фикр ва шу каби билиш процесслари блан бирликда туйғудан кечирилади.

Ба'зида нарсаларнинг (ёхуд баданимизда бўлиб турган процессларнинг) *биз шу онда сезган хоссалари бизнинг ҳиссиёт манба'имиз бўлади.* Ранглар, товуш, ҳид ва ҳоказоларнинг ўзи бизда ҳархил ҳиссиётлар уйғотаолади. Яхши скрипканинг овози бизга ҳузур беради, лекин арранинг ғириллаши, эшакнинг ҳанграши бизда нохуш ҳис туғдиради. *Сезги блан бевосита боғлиқ бўлган бундай ҳис, сезги ҳиссиёти, ёки эмоциялик сезги дейилади.*

Сезгининг ба'зиларида ҳамиша ҳиссиёт бўлади. Чунончи, оғриқ сезгилари ҳамиша ҳиссиёт блан боғлиқдир. „Оғриқ“ деганда, биз одатда оғрик сезгисининг (санчиқ, ачитиш, тортиш, жазиллатиш ва бошқа бунинг каби сезгилар) ёлғиз ўзини тушунмай, балки бу сезгилар блан боғлиқ бўлган нохуш, ҳатто бизга азоб берган ҳисни ҳам тушунамиз. Ички а'золар сезгиси ҳам ҳамиша ҳис блан боғлиқ бўлади. Ташналик, очлик, сериштаҳалик, тўқлик, кўнгил айниш ва бошқа бунинг каби сезгилар доим хуш ёки нохуш бўлади.

Ҳид билиш сезгилари ҳам, гарчи доим бўлмаса ҳам аксари, қисман хиссиётга боғлиқ бўлади. Аксари одамлар амалий мақсадда ҳид сезгисидан кам фойдаланишларини юқорида айтган эдик; одатда биз нарсаларни ҳидидан танимаймиз, ёки ҳидига қараб ажратмаймаз. Лекин ҳиднинг ҳаммавақт ҳиссиётни қўзғотадиган томони бор; яхши ҳид бизга ҳузур берса, ёмон ҳид беҳузур қилади ва шунинг учун одамнинг кайфига анча та'сири бўлади.

Сезгининг ҳиссиёт томони, кишининг нима талаб қилиб турганлигига жуда боғлиқдир. Овқатнинг ҳиди оч одамга хуш келади, тўқ одамга бўлса нохуш келади, ҳатто кўнглини айнитади. Иссиқ кунда мороженое одамга ёқади, совуқ кунда одам уни ёқтирмайди.

Ба'зида ҳиссиёт, нарсаларнинг биз сезган хоссаларининг ўзига боғлиқ бўлмай, балки бу нарсаларнинг шу пайтда

бизга қандай аҳамияти борлигига боғлиқдир, бу нарсаларнинг бизга нимадан дарак берганлигига боғлиқдир.

Масалан, бир товушнинг ўзи, аҳамиятига қараб ҳархил ҳиссиётлар қўзғотиши мумкин. Тўпнинг овози душман аэропланларининг ҳужумидан дарак берганда, ховотир блан хуш'ёр бўлиб туриш ҳисларини қўзғотади, лекин шу тўпнинг овози ватанимиз пойтахтида Совет Армиясининг шонли аскарларини табриклаган солют овози бўлганда, бизнинг ифтихор ҳисларимизни уйғотиб, хурсанд қилади.

Гоҳда ба'зи нарсалар, улар блан боғлиқ бўлган хотирот сабабидан доим кишининг ҳиссиётини қўзғотадиган бўлиб қолади. Агар ўтган умримизда биронта ҳид, ранг ёки товуш хурсандчилик ёки хафачилик блан боғланган бўлса, бизда бўлиб ўтган хурсандчилик ёки хафачилик блан бу ҳид, ранг ёки товуш ўртасидаги мазкур муносабат маҳкамланиб қолиб, кейин бу ҳид, ранг ёки товушнинг ўзиёқ ҳамиша бизда хурсандлик ёки хафалик ҳиссиётини туғдириши мумкин. Аксари шундай бўладики, одам бирон ҳид ёки рангни жуда яхши ёхуд ёмон кўриб қолади, бунинг сабаби ҳам шу нарсадир.

Гоголь „Эски одатлик помешчиклар" деган ҳикоясида, бундаги қаҳрамонларнинг уйларидаги энг муҳим шоён диққат бўлган нарса деб, „ашулалик эшикларни" кўрсатади, я'ни уларнинг уйидаги эшикларнинг ҳаммаси ҳархил товуш чиқазиб жуда ёмон ғирчиллар экан. Эшикнинг ғирчиллаши қулоққа ёқадиган овозлардан эмас. Гоголь ҳам бунга қойил: „бу товуш кўп кишиларга жуда ёқмайди", дейди ва лекин „менга бу товуш жуда ёқади" деб қўяди. Бунинг сабаби нима? Гогольнинг ўзи, уйидаги эшиклари шундай „ашулалик", кичкина помешчик уйида туғилган ва ўсган. Шунинг учун эшикнинг ғирчиллаши юртидан йироқда яшаган Гоголь назарида уни ҳаяжонга келтиручи хотиралар манба'и бўлган: „бундаги эшикларнинг ғирчиллаганини эшитгундай бўлсам, дарҳол қишлоқнинг ҳиди думоғимга уради, кўҳна шамдонга қадалган шам'лар блан ёритилган пастаккина уй, оқшом чоғида стол устига ёзилган дастурхон, ундаги овқатлар, май ойининг оқшомида уйда ясоғлик дастурхонга чарвоқ томонидаги очиқ деразадан тушиб турган қоронғи, сайраши чарвоқни тўлдириб уйга, узоқдаги дар'ёга ҳам етган булбул овози, дарахт шохлари шитирлагандаги ваҳима... Ераббий: қанча, қанча воқиалар ёдимга тушиб, хотиралар карвони қатор-қатор ўтаберади"!

Сўнгра, ба'зида бизда туғиладиган ҳислар шу пайтнинг ўзида биз сезган ва идрок қилган нарсалар блан бевосита алоқадор бўлмай, балки шу онда ўйлаб турган, эслаган ва хаёлимизга келтирган нарсаларга оид бўлади, холос.

Шу тариқа, *ёлғиз сезги блан идрокгина эмоцияга алоқадор бўлмай, балки тасаввур блан фикрнинг ҳам эмоцияга аралашганлиги бор. Билиш блан боғлиқ бўлган ҳарбир процесс ҳархил ҳисларни уйғотиши мумкин.*

30. ҲИС ВА ФАОЛИЯТ

Ҳиссиётнинг энг кучли манба'и кишининг фаолиятидир. Фаолиятнинг асосий хилларидан қайсибирини олсак ҳам, я'ни меҳнатми, ўқишми, ўйинми буларнинг ҳаммасида бирталай

турли-туман ҳиссиётлар қўзғолганини кўрамиз. Ўйинни оладиган бўлсак, унинг аллақанча ҳиссиётлар тугдириши жуда аниқ ма'лумдир. Агар ўйин кишининг завқини ҳеч қўзғотмай, одам лоқайд қолаверадиган бўлса ҳечким ҳечбир ўйинни ўйнамайди. Лекин кишининг бутун ҳаётининг мағизини, мазмунини ташкил этган ва кўп жиҳатдан кишининг тақдирини белгилайдиган касб-кор ва ўқиш фаолиятига келсак, булар кишида бўладиган яна ҳам чуқурроқ, кучлироқ ранг-баранг ҳиссиётлар блан боғлик бўлганини тушуниш қийин эмас.

Ишлаш, ўқиш, ўйнаш фаолиятининг ўзиёқ кишига лаззат бериши мумкин. Қандай бўлмасин бир иш блан шуғулланиш ҳамавақт кишини хурсанд қилади.

А. Г. Стахановнинг таржимаи-ҳолига доир бўлган ва 1935 йил 31 августда кечаси бир сменада 13—14 тонна тош кўмир чиқариш ўрнига 102 тонна чиқазиб, эски нормаларни вайрон қилиб ташлаган чоғида унда қандай ҳиссиётлар туғилганини кўрсатадиган қуйидаги парча бунинг далилидир. „Стаханов қийналганини ҳеч сезмас эди. Одатдан ташқари ажаб бир хурсандлик босди. Ашула айтгиси келар, назарида ҳатто қўлидаги болғаси ҳам хурсандликдан енгил тортиб кулар эди“. Шу пайтда тақир-туқур тўпалон овоз ичида биров иш тамом бўлди, деб қичқирди. Стаханов буни сра кутмаган ва ишга эндигина қизиқиб келаётган эди. Назарида ишга тушганига бир соат ҳам бўлгани йўқ, чарчаганлик аломати ҳам сра йўқ, на билаги ва на тўқмоги чарчаганга ўхшамайди, лекин олти соат аллақачон ўтиб кетипти“!

Кўп ишлар борки, буларда ҳамма ишни ажрим қилучи бир-неча муҳим пайтлар бўлади ва аввал қилинган тайёргарлик ишларининг ҳамма натижаси шу ажрим қилучи пайтларга боғлиқ бўлади. Ўқучининг имтиҳон бериши, артистнинг янги бир рольда биринчи марта саҳнага чиқиши, урушда аскар бошлиғининг кўпдан бери ниҳоятда пухта тайёргарлик кўриб келинаётган мас'улиятли бир жангни амалга ошириши бу ажрим қилучи пайтларнинг бир мисолидир. Бу пайтларнинг яқинлашиши кишида ғалати бир изтироб ва тажанглик ҳолати туғдиради, одамнинг фаолияти авжига чиқиб, бу ҳолат борган сари кучайиб, кейин ажрим қилучи пайт келиб иш бир ёқлик бўлади, тажанглик бўшашиб, диққатлик ёзилиб кишида ором ҳисси туғилади. Ба'зибир вақтларда шундай ҳоллар бўладики, одам бир пастда тажангликнинг авжига чиқиб, бир пастда ёзилади. Бу ҳолат ҳечқаерда урушдагидек аниқ ва равшан кўринмайди. Масалан, урушда „душманнинг келаётганини ўз вақтида пайқаш“, „пайт пойлаб туриб, бехато отиш“ каби бир пастда ўтадиган ва анчайиндек кўринган пайтлар ниҳоятда муҳим ва мас'улиятли иш бўлиб қолади.

Шолохов „Улар Ватан учун урушдилар“, деган романининг бир бобида, кишида бўладиган бу икки ҳолатни, я'ни кишининг ғайрати авжига чиқиб кейин иш ҳал бўлгач тушиб одамда ором ҳиссининг туғилишини жуда яхши тасвир қилади. Шолохов немисларнинг шўнғиб бомба ташлайдигана эропланларининг ҳужумини қайтарганда Лопахин, номли бир аскарнинг

немис аэропланини отиб туширганини тасвир қилган жойида кишидаги ҳалиги ҳолатни кўрсатади.

„Лопахиннинг андак ранги ўчиб милтиғини кўтарди; хандақнинг тагига оёғини маҳкам тираб туриб мўлжалга олди. Отган ўқини теккизаолмаса бўлмас, ҳаққи йўқ эди! Бутун гавдаси тошдек қотиб қолганга ўхшади, ёлғиз икки қўли, кўмир конида ишлаб бақувват бўлган забардаст қўллари милтиқни қаттиқ ушлаб чапга томон оғиб борур, қисилган кўзлари қонга тўлиб, ғазаб ўтида ёниб осмонда кетаётган аэроплан изидан қолмай мўлжаллар эди.“

Лопахиннинг отган икки ўқи хато кетди, лекин учинчиси душман аэропланини уриб туширди. Шундан кейин Лопахин беҳад шодланиб, ором блан уҳ тортди, яйраб, кўкрагини кериб нафас олди...

Қони қочган бурнини кериб ва тантанасидан шодлигини очиқ кўрсатиб, — ана шундақа урмоқ керак, деб махтаниб қўйди. Қалтираши тинмаган қўллари блан шошиб-пишиб тамаки ўраб, чарчаб бўшашгандек, хандақ ичига ўтирди ва бирнеча марта тўйиб-тўйиб ичига тутунни тортди.

— Ла'нати қочиб кетармикин деб қўрққан эдим! — деди, ўзини бирмунча босиб олиб, лекин ҳовлиққанидан ҳали ҳам тўхтаб-тўхтаб гапирар эди“.

Ҳечбир иш қийинчиликсиз бўлмайди; ишдаги бу қийинчиликлар ҳам кишида ниҳоятда кучли ва турли-туман ҳиссиётлар туғдиради.

Одамнинг *бу қийинчиликларга мунособати* ҳархил бўлиши мумкин. Қийинчиликлар ба'зида одамда умидсизлик, саросималикк, ожизлик ва пушаймон ҳисларини туғдириши мумкин; лекин бу блан бирга ишдаги қийинчилик бу ҳисларнинг тамомила тескариси бўлган бошқа ҳислар туғдириши ҳам мумкин, я'ни кишини дадил қилиши, ўз куч-қувватига ишончини маҳкамлаши, ғайратини қўзғоб, юрагини ботир қилиши мумкин. Қийинчиликни енгиб бартараф қилишнинг ўзи ҳам кишини шодлантириб лаззат бериши, қийинчиликларга ўрганмаган ва ҳамиша улардан қочиб юрган кишиларга сра ошно бўлмаган завқ ва шавқ ҳисларини қўзғотиши мумкин. Ўртоқ Сталин Қизил Армия академиясини битирганлар шарафига чақирилган тантанали мажлисда сўзлаганида, „Ўртоқлар, эсингизда бўлсинким, қийинликлардан қўрқмаган, қийинликлардан панага қочмасдан, аксинча уларни енгиш ва бартараф қилиш учун, уларга қарши типпа-тик борадиган кадрларгина яхши кадр бўладилар“ деган. Большевиклар партиясининг отоқли улуғ кишиларининг турмушида, аввало Ленин блан Сталиннинг турмушида ўртоқ Сталиннинг айтган бу қимматли сўзларига тўғри келадиган кўп намуналар бор. Француз инқилобчи ёзучиларидан бўлган Анри Барбюс, ўртоқ Сталин ҳаётининг тарихи „бирқанча ҳаддан ташқари оғир узлуксиз қийинчиликлар устидан топилган бирқанча узлуксиз ғалабалар“ тарихидир, деб ёзган.

Кўзланган бир мақсад қўлга кирмаганда, муваффақиятсизлик рўй берганда ҳам ҳаркимга ҳархил та'сир қилади. Муваффақиятсизлик ба'зиларни хафаликка, ма'юсликка солади, қайғиртади, руҳини сиқиб кайфини бузади; лекин ба'зиларда муваффақиятсизлик аксинча, ғайрат қўзғойди, одам ўзига-ўзи аччиғланади, ўзининг ношудлигидан хафа бўлади, ҳамма куч-

қувватини йиғиб, ҳарна қилиб мақсадга етишмоққа жазм қилдиради. Ба'зида одам муваффқиятсизликка учрагандан кейин бундан „аччиғланиб", аввал, ёввош ҳолида бажараолмаган ишини энди бажариб мақсадига етади.

Муваффақият, мақсадга етишиш ҳам шундай кучли ҳисларни уйғотади. Одам кўп ҳаракатлар қилиб, қийин ва мушкул бир ишнинг уддасидан чиқиб бажаргач, жуда шодланиб, суюниб кетади, ўзига фахри келиб махтанади ва бирмунча ором олади.

31. ҲИССИЁТНИНГ ТАШҚИ АЛОМАТЛАРИ

Ҳиссиётнинг ниҳоятда муҳим хусусиятларидан бири, а'золарнинг ишлашига та'сир қилиши ва а'золарда бирнеча аломатлар зоҳир қилишидир.

Биринчидан, *ҳиссиётлар нафас олиш а'золари блан қон юриш а'золарининг ишлашида ўзгариш қилади.* Масалан, киши ҳаяжонга келганда томирининг тепиши тезлашади, тез ва чуқур нафас олади. Одам қўрққанида ёки тўсатдан бир воқиа бўлганда юзидан қони қочиб, ранги ўчади. Одам ҳижолат бўлганда ёки уялганда қизаради. Аччиқ чиққанда ба'зиларнинг ранги ўчса, ба'зилар қизаради. Албатта, қон юришида бўлган ўзгариш доим кишининг ранги ўчиши ва ёки қизаришида зоҳир бўлавермайди, лекин киши бир нарсадан каттиқ та'сирланганда ҳамавақт деярлик, қон юришида ўзгариш бўлади. Одамлар бурун замонлардан бери ҳиссиётни юрак блан боғлаб келадилар ва психиканинг ҳиссиёт томонини „юрак" („қалб") сўзи блан ифода қиладилар. Одамларнинг бурундан „қалб" блан ҳиссиётни бир-бирига бундай боғлашлари бечиз эмас. Масалан, қуйидаги гапларда „юрак" сўзи ана шундай ма'нодадир: „ақл юрак блан чиқишаолмайди" („Ақл балоси" драмасида Чацкийнинг сўзи); „Жаҳонда қалбимга на дилбар эса, ундан мен қалбимни уздим шу замон". („Евгений Онегин" Онегиннинг Татьянага ёзган хатидан).

Иккинчидан, ҳиссиёт имо-ишораларда (мимикада), я'ни кишининг бетида бўладиган ҳаракатларда ва *пантомимикаларда*, я'ни бутун баданнинг ма'нодор ҳаракатларида кўринади. 27—29 расмларда турли ҳиссиётларни бет ва бадан ҳаракатларидаги ифодаси кўрсатилган.

Учинчидан, ҳиссиёт *товушнинг кучи ва оҳангида* ифода қилинади. „Нима" деган қисқагина сўзнинг ўзи қандай товуш блан айтилишига қараб, турли ҳиссиётларни билдириши мумкин; чунончи аччиғланиш, қўрқиш, ўчакишиб суюниш, саросималик, мазақ қилиб кулиш каби ҳиссиётларни билдиради. Товушнинг оҳанги ҳам кўп ма'ноларни билдиради. Ба'зида тўппа-тўғри оддий гапларни сўзлаб турган одам товушининг „титраш"ига қараб бу одамнинг қанчалик изтиробда эканини биламиз.

Расм 27

Кулги мимикаси (СССР халқ артисти К. С. Станиславский).

Расм 28

Жирканиш мимикаси (СССР халқ артисти И. М. Москвин).



Расм 29

Ҳайрат мимикаси (СССР халқ артисти И. М. Москвин).

Ҳиссиётнинг энг аниқ ва равшан кўринишларидан бири *кулги* блан *йиғидир*.

Дарвин инсонда бўладиган ма'нодор ҳаракатлардан ба'зилари, бизнинг ҳайвон даражасида бўлган аввалги боболаримизнинг тириклиги учун жуда керакли бўлган ҳаракатларнинг қолдиғи эканини исбот қилди. Одам қаттиқ газабланганда муштумини қисади, тишларини уриштиради, бурнидан оғир-оғир нафас олади ва бу сабабдан бурунлари керилади. Эндиги одамга сра фойдаси бўлмаган бу ҳаракатлар, бизнинг қадимги ваҳший боболаримизда ғазаб, кураш бошлаш олдидан бўладиган бир холат бўлиб, бу кураш муштум ва тиш блан қилинган замондан қолган нарсадир.

Расм 30.
Даҳшат мимикаси ва пантомимикаси (артист Шаляпин Борис Годунов ролида).

Броқ бундан, ҳозирги замон одамида бўладиган ма'нодор ҳаракатларнинг барчаси одамизод ваҳший ҳайвон даражасида бўлган вақтдаги инстинкт ҳаракатлардан сақланиб қолган бефойда ҳаракатлар экан, деган ма'но чиқмайди. Бу ҳаракатлар энди ниҳоятда муҳим вазифаларни ўтайдиган бўлиб қолди, я'ни улар одамларнинг бир-бири блан қиладиган алоқаси учун бир восита бўлиб қолди. Одамнинг башарасида зоҳир бўлган имо-ишоралардан, унинг пантомимикаларидан, товушининг оҳанги ва садосидан унинг руҳий ҳолатини биламиз.

Албатта, одамлар ўртасидаги энг муҳим алоқа воситаси нутқдир. Аммо ҳиссиётнинг шундай нозик томонлари борки, одатдаги расмона гап воситаси блан бу ҳиссиётларни билдириб бўлмайди. Одам ўз кайфиятини сўз блан та'риф ва тавсиф қилиш жуда қийинлигини ҳарким билади. Инсоният ўзининг такомил тарихида ҳиссиётларини билдириш учун бошқа воситалар топди. Бу воситаларнинг энг нозиги ва энг кучлиси сан'атдир, хусусан музика блан лирик ше'рдир; буларни том ма'носи блан „Ҳиссиёт тили“ деса бўлади. Аммо одамлар кунда-

лик, доимий муомалаларида, албатта, музика ва ше'рдан доим фойдаланаолмайдилар, шунинг учун бунда бадан а'золари блан қилинадиган турли ҳаракатлар, имо-ишоралар, хусусан кўз блан қилинадиган имолар, товушнинг оҳанги энг биринчи аҳамиятга эга бўлиб қолади. Анчайин бир хўмрайиш, салгина илжайиб кулиш, елкани қисиб қўйиш каби ҳаракатлар ба'зида кишининг мақсадини узун-узун гаплардан кўра яхшироқ онглатади.

Расм 31

Ноудмидлик ҳолатини кўрсатган пантомимика (СССР халқ артисти В. И. Качалов).

Л. Н. Толстой руслар томонига ўтган Хожи-Муроднинг Кавказ қоиммақоми Воронцов блан дастлабки учрашувини тасвир қилганда, кўз қараш каби жуз'ий бир нарсанинг кишиларнинг бир-бирига муомаласида қандай муҳимлигини жуда яхши кўрсатган: „Воронцов тилмочнинг сўзини тинглаб бўлгач, Хожи-Муродга қараб қўйди. Хожи-Мурод ҳам Воронцовга қаради. Бу икки кишининг кўзи бир-бирига тушганда сўз блан айтиб бўлмайдиган кўп ма'нони билдирди, улар кўзининг айтганлари тилмочнинг сўзларига сра ўхшамас эди. Иккининг кўзи гапсиз-сўзсиз бор ҳақиқатнинг ҳаммасини бир-бирига айтди: Воронцовнинг кўзлари Хожи-Мурод айтган сўзларининг ҳечбирига ишонмайман, нимаики русларга оид бўлса, ҳаммасига душманлигингни ва бу душманлигингдан сра қайтмаслигингни, ҳозир ноилож бўйсуниб турганингни биламан, дер эди. Хожи-Мурод ҳам буни онглар, онгласа ҳам садоқатини изҳор қилишдан тинмас эди. Хожи-Муроднинг кўзлари эса, қари чол урушни қўйиб, ўлимини ўйласачи, лекин кекса бўлса ҳам қув экан, унга эҳтиёт бўлмоқ керак, дер эди. Бунга Воронцовнинг ҳам ақли етар ва лекин шундай бўлса ҳам, уруш муваффақияти учун керакли сўзларни Хожи-Муродга айтиб, гап уқдиришини қўймас эди".

32. ҲИССИЁТНИНГ ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ

Одамда бўладиган барча руҳий процессларнинг замини катта мия ярим шарлари пўстидаги нервларда бўладиган процесслар эканини биламиз. Энди физиология жиҳатидан қараганда, ҳиссиётнинг бошқа руҳий процесслардан фарқи нима?

Қачонки бир психик процессга алоқадор бўлган нерв процесси мия пўстидан ўтиб *пўст тагидаги марказларга* бориб етса, я'ни инстинкт блан ихтиёрсиз равишда қўзғоладиган ҳиссиётлар „кўриш тепа"ларига ва бошқа *нерв марказларига бориб етса*, шундагина сезиш, идрок қилиш, тасаввур ва фикр-

лаш каби психик процесслар эмоция тусига киради, я'ни ба'зи ҳиссиётларни қўзғотади. Ички а'золарнинг ишларини ҳамда ички секрециялик безларнинг ишларини идора қилучи *симпатик нервлар системасининг* марказлари ҳам шу ердадир. Нервларда бошланган қўзғолиш бу марказларга ҳам ёйилганда, а'золарда турли-туман ўзгаришлар воқи' бўлади, чунки ҳарбир ҳиссиёт а'золарнинг ишлашида ўзгариш туғдиришини юқорида кўрдик. Ҳиссиёт симпатик нерв системаси орқали юракнинг ишига, қон томирлари, нафас олиш а'золари, ба'зида овқат ҳазм қиладиган а'золарнинг ишларига та'сир қилади (одам қаттиқ ҳаяжонга келганда иштаҳаси қолмаслиги ҳаммага ма'лум), сўнгра мушакларни кучайтириб ёки кучсизлантириб, уларнинг ҳолига ҳам та'сир қилади. Бас, бундай бўлгач, *ҳиссиёт организмнинг бутун тириклигига, ҳамма ишларига та'сир қилади*, десак бўлади.

Ҳайвонлар устида тажриба йўли блан қилинган текширишлар, уларда бўладиган аччиғланиш ва қўрқиш ҳисларининг сабаби нима эканини кўрсатди. Ҳайвонлар аччиғланганда ёки қўрққанда уларнинг симпатик нерв системалари қўзғолиб келиб, бунинг та'сири блан *буйрак устидаги безлар* деб аталган секреция безлари *адреналин* деган моддани (гормон) кўп чиқазабошлайди. Бунинг натижасида қонда адреналин моддаси кўпайиб, жигарда пайдо бўладиган гликоген моддасининг қандга айланишини кучайтиради ва бунинг натижасида қонда қанд моддаси кўпаяди.

Бунинг натижасида организм шундай ҳолатга келадики, бу ҳолатни, ҳамма қувватни дарҳол сарф қилишга тайёр бўлиш ҳолати деса бўлади. Симпатик нерв системасининг та'сирланиши қоннинг ички а'золардан қочиб мушакларга ва мияга қуйилишига сабаб бўлади; мушакларга қонни кўп келтиради ва овқат ҳазм қиладиган а'золарнинг ишларини вақтинча сусайтириб қўяди. Қонда қанд моддасининг кўпайиши мушакларнинг яхши ишлашларига сабаб бўлади, чунки мушакларга қувват берадиган энг муҳим моддаларнинг бири қанддир. Қонда адреналин моддасининг ортиши ҳам хийли катта аҳамиятга эгадир, чунки адреналинда чарчаган мушакларни тез яна қувватга киргизиш қобилияти бор. Ҳайвон аччиғланганда ёки қўрққанда унинг а'золарининг бундай ҳолатга кириши ҳайвонлар учун ниҳоят даражада фойдали эканини тушуниш қийин эмас, чунки табиий шароитдаги ҳайвонда бундай қўрқиш, ёки аччиғланиш ҳолати туғилганда, у ёки душман блан курашиши ё эса ундан қочиб қутилиши керак, ҳар икки ҳолда ҳам унинг организмида боягидек ҳолларнинг бўлиши унга фойдаликдир.

Бу ҳолларнинг барчаси аввал мушук устида қилинган тажрибалар орқасида белгиланди, бунинг учун мушукларни қаттиқ аччиғлантириб, ёки қўрқитиб кўрилди. Кейинчалик одамлар ҳам синалиб, одам қаттиқ ҳаяжонга келганда, чунончи, қийин имтиҳон вақтида, қийин спорт мусобақалари вақтида одамнинг қонида ҳам қанд моддалари кўпайиши исбот қилинди.

33. ҲИССИЁТНИНГ АСОСИЙ СИФАТЛАРИ

Ҳиснинг нав'лари ниҳоятда кўп бўлиб, сифат ва хусусиятлари ҳам жуда ранг-барангдир. Бу блан бирга ҳиссиётнинг, уни бошқа психик процесслардан айирган бир хусусияти бор. У ҳам бўлса, ҳиссиётнинг аксарисини, бир-бирига тескари бўлган жуфт ҳисларга ажратиш мумкинлигидир; масалан хузур-беҳузур, шодлик-хафалик, хурсандлик-ғамгинлик, яхши кўриш-ёмон кўриш, ғалаён-ором ҳоказо ва ҳоказо. Ҳиссиёт-

нинг бу хусусиятини *ҳисларнинг қарама-қаршилиги* дейилади. Ҳиссиётнинг бир-бирига зид сифатлари гўё икки қутб пайдо қилади; ҳиссиётнинг бошқа хил даражалари шу икки тусдагилари, шу икки қутб ўртасида жойлашгандай бўлади. Бир-бирига зид бўлиб, гўё икки қутб пайдо қилган сифатларнинг ўзи *қутбий сифатлар* дейилади.

Ҳиссиётнинг бу сифатлари ичида икки жуфти энг катта аҳамиятга эгадир.

Бу икки жуфтнинг бири *ҳузур* блан *беҳузурликдир.* Ҳисларнинг ҳаммаси деярлик хуш ёки нохуш бўлади, ҳузур беради ёки беҳузур қилади. Ҳис деб, кишининг нимани ҳис қилаётган бўлса, бу нарсага *муносабатини* туйғуларидан кечиришини тушунамиз. Кишининг бир нарсага муносабати эса ижобий ёки салбий бўлади, я'ни яхши ёки ёмон бўлади. Шунинг учун *ҳиссиёт ҳам ижобий ёки салбий* бўлади. Ҳузур қилиш, суюниш, бахтиёрлик, қувониш, шодланиш ва яхши кўриш каби ҳислар бўлганда одам ижобий муносабатда бўлади; беҳузурлик, қайғириш, хафалик, ғам, ғусса, ноумидлик, ёмон кўриш, жирканиш, нафрат каби ҳислар бўлганда одам салбий муносабатда бўлади.

Бунда айтиб ўтилиши жуда муҳим бўлган бир нарса бор, у ҳам бўлса шуки, одамнинг туйғуларида кўпинча ижобий муносабат блан салбий муносабат аралашиб, иккови айни замонда бараварига ҳам бўлади. Бас, шундай бўладики, бир туйғунинг ўзи айни замонда ҳам ҳузур бериши ҳам беҳузур қилиши мумкин. Ўз турмушимизда бўлиб ўтган яхши кунларни эсга олиш хушдир, чунки ўтган вақтни ҳеч бўлмаса хаёлда яна бир марта туйғудан кечиришга имкон беради, лекин ўтган бахтни эсга олиш кишини хафа ҳам қилади, чунки одам бу бахтнинг ўтиб кетганига, энди йўқлигига ачинади. Қийинликларни енгишдан ҳосил бўлган ҳиснинг ҳам одатда ижобий ва салбий томони бор. Зотан ҳечбир нохушлиги, оғирлиги бўлмаган ва фақат роҳатдангина иборат бўлган ишни қийинлик деб бўлмайди. Чинакам қийинликни енгиш учун бирталай нохушлик, ҳатто азоб чекишга тўғри келади. Аммо қийинликлар блан курашиб ўрганган ва бу курашни севган кишида энг оғир ва қийин пайтларда ҳам, тетиклик, дадиллик ҳислари бўлади, қандай юксак мақсадлар йўлида курашаётганлигини билиб, бунга фахр қилиш каби ҳислар бўлади.

Ҳиссиётнинг сифатидаги хийли муҳим бўлган қарама-қаршиликларнинг яна бири, ҳиснинг *активлиги блан пассивлиги* ўртасидаги қарама-қаршиликдир. Ҳаяжон, ғайрат, шижоат, дадиллик каби ҳислар актив сифат ҳислардир; ором, беғамлик, эзилганлик, ма'юслик, ғамгинлик каби ҳислар пассив сифат ҳислардир. Биронта мас'улиятли, қийин вазифани бажараётганда, масалани узил-кесил ажрим қиладиган қат'ий бир тадбир кўрганда, одамнинг енгилланиши, я'ни диққатлик ва тажанглик ҳолати йўқолиб, унинг ўрнига ором ҳолатининг туғилиши ва

одамнинг хотиржам' бўлиб ёзилиши, ҳиснинг активлиги блан пассивлиги ўртасидаги қарама-қаршиликнинг яққол бир мисолидир.

Ҳисга бу жиҳатдан қараганда уни *стеник* (куч ма'носида бўлган грекча „стенос" сўзидан) ва *астеник* (кучсиз, заиф ма'носида бўлган грекча „астенэс" сўзидан) ҳис деб, икки хилга бўладилар. Стеник ҳис кишининг фаолиятини, куч ва қувватини оширади, астеник ҳис кишининг фаолиятини сусайтиради, куч-қувватини камайтиради. Ба'зида одам ниҳоятда шодланиб, жуда қуваниб кетади, бунда одамнинг куч-қуввати ошиб, ғайрати қўзғойди — бу ҳиссиётнинг стеник хилидир, лекин одам ташвишдан, машаққатдан қутилгандан кейин ором олгиси ва роҳат қилгиси келади ва бунда одам „ичидан" аста қуванади. Хурсандликнинг мана бу хилини астеник ҳис деса бўлади. Кишининг бошига бир мусибат тушиб қайғирганда, одам сусайиб, ма'юсланиб, ғамгинланиб қолади; лекин кишининг куч-қувватини сусайтирмай, балки, аксинча, уни ғайратга ва шижоатга миндирадиган, мард қиладиган чуқур қайғилар ҳам бўлади.

Кишида хавф ҳисларини уйғотучи эмоцияларда, стеник актив ҳислар блан астеник пассив ҳислар ўртасидаги қарама-қаршилик жуда равшан кўринади. Одам бир хавфга дуч келганда, бу тўқнашиш одамда астеник ҳис сифатидан бўлган оғир ва кишини эзучи ҳисларни туғдиради. Бу ҳис *қўрқув* дейилади. Қўрқув одамни эсанкиратиб, ожиз қилиб қўяди, кишининг жисмоний ва зеҳний қувватини кетказади, унинг руҳини эзади. Броқ хавфга дуч келиш ҳамиша кишини қўрқитавермайди. Одам биронта хавфга дуч келганда, унда қўрқувнинг тамомила тескариси бўлган ҳолат туғилиши ҳам мумкин, я'ни шундай бир стеник ҳис туғилиши мумкинки, бу ҳисни мардланиш ёки *шижоат* дейиш мумкин. Бу ҳис кишининг жисмоний ва зеҳний кучини оширади, уни зийрак ва ҳуш'ёр, эпчил ва чаққон қилади.

А. Н. Толстой бундай деб ёзади: „Совет учучиси ҳеч маҳал жанг қилишдан қочмайди, хавф қанча яқин бўлса, унинг аччиғи шунча ошади, ҳарбир ҳаракати жой-жойида расо, чаққон ва эпчил бўлиб шайланади. Бу ҳолат жанг завқига ғарқ бўлиб, унга тайёрланишдир".

Пассив ҳис блан актив ҳис ўртасидаги қарама-қаршилик нуқтаи назаридан қараганда, қўрқув ҳисси блан шижоатланиб, мардланиш ҳисси бир-бирига терсдир. Лекин шу блан бирга бу икки ҳис, ҳузур ва беҳузурлик ўртасидаги қарама-қаршилик нуқтаи назаридан ҳам бир-бирига терсдир. Қўрқув, албатта, салбий ҳисдир; у ҳамиша нохуш, ҳаддидан ошганда ҳатто кишини азоблантиради. Аммо мардланиш ҳиссида ижобий туйғулар ҳам бор: кураш завқи, ўз кучига ишониб фахрланиш ва ҳоказолар.

Ба'зи одамлар борки, хавф-хатар блан курашиш уларнинг турмушида катта бир бахтдир. Масалан, улуғ рус лашкар бо-

шиси Суворов шу хил одамлардан эди; унинг таржимаи ҳолини ёзганлардан бири дейдики: „Қачонки бирнеча йил лашкар ичида бўлмай тинч турганда, том ма'носи блан заифланабошлар эди. Тасвир қилиб айтадиган бўлсак, у фақат замбараклар овози чиқиб турганда яхши ором олар эди. Жуда қариб кексайгунча ҳамиша шу зайилда умр ўтказди".

Рус инқилобчиларининг отоқлиларидан бўлиб, Ленин ҳам Сталиннинг сафдошларидан бири бўлган Яков Михайлович Свердлов бир мактубида дейдики: „...Одамларнинг муҳит блан қилган курашлари ҳам, янги турмуш асосларининг устунлиги учун бир-бирлари блан қилган курашлари ҳам завқ-шавқларга тўлади. *Бу курашда иштирок қилмоқ кишига катта лаззатдир*".

Марксга, бахт деб нимани биласиз деган савол берилганда, „курашдир" деган бир оғиз сўз блан жавоб берди.

34. АФФЕКТЛАР

Аффект деб кишида бирдан қўзғолиб, унча узоқ давом қилмасдан, тез қайтадиган ҳаяжонли руҳий процессни айтамиз, чунончи, бирдан аччиғланиб тутақиш, қути учиб қўрқиш, ваҳима тушиш каби ҳолларнинг ҳарқайсиси аффектнинг бир мисолидир.

Л. Н. Толстойнинг Бородино жанги вақтида урушнинг чап томондаги аҳвол тўғрисида ад'ютант Вольцоген томонидан келтирилган хабарнинг Кутузовга қандай та'сир қилганини тасвир қилган жойи, кишининг *ғалаёнга келиб, аччиғланишидан* бир мисолдир. Ўзи немис бўлиб, рус армиясига ва унга ғайрат ва шижоат бағишлаган юксак ватанпарварлик ҳисларига тамомила ёт бўлган Вольцоген бўлаётган жангни бутунлай бошқача тушунар эди. Рус қўшинини ва унинг бош қўмондонини менсимаган бу одам, Кутузов олдида истиҳзо блан кулиб, ҳамма истиҳкомлар душман қўлига ўтганини, аскарлар паришон ва пароканда бўлиб қочиб кетаётганларидан ва уларни тўхтатишга имкон қолмаганлигидан, бу истиҳкомларни душмандан қайтариб олиш иложи йўқлигини Кутузовга баён қилди.

„Кўзингиз блан кўрдингизми? Кўрдингизми?.. деди Кутузов, кейин ўрнидан туриб Вольцоген тепасига ўдағайлаб келди,— бу гапга қандай тилингиз борди, қандай ботиндингиз, деб дўқ урди; Кутузов қалтираган қўлларини пахса қилиб,— ҳурматли ҳазрат, қайси жур'ат блан менга бундай дедингиз. Ҳечнарсадан хабарингиз йўқ... Сўл қанотда душман даф' қилинди, ўнг қанотда ҳам душманга шикаст етказилди. Муҳтарам ҳазратим, аҳволни тузуккина кўриб билмаган бўлсангиз, билмаганингизни сўзламанг...

Ҳозир бўлганлар жим турардилар, фақат бўғилиб кетган кекса генералнинг қаттиқ нафас олиши эшитилар эди, холос".

Ҳиссиётнинг ҳар қандақасида ҳам ғалаён ҳолати бўлиши мумкин, чунончи бирданига қўзғолган *хурсандлик* ҳам бўлиши мумкин. Л. Н. Толстой „Уруш ва тинчлик" деган асарида Николай Ростовнинг уруш майдонидан келган чоғини тасвир қилганда ана шундай ғалаён блан қўзғолган хурсандлик ҳолатини кўрсатади. „Меҳмонхонага етгунча ҳам бўлмай, ён эшикдан биров худди ғувиллаган шамолдек, зинғиллаганча чиқиб, уни

қучоқлаб олди, ўпа кетди. Кейин у эшикдан, бу эшикдан яна икки-уч одам чиқиб, булар ҳам қучоқлаша, ўпиша кетдилар, қий-чув, хурсандчилик бошланди. Гангиб униси ким, буниси ким, отаси қайси, Наташа қайси, Петя қайси, билолмай қолди. Ҳаммалари чувиллашиб, бири ўпкан, бири қучоқлаган, „Наташа“ турган жойида такадек ирғиб, чинқирар эди“.

Ҳарбир ҳис организмнинг ишлашига та'сир кўрсатиб ўзгариш қилишини ва баданда унинг турли аломатлари пайдо бўлишини биламиз. Аффект воқи' бўлганда, ҳиссиётнинг баданда зоҳир бўладиган аломатлари айниқса яққол кўринади. Аффект воқи' бўлганда, я'ни киши ғалаёнга келганда, бунинг баданда зоҳир бўладиган аломатлари, одатда, турли бадан ҳаракатлари, ҳаяжонлик гап ва қимирлашларда зоҳир бўлади. Аммо ба'зида аффектнинг ташқи аломатлари бунинг тамомила тескариси бўлиши ҳам мумкин, я'ни одам сусайиб тамомила ҳаракатсиз бўлиб қолиши мумкин. *Одам* қўрққанидан, ниҳоятда қаттиқ ғазабланганидан, ваҳма босганидан *„тахта“ бўлиб қотиб қолиши* ҳам мумкин.

„Уруш ва тинчлик“ романининг IV томининг 55 ва 56 бобларида *қаттиқ қайғириб ғалаёнга келишнинг* икки хили тасвир қилинган: бири князь Андрейнинг вафотидан кейин Наташанинг тортган қайғиси, иккинчиси графиня Ростованинг кенжа ўғли Петянинг ўлган хабарини эшитгандаги қайғиси, Наташанинг „данг қотиб қолиши“, кампир графинянинг қаттиқ ғалаёнга келиб қилган ҳаракатларининг тамомила тескарисидир (кампир дод-вой қилиб ўзини юлади, бетоқат бўлади). „Наташа ўз хонасидан чиқмай, диваннинг бир чеккасига чунқайиб олиб—ҳадеб бир нарсани титкилар, нозик бармоқларини тинмасдан ўйнатар, вақтнинг кўпини шу зайилда ўтказиб, кўзи тушган нарсага тикилганча маҳлиё бўлиб, анграйиб қолар эди“.

Аксари, аффект ҳолатида одам „ақлини йўқотади“, „нима қилганини билмайди“, „ўзини унутади“, дейдилар, бу тўғри эмас. Руҳи касал бўлган кишиларгина қаттиқ аччиғланганда, ёки ғазаби жуда ошиб кетганда, дарвоқи', ҳечнарса онгламай қолади ва кейин ғазабланган вақтида нима қилгани эсида қолмайди. Соғ одам ҳечвақт ғазабланганда, ёки бошқа аффект ҳолати рўй берганда эс-ҳушини йўқотмайди. Л. Н. Толстой асарларидан бирининг аччиғ ичида одам ўлдириб қўйган бир қаҳрамони қилган жиноятидан гапириб, бундай дейди: „қаттиқ аччиғи чиққан одам қилган ишини билмайди, деган одамлар бекор айтадилар. Бу гап нотўғри. Мен нима қилганимни биламан ва бир секунд бўлса ҳам эсим кетгани йўқ. Ҳар секундда нима қилганим эсимда эди“.

Одам аффект ҳолатида ўзини идора қилаолмай қолади, шунинг учун бундай ҳолатда қилган ишига жавобгар бўлолмайди, дейиш ҳам нотўғри. Кучлик аффект ҳолати рўй берганда одам ба'зида, дарвоқи', ихтиёрини йўқотади ва кейин пушаймон еядиган ишларни қилиб қўяди, броқ бунинг сабаби аффектнинг ўзи бўлмай, балки кўпроқ одамдаги ироданинг сустлиги ва ўзини идора қилаолмаслигидир. Аффект одамни ўз ҳукми ости-

да ушлаб турган нарса эмас. Дарвоқи', агар аффектнинг тизгини қўйиб юборилса, одам ўзини унинг ихтиёрига „топшириб" қўйса, бу ҳолда одам ўзини ушлаб олиши қийин бўлади, ихтиёрини қўлдан бериб қуяди. Аммо „қийин бўлади" демоқ, „мумкин эмас" демоқ эмас. Иродаси кучлик одам бу қийинликни енгаолади. Лекин аффектнинг тизгинини маҳкам ушлаш, ўзини унга топширмаслик қайтага жўнроқ. Аффектга йўл қўймаслик учун унинг бошланишининг олдини олиш керак. Жаҳлинг чиққанда ичингда ўнтагача сана, деган эскидан қолган бир қоида бор (Чеховнинг ниҳоятда сержаҳл бир қаҳрамони жаҳли чиққанда ҳатто юзтагача санар экан). Тургенев мунозарада ҳаддан ташқари қизиқишиб, ихтиёрини қўлдан беробошлаган одамга, бир гапни айтишдан аввал тилингни ўн марта огзингда ўгир, деб маслаҳат берган. Ниҳоятда фойдали бўлган бу маслаҳатларнинг руҳий ма'носи шуки, бунда аффектнинг бошланиши кечиктирилади ва бунинг соясида одам ўзини тўхтатиб олади; бундан ташқари диққатнинг бошқа, чет ишга чалғиши кишини анча совутади.

35. КАЙФИЯТ

Ҳислар одатда биронта об'ектга йўналган бўлади: одам хурсанд бўлганда бекордан бекорга хурсанд бўлмай, бирон нарсага хурсанд бўлади. Хафа бўлганда, қайғирганда ҳам, аччиғланганда, қўрққанда, яхши ва ёмон кўрганда ҳам шундай. Лекин муайян бир нарсага (об'ектга) алоқадор бўлган бундай ҳислар қаторида ҳиссиётнинг бошқа хилларини ҳам кўрамиз. Биз бировни хурсанд, суюнган деймиз, демак бу одам ёлғиз бир нарсага ёки ҳодисага хурсанд бўлмай, балки шу пайтда умуман думоғи чоғдир, бошқа вақтда ҳеч парво қилмаган нарсасидан ҳам хурсанд бўладиган ҳолатдадир. Одамнинг аччиғи чиққан, думоғи ночоғ бўлса ҳар нарса унинг жаҳлини чиқазаберади: ҳа деганда етиб келавермаган трамвай ҳам, трамвайда сал тегиб кетган одам ҳам, тахлашга келавермаган газета ҳам унинг аччиғини чиқазаверади.

Кайфият деб, кишининг бутун фе'лини бирмунча вақтгача бир рангга солган умумий бир руҳий ҳолатни айтамиз. Кишининг кайфи шод ёки хафа, аччиғланган ёки қуванган, суст ёки тетик, бўшашган, ланж ёки ғайратга минган бўлади.

Кўпинча кишининг кайфига, унинг учун жуда муҳим бўлган бир воқиа орқасида туғилган ма'лум бир ҳиссиёт сабаб бўлади. Эрталаб эшитилган нохуш хабар кишининг та'бини кечгача хира қилиб, изтиробга солиб, кайфини бузиши мумкин. Ишда топилган жиддий муваффақият бирнеча кунгача кишини шодлантириб, кайфини чоғ қилиши мумкин. Ҳиссиётнинг шундай қобилияти борки, ҳиссиёт уни туғдирган нарсадан ўтиб, бу нарса блан алоқадор бўлган бошқа нарсаларга ҳам ёйилади. Бунинг натижасида кишида кайфият дейилган умумий бир руҳий ҳолат пайдо бўлади.

Ҳиссиётнинг кишида ма'лум кайфият туғдирадиган бу равишда „ёйилиши" Л. Н. Толстойнинг „Базмдан сўнг" деган ҳикоясида яхши кўрсатилган. Бу ҳикоянинг қаҳрамони бўлган „Б" Варенькага хушторлигидан, унинг турмушида хийла катта бахт бўлган ўйин вақтида думоғи чоғ бўлиб, ҳар нарсага шодланади: „Бу чоқда мен бутун дун'ёга муҳаббат боғладим... хўжайкани, унинг эрини ҳам, хизматкорларини ҳам... суйдим. Хонаки этик кийган, қизига ўхшаб кулган отасидан эса бу онда аллақандай завқ олар эдим, мулойим бир суқ блан суқланар эдим". Базмдан сўнг „Б" ҳатто ухлайолмайди, чунки ўзини ниҳоят даражада бахтли билар эди. „Б" кўчага чиқди. Завқ-шавқларга тўлиб, бутун дун'ё кўзига ёруғ кўриниб, ўзини яна бахтиёр сезди. „Сирланган дуға тагида ҳўл бошларини солинтириб салмоғланиб бораётган отлардан тортиб, бошига чипта ёпиниб, катта этикда шалоплаб арава ёнида бораётган аравакашлар, туман ичида баланд кўринган баланд уйлар ва кўчаларгача ҳамма нарса менга жуда ёқимли кўринар ва ҳарбирида бир ма'но ўқир эдим".

Одам кайф-ҳолида бўлган ўзгаришларнинг сабабини ҳар доим суриштириб ўтирмайди. Кишида бир кайфни туғдирган воқианинг ўзи, кўзга аҳамиятсиз кўриниши ҳам мумкин. Масалан, суҳбатда ўтирганлардан бирининг андак танбиҳи, хўмрайиб қараши, мазак қилгандай кўринган илжайиш каби нарсалар ўзи бир пастда эсдан чиқиб кетган бўлса ҳам, лекин буларнинг кишида уйғотган ҳислари қолиб, кишининг кайфини бузиши, кўнглини ғаш ва нохуш қилиши мумкин, лекин кишида бу кайфни туғдирган бояги ҳоллар эсдан чиқиб кетганлиги учун, кишидаги бу кайф бесабабдек кўринади.

Кишининг кайфи сиҳатига ҳам анча боғлик бўлади; ҳаддан ташқари чарчаш, уйқидан қолиш, бетоблик кишининг кайфини „пасайтиргани" ҳолда, яхши дам олиш, мириқиб ухлаш, тан соғлик кишининг кайфини „баланд" қилади.

Ба'зи кишиларнинг кайфига табиат, йилнинг фасли, ҳаво ҳам катта та'сир кўрсатади. Чунончи, Пушкин тўрт фаслдан куз фаслини ҳаммадан яхши кўрар, бу фаслда унинг кайфи юқори кўтарилиб, думоғи чоғ бўлар ва бунинг натижасида ижодий кучи ошиб авжига чиқар эди.

Кишининг кайфи, унинг турган шароитининг қуруқ, пассив та'сири деб ўйланилмасин. Ма'навий ҳаёти чуқур ва мазмундор бўлган иродаси кучли кишилар ҳарқандай оғир ҳолларда ҳам думоғи чоғ, ҳатто хурсанд бўлаверадилар. Демак, ма'лум даражада „Киши ўз кайфига ўзи хўжайин" десак ҳам бўлади.

Чунончи, Яков Михайлович Свердловнинг бир хатида ёзилган қуйидаги сўзларни ўқинг. Бу хатни Свердлов узоқ Сибирьдаги Максимкин Яр деган остяк қишлоғида сургундалиги чоғида хотинига ёзган эди: „Шундай бир аҳволдаманки, турган уйим, уй деб ҳам бўлмайдиган даражада хароб, кичкинагина еттинчи лампаси бор. Ҳамсуҳбат бўладиган ошнадан асар ҳам йўқ... Китоб, газета, хат деган нарсалар йўқ даражасида. Дарвоқи'... Оғир. Лекин шундай бўлса ҳам нолимайман, ноумид эмасман... Одатдаги хушвақтлигим йўқолмади, ҳатто хурсандлигим ҳам бор. Бу ҳол сенга ғалати кўринади, лекин воқиан шундай кайфиятдаман".

36. ТУРЛИ ШАХСЛАРНИНГ ҲИССИЁТИДАГИ ФАРҚ

Кишининг психологиясини билиш учун, унинг психикасида ҳиссиёт томонидан бўлган фарқни билиш жуда муҳимдир. Бировни яхши танимоқ учун унинг фикрини ва ҳаракатларини билиш блангина кифояланмай, балки унинг ҳиссиёти қандайлигини ҳам билиш керак.

Кишиларнинг ҳиссиётидаги фарқлар қайсидир?

а) Ҳиссиётнинг йўналиши

Кишиларнинг ҳиссиётидаги энг муҳим фарқларни белгилаган нарса, *ҳиссиётнинг нимага қаратилганлиги*, унинг мазмуни қандайлигидир. Лермонтов „Ўй“ („Дума“) деган ше'рида „Қаҳримиз ҳам меҳримиз ҳам *беқарор*“ дейди. Кишининг ҳислари ҳархил тасодифий нарсаларга сочилиб, паришон бўлса, тасодифий ҳоллар кишида ҳархил ҳисларни тўғдираберса, бундай ҳиссиёт кишининг ижодиётига, турмушдаги курашига мадад беручи куч хизматини ўтайолмайди. Қайтага кишининг ҳаётидаги асосий вазифасидан бошқа ишларга чалғитиб, танлаган йўлидан адаштира бериб анча тўсқинлик қилиши ҳам мумкин.

Кишининг ҳиссиётини билиш учун, энг аввал, унинг ҳаётида энг кўп ва катта роль ўйнаган ҳиссиётлари, унинг дун'ёга қараши блан, ўз олдига қўйган асосий мақсадлари блан қанчалик яқин эканлигини билиш керак. Бир нарсага муҳаббат қўйганда, ёки ёмон кўрганда, мардоналиги қўзғоб, ғайратга минганда, хурсанд ва хафа бўлганда бу ҳиссиётлар унда *тасодифийми*, *тагсизми ёки тагликми*, шуни билмоқ керак; кишининг бу ҳиссиётлари, унинг шахсиятининг тутган асосий йўлини ифода қилучи маслагидан келиб чиқадими, ёки муваққат бир таассурот сабаби блан туғилганми, шуни билиш керак.

Масалан, душманлик, адоват ҳисси кишининг нимага душманлигига қараб, юксак бўлиши ҳам мумкин, майда-чуйда, бачкана ва паскаш бўлиши ҳам мумкин. Ватан душманларига адоват сақлаш, кишининг ғайратини ошириб, шижоат йўлига бошлайдиган ва кишини қаҳрамон қиладиган юксак ҳисдир. Моддий зарар етказган кишига душманлик ба'зи номуносиб ва ножўя ишларга бошлайдиган ва майда-чуйда фисқ-фасод гаплар қўзғойдиган паст ҳисдир.

Русияда ўтган отоқли машҳур кишилардан Виссарион Григорьевич Белинский ҳиссиёти мустаҳкам ва барқарор киши эди. Белинский куйган, ёнган, оташин одам эди. Унинг оташинлиги ҳамиша мақсад йўлидаги оташинлик бўлиб, мутлақо бегараз бўлганидан, унинг бу фазилати замондошлари олдида унинг иззат ва ҳурматини, ма'новий мартабасини оширди. „Белинский... ҳақиқатан эҳтиросли, муҳаббати ҳам, қаҳри ҳам бегараз бўлган ҳақиқатан самимий одам эди. Ундай одамни аввал ҳам кўрганим йўқ эди, кейин ҳам кўрмадим“. *(Тургенев)*. Белинский хусусий хатларидан бирида ўзи ҳақида бундай дейди: „Менинг ўзимга қилинган ҳақсизликлар

учун адоват сақлаш қобилиятини табиат менда оз яратди; мен бировга адоват сақлаб ёмон кўрсам, кўпроқ икки ўртамиздаги маслак айирмаси учун ёки менга сра зарари тегмайдиган нуқсон ва айблари учун ёмон кўраман". Гогольнинг „Дўстлар блан ёзишган хатлардан танланган сатрлари" деган ниҳоятда зарарли, реакциои китоби муносабати блан Белинскийнинг Гогольга ёзган машҳур хати сўнг даражада чуқур виждоний ғазаб ўти ёнган аччиқ, ҳатто нафратдан иборат бўлган ажойиб бир ҳужжатдир: „Бу шарманда сатрларингиз туфайлидан сизни шундай ёмон кўрдимки, агар сиз менинг жонимга қасд қилган бўлсангиз ҳам шунча ёмон кўрмас эдим. Бунда гап сизнинг ёки менинг шахсимиз устида эмас, балки мен тугул сиздан ҳам анча улуғ нарса устидадир. Бунда гап ҳақиқат устида, рус халқи ва Русия устидадир".

б) Ҳиссиётнинг чуқурлиги

Бировнинг ҳиссиётига оид ҳаётини билиш учун унинг ҳиссиётининг қанчалик чуқурлигини билиш муҳимдир. Чуқур ҳис деб, ҳаётнинг шу одам учун энг муҳим бўлган томонларига дахл қилган, кишининг фикри, тилаги ва орзулари блан кўп алоқадор бўлган ва кишининг бутун руҳий ҳаётида акс этиб кўринучи ҳисни айтамиз.

Кишида бирданига жўш уриб кетган, зоҳирий аломатлари аниқ ва равшан кўринган ҳарбир кучли ҳисни чуқур ҳис дея олмаймиз. Яхши кўриш гарчи кучли ҳис бўлса ҳам чуқур ҳис эмас. Чин муҳаббатнинг яхши кўришдан биринчи фарқи шуки, чин муҳаббат чуқур бўлади. Кишида бўладиган аффектларнинг барчаси кучли ҳисдир, лекин уларнинг кўпи чуқур ҳис эмас. Кишида бирданига воқи' бўлиб, кейин бир пасда тушадиган ғазабланиш бундай саёз ҳислардан бир намунадир. Кишининг маслак ва ғояларидан келиб чиқадиган ва турмушдаги кураш йўлини белгилаган душманлик ҳисси, принципиаль ҳисдан бир намунадир.

Ҳиснинг чуқур бўлмоғи учун бу ҳиснинг албатта қайнаб ошиши шарт эмас; аломатларининг жушоб суратда кўриниши тағин ҳам ҳеч шарт эмас. „Босиқлик" аксари зоҳирда кўринмаса ҳам ичда бўлган улуғ куч аломатидир; ҳис ва фикрлар тўла ва чуқур бўлса, бирдан ошиқиб тутақишга йўл қўймайди" (*Лермонтов,* „Замонамиз қаҳрамони").

Ҳиссиётларининг сўнг даража чуқур ва кучлилиги блан бирга уларнинг зоҳирий аломатининг ниҳоятда босиқлиги Уля Громованинг руҳий ҳаётининг энг муҳим хусусиятидир („Ёш гвардия"). А. А. Фадеев отоқли бу совет қизида „дун'ё-дун'ё ҳиссиёт ва фикрлар", „ҳақиқатан кучли ихтиролар олами" борлигини қайта-қайта кўрсатади ва лекин шу блан бирга „Улянинг ўзи жуда ёввош эди, лекин ба'зида юраги тошиб кетганда жуда очилиб кетар эди" деб қўяди. Масалан, у, Краснодондан чиқиб кетмоқчи бўлиб, кеталмай қайтиб келганда биз уни ич-ичидан тутақиб кетаётган бўлса ҳам, зоҳирда, жуда тинчдек ҳолда кўрамиз: „Йўлда кела-келгунча арава ёнида индамасдан жуда тинчдек борур эди, фақат аломати унинг кўзларида, бурун ва лабларида зоҳир бўлиб турган мудҳиш кучнинг шу томонларигина унинг юрагида қандай туйғулар жўш уриб, туғён қилаётганини ошкор қилар эди".

Кишидаги ҳиссиётнинг бой ва мазмундорлиги, унинг ҳислари-нинг кучлилигидан кўра кўпроқ чуқурлигига боғлиқдир. Би-

ровга ёки бир ишга меҳр қўйса бунга ниҳоятда қаттиқ киришиб кетадиган одамлар бўлади. Аммо ҳарбир кучли меҳр ва муҳаббат чуқур муҳаббатга айланмагунча, кишининг турмушида муҳим аҳамиятга эга бўлаолмайди. Қизиқиш лаёқати бўлиб, лекин муҳаббат қўйиш лаёқати бўлмаган одамлар ҳамиша юзаки, пуч одам бўлиб қолаверадилар.

в) Ҳисларнинг барқарорлиги

Ҳисларнинг барқарорлиги уларнинг чуқурлиги блан жуда яқин боғлиқдир. Чуқур ҳис маҳкам ва барқарор бўлади; саёз ҳислар эса, гарчи кучли бўлса ҳам, умри қисқа бўлиб, тез ўтиб кетади.

Ҳисларнинг беқарорлиги икки хил бўлиши мумкин.

Ба'зи кишилар ҳиссиётининг беқарорлиги, улар *қайф-ҳолининг ҳадеб ўзгара беришида кўринади.* Бундай кишилар ҳиссиёти ҳарбир нарсадан осонлик блан қўзғолаберади, лекин уларнинг бу ҳислари саёз бўлганидан, уларга тамомила зид бўлса ҳам, янгидан туғилган бошқа ҳислар уларни жўнгина енгиб, орадан чиқазиб ташлайдилар. Бундай одамлар андак хавфдан ҳам ташвиш қилаберадилар ва лекин уларни тинчлантирадиган кичкина бир хабар келиши блан дарров хотиржам бўлиб қоладилар. Бошларига бир қайғи тушса ҳеч чидай олмасдан қийналадилар, лекин биронта хурсандчилик рўй бергандаёқ қайғиларини унутадилар. Бундай кишиларнинг кайфи ҳарбир тасодифий та'сирдан ўзгараберади.

Гоҳда ҳисларнинг қарорсизлиги, ҳиссиётнинг *хирпаланишида* кўринади. Кўп ҳислар борки, бу ҳисларни туғдирадиган сабаб ҳадеб такрорланаберса, аввал заифланиб, кейин бораборa ҳеч қолмайди. Масалан, уруш майдонига янги келган одам тўпларнинг овозини эшитганда, аввал қўрқади, лекин тўпнинг овозига кўникиб қолган, урушда тажриба кўрган жангчиларга унча та'сир қилмайди.

Аммо ҳисларнинг ҳаммаси, уларни қўзғоган сабабларга кўниккан сари заифланиб бораберади, деб ўйланса хато бўлади. Кишининг шахсиятига қаттиқ тегадиган, унинг ҳархил мароқлари блан алоқадор бўлган чуқур ҳислар такрорланиш блан заифланмайди. Кишининг бундай ҳиссиёти хирпаланмайди. Агар одам бир ишни чинакам яхши кўрса, бу иш унинг қобилиятига чинакам мувофиқ бўлса, киши бундай иш блан доим шуғулланса ҳам, борган сари совумай, балки, аксинча, унга қўйган меҳри тобора ошади. Кишининг яхши бир музикадан топган ҳузури бу музикани ҳар гал эшитганда тобора ошади. Гўзал адабиётни севган ва уни тушунган одам манзур қилган асарларни қайта-қайта ўқийди, лекин ўқиган сари мазаси кетмай, балки ёқа беради.

Қаттиқ ва чуқур қизиққан ҳечнарсаси бўлмаган ва турмушда фақат ўйин-кулги пайига тушган одамлар ҳар нарсага тутинса-

лар ҳам, дарров совиб, ҳавсалалари пир бўлади, чунки ҳарбир ҳис уларга фақат юзаки та'сир қилади. Бундай одамларда ҳиссиёт хирпаланиб кетади ва бунинг оқибати *зерикиш* бўлади. Масалан, Онегин блан Печорин шу хил одамлар жумласидандирлар. Печориннинг ўзи иқрор қилиб, ҳиссиётимнинг тез хирпаланиши, ҳаётимнинг энг катта бахтсизлигидир, дейди. „Ҳечнарсага қаноатим йўқ, айш-ишратга қандай осонгина кўниксам, қайғу-ҳасратга ҳам шундай осон кўникиб кетаман, шунинг учун ҳаётим кундан-кунга пучайиб кетаяпти".

г) Ҳиссиётнинг ғайрат кучи

Ҳиснинг ғайрат кучи деб, унинг ғайратни қўзғотиш қобилиятини тушунамиз. Ҳиссиётдан ғайратланиш жиҳатидан қараганда, одамлар ҳархил бўлади. Ба'зи одамларнинг ҳиссиёти уларни ғайратга миндириб, ҳаракатга солади, ба'зиларнинг ҳиссиёти эса, уларнинг фе'л ва ҳаракатига ва ғайратига унча та'сир қилмайди. Бу хил одамлар ҳиссиётга қаттиқ берилишлари мумкин ва лекин бу ҳол уларнинг ғайратини қўзғомайди. Фе'л ва ҳаракатларига ҳеч та'сир қилмайди. Ҳиссиётнинг кишини ҳаракатга келтириб ғайратини қўзғоши жиҳатидан одамлар ўртасида бўлган фарқнинг аҳамияти каттадир, чунки ҳиссиётнинг муҳимлиги, унинг одамни ҳаракатга солишлигидир.

Кишининг бутун вужудига зўр та'сир қилиб, уни ҳаракатга келтирган, ғайратини қўзғотган, бутун фикри ва зикрини бир йўлга солган ва унинг бутун фаолиятига та'сир қилган кучли, чуқур ва доимий ҳиссиёт, *ҳирс* (ёки эҳтирос) дейилади. Ҳирс кишини жуда эгаллаб олади, шу сабабдан унинг кучи каттадир. Ватан муҳаббати, халққа бўлган муҳаббат, фан ва сан'ат ҳаваси ҳирс даражасига чиқса, қаҳрамонлик йўлига, улуғ асарлар яратиш йўлига бошлайди. Лекин майда-чуйда, арзимаган иш ва мақсад йўлига кириб кетган ҳирс, кишини хароб қилиши мумкин. Пушкин бирнеча асарларида кишини тамомила эгаллаб олган „Ёмон ҳирслар"нинг кишини қандай хароб этганини жуда яши тасвир қилган. Чунончи: „Пиковая дама" (давлатга ҳирс қўйиш), „Скупой рицарь" (бахиллик), „Моцарт ва Сальери" (ҳирсга айланиб кетган ҳасад).

„Эҳтирос блан севиш", „Эҳтирос блан душман кўриш", „Ишга ҳирс қўйиш, ёки ҳирс қўйиб ишлаш" деганда, кишида уни ҳаракатга келтирадиган, ғайрат кучи зўр бўлган чуқур ва доимий ҳислар бор, деган бўламиз.

Сентименталь кишилар блан, *эҳтироси кучли кишилар*, ҳисларининг ғайрат кучи жиҳатидан, бир-бирининг тамомила тескарисдирлар. Сентименталь кишилар ўз ҳисларидан ўзлари завқланадилар, ҳисларидан кўп гапирадилар ва лекин бу ҳисларни амалга ошириб, юзага чиқариш блан ишлари бўлмайди. Эҳтиросли одамлар эса, айниқса, ўз ҳисларидан кўп гапирмайдилар ва лекин бу ҳисларни юзага чиқаришга, ишга солишга кўп ҳаракат қиладилар, доим шу блан машғул бўладилар.

Н. К. Крупскаянинг Ленин вафотидан бирнеча кун ўтгач бўлган СССР Советлар II С'ездида айтган қуйидаги сўзлари бу жиҳатдан жуда мароқлидир:

„Ўртоқлар, Владимир Ильичнинг тобути бошида туриб кечирган бу кунларим ичида унинг бутун ҳаётини ўйлаб, фикр қилиб чиқдим; шуни сизга айтмоқчиман. Унинг қалби барча меҳнаткашларга ва барча эзилган мазлумларга оташин бир муҳаббат ила жушоб эди. Унинг ўзи буни ҳеч айтган эмас. Агар тантанаси бугунгидек бўлмай камроқ бўлган бошқа бир пайт бўлса, буни эҳтимол, мен ҳам асло гапирмас эдим... Ундаги бу ҳис, уни меҳнаткашларни озод қиладиган йўллар қайси? деган саволнинг жавобини астайдил эҳтирос блан қаттиқ излашга мажбур қилди".

Такрорлаш учун саволлар

1. Ҳис ёки эмоция деб нимани айтамиз?
2. Ҳис блан сезги ўртасида қандай фарқ бор?
3. Ҳиснинг ижтимоийлиги нимада кўринади?
4. Ҳиссиётнинг билиш процесслари блан қандай алоқаси бор?
5. Кишининг фаолияти блан ҳиссиёти ўртасида қандай алоқа бор?
6. Ҳиснинг баданда зоҳир бўладиган аломатлари нима?
7. Ҳисларнинг физиологик асоси нима?
8. Ҳисларнинг асосий сифатларини айтинг.
9. „Аффект", „кайфият", „ҳирс" тушунчаларининг та'рифини айтинг.
10. Ҳиссиётнинг оламни тавсиф қиладиган муҳим хусусиятларини айтинг.

Масалалар

1. Бир нарсанинг биров учун бўлган аҳамияти ўзгарганда бу нарса тўғрисидаги ҳиссиётнинг ўзгаришидан ўзингиз бир мисол айтинг.
2. Қийинликлар бировда ундай, бировда бундай, тескари ҳислар туғдириб. қийинликка ҳарким ҳархил ҳиссий муносабатда бўлганлиги тўғрисида адабиётдан мисоллар кўрсатинг.
3. Адабий асарлардан аффектнинг бирнеча мисолини кўрсатинг.
4. Бадиий асарлардан кишининг кайфиятини тасвир этган бирнеча мисоллар кўрсатинг.
5. Ҳиссиётнинг принципиаллигидан бир мисол кўрсатинг.
6. Кучли ҳисдан бир мисол келтиринг.

VI боб

ДИҚҚАТ

37. ДИҚҚАТ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ МА'ЛУМОТ

Диққат деб, онгнинг муайян бир об'ектга қаратилганини айтамиз. Ташқи дун'ёдаги ҳарбир нарса, ҳарбир ҳодиса ўзимизнинг қилган ишларимиз, тасаввур ва фикрларимиз диққатнинг об'екти бўлаолади.

Китоб ўқиётганимда ундаги ҳикоянинг мазмуни мени тамомила машғул қилади; нариги уйда бировнинг гапираётганини эшитаман, лекин унга э'тибор қилмайман. Аммо ёнимда турганлардан биров ғалати, қизиқ бир ҳикояни сўзлай бошласа, кўзим китоб хатида бўлса ҳам, лекин диққатим бу гапга кўчганини пайқайбошлайман.

Аввал бошда ҳам, кейин ҳам китоб ўқиш блан бирга гапни ҳам эшитиб турган эдим. Лекин психиканинг ишлаши аввал бошқа бир тартибда бўлса, кейин бошқа тартибда эди. Аввал менинг онгим ўқиётган сўзларимни тушунишга қаратилган эди. Бунда китобдаги сўзларнинг мазмуни онгимнинг марказида эди, бўлаётган гапнинг мазмуни эса онгимнинг чакка-чаккасида, атроф теварагида турар эди. Кейин онгим гапни эшитишга кўчди; гап онгимнинг марказини эгаллади, ўқиш эса онгимнинг бир чаккасини эгаллади. Бундай ҳолда диққатим китоб ўқишдан гапни эшитишга кўчди, деймиз.

Онг муайян бир нарсага қаратилиши натижасида бу нарса *аниқ ва равшан онглашилади,* лекин шу оннинг ўзида бизга та'сир қилиб турган бошқа қўзғовчиларни биз унча аниқ ва равшан пайқамаймиз. Диққатим китобга банд бўлганида ундаги сўзларнинг мазмунини жуда аниқ идрок қилар эдим, гапни эса салгина, „қўлоғимнинг бир чеккаси блан эшитдим" дейдилар-ку, ана шундай эшитар эдим. Шу пайтда тўсатдан нима тўғрисида гапирилганини сўраб қолса, бўлган гапни чала-ярим, пойма-пой қилиб айтсам айтардим ва лекин тўла айтиб беролмас эдим. Аммо диққатим китобдан гапга кўчиши блан аҳвол ўзгарди. Энди гапнинг мазмунини тўла уқиганим ҳолда, кўзим гарчи китобда бўлса ҳам ундаги сўзларнинг мазмунини чалачулпа уқийбошладим.

Онгнинг танлаш хусусияти диққатга оид ҳолларда ошкор бўлади: агар одам бир нарсага диққат қилса, бу ҳолда бошқа нарсалардан диққати чалғийди.

Идрок, тафаккур, хотира ва бошқа бунинг каби нарсаларни алоҳида бир руҳий процесс деймиз, ва лекин диққатни бундай алоҳида руҳий процесс деб бўлмайди. Одам ҳаётининг ҳар нафасида, ҳар ҳолда бирон нарсани идрок қилади, я'ни ёки бир нарсани эсга олади, ё эса бир нарса устида ўйлайди, ёки хаёл суради. Лекин одам диққат процесси блан банд бўлган вақт сра бўлмайди. *Диққат психиканинг сифатидир, диққат психик процессларнинг барчасининг бир томонидир.*

Расм 32
Кўз диққати (тикилиш), (СССР халқ артисти М. М. Тарханов, Островскийнинг „Горячее сердце" деган асарида Градобоев ролида).

33. ДИҚҚАТНИНГ ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА ТАШҚИ АЛОМАТЛАРИ

Диққатнинг асоси катта мия ярим шарлари пўстининг ишларини идора қилучи ғоят муҳим қонунлардан бири бўлиб, И. П. Павлов томонидан батафсил текширилган ва *нервларда бўладиган процесслар индукцияси* деб аталган *қонундир* (9 § қаралсин). Бу қонунга кўра катта мия ярим шарларининг пўстида бир жойда қўзғов бўлса, унинг теварагидаги бошқа жойларида тормозланиш пайдо бўлади. Шу тариқа қўзғов ҳеч вақт мия пўстининг ҳамма жойига баравар ёйилмайди. Ҳар доим мия пўстининг бирон жойида бironта қўзғов учун энг яхши шароит туғилган бўлади. Мия пўстининг қайси ерида қўзғов учун энг яхши шароит туғилган бўлса, шу ери ижод блан шуғулланади. Онгнинг энг яхши, аниқ ва равшан ишлаши мия пўстининг шу нуқтаси блан боғлиқдир.

И. П. Павлов бу ҳақда қуйидаги сўзларни ёзган эди: „Агар бош суягига қараганда унинг ичидаги мия кўринадиган бўлса, агар катта мия ярим шарларида қўзғов учун энг яхши шароит

туғилган нуқтаси йилтиллаб кўринадиган бўлса эди, онги соғлом бўлиб бир нарсани ўйлаб турган одамнинг миясига қараганимизда, унинг миясининг катта ярим шарларида жуда ғалати жим-жимадор шаклда бўлиб, сурати ва ҳажми ҳар лаҳзада бир ўзгариб, турланиб жимир-жимир қилиб туручи ёруғ нарсанинг уёқдан-буёққа югуриб қимирлаб турганини ва мия ярим шарининг бу ёруғ нарса атрофидаги бошқа ерлари бирмунча хира тортиб турганини кўрар эдик".

Расм 33

Ўз фикри устида тўпланган диққат мимикаси (СССР халқ артисти В. И. Качалов).

Диққат кучайганда одатда унинг аломатлари зоҳир бўлади.

Биринчидан, диққат қилинган нарсани яхши идрок қилиш учун бунга „мувофиқлашишга уринишдан иборат бўлган ҳаракатлар қилинади; чунончи тикилиб қараш, қулоқ солиш ва бошқа бунинг каби ҳаракатлар туғилади *(расм 32)*. Кишининг диққати ўз фикрлари устида тўпланганда кишининг қараши одатда „бепоён" бўлади, я'ни одам олисга қарагандек тикилиб қолади, бунинг орқасида кўз ўнгида турган нарсалар аниқ идрок қилинмайди ва диққатни ўзига жалб этмайди *(расм 33)*.

Иккинчидан, ортиқча ҳаракатларнинг ҳаммаси тўхтайди. Қаттиқ диққатнинг бир хусусияти қимирламасдан жим туришдир. Аудитория ва театр залидаги жимлик, диққат вақтидаги ҳаракатсизлик натижаси бўлиб, бу жимлик лекторнинг, ёки нотиқ ё эса артистнинг, эшитучи ва тамошобинлар диққатини жалб қилганликларни кўрсатади.

Учинчидан, киши бир нарсага қаттиқ диққат қилганда нафас олиши ҳам сийракланиб ва пасайиб қолади. Бундан ташқари нафас олиш муддати блан нафас чиқариш муддати ўртасидаги таносиб ҳам ўзгаради, я'ни нафас олиш қисқариб, нафас чиқариш узаяди. Киши бир нарсага бир лаҳза ниҳоятда қаттиқ диққат қилса, бунда аксари нафаси тамомила тўхтайди; бунда одам „нафас чиқармай" тинглайди, ёки тикилади.

39. ИХТИЁРСИЗ ВА ИХТИЁРИЙ ДИҚҚАТ

Одам қизиқ кинофильмни тамоша қилганда, диққат қилишга ҳечбир тиришмаса ҳам, унинг диққати ўз-ўзидан суратга қараб кетади. Одам кўчада кетаётганда тўсатдан милиционернинг ҳуштагини эшитиб қолса, „ихтиёрсиз" унга диққат қилади. *Бир нарсага диққат қилишга ниятимиз бўлмагани ва*

биз томондан бунга ҳечқандай ҳаракат қилинмагани ҳолда шу нарсага бурилган ихтиёрсиз диққат шудир.

Аммо одам ўқиб турган қизиқ китобини қўйиб, гарчи унга керак бўлса ҳам, лекин шу онда уни унча қизиқтирмаган бошқа бир иш блан, чунончи, ажнабий тил сўзларини ўрганиш блан шуғулланишга мажбур бўлса, бу ҳолда одам ўз диққатини бу томонга бурмоқ учун анча тиришмоғи керак бўлади; диққатини бошқа ёққа чалғитмасдан шу сўз ўрганиш иши устида сақлаш учун эҳтимолки яна ҳам ортиқроқ тиришиши керак бўлар. Агар мен жиддий бир китобни ўқиётганимда уйда шовқин-сурон бўлса бунда мен ўқишга кўпроқ диққат қилиб шовқин-суронга э'тибор қилмасликка ўзимни мажбур қиламан. Буни *ихтиёрий диққат* деймиз. Ихтиёрсиз диққат блан ихтиёрий диққатнинг фарқи шуки, ихтиёрий диққатда одам, ўз диққатини муайян бир нарсага қаратишни ўзига *мақсад қилади* ва бу мақсадни амалга оширмоқ лозим бўлганда *бунга ҳаракат қилиб уринади.*

Диққатни ўз ихтиёри блан бир нарсага жалб қилиш ва уни шу нарса устида сақлаш қобилияти инсонда меҳнат процессида пайдо бўлди, чунки бу қобилият бўлмаса бир нарса устида режа блан узоқ ишлаш мумкин бўлмас эди. Одамнинг ҳарқандай яхши кўрган иши бўлса ҳам, ҳамиша бу ишнинг кишига қизиғи бўлмаган ва унинг диққатини ўзига тортмайдиган қийин томонлари бўлади. Шунинг учун кишига ёқмаган мана шу қийин ишларга ҳам диққатни ихтиёрий равишда жалб қилабилиш керак; ҳозирчалик кишининг диққатини ўзига жалб қилмаган ишларга ҳам диққат қилишга ўрганмоқ керак. Кимки иш ичида диққат қилиниши лозим бўлган ҳамма нарсага диққат қилаолса, шу одам яхши ишчидир.

Инсондаги ихтиёрий диққат жуда кучлидир. Кишининг боши қаттиқ оғриб турганда саҳнага чиқиб ўйнаш, нутқ сўзлаш, лекция ўқиш қандай қийинлигини тажрибалик артистлар, лектор ва нотиқлар яхши биладилар. Бош оғриб турганда, бундай ишларни правордигача яхши бажариб бўлишига одамнинг кўзи етмайди. Лекин киши иродасини маҳкамлаб, бутун диққатини ўқийдиган лекциясининг мазмунига ва бажарадиган ролига тўплашга ўзини мажбур этса, бошининг оғриғи эсидан чиқиб кетади, иш бажарилиб бўлмагунча кишининг эсига келмайди, лекин кейин аксари икки барабар қаттиғроқ оғрийди.

Бизнинг ихтиёрсиз диққатимизни қандай нарсалар жалб қилаолади? Бошқа та'бир блан айтганда, ихтиёрсиз диққатни туғдирадиган сабаблар нима?

Турли-туман ва кўп бўлган бу сабабларни икки хилга бўлиш мумкин: биринчидан, *диққатни жалб қиладиган об'ектларнинг ўзи, иккинчидан, бу об'ектларнинг кишини қанчалик қизиқтириши.*

Кучлик қўзғотучиларнинг ҳаммаси одатда кишининг диққатини жалб қилади. Қаттиқ момоқалдироқнинг овози ҳатто жуда банд бўлган кишининг ҳам диққатини жалб қилади. Бунда қўзғотучининг абсолют кучидан кўра, унинг бошқа қўзғотучиларга *нисбатан* бўлган кучи кўпроқ муҳимдир. Бирқанча тўплар гумбурлатиб отиб турганда момоқалдироқнинг овози эшитилмаса ҳам мумкин, лекин кечаси жим-жит бўлиб турган пайтда андак ғирчиллаган, ёки шитирлаган овоз ҳам кишининг диққатини жалб қилади.

Киши ўрганмаган ва тўсатдан бўлган *ўзгаришлар* ҳам диққатни жалб қилади. Агар бирнеча йиллардан бери ҳарбий кийимда юрган одам тўғри расмона кийим кийса, кўрган ошно-оғайнилари дарров унга диққат қиладилар.

Ихтиёрсиз диққатни жалб қилишда, жалб қилган нарсанинг кишига қизиқлиги биринчи рольни ўйнайди. Қандай нарса кишига қизиқ бўлади?

Биринчидан, *кишининг касбикорига, унинг олдидаги вазифаларига яқин алоқадор бўлган,* кишининг машғул бўлган ва ҳавас қўйган иши блан ва бу иш туфайлидан туғиладиган фикр ва ташвишлари блан боғлик бўлган нарсадир. Бир иш ёки бирон ғоя блан банд бўлган ва ҳавас қўйган одам, бу иш ва бу ғояга алоқадор бўлган ҳамма нарсага қизиқади ва, бинобарин, буларнинг ҳаммасига диққат қилади. Бирон масала устида текшириш қилаётган олим, бошқалар диққат қилмайдиган ва даф'атан қараганда арзимаган майда-чуйдадек кўринган нарсага дарров диққат қилади. Катта совет ихтиро'чиларидан бўлган бир одам ўзи ҳақида бундай дейди: „Мен ҳарбир машинанинг қандай ясалгани блан қизиқаман. Трамвайда кетаётиб кўчада кетаётган автомобильнинг юришига, қандай бурилишига диққат блан қараб бораман (культиваторларни идора қилиш машиналари устида ўйлаб юрган вақтимда). Ҳарқандай машинага, чунончи, ўт ўчиручиларнинг нарвонига ҳам диққат блан қараганимда, буни ҳам истифода қилиш мумкинлигини кўраман“.

Албатта, одамлар ёлғиз турмушларидаги энг муҳим ишлар блан алоқадор бўлган нарсалар блангина қизиқмай, бошқа нарсалар блан ҳам қизиқадилар. Масалан, ишимиз, касбкоримиз блан бевосита алоқаси бўлмаган китобларни ўқиймиз, спектаклни тамоша қиламиз, кинони кўрамиз. Бу ишлар бизни қизиқтирсин учун нима талаб қилинади?

Биринчидан, шуки, бу нарсалар бизда бўлган билимлар блан бирқадар алоқадор бўлмоғи керак. Бу нарсаларнинг мавзу'и бизга тамомила нома'лум бўлмаслиги шарт. Чунончи, товуш физикасини ҳеч ўқимаган ва металлни қандай тайёрлашни сра билмаган одам „металлургияда ультра товушлар татбиқи“ деган лекция блан сра қизиқмаса керак.

Иккинчидан, шуки, бу нарсалар бизга биронта янги ма'лумот бериши, уларда бизга нома'лум бўлган янгиликлар бўлиши керак. Ультра товушларни яхши билган мутахассис учун, бояги мавзу'да умум учун ўқилган лекциянинг қизиғи бўлмайди, чунки бунда айтиладиган масалаларнинг ҳаммаси унга ма'лум.

Биз аввал таниш бўлган нарсалар тўғрисида янги ма'лумот берган, хусусан кўнглимиздаги саволларга жавоб берган нарса бизга ҳаммадан кўпроқ қизиқдир. Ниманики билмасак ва лекин билишни истасак, шу нарса қизиқдир. Кишини ўзига жазб қиладиган қизиқ романлар одатда ана шу асосда ёзилади. Ёзучи воқиани шундай ҳикоя қиладики, бизнинг олдимизда бирнеча масалалар туғилади (фалон ишни ким қилди? Қаҳрамоннинг тақдири нима бўлди?) ва бунинг натижасида биз ҳамавақт бу саволларнинг жавобини кутамиз ва шу сабабдан диққатимиз ҳамиша бу нуқтага тўпланган бўлади.

Ихтиёрсиз диққатнинг энг муҳим манба'и қизиқишдир. Нимаики қизиқ бўлса, диққатимизни ўзига тортиб машғул қилади. Лекин ихтиёрий диққат қизиқиш блан ҳеч алоқадор эмас, деб ўйлаш тўғри эмас. Ихтиёрий диққат ҳам қизиқишга боғлиқ, лекин бошқа хил қизиқишга боғлиқдир.

Агар қизиқ китоб ўқучи одамнинг диққатини жуда машғул қилса, бу *бевосита қизиқиш* бўлади; бу қизиқиш китобнинг ўзига, унинг мазмунига қизиқишдир. Аммо биров биронта аппаратнинг моделини ясамоқ мақсадида узун-узун ва қийин ҳисобларни чиқариш блан шуғулланса, бунда одам нима блан қизиққан бўлади? Қилган ҳисобларининг бевосита ўзи блан қизиқмайди. Унинг қизиққан нарсаси модельдир, қилган ҳисоблари эса бу модельни ясаш воситасидир. Бундай ҳолларда одам тўппа-тўғри бевосита қизиқмай, балки *бавосита қизиқади.*

Бизнинг онгли равишда ўз ихтиёримиз блан қилган ишларимизнинг ҳаммасида деярлик шундай *бавосита* қизиқиш, *натижа блан қизиқиш* бордир. Агар қизиқмасак, бу ишни қилмас эдик. Ишга киришмоқ учун шу қизиқиш кифоя қилади. Аммо ишнинг ўзи қизиқ бўлмай бизни ўзига тортмаганидан диққатимизни бу иш устида йиғмоқ учун бирмунча ҳаракат қилиб уринишимиз, куч сарф қилишимиз керак. Ишнинг ўзи бизни қанча кам қизиқтирса, ихтиёрий диққат шунча кўп керак бўлади. Бундай бўлмаса хоҳлаган ва қизиққан натижамизга сра эришаолмаймиз.

Гоҳда шундай ҳоллар бўладики, бизни қизиқтирган нарса бошқа бўлса ҳам бу қизиққан нарсамизга етишмоқ учун восита бўлган бошқа ишга тутунганимизда аввал диққатимизни бу иш устида куч сарф қилиб, зўрга тўплаган бўлсак ҳам, кейин бора-бора бу ишнинг ўзи ҳам бизни қизиқтирабошлайди. Бунда бевосита қизиқиш туғилади ва диққатимиз энди беихтиёр бу ишга оғиб кетади. Бу ҳол бир иш қилаётганда диққатнинг нормаль жараён қилишидир. Ишнинг ўзига бевосита қизиқиш бўлмаса, ёлғиз ихтиёр қилиб, диққатни зўр блан тўплаш ёрдами блан узун муддат яхши ишлаб бўлмайди; шунингдек ёлғиз бевосита қизиқишга ва ихтиёрсиз диққатга асосланиб, узун муддат ишлаш ҳам мумкин эмас. Гоҳ-гоҳда ихтиёрий диққатнинг аралашмоғи керак бўлиб қолади, чунки чарчаганликдан, ишнинг ба'зи қисмларининг кишини зерик-

тирадиганлигидан ҳамда ҳархил нарсалар кишини чалғитганлиги сабабидан ихтиёрсиз диққат заифланиб кетади. Шу тариқа, ҳарбир ишда ихтиёрий диққат блан ихтиёрсиз диққатнинг иштирок қилиши, уларнинг доим галма-галдан олмошиб туриши керак бўлади.

Хулосада шуни айтишимиз мумкинки, *диққатни саранжом қилишда турмушимиз ва машғул бўлган касбкоримиз томонидан олдимизга қўйилган вазифалар энг биринчи аҳамиятга эгадир.* Биз шу вазифаларни назарда тутиб, ихтиёрий диққатимизни онгли равишда турли ишлар устида тўплаймиз. Ихтиёрсиз диққатнинг энг муҳим манба'и бўлган қизиқишларимиз ҳам шу вазифалардан келиб чиқади.

40. ДИҚҚАТНИ ЧАЛҒИТМАСЛИК ЧОРАЛАРИ

Ба'зида диққатимизни хоҳлаган томонга бурмоқ учун анча куч сарф қилишга мажбур бўламиз. Аммо диққатимизни узоқ муддатгача бир нарса устида тўхтатиб туриш, бошқа ёққа чалғитмасдан ушлаб туриш яна ҳам қийин бўлиб, бунга яна ҳам кўпроқ куч сарф қилишга мажбур бўламиз. Ихтиёрий диққат олдида турган вазифаларнинг энг қийини уни чалғитадиган қўзғовчилар блан курашиш вазифасидир.

Кишининг диққатини чалғитадиган кучли қўзғовчиларнинг та'сирини текшириш учуч синов қилинди. Бунинг учун кишининг ишига халақит берадиган ҳуштак, қўнғироқ, карнай овози, яқин ўртада ишлаб турган арра овози, қувноқ музика чалиб турган патефон овози каби қаттиқ овозлар ичида кишига бирмунча қийин зеҳний иш топширилди. Бу синашнинг натижалари, диққати саранжомли кишилар (хусусан ёшлар) бундай тўпалон ичида ҳам, худди тинчликда ишлагандек бемалол яхши ишлайберишларини кўрсатди. Броқ кишининг диққатини чалғитадиган қўзғовчиларнинг ёмон та'сир қиладиган жойи шуки, улар блан курашмоқ учун анча куч сарф қилишга тўғри келади ва шу сабабдан бундай шароит ичида ишлаш кишини одатдагидан кўра кўпроқ чарчатади, чунки бунда одам уни чалғитган нарсаларга э'тибор қилмай бутун диққатини шуғулланаётган иши устида тўплашга тиришиб, мушакларига зўр келтиради, муштумларини сиқади, ба'зида бошини ушлаб қисади, ўхтин-ўхтин бошини силкиб қўяди; бундай ҳолларда аксари одамлар бир нарсани ўйлаганларида, ҳисоблаган ва муҳокама қилганларида ичларида ўйламай, балки овозларини чиқазиб, гапириб ўйлайбошлайдилар.

Кишини қаттиқ қизиқтирган, ёки ҳиссига кучлироқ та'сир қилган нарса кишини кўпроқ қизиқтиради. Яқинингда ўтирган икки одам чақ-чақлашиб гаплашаётган бўлса, гарчи булар секин-секин шивирлашиб гаплашаётган бўлсалар ҳам, буларнинг гапи машиналарнинг тақир-туқуридан кўпроқ халал етказиб, кишининг диққатини кўпроқ чалғитади. Музиканинг ма'нисига тушунадиган ва уни севадиган кишиларнинг диққатини энг кўп

чалғитадиган қўзғовчи музика овозидир ҳолбуки музикадан завқ олмайдиган кишиларнинг диққати бундан чалғимайди.

Диққатни чалғитадиган қўзғовчиларга кишининг қандай қараши ҳам катта аҳамиятга эгадир. Қўшни уйда бўлиб турган шовқин-сурон кишини безор қилади, ғашига тегади ва аксари кишининг бу сабабдан қўзғоган ғазаби, тажанг бўлиши кишининг диққатини бояги шовқиндан кўра кўпроқ чалғитади. Ишга халал етказиб турган нарсани бартараф қилиш имкони бўлмаганда яхшиси унга парво қилмасликдир. Бундай ҳолларда диққатни чалғитмаслик учун бирдан-бир бўлган энг яхши чора шудир.

Аксари одамларнинг диққати тинчлик ва осойишталикда, кишини чалғитадиган кучли қўзғовчилар йўқ жойда яхши бўлади. Чунончи, Пушкин куз фаслида ёмғиргарчилик вақтида қишлоқда турганда, келиб-кетучи меҳмонлар кам бўлиб, ўзи ҳам ҳечқаёққа чиқолмаган вақтда яхши ишлаган, Пушкин хотинига ёзган хатида, „тўрт девор ичида ёлғиз ўтирганимизда, ёки дарахтзор ичида ёлғиз юрганимизда, ўйлашимизга, бошимиз айлангунча ўйлашимизга ҳечким ҳалал етказмаган гезларда, хаёлимизнинг қандай чаққон ишлашини сен тасаввур қилолмайсан“ дейди. Пушкин кабинетида ҳатто сурат туришини ҳам ёқтирмас эди, чунки суратлар ҳам диққатини чалғитиши мумкин. Чайковский ҳам кишини чалғитадиган ҳечнарса бўлмаган хилват жойда ишлашга тиришар эди.

Броқ шовқин-сурон ичида, кишида та'сир қолдириб унинг диққатини чалғитадиган ҳархил нарсалар кўп бўлган жойда қайтага яхши ишлайдиган одамлар ҳам кўп. Масалан, Чехов ёшлик чоғида ёзган ҳикояларининг кўпини ҳангама қилиб кулишиб ўтирган кишилар мажлисида ўтириб ёзган. Машхур рус композиторларидан Мусоргский („Борис Годунов“ блан „Хованшчина“ музика асарини ёзган киши) сўнгра Бородин („Князь Игорь“ музика асарини ёзган киши) ўз асарларини одамлар орасида, масалан, меҳмондорчиликда ўтириб ёзганлар.

Турли кишиларнинг ишлаш усулларидаги бу фарқ қисман одатга ҳам, кўпроқ ҳаркимнинг диққат қилиш қобилиятидаги хусусиятларга ҳам боғлиқдир; броқ бу хусусиятлар қандай бўлса бўлсин, диққатни ҳамиша шундай тарбиялаш керакки, киши лозим бўлган вақтда ҳарқандай ҳалални ҳам енгаоладиган бўлсин.

Ором ва тинчликда ишлаганда осонлик блан асар ёзаолган Чайковский, ишлаш учун тинчлик ва осойишталик бўлмаган ҳолларда ҳам яхши ишлай олар эди.

Кўп талантли одамларнинг кам ҳосил бериб, оз ижод қилганликларининг сабабларидан бири шуки, уларнинг диққати нозиклашиб, эрка бўлиб кетганлиги орқасида, диққатни чалғитадиган нарсаларнинг та'сирига қарши курашаолмайдиган бўлиб қоладилар. Бу хил одамлар ишга халал етказадиган, диққатни чалғитадиган нарсалар сра қолмаган вақтнинг келишини кутиб бутун умрларини ўтказиб юборадилар.

41. ДИҚҚАТНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

а) Диққатнинг барқарорлиги

Узоқ муддатгача бир нарса, ёки бир иш устида муттасил тўхтай олган диққатни, барқарор диққат деймиз. Ҳарёққа ўгиб заифланаберадиган, чалғийберадиган диққат барқарор диққатнинг аксидир.

Диққатнинг бир нарса устида узоқ тўхтай олмасдан, ҳар-ёққа оғиб чалғий бериши нимадан бўлади ва унга қарши қандай курашиш мумкин?

Қимирламасдан жим турган бир нарсага, чунончи, география харитасига, бирмунча вақтгача диққат блан қараб кўринг, узоқ диққат қилаолмайсиз.

Бир минут диққат қилар-қилмас кўзингиз бошқа ёқларга жовдираб кетаётганини, ёки харитага ҳеч диққат қилмасдан қараётганингизни ва хаёлингиз бошқа ёқда эканини пайқайсиз. Бундай ҳолларда ҳарқандай одамнинг ҳам диққати чалғиб кетади. Бу тўғрида қилинган махсус синашлар, одам қимирламай жим турган нарсага анчайин беҳудага қараб турганда диққатини бу нарса устида беш секунддан ортиқ сақлайолмаслигини, кишининг диққати дарров чалғиб кетишини кўрсатди.

Лекин қимирламай турган харитага эмас, кино экранида кўрсатилаётган суратга қаралганда томомила бошқа ҳолни кўрамиз. Бунда диққат бошқа ёққа ҳеч чалғимасдан, киши анчагача воқианинг давомига кўз тикиб, диққат блан қараб тураолади.

Энди бояги харитага қайтайлик. Бу гал сиз харитага ҳечбир мақсадсиз шунчайин қарамай, балки СССР нинг турли районларида турли транспортнинг қанчалик кўплигини солиштирмоқ мақсадида қараган бўлинг. Бу ҳолда кишининг диққати ҳадеб чалғийбермасдан, бирмунча вақтгача харита устида тўхташини ҳарким билади.

Демак, қуйидаги икки ҳолда кишининг диққати кўп чалғир экан: ҳечбир воқиа бўлмасдан, ўзгармасдан тек турган нарсага диққат қилинганда, сўнгра диққат қилучининг ўзи ҳам ҳечбир иш қилмасдан тек турганда.

Одам диққатнинг бўшашига, ёки лоақал бирнеча секунд бўлса ҳам бошқа ёққа чалғишига йўл қўймайдиган даражада астайдил машғул бўлганда, кишининг диққати 10, 15 ҳатто 20 минутгача чалғимасдан, барқарор тураолар экан; бу тўғрида қилинган тажрибалар шуни кўрсатди. Амалий ишда шу кифоя. Диққат 10 ёки 20 минутгача бир нарса устида муттасил тўхтагач, кейин бирнеча секунд бошқа ёққа чалғиса ҳам майли, чунки бу 10—20 минут ичида ҳарқандай ишни уюштириб олиш мумкин. Агар диққатга бундай оз-оз дам бериш мумкин бўлса, бу ҳолда диққат бирнеча соатгача барқарор қолаолади.

Кўп касблар борки, уларда диққатнинг барқарорлиги жуда қаттиқ талаб қилинади; масалан, стенографисткаларнинг иши шундай қаттиқ диққат талаб қиладиган ишдир. Уларнинг диққати ҳатто бирнеча секунд бўлса ҳам бошқа ёққа чалғиса бирқанча сўз ёзилмай қолади. Корректорнинг иши ҳам қаттиқ диққат талаб қиладиган ишдир. Корректорнинг диққати сал чалғиса ҳам хатони ўтказиб юбориши мумкин. Браковшчик, телефонистка ва бошқа бунинг каби касб эгаларининг иши ҳам шу хилдадир.

б) Диққатнинг ҳажми

Киши бир йўла неча нарсага диққат қилаолади? Диққат бирданига неча нарса блан банд бўлаолади? деган саволлар инсонни жуда эски замонлардан бери машғул қилиб келган. Бу *диққатнинг ҳажми масаласидир.* Диққатнинг ҳажми деб, *диққатга айни замонда неча нарсанинг сиғишини* тушунамиз.

Бу саволга жавоб бериш осон эмас. Театр саҳнасида кўрсатилаётган томошани кўриб ўтирганда, хусусан томошада иштирок қилучиларнинг сони кўп бўлганда, кишининг диққати айни замонда бирқанча нарса блан машғулдек кўринади. Лекин киши ўзига тузукроқ э'тибор қилса, ҳақиқатда диққат ҳамиша саҳнадаги одамларнинг биридан-бирига кўчиб турганини пайқайди. Аммо, диққатнинг айни замонда бирнеча нарса устида тўхтай олиш-олмаслиги нома'лум бўлиб қолади. Бинобарин, бу саволга жавоб бермоқ учун кишига бирнеча нарсани шундай тез-тез кўрсатиш керакки, бу орада диққат кўрсатилган нарсаларнинг биридан бирига кўчиб улгураолмасин (бунда орада ўтган вақт секунднинг ўндан бир қисмидан ортиқ бўлмасин). Агар бу қисқа муддат орасида одам бирнеча нарсани билса, таниса ва идрок қилабилса, бас, бу одам дарвоқи' бирданига бирнеча нарсага диққат қилаолиши ма'лум бўлади.

Бу хил тажрибалар учун, юқорида айтилгандек, тахистоскоп дейилган (23 § га қаралсин) махсус асбобдан файдаланадилар. Тахистоскоп воситаси блан қилинган тажрибаларнинг натижаси балоғатга етган ҳарбир одам бир-бирига алоқаси бўлмай бошқа-бошқа бўлган нарсаларнинг тўрт-бештасига, кўпи блан олтитасига бирданига диққат қилаолишини кўрсатди. Агар тахистоскоп карточкасида бир-биридан айрилиб турган ва бир сўзни ташкил қилмаган ҳарфлар бўлса, одамнинг диққати бир йўлага бу ҳарфларнинг олтидан ортиғини сиғдиролмайди. Шу тариқа *диққатнинг ҳажми одатда тўрт нарса блан олти нарса нари-берисида десак бўлади.*

Аммо бунда „нарса" деб нима тушунилганини аниқлаб олмоқ керак. Саводсиз киши учун ҳарқандай ҳарф *бир* нарса бўлавермайди. Масалан, ҳарфни билмаган саводсиз одам „О" ҳарфини бир нарса деб („ҳалка") идрок қилиши мумкин, лекин „Р" ҳарфи унинг назарида икки нарса бўлиши мумкин, я'ни „таёқ" блан „ҳалқа" деб фаҳмлаши мумкин. Натижада бу одам олти уён турсин, ҳатто тўрт ҳарфни ҳам бирданига идрок қилиб ололмайди.

Иккинчи жиҳатдан қараганда, пухта саводлик кишига алоҳида ҳарфлар эмас сўзларни кўрсатсак, бу одам олтини эмас, балки анча кўп ҳарфни бирданига идрок қилаолади. Уч-тўрт ҳарфлик қисқа сўз унинг учун бир нарсадир, шуининг учун бу одам тахистоскопга қараганда бу хил қисқа сўзлардан уч-тўрттасини (я'ни 14—16 ҳарфни) бирданига ўқийолади. Пухта саводли кишилар сўзларни ҳарфма-ҳарф ўқимай, бирданига ўқийдилар.

Диққат ҳажмини кенгайтириш чорасининг энг муҳими, нарсаларни комплекслаб идрок қилишига, я'ни бирқанча нарсани яхлитига, „бутунига“ кўришга ўрганишдир.

Ба'зи касблар диққат ҳажмининг мумкин қадар кенг бўлишини талаб қилади. Чунончи, босмахонада ҳарф теручи ишчининг унумли ишлаши, терилаётган хатга қараганда бирданига қанча ҳарфни кўраолишига жуда кўп боғлиқдир. Уруш майдонида диққат ҳажмининг кенглиги яна ҳам муҳимроқдир, чунки бунда нарсаларга узоқ қараб туриш имкони бўлмайди ва кўринган нарсаларни дарров пайқаш, билиб олиш ва санаш керак бўлади. Учучига эса диққат ҳажмининг кенглиги мутлақо зарурдир.

Кўп амалий ишларда диққат ҳажми э'тиборга олиниши лозим бўлади. Плакатга ёзилган хат, ёки э'лоннома бир кўз ташлашда ўқиладиган ва ма'ниси дарров тушуниладиган бўлсин дейилса, бунинг хати уч-тўрт сўздан ортиқ бўлмаслиги керак (сўзлари ҳам унча узун бўлмасин).

Агар ёзиладиган хат узун бўлса, бу ҳолда, қолган бошқа сўзларнинг ма'носини тушуниб олиш учун кифоя қиладиган энг муҳим уч-тўрт сўзни бошқа сўзлардан ажратиб қўймоқ керак (бўёқ блан, ёки катта ҳарфлар блан)

в) Диққатнинг бўлиниши

Диққатни бир-бирига ўхшамаган икки хил ишга бўлиш мумкинми? Диққат бирданига икки томонга қаратилаоладими? Одам бир ишни бажариб турганда яна бошқа нарсага диққат қилаоладими, ёки бу ишга алоқаси бўлмаган масала устида ўйлайоладими?

Тажриба диққатнинг бўлиниши мумкинлигини кўрсатади. Мумкингина эмас, ҳатто тириклик ҳар қадамда диққатни бир неча нарсага бўлишни талаб қилиб туради. Чунончи, диққатни бўлишни билмасак профессорнинг лекциясини ёки ўқитучининг дарсини ёзиб бораолмаймиз. Лекторнинг айтган фикрини ёзиб олгунимизча тўхтаб турмайди. Лектор гапини давом эттираберади, унинг бир фикрини ёзиб оладиган бўлсам, айни замонда унинг кейин айтадиган гапларига ҳам диққат блан қулоқ солиб туришим керак бўлади. Ёзув ҳамавақт гапдан кейинда қолади, гапни ёзиб улгуриб бўлмайди, шунинг учун ёзаётган кишининг диққати, ёзаётган нарсаси блан, ёзаётган вақтда гапирилган сўзлар ўртасида бўлинади.

Бу ҳақда қилинган текширишлар диққатни бўлиш қобилияти ҳаркимда ҳархил эканини кўрсатди. Ба'зилар айни замонда икки ишни бемалол бажараберадилар, ба'зилар бунда жуда қийналадилар. Бу хил одамлар бир иш блан банд бўлиб турганларида бошқа ҳечбир ишга уқулари қолмайди. Бу нарса кишининг шахсиятидаги хусусиятларига ҳам бирмунча боғлик бўлади, я'ни ба'зиларнинг диққати *паришон*, я'ни сочилган бўлса, ба'зиларники *жам'* бўлади, я'ни бир нуқтага тўпланиб йиғилишга мойилроқ бўлади.

Лекин гап, аксари касбларда бўладиган оддий юмушлар устида борганда диққатни бирнеча ишга тақсим қилабилиш кўпинча ўрганишга ва одатга боғликдир.

Агар одам икки ишга тутинса-ю, аммо биттасини ҳам яхши билмаса, ҳар қадамда ўйлаб ўтирадиган бўлса, бу ишларнинг ҳарбир майда-чуйдаси ундан кўп диққат талаб қиладиган бўлса, бу ҳолда ҳечким бирданига икки ишни сра бажараолмайди. Икки ишни бирданига осонлик блан бажариш учун бу ишлардан лоақал биттасини жуда яхши билиши керак, шу даражада яхши билиши керакки, унинг устида ўйлаб ўтирмасдан „ўзидан-ўзи“ бажарилаберадиган бўлсин, одам фақат гоҳ-гоҳда қараб қўйса, назорат қилиб турса кифоя қиладиган бўлсин.

Агар биров хат ёзишни яхши билмаса, лекторнинг бир фикрини ёзиб олгунча бошқа ҳечнарсани онгламайди ва уқмайди. Хат ёзиш унинг учун шу қадар қийин ишки, бу ишга у шу қадар нўноқки, диққатини ҳамавақт фақат шу ишга банд қилмаса бўлмайди. Хат ёзишни яхши билган одам, аскинча ёзишнинг ўзи унинг диққатини жуда кам машғул қилади. Унинг онгининг марказида аввало лекторнинг гапираётган сўзи туради, хат ёзишга бўлса, диққатининг озгинасини сарф қилади, холос.

Диққатни бўлиш имконияти шунга асослангандир. Диққатни бўлиш, бир юмушни онгнинг марказида тутиб, айни замонда бошқа ишга ҳам бирмунча диққат қилабилиш демакдир, я'ни бу ишни ҳам диққат марказига яқин жойда тутиш демакдир.

Паровоз ҳайдайдиган машинист, шофер, трамвай вагони ҳайдовчиси каби ишчиларнинг касбида диққатни бўлиш қобилияти жуда зарур бир шартдир. Учучи, дирижёр ва ўқитучининг иши, диққатни бўлишни жуда кўп талаб қиладиган ишдир.

Лектор, докладчи ва нотиқнинг диққати одатда айтаётган фикрлари устида жам' бўлиши керак. Агар гапираётган киши гапини ёзиб олган бўлмаса, диққатини айтадиган фикрлари устида жам' қилмаса гапираолмайди. Аммо яхши лектор ўқиётган лекциясидан бошқа нарсаларга ҳам бирмунча диққат қилиши керак бўлади. Чунончи, у, тингловчиларнинг қандай тинглаётганликларини билиб туриши, уларнинг лекцияни тушунган-тушунмаганларини, зериккан-зерикмаганларини билиб туриши керак. Фақат ўз нутқининг мазмуни устида ўйлаб, тингловчиларнинг кайфиятидан бохабар бўлмаган лектор ҳечмаҳал тингловчиларни қизиқтираолмайди. Лектор гоҳ-гоҳда соатига қараб қўймоғи ва қанча вақти қолганлигини ва бу вақт ичида гапини тамом қилаолиш-олмаслигини фикрида ўйлаши керак. Бундай қилмаса тайинланган вақт ичида гапини тамом қилаолмайди. Лектор тажрибали бўлса, бу нарсалар ҳамиша унинг онгининг марказига яқин жойда туради. Буларни назаридан сра қочирмайди, лекин гапираётган сўзидан бир лаҳза бўлса ҳам адашмайди ва чалғимайди.

Шахмат ўйинида кишининг ўз диққатини бўлишни билмаслиги аксари ютқазишига сабаб бўлади. Шахмат ўйнаганда фақат ўзининг юришларини ўйлаб, бутун диққатини шунга сарф қиладиган ва ўйиннинг бошқа ёқларини назаридан тушириб қолдирадиган одам, албатта, „панд“ еб қолади ва душманининг ҳийласидан бехабар бўлиб ғафлатда қолади. Яхши шахматчи ҳамиша ўз ўйинини ўйлаш блан ҳарқандай банд бўлганда ҳам тахта устида бўлаётган ҳамма ишлардан бохабар бўлмоғи, ҳатто унинг учун аҳамиятсизроқ бўлган бошқа томонларига ҳам бирмунча диққат қилаоладиган бўлмоғи керак.

г) Диққатни кўчириш

Ҳарбир ишнинг боши қийинлигини доимий тажрибамиздан биламиз. Иншо машқи қилганда, ёки мактуб ёзганда энг қийини биринчи сўзни ёзишдир. Нотиқликка ўрганмаган одам нутқ сўзлаганда сўзининг боши ҳамиша қовишмаганроқ бўлиб, кейин равон бўлиб кетади. Бунинг сабабларидан бири шуки, одам бир ишни бошлаганда дарров диққатини бу ишга жам қилиб ололмайди, бутун диққатини бу ишга кўчираолмайди. Кўп кишилар борки, янги бошлаган ишига ҳамма диққатини тўплаб, жам'лаб олиш учун уларга бирмунча фурсат керак бўлади.

Диққатни онгли равишда ва ўйлаб бир нарсадан бошқа нарсага ўтказиш, диққатни кўчириш дейилади.

Ба'зи одамлар жуда осонлик блан бир юмушдан бошқа юмушга ўтаберадилар ва бу бошқа ишни ҳам бояги-боягидек батамом диққат блан қилаберадилар. Булар диққати *чаққон* ва *илдам* одамлардир. Ба'зи одамлар бир ишдан бошқа ишга кўчмоқчи бўлсалар қийналадилар. Булар „ўйлаб олгунларича", „ишга киришгунларича" бирмунча фурсат ўтади. Булар диққати *оғир кўчадиган* одамлардир.

Тўсатдан бўлиб тез ўтиб кетадиган қўзғовчиларга дарров жавоб қайтариш лозим бўлган ҳолларда диққатни тез кўчира билиш қобилияти жуда керак бўлади. Учучи, шофер ва паровоз ҳайдайдиган машинистлар бундай ҳолларга кўп дуч келадилар. Уруш майдонида бўлса бундай ҳоллар яна ҳам кўп бўлади.

Агар биронта қўзғовни идрок қилишга диққатни ҳозирлаш лозим бўлса, андак аввал ишора бериб ҳуш'ёр қилиб қўймоқ керак бўлади. Масалан, команда берганда шундай қилинади, я'ни бажарилиши лозим бўлган командадан аввал „ҳуш'ёр" командаси берилади.

Бериладиган сигнал (ишора) ўз вақтида берилиши шарт. Агар сигнал кечикиб берилса, диққат ҳозирланолмай қолади, я'ни улгуролмайди; агар сигнал эрта берилса бунда диққат кутиб қолади ва чарчайди ва бунинг натижасида „диққат иккиланиши" мумкин. Энг яхшиси шуки, „ҳуш'ёр "сигналини икки секунд аввал бериш керак.

42. ПАРИШОНЛИК

„Паришонлик" деган сўз икки ма'нода ишлатилади. Ҳарқайсисининг сабаби бошқа-бошқа бўлган икки хил диққатсизлик бўлиб, иккови ҳам шу ном блан аталади.

Паришонликнинг биринчи хили, ихтиёрий диққатнинг бўшлигидир; бунинг оқибати шуки, кишининг диққатида ҳеч қарор бўлмайди ва чалғийберади. Бундай одам ҳечнарсага узоқ диққат қилолмайди, унинг диққати доим ундан бунга ўтиб юради. Бу хусусият ёш болаларда кўп бўлади. Катталар ҳам ба'зида, масалан, қаттиқ чарчаганда, бундай паришонлик ҳолига тушишлари мумкин. Агар бундай паришонлик кишининг

доимий бир хусусияти бўлса, бу ҳол диққатнинг бетартиблигини ва тарбияланмаганлигини кўрсатади.

Гогольнинг „Ревизор“ идаги Хлестаков шу йўсиндаги паришонликнинг яққол бир тимсолидир. Бундай паришонлик Хлестаковнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Гоголь унинг ҳақида „бир фикр устида узоқ диққат қилолмайди“ дейди. Хлестоковнинг ўзи ҳам содда фаҳмлик қилиб „фикрда жуда енгилман“ дейди. Унинг диққати кўзига кўринган, ёки тўсатдан эсига келиб қолган ҳарнарсага тўхтайберади ва дарвоқи' ҳаддан ташқари енгиллик блан у нарсадан-бу нарсага кўчаберади.

Иккинчи ма'нидаги паришонлик тамомила бошқадир. Паришонликнинг бу хили шундай бўладики, кишининг диққати бир нарсага ниҳоятда қаттиқ банд бўлиб, бошқа нарсаларни сра пайқайолмайди, ўз фикрларига шундай шўнғиб кетадики, гоҳда анчайин жўн нарсаларнинг фарқига етолмай қолади. Бу хилда паришон бўлган одамнинг диққатини заиф деб бўлмайди, аксинча бунда кишининг диққати жуда жам' ва йиғилган бўлади. Лекин шундай бўлса ҳам бунда диққатнинг бир нуқсони йўқ эмас, бор: бу нуқсон, диққатни бўлишни билмаслик ва диққатни кўчириш қобилиятининг камлигидан иборатдир. Бундай кишиларнинг диққати кучли бўлади-ку ва лекин ҳаракатга суст ва тор бўлади.

Гогольнинг „Шинель“ деган асаридаги Акакий Акакиевич бу иккинчи хил паришонликнинг мужассам тимсолидир. Унинг бутун фикри-зикри ва ҳаваси ёлғиз бир нарса устидадир. У ҳам бўлса хатларни хушхат қилиб кўчириш; унинг диққати доим шу иш устидадир. Гоголь бундай дейди: „ҳар куни кўча-кўйда бўлиб турган воқиаларга умрида бир марта ҳам диққат қилган эмас... Агар бирор нарсага диққат қилиб қарагундай бўлса, у нарсада бир текисда, тоза ёзилган хатидан бошқа нарса унга кўринмас ва аллақаёқдан келиб қолган отнинг тумшуғи елкасига тушиб, бетига бурнининг ҳовури тегмагунча хат ўртасида эмас, кўча ўртасида турганини пайқамас эди“.

43. ДИҚҚАТ ТАРБИЯСИ

Психик ҳаётимизнинг ҳар лаҳзасида диққат зоҳир бўлиб турадди.Шунинг учун ҳарбир ишда диққатнинг доим яхши ишлаши мутлақо шартдир, диққат бўлмаса ҳечбир ишни бажариб бўлмайди.

Диққатнинг яхши бўлмоғи учун биринчи шарт кишида кифоя қиларлик даражада бирмунча доимий *қизиқишнинг* майдонда бўлишидир. Ҳарбир қандай диққат қизиқишга боғлилигини биламиз: ихтиёрсиз диққат ҳарбир ишнинг бевосита ўзига қизиқишга, ихтиёрий диққат эса, бу ишнинг ўзига эмас, натижасига қизиқишга боғлиқдир. Ҳечнарсага астойдил қизиқмаган одам, Хлестаковнинг диққатидан ортиқроқ диққатга эга бўлиши эҳтимолдан жуда узоқдир.

Диққатнинг тарбияси учун лозим бўлган иккинчи шарт шуки, одам истаган вақтида истаган нарсасига ўз ихтиёри блан диққат қилишга, ўзини *мажбур этаолишга* ўрганиши керак; одам ўзида шундай одат пайдо қилиши лозим; диққатни ўзига итоат

қиладиган бир қуролга айлантириши керак. Одам диққатга бўйин эгмасдан, диққат одамга бўйин эгсин.

Диққат тарбиясининг учинчи яна бир воситаси *ноқулай, қийин шароитда ишлашга ўзини ўргатишдир*. Одам диққатини чалғитадиган қўзғовларга қарши туриб ўрганганда, ўз диққатини чиниқтиради, кучайтиради ва пишитади.

Диққат тарбиясининг тўртинчи шарти, ҳечбир ишни *диққат қилмасдан бажармасликдир*. Диққат қўймасдан қилинган ҳарбир иш одамни диққатсизликка одатлантириб қўяди, буни асло эсдан чиқазмаслик керак.

Охирги шарт шуки, одам *ўз диққатининг хусусиятларини*, кучли ва кучсиз томонларини *обдон яхши билиши* керак. Киши диққатининг нуқсонларини йўқотаман деса, диққат тарбияси устида кўп ишламоғи керак. Аммо бу нуқсонларнинг нимадан иборатлигини билмай туриб уларни йўқотишга киришиб бўлмайди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Диққат деб нимани айтамиз?
2. Нервларда бўладиган процесслар индукция қонуни нимадир ва диққат блан бу индукция қонуни ўртасида қандай алоқа бор?
3. Қайси ҳолларда бирор нарса одамни „қизиқтирадиган" бўлади?
4. Ихтиёрий диққат блан ихтиёрсиз диққат меҳнатда қандай роль ўйнайди?
5. Диққатнинг чалғишига қарши қандай курашмоқ керак?
6. Қандай шароитда диққат узоқ муддатгача бир нарса устида барқарор сақланиши мумкин?
7. „Диққат ҳажми" тушунчаси блан „диққатнинг бўлиниши" тушунчаси ўртасида қандай фарқ бор?
8. Диққат ҳажмининг кенглиги қандай?
9. Қандай ҳолларда диққатнинг бўлиниши мумкин бўлади?
10. Диққатнинг кўчиши блан қарорсиз диққатнинг тараддуди ўртасида нима фарқ бор?
11. Диққатни тарбиялашдаги энг муҳим чораларни айтинг.

Масалалар

1. Бевосита қизиқиш блан бавосита қизиқиш ўртасидаги айирмани мисоллар блан кўрсатинг.
2. Браковщчик, корректор ва телефонисткаларнинг ишларида диққатнинг жуда барқарорлиги талаб қилинишининг сабабини айтинг.
3. Турмушда қайси вақтларда ҳажми катта диққат талаб қилинишини мисоллар воситаси блан кўрсатинг.
4. Диққатни бўлиш қобилиятининг муҳимлигини турмушдан олинган мисоллар воситаси блан кўрсатинг.
5. Диққатдан илдамлик талаб қиладиган ишлардан мисол кўрсатинг.

VII боб

ХОТИРА ЁКИ ЭС

44. ХОТИРА ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ МА'ЛУМОТ

Идрок масаласини баён қилганда ўтмишда ҳосил қилинган тажрибанинг ролини қайта-қайта гапириб ўтган эдик. Тажрибанинг бундаги роли, биринчидан, бир нарсани танишда ифода қилинади. Ҳарбир ма'нилик идрокда таниш борлигини биламиз. Бир нарсани идрок қилганимизда сезгиларимизга ҳамавақт тасаввур ҳам қўшилишади; шунинг учун ўтмишдаги тажрибанинг роли, иккинчидан, идрок қилганда идрогимизга қўшилишган тасаввурларни миямизга келтиришда ифодаланади.

Ўтмишдаги тажрибанинг таниш ва эслашда кўринадиган ана шу ин'икосини хотира деймиз.

Бир нарсани таниш, одатда идрок блан алоқадор бўлган хотиранинг бир кўринишидир. Эслашга келсак, бу процесс идрок қилмаганда ҳам бўлаверади. Мен кўзимни юмиб туриб, яшаган уйим ва кўчамни ёки биронта ошнамнинг афтини эслайман. Биронта байтни ёд ўқийоламан. Пианино чалучи одам ёдакасига биронта машқни чалаолади. Мен шу китобнинг ўтган бобларининг мазмунини айтиб бераоламан. Буларнинг барчаси эслашнинг бир хилидир.

Таниш ва эслашнинг зарур шарти *эсда қолдириш* ва идрок қилинган, ўйланган, сезган нарсани ёки қилган ишни *эсда сақлашдир.* Кўчада таниш бир одамни кўриб танисам, демак, унинг афти эсимда қолган ва сақланган бўлади. Агар мен бир байтни ёдаки ўқисам, демак, унинг ҳамма сўзи ёдимда қолган бўлади. Дарс китобининг бир бобининг мазмунини айтиб бersам, демак, унинг мазмуни хотирамда қолган бўлади.

Шу тариқа, хотира, ёки эс деб, ўтмишдаги тажрибанинг акс этишини айтамиз; ўтмишдаги тажрибанинг акс этиши, аввал идрок қилинган, туйғуларимиздан кечган нарсаларни, ёки қилган ишларимизни хотирада қолдиришдан, қолдиргач сақлашдан ва кейин уни эсга олиш ёки танишдан иборатдир.

Эсда қолдириш ва сақлаш, эсга олиш ва таниш хотирада бўладиган асосий процесслардир. Бир нарсани эсда сақ-

лаш учун унинг хотирада қолиши шартдир. Эсга олиш ва таниш бўлса бир нарсанинг эсда қолганлигининг натижасидир, ёки унинг ошкор бўлишидир.

45. ТАСАВВУР ВА УНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Хотиранинг асосий кўринишларидан бири тасаввурларни эслашдир. *Биз шу оннинг ўзида идрок қилмаган нарсалар ёки ҳодисаларнинг образини тасаввур деймиз.*

Тасаввур, ҳарбири сезгининг бир нав'ига мувофиқ бўлган бирнеча хилларга бўлинади. Аксари кишиларнинг психик ҳаётида энг биринчи катта роль ўйнайдиган кўз тасаввури блан баравар қулоқ тасаввури (сиз билган куйлардан бирини, скрипканинг товушини, бировнинг овозини, итнинг вовуллашини тасаввур қилиб кўринг), думоғ тасаввури (пичаннинг, керосин, ёки тутуннинг ҳидини тасаввур қилиб кўринг), тери тасаввури (мармар тошига, духобага тегиб кўринг; питирлаб турган бир паррандани қўлингизда ушлаб турганингизни тасаввур қилинг) ва бошқа бунинг каби тасаввурлар ҳам бор.

Тасаввур аввало ҳамиша яққол бўлади, я'ни ҳарбир тасаввур унинг мувофиқи бўлган идрокка ўхшайди. Бир нарсанинг кўзга кўринган жисмини тасаввур қилиш уни дилда „кўриш" демакдир. Бир нарсанинг овозини тасаввур қилиш бу овозни дилда „эшитиш" демакдир. Музикашунослик ишларида музиканинг қандай овоз чиқаришини тасаввур қилиш қобилияти „кўнгил қулоғи" дейилиши бечиз эмасдир.

Тасаввурнинг нарсалар тўғрисидаги билимнинг бошқа шакларидан фарқи шуки, тасаввур ҳамиша яққолдир. Масалан, бир уйнинг икки қаватлигини, ғиштданлигини, олдида темир панжараси борлигини ва бошқа бунинг каби томонларини билсам ҳам уни тасаввур қилаолмаслигим, я'ни унинг суратини кўнгилда „кўраолмаслигим" мумкин. Бировнинг овози ингичка ёки хириллаганлиги ёдимда бўлса ҳам уни тасаввур қилаолмаслигим, я'ни уни кўнглим блан „эшитаолмаслигим" мумкин.

Броқ бундан тасаввур блан идрок ўртасида сра фарқ йўқ, тасаввур идрокнинг, идрок тасаввурнинг айни нусхасидир, деган ма'но чиқмайди. Тасаввур блан идрокни психология томонидан текшириб таҳлил қилганимизда булар ўртасида қуйидаги муҳим фарқлар борлиги ма'лум бўлади.

1. Тасаввурлар одатда идрокдан анча рангсиз, хирароқ бўлади.

Яхши таниган одамингизнинг башарасини тасаввур қилиб кўрсангиз, унинг кўнглингизда пайдо бўлган сурати, идрок қилгандаги суратидан, я'ни уни ҳақиқатан кўргандагидан жуда заиф, хира бўлади, ҳақиқатан кўргандаги сурати кўнгилда тасаввур қилинган образидан аллақанча аниқ ва равшан эканига ўзингиз ҳам иқрор бўласиз.

Одамлар тасаввурларининг аниқ ва равшанлиги жиҳатидан бир-бирларидан жуда катта фарқ қиладилар. Ба'зиларнинг кўз тасаввурлари равшан бўлмайди, ба'зиларники эса, аксинча, ниҳоятда равшан бўлади. Товушни „кўнгил қулоғи" блан эшитиш деган гапнинг ма'носини сра тушунаолмайдиган, я'ни қулоқ тасаввури заиф бўлган одамлар ҳам бўлади, лекин бу блан бирга ниҳоятда қийин музика асарини бир марта эшитгач, кейин қулоқ тасаввури ёрдами блан чалаберадиган машшоқлар ҳам бўлади. Одатда қулоқнинг музика оҳангларини яхши ажратиши дейилган қобилиятнинг кўпи қулоқ тасаввурининг равшанлигидан иборатдир.

Аммо тасаввур ҳарқанча равшан бўлса ҳам, идрокнинг ўрнини босиш уён турсин, ҳатто бараварлашаолмайди, фақат унга яқинлашади, холос.

2. Тасаввур об'ектнинг барча сифат ва аломатларини ҳечмаҳал баравар даражада равшан кўрсатаолмайди. Одатда тасаввур нарсаларнинг фақат ба'зи томонларини, ба'зи сифатларинигина акс этдиради. Тасаввурнинг бу хусусияти унинг **фрагментлиги** дейилади (фрагмент — парча, бўлак демакдир). Биз яхши танишимиз бўлган бир одамнинг башарасини тасаввур қилганимизда, унинг башарасининг унча равшан бўлмаган бошқа томонлари ичида бирмунча аниқроқ бўлиб бўртиб турган томонларинигина яхши тасаввур қиламиз.

Л. Н. Толстойнинг „Болалик" деган ҳикоясининг қаҳрамони ёшлик чоғида ўлиб кетган онаси қиёфасининг эсида қолган томонларини қуйидагича тасвир қилади:

„Волидамни ёдлаганимда... ҳамиша меҳр ва шафқат блан қараб турган кўзлари, бўйнидаги холи, оқ ёқаси, мени силаб-сийпаган, мен кўп ўпкан мулойим, нозик қўллари кўз олдимга келади, лекин унинг бутун қиёфасини тасаввур қилаолмайман".

Бирон ҳунар ва касб блан алоқадор бўлган тасаввурларда нарсаларнинг бу ҳунар ва касб учун энг муҳим бўлган томонларигина кўринади. Масалан, рассомлар рангларни аниқ ва равшан тасаввур қилсалар, архитекторларнинг кўз тасаввурлари аксари ранг ва бўёқларни аниқ кўрмайди, лекин бунинг бадалига, уларнинг кўз тасаввури, нарсаларнинг шаклини аниқ ва равшан акс этдиради. Тилшуноснинг қулоқ тасаввурида сўзларнинг товуши аниқ бўлса, актернинг қулоқ тасаввурида товушнинг оҳанги блан паст-баландлиги биринчи ўринда туради, музикачининг қулоқ тасаввури бўлса кўпроқ куй ва мақомни яхши акс этдиради.

3. Тасаввур жуда беқарор ва бетўхтов бўлади. Кўзингизга яхши таниш бўлган бир нарсанинг суратини тасаввур қилиб, диққатингизни унинг устида кўпроқ тўхтатишга ҳаракат қилиб кўринг. Бу тасаввурни сақлашга ҳарқанча ҳаракат қилсангиз ҳам бир лаҳзада йўқолиб кетади, кейин уни яна қайтармоқ бўлсангиз бирмунча уринишга мажбур бўласиз. Бундан ташқари тасаввур доим жараёнда бўлиб, тез ўзгараберади, я'ни тасаввур қилинган нарсаларнинг ҳали у, ҳали бу томони илгарига чиқаберади.

Тасаввурнинг ма'лум хиллари жуда яхши ўсган кишиларнинг тасаввурлари, чунончи, музикантларнинг қулоқ тасаввур-

лари, рассомларнинг кўз тасаввурлари ва ҳоказо тасаввурлар бирмунча доимий ва қарорли бўлади. Бу ҳол хаёлнинг ижодий иши учун керак бўлган муҳим шартдир.

46. АССОЦИАЦИЯ ВА МА'НО БОҒЛАНИШИ

Бирон тасаввурни, фикр ва сўзни, ҳис ва ҳаракатни эсимизда сақлаганимизда ҳамиша бир муносабат блан, уларни бирбирига боғлаган ҳолда сақлаймиз. Бундай муносабат белгиланмагунча бир нарсани на эсда сақлаб бўлади, на таниб ва на эслаб бўлади.

Дарвоқи', бironта ше'рни ёд олиб эсда қолдириш нима демакдир? Ше'рни ёдламоқ бирнеча сўзларни ма'лум бир тартиб ва муносабатда эсда қолдирмоқдир. Биров Лермонтовнинг „Шоирнинг ўлимига" деган ше'рини ёд олганда „погиб", „поэт" „невольник" ва ҳоказо сўзларнинг ҳарқайсисини ўз йўлига, алоҳида-алоҳида ёд олмайди, чунки бу сўзларни ёд олмайиноқ билади. Ёд олучи одам бу сўзларни ма'лум бир тартибда бир-бирига боғлаб, сирага чизиб ёд олишга ҳаракат қилади; уларни бир-бирига боғлаганда „погиб поэт" сўзи, бу сўзлардан кейин келадиган „невольник чести" сўзини эсга келтирадиган равишда боғлаб ёд олади.

Бирон ажнабий сўзни, масалан, французча „la table" сўзини эсда қолдириш нимадир? Бу сўз ниманинг номи бўлса, шу нарса блан унинг ўртасида, ёки русча „стол" сўзи ўртасида маҳкам бир муносабат пайдо қилмоқдир. Агар мен „la table" сўзини билсам, бу сўзни эшитганимда, ёки ўқиганимда дарров „стол" эсимга келади. Аксинча, столни кўрганимда ёки русча „стол" сўзини ўқиганимда французча „la table" сўзи онгимда туғилади.

Биров „фалончининг башараси жуда яхши эсимда қолди, қачон кўрсам дарров танийман" деса, бу нима деганидир? Бунинг ма'носи, мазкур одамнинг башараси блан унинг номи ўртасида (ёки унинг сифатига оид бўлган бошқа бironта аломати ўртасида) маҳкам алоқа боғланиб, бу одамни кўрганда унинг номи эсга келади демакдир.

Шу тариқа, *хотира фаолиятининг асоси ҳамиша ҳархил муносабат ва алоқалардир.* Бир нарсани эсда қолдириш унинг муносабатини билишдир. Бир нарсани эсда қолдириш уни бошқа нарсалар блан боғлашдир.

Бу муносабат ёки боғланиш икки хил бўлади: *ташқи муносабатлар, ёки ассоциациялар, ички муносабатлар, ёки ма'но боғланиши.*

Агар бирнеча нарса айни замонда, ёки бири кетидан бири идрок қилинса, тасаввур қилинса ёки ўйланилса, булар ўртасида муносабат пайдо бўлади, кейин бу нарсалардан бири идрок ёки тасаввур қилинса бошқалари ҳам эсга келади. Мана бу қонун *ассоциация қонуни* дейилади.

Бир неча нарсалар ўртасида ассоциация пайдо бўлганда бунинг сабаби у нарсаларнинг мазмунидаги, уларнинг ма'носидаги боғланиш эмас, балки бу нарсаларнинг киши онгида айни замонда, ёки бири кетидан бири мавжуд бўлганлигидир. Ассоциация ма'но боғланиши эмас, балки „ёнма-ёнлик" боғланишидир. Шу сабабдан ассоциацияни ташқи боғланиш деса бўлади.

Григорьев деган бир ошнам телефонининг номерини айтди: 3—72—15. Рақамларнинг бу тартибида ҳечбир ма'но йўқлиги ва ошнам блан бу номер ўртасида ҳечқандай ма'но боғланиши йўқлиги ма'лум. Бу номер блан ошнам ўртасида ассоциация пайдо бўлмоғи учун „Григорьевнинг телефони 3—72—15" деб бирнеча марта кўнглимда такрорлашим керак бўлади.

Ички боғланишни, ёки ма'но боғланишини ассоциациядан фарқ қилмоқ керак. Ички боғланиш турли нарсаларнинг мазмуни ўртасида боғланиш борлигини онглашимиз заминида вужудга келган боғланишдир. Агар мен бир воқианинг бошқа бир воқиага сабаб бўлганини онгласам, бу ҳолда мен бу икки воқианинг ма'носини бир-бирига боғлаб эслайман. Агар мен бир касалнинг иккита аломати борлигини билсам (масалан, кишининг томоғи оғриб, баданига хол тепса, бу скарлатина касалининг аломати), бу касал блан унинг бу икки аломати ўртасида ма'но боғланиши пайдо бўлади.

Ма'но боғланиши бизнинг хотирамизнинг энг муҳим суянчиғидир. Ма'но боғланиши эсимизга маҳкам ўрнашиб қолади. Хотиранинг энг муҳим қонунларидан бири шудир.

47. ХОТИРАНИНГ ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ

Ассоциацияларнинг физиологик асоси И. П. Павлов томонидан топилган шартли рефлексларнинг пайдо бўлишидир. Шартли рефлекслар пайдо бўлганда, катта мия ярим шарларининг пўстидаги нервлар ўртасида *янги боғланиш* пайдо бўлади. Ассоциациянинг замини нервлар ўртасида пайдо бўлган ана шу янги боғланишдир.

Икки психик процесс айни замонда бирданига ёки кетма-кетига воқи' бўлса, шу ҳолда ассоциация пайдо бўлишини биламиз. Шартли рефлексларнинг пайдо бўлишининг асосий қоидаси ҳам шундайдир. Итда биронта қўзғовчига нисбатан шартли рефлекс пайдо қилдирмоқ учун, чунончи, қўнғироқ чалганда оғзининг суви келишдан иборат бўлган рефлекс пайдо қилмоқ учун, ҳар гал қўнғироқ чалганда итга овқат бермоқ ва буни бирнеча марта такрор қилмоқ керак бўлади. Бошқача айтганда, қўнғироқ чалиш блан овқат бериш бирнеча марта айни замонда, ёки кетма-кетига қилинмоғи керак, я'ни қўнғироқ чалингач овқат берилмоғи керак. Шу тариқа бир *маҳалда воқи' бўлиш* ассоциацияларнинг пайдо бўлиши учун ҳам, шартли рефлексларнинг пайдо бўлиши учун ҳам энг биринчи шартдир.

Шартли рефлексларнинг пайдо бўлиши учун ҳам, ассоциацияларнинг пайдо бўлиши учун ҳам керак бўлган муҳим шарт-

ларнинг иккинчиси *такрорлашдир*. Қўнғироқ чалганда шартли рефлекс туғилиши учун қўнғироқ чалгач овқат беришни *кифоя қиларлик даражада* такрорламоқ керак, қўнғироқ чалган маҳал блан овқат маҳали қанча кўп марта бир-бирига тўғри келса, шартли рефлекс шунча маҳкамланади. Ассоциацияларнинг вужудга келишида ҳам шу ҳолни кўрамиз. Масалан телефон номерининг эсда қолиши учун уни бирнеча марта такрорлаш шарт. Бир ажнабий сўзнинг ма'носи эсда маҳкам ўрнашиб қолиши учун, уни мумкин қадар кўпроқ такрорлаш, уни кўпроқ ўқиш, кўпроқ эшитиш ва кўпроқ гапириш керак бўлади.

Шартли рефлекс блан ассоциацияга замин бўлган нерв боғланишлари, катта мия ярим шарларининг пўстида бўлган икки процесс бир маҳалда воқ'и бўлганда вужудга келади ва бу боғланиш такрорланиш натижасида маҳкамлашади.

И. П. Павлов ва унинг шогирдлари томонидан қилинган текширишлар соясида, нервлар ўртасида бу хил янги боғланишларнинг қандай пайдо бўлиши тўғрисидаги асосий қонунлар аниқланди. Шундай қилиб ассоциацияларнинг физиологик асослари ҳозир обдон яхши ва батафсил текширилгандир.

Ма'но боғланишига келсак, бунга замин бўладиган нарса, шартли рефлекслар пайдо бўлганда нервларда бўладиган процессларга қараганда анча мураккаб бўлган бошқа процесслардир. Бу процессларни текшириш, келажакда қилинадиган текширишларга оид вазифадир.

48. ТУШУНМАСДАН ВА ТУШУНИБ ЭСДА ҚОЛДИРИШ

Агар бир нарсани ёдлаш ва эслаш кўпроқ *ассоциацияларга* асосланган бўлса, бундай эсни механик, я'ни тушунмасдан ёдлаш дейдилар; агарчи кўпроқ *ма'нодаги боғланишга* асосланган бўлса, бундай эсни *тушуниб ёдлаш* дейдилар.

Машқ йўли блан ёдлашнинг асосий шарти *такрордир*. Қанча кўп такрор қилинса, ассоциация шунча маҳкам бўлади. *Ма'носини тушуниб ёдлашнинг асосий шарти тушунишдир*, ўқиган нарсамни қанча яхши тушунсам, демак, ундаги ма'но боғланишини шунча яхши онглаган бўламан.

Механик ёдлаш ҳам, тушуниб ёдлаш ҳам кишининг психик ҳаётида ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Тасодифан дуч келинган ва беихтиёр эсда қолган воқиаларни сўзлаганда, тушуниб ёдлаш биринчи ўринни ишғол қилиб, механик ёдлаш ҳеч роль ўйнамайди, десак бўлади. Телефон номерини, уйнинг номери ва бошқа бунинг каби нарсаларни ёдга олганда асосий рольни механик ёд ўйнайди, тушуниб ёдлаш эса бунда орқага чекинади. Лекин хотирамиз олдида бир қадар қийин ва мас'улиятли вазифалар турганда аксари хотирамиз тушуниб ёдлашга ҳам, ассоциацияга ҳам суяниши керак. Ўқишда бу ҳол айниқса яққол кўринади.

Мисол учун бир ше'рни ёдлашни олайлик. Бунда фақат ма'но боғланишига асосланиб бўлмаслиги аниқ. Фақат тушуниш хотираси ше'рнинг мазмунини, унинг асосий ма'носини ва образларини эсга олишга имкон берса ҳам, уни ёд билиш имконини та'мин этмайди. Ёд олиш, ше'рдаги сўзлар ўртасида маҳкам ассоциация пайдо бўлишини талаб қилади, ше'рнинг ҳарбир сўзи ундан кейин келадиган бошқа сўзларни дарров эсга соладиган бўлмоғини ва бу иш ҳечбир ўйланилмасдан, мулоҳаза ва андиша қилиб ўтирмасдан „ўз-ўзидан" бўладиган бўлишини талаб қилади.

Аммо ше'рни ёлғиз механик равишда ёдлашга уриниш ҳам нома'қулдир. Қилинган махсус тажрибалар ўртасида ма'но боғланиши бўлмаган пойма-пой сўзлардан кўра ше'р анча тез ёд бўлишини ва ёдда маҳкам ўрнашиб қолишини кўрсатди; чунончи 80 сўздан иборат бўлган бир ше'рни ёдлаш учун уни 8 марта такрорлаш керак бўлса, бема'ни сўзлардан 80 тасини ёдлаш учун тахминан 80 марта такрорлаш, я'ни 10 марта ортиқ такрорлаш керак бўлади. Бундай фарқнинг сабаби нима? Бунинг сабаби шуки, бема'ни сўзларни ёд олганда ёлғиз механик равишда ёд олинади, ҳолбуки ше'рни ёд олганда тушуниб ёд олиш ҳам катта роль ўйнайди. Тушуниб ёд олиш қанча кўп иштирок қилса, ше'р шунча тез ёд бўлади ва эсда маҳкам сақланиб қолади.

Исм ва рақамларни ёдлаш аввало механик хотира ишидир. Аммо бунда ҳам мумкин бўлган ҳолларда ҳамиша ма'но боғланишини ҳам ишга солмоқ керак.

Саналарни ёдлашни бу нуқтаи назардан қараб текширайлик. Санани эсда сақлаб қолиш кўп кишиларга хийла қийин бўлади. Бунинг энг катта сабаби саналарни ёдда сақламоқ учун тушуниш хотирасидан тузук фойдаланабилмасликдир. Саналарни ёд олишни осонлаштириш учун *ҳархил саналарни бир-бирига турличасига ҳархил қилиб боғлаш керак* ва бунда катта тарихий воқиаларнинг санасини ҳамда бут сонларни бошланғич қилиб олмоқ керак, чунончи, асрларнинг бошини, ўртасини.

Тарихий воқиаларнинг санасини бир-бирига боғлашдан бирнеча мисол кўрсатамиз: Пушкин 1799 йилда туғилди, я'ни ўн тўққизинчи аср бошланмасдан бир йил аввал туғилди. Шунинг учун унинг ёши ҳамиша ҳар сананинг охирги икки рақамидан бир йил катта бўлади, масалан, 1812 йилда Пушкин 13 ёшда эди. „Борис Годунов" деган асарини 1825 йилда, я'ни 26 ёшида ёзди ва ҳоказо. Гоголь Пушкиндан 10 ёш кичик эди, бинобарин, у 1809 йилда туғилди. Лермонтов Гогольдан беш ёш кичик эди, демак, у 1814 йилда туғилган бўлади. Сўнгра Гоголь 1812 йилдаги ватан урушидан уч йил аввал, Лермонтов икки йил кейин туғилган бўлади.

Ба'зида ёд олиниши лозим бўлган саналарни сун'ий равишда ма'нога боғлаш ҳам фойдалик бўлади: Лермонтов 1814 йилда туғилди, 1841 йилда ўлди. Ҳар икки сананинг охирги икки рақами бир хил-ку, фақат тескари тушган; Тургенев 1818 йилда туғилди — икки марта ўн саккиз.

Саналарни ёд олишда қўлланиладиган бу усул *мнемоник*, я'ни сун'ий усул дейилади. Бу усулни қўлланишдан мақсад ёд олинадиган рақамларнинг мазмунида ма'но бўлмаган ҳолларда шу йўллар блан уларни ма'ноли қилишдир.

Ҳалигача айтилган сўзлар ёлғиз механик хотира ёрдами блан бир нарсани ёдлаб олиш қийинлигини ва шунинг учун ма'нога боғлаб, тушуниб хотирлашдан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш кераклигини кўрсатади.

Аммо бунинг аксини ҳам унутмаслик керак: ҳарқандай материални пухта ёдлаб олмоқ учун ма'нога боғлаб ёдлашнинг ёлғиз ўзи кифоя қилмайди. Дуруст, ма'ноли бир хатни қисқа бир муддатгача эсда сақламоқ учун уни яхши тушуниб олмоқнинг ўзи, я'ни ундаги сўзлар ма'носи ўртасидаги боғланишни яхши онглашнинг ўзи ба'зида кифоя қилади. Броқ бу хатнинг мазмунини эсда жуда маҳкам қолдирмоқ учун *унинг мазмунини тушунмоқнинг ёлғиз ўзи кифоя қилмайди,* такрор ҳам керак. Бошқача айтганда, механик хотиранинг ёрдами ҳам лозим.

49. ЭСДА САҚЛАШ

Эсда қолдиришнинг *ихтиёрийси* ва *ихтиёрсизи* бор.

Бир нарсани беихтиёр эслаб қолганимизда, биз атайин эсламаймиз ва бунинг учун ҳеч куч сарф қилмаймиз. Бизнинг ният ва хоҳишимиздан ташқари „ўз-ўзидан“ эсимизда қолади. Аксари бизни жуда қизиқтирган, ёки ҳиссиётимизни жуда қўзғотиб юборган нарсалар бу равишда эсимизда сақланиб қолади. Бизга ниҳоятда қаттиқ та'сир қилган воқиалар бўлса, „буни сра унутмайман“ деймиз.

Ҳарбир кишининг турмушида бўладиган кучли хотиларининг кўпи ихтиёрсиз эсда сақланган нарсалардир. Бу хил хотиралар унутилмасдан абадий қолади; болалик чоғида ихтиёрсиз равишда эсда ўрнашиб қолган хотираларнинг ба'зилари умрбод эсдан чиқмайди.

Лекин бу хил хотиралар ҳарқанча кучли ва маҳкам бўлса ҳам аҳ'ён-аҳ'ёнда бўладиган тасодифий нарсадир. Бу хил хотиралар бирон соҳага оид бўлган мунтазам бир билим бўлаолмайди. Ҳарбир касб ва ҳунар, одамдан ўз-ўзича кишининг эсида маҳкам ўрнашиб қолмайдиган бирталай нарсаларни эсда тутишни талаб қилади. Атайин, *онгли ва ихтиёрий равишда ёдга* олиш албатта керак. Ихтиёрий равишда эсда қолдириш махсус равишда, атайин қилинган иш бўлса, бир нарсани яхши ва пухта билиб ва уқиб олмоқ учун ма'лум усуллар блан қилинган иш бўлса, буни ўрганиб олиш деймиз.

Энди биз бир нарсани яхши ёд олиш учун лозим бўлган шарт ва шароитлар блан, я'ни бир нарсани маҳкам ва пухта эсда қолдириш учун ишлатиладиган усуллар блан танишмоғимиз керак.

Яхши ёд олишнинг биринчи шарти, *ёдда қолдиришга қасд қилишдир:* киши ёдда қолдиришни ўз олдига вазифа қилиб қўймоғи ва ҳамма ишини шу мақсадга бўйсунтирмоғи керак. Агар одам бир хатни қаттиқ эсида қолдиришга қасд қилиб

ўқимаса, қайта-қайта ўқигани блан эсида қолмаслиги мумкин. Лекин ўқиган нарсасини „эсда қолдириши“ кераклигини тушунса, бунда ўқиган хатини бирмунча тез ўрганиб олади; бу ҳол бирқанча турли-туман тажрибалар блан исбот қилинди.

Бир нарсанинг эсдан тез чиқиш-чиқмаслиги ҳам кишининг бу нарсани эсда узоқ сақлашгами, ёки қисқа муддатгача сақлашгами қасд қилганлигига боғлиқдир. Бу ҳам тажрибалар блан исбот этилган. Буни текшириш учун ўқучиларга қийинлик жиҳатидан бир хилда бўлган икки парчани ўқиб ёд олиш топширилди ва биринчи парча эртага сўралади, иккинчиси бир ҳафтадан кейин сўралади дейилди. Лекин ҳақиқатда ўқучиларнинг бу икки парчани ёд олган-олмаганликлари икки ҳафтадан кейин текширилди. Ўқучилар иккинчи парчани анча яхши ёдлаптилар, чунки бу иккинчи парчани узоқроқ муддат эсда сақлаш лозимлигини билганликлари, бу парчанинг маҳкамроқ эсда қолишига сабаб бўлган.

Кишининг „эртагача“ эсимда сақлайман, деб қасд қилган нарсасидан кўра, „доим“ сақлайман, деб қасд қилган нарсаси эсида узоқ сақланиб қолади.

Бир нарсасини яхши эслаб қолишнинг муҳим шартларидан яна бири *астайдил* ёдлашдир, лекин *диққатга зўр берилмаса* бунга астайдил киришиб бўлмайди. Бир нарсани ўқиб ёд олганда диққатсиз ўн марта такрор қилгандан, астайдил диққат блан икки марта такрор қилган яхшироқдир. Шунинг учун киши қаттиқ чарчаб, диққати паришон бўлиб турган вақтда бир нарсани ўқиб ёд олмоқчи бўлса, ҳаракати бекорга кетади.

Ёд олишнинг энг нома'қул ва беҳуда усули, ёд олинадиган хатнинг ма'нисини уқмасдан, ёд бўлиб қолгунча, ҳадеб такрорлайберишдир. Бунинг қарама-қаршиси бўлган ма'қул усул ёд олинадиган хатга астайдил диққат блан фаол киришишдир; бунда яхши ва пухта ёд олишга имкон берадиган бирқанча усуллар ишлатилади.

Бу ишнинг биринчи босқичи ёд олинадиган хатни мумкин қадар яхши тушуниб олмоқ мақсадида уни яхши ўрганмоқ ва бу тариқа тушуниб ёдлашга мумкин қадар кўпроқ замин топмоқдир. Бунинг учун хат устида ба'зи ишларни қилмоқ керак бўлади, чунончи: хатни, ма'носи тугал парчаларга бўлиш ва бўлинган бу парчаларнинг ҳарбиридаги „муҳим нуқталарни“, я'ни ҳар бўлакнинг мазмунини ифода қиладиган алоҳида сўзларни, жумла ва ибораларни топмоқ, ҳар бўлакнинг сарлавҳаси бўлган гапларни топмоқ керак. Сўнгра ҳар бўлак ўртасидаги муносабатни белгилаш ва бўлакларнинг нега ундай эмас, бундай тартибда турганлигини тушуниш керак. Ёд олинадиган хат устида кўнгилда қилинган бу юмушнинг натижасини план ёки конспект шаклида ёзмоқ жуда яхши фойда беради.

Бу план аниқ ва равшан, яққол ва батартиб суратда бўлиши керак ва ёд олинадиган нарсанинг мазмуни даф'атан қара-

гандаёқ ундан ма'лум бўлиб турсин. План бетартиб ва режасиз бўлса, ёд олинадиган нарсани ҳам аралаш-қуралаш қилиб юборади ва бу ҳол хотиранинг ишига жуда зарарлидир.

Ёд олинадиган хат устида қилинган бу юмушларнинг натижаси, кўнгилда ёки қоғозга ёзилган план блан тамом бўлмай, балки бундан ташқари, ёд олинадиган хатнинг *энг муҳим томонларини ажратиш,* даставвал ёд олинадиган жойларини белгилаш ҳам керак. Бошқа томонлари вақтинча туратурмоғи, ва хат мазмунидаги муҳим ва асосий нуқталар пухта ёд бўлгач, кейин қолганларини ёдлашга киришмоқ керак.

Шу тариқа ёд олишнинг биринчи босқичи хатни ўқиш эмас, балки унинг устида бояги юмушларни бажаришдир. Кўп одамлар бошқалардан ўқитиб эшитганларидан кўра, ўзлари ўқиганларида яхши эсларида қолади, бунинг сабаби ҳам шудир, чунки киши ўзи ўқимай бошқа бировнинг ўқиганини эшитиб ёд олганда, бояги юмушларни бажараолмайди ва фақат эшитиб ўқишдан бошқа иш қилмайди.

Ёд олинадиган хат бу равишда ишловдан ўтгач, ишнинг иккинчи босқичига кучилади; ишнинг бу иккинчи босқичи *хатни қараб ўқиш блан бирга орада ёдакасига ҳам ўқишдан иборатдир.* Ёд олаётган хатимиз ше'рми, ёки ҳечбир оғиз сўзини қолдирмасдан тўла ёд олиш шарт бўлмаган бошқа тўғри хатми (масалан, дарслик китобларни ўқиганда), барибир ҳамиша ёд ўқиб кўришни *мумкин қадар эртароқ бошлаган яхши.* Хат батамом ёд бўлганлигига ишонч пайдо бўлгунча ҳадеб хатга қараб ўқийбериш, ёд олишнинг энг унумсиз усулидир.

Бир-икки марта хатга қараб ўқигандан кейин дарров ёдаки ўқишга ҳаракат қилишнинг фойдаси, биринчидан шуки, бундай қилганда одам астайдил киришишга мажбур бўлиб, хотири жам' бўлади ва диққати бир нуқтага тўпланади. Хатни зеҳн қўймасдан ҳадеб ўқийбериш, уқувсиз қуруқ такрорлашга айланиб кетиши мумкин, ҳолбуки пухта билмаган нарсанинг ма'носини уқмасдан ва диққат қилмасдан ёдакасига қайтариш мумкин эмас.

Иккинчи фойдаси шуки, бирмунча тиришиш орқасида эсга келган сўзлар, ёки ўқиган хатнинг мазмунини эсга келтириш учун тиришиб айтилган сўзлар хатга қараб осонгина ўқиб олинган сўзларга қараганда қаттиқроқ эсда қолади.

Ёдакасига ўқишга ҳаракат қилиб, уриниб кўргач, ҳаргал дарров хатга қараб яна ўқимоқ ва ёд ўқиганда қандай хатолар қилинганини, қайси сўзлар тушиб қолганлигини ва қандай сўзлар тўғри ёд бўлганини аниқлаб олмоқ керак. Ўзини синаш ва текшириб кўриш мақсадида бундай қайтариб ўқиш, ёдакасига ўқиб кўришга ҳаракат қилмасдан, ҳадеб такрорлайберишдан иборат бўлган оддий ўқишдан тамомила бошқадир.

Хат яхши ёд бўлгач, я'ни уни ёдакасига тамомила тўғри ва дуруст ўқиш даражасига етилгандан кейин, ишнинг *учинчи босқичи, я'ни ёд ўқишни такрорлаш йўли блан пишитиш бошланади.*

Хотира тўғрисида қилинган текширишлар *бир нарсани такрор қилганда орада озроқ тўхтамасдан кетма-кетига ҳадеб такрорлайбергандан кўра, орада бирмунча вақт ўтказиб такрорлаганда тезроқ ва маҳкамроқ ёд бўлишини кўрсатди.* Чунончи, бир текширишда шу ма'лум бўлдики, агар бир ше'рни ёд олмоқ учун кетма-кетига узлуксиз такрорлаганда 16 марта такрорлаш лозим бўлгани ҳолда, ҳар куни икки мартадан такрорлаганда тамомила ёд олиш учун фақат 8 марта такрорлаш кифоя қилди.

Ёд олишнинг бу қоидасини қуйидагича та'риф қилиш мумкин: бир нарсани такрорлаганда орада вақт ўтказиб такрор қилинса, натижали бўлиб тез ёд бўлади.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, ўқиган нарсани осонлик блан пишиқ билиш нуқтаи-назаридан қараганда, имтиҳонга шошилиб, ошиқиб тайёрланиш ёки дарсни сўнг фурсатгача тақаб, вақт зиқ қолганда такрорлаш нома'қулдир, чунки бунда бўлиб-бўлиб, орадан бирмунча вақт ўтказиб такрорлаш имкони бўлмайди.

50. УНУТЧОҒЛИККА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

Ихтиёрийми, ихтиёрсизми бир карра эсимизга кирган нарсаларнинг ҳаммаси доим эсимизда қолабермайди, кўпи эсимиздан чиқиб кетади, унутилади.

Унутиш анчага чўзилиб секин-секин бўладиган процессдир. Эсдан чиқазишга қарши курашиш учун қуйидаги асосий қоидаларга риоя қилмоқ керак:

1. Бир нарсани унутмасликнинг асосий чораси такрорлашдир. Такрорлаб турилмаган ҳар бир билим секин-секин эсдан чиқиб кетади.

2. Ҳарбир нарса ўқилгандан кейин дарров унутилабошлайди ва аввал бошда бу процесс жуда тез боради. Ўқилган нарсани аввал беш кундан кейин, сўнгра ўн кундан кейин эслаб, буни имтиҳон қилиб кўрсак, бошдаги беш кун ичида унутилгани кўп бўлиб, қолган иккинчи беш кун ичида камроқ унутилганлиги ма'лум бўлади.

3. Ўқилган нарса эсдан чиқиб кетгач такрор қилмай, балки эсдан чиқмай туриб такрорлаш керак. Машҳур рус психологи ва педагоги Ушинскийнинг та'бирича айтганда. „Иморатни бузилгандан кейин тузатмай, бузилмасдан аввал маҳкамлаш керак". Унутишга йўл қўймаслик учун такрорлаш кифоя, лекин унутилганни яна эсда барпо қилиш учун анча меҳнат сарф қилиш керак бўлади.

Иккинчи ва учинчи бандда айтилган сўзларни э'тиборга олсак, бундан қуйидаги хулоса чиқади: ёд олгач кўп вақт ўтказмасдан, тез фурсатда яна такрорламоқ керак, чунки ёдда қолган нарса аввал бошда тез унутилади.

Ўқигандан сўнг кўп ўтмай дарров унутиш бошланади, дедик. Бундан бир нарсани ёд олгач шу *оннинг ўзида дарров*

унутилабошланади, деган ма'но чиқмайди. Қилинган тажрибаларга қараганда *ёдга олган нарсани дарров қайтаргандан кўра, орада бир кун, икки, ҳатто уч кун ўтказиб такрор қилинса, ёдга олинган нарсанинг ҳаммаси яхшироқ эсга киради.* Ўқилган нарса бу муддат ичида унутилмайди, балки қайтага кишининг эсига „маҳкамроқ ўрнашади". Бу ҳол кўпроқ ёд олиш эмас, балки ма'носини яхши уқиб, тушуниб олиш лозим бўлган узун ва катта материалларга оиддир.

Бундан амалий ишда жуда муҳим бўлган қуйидаги хулоса чиқади: имтиҳонда ёки дарсдан жавоб берганда, шундан олдинроқ яқинда, чунончи, шу куни эрталаб ўқилган нарсадан имтиҳон бериш осон бўлади, деб ўйлаш чаккидир. Ўқиб билинган нарса мияда бирмунча „жойлашгач", сўнгра имтиҳон берилса, шунда яхши бўлади.

Ўқиб билинган материални эсда яхши сақлаб қолдириш ўқигандан кейин дарров қандай юмушлар блан шуғулланганимизга жуда қаттиқ боғлиқдир. *Ба'зида бир нарсани ўқигандан кейин қилинган юмуш ўқигандан ҳосил бўлган натижани „артиб" юбориши мумкин.* Агар мен тарих дарсини такрорлаб бўлгач, дарров, айтайлик, адабиёт дарсини тайёрлашга киришсам, адабиёт дарсидан ўқиганларим тарих дарсидан ўқиганларимни эсимдан чиқазиб юбориши мумкин. Ўқилган нарса бир-бирига яқин ва ўхшаш бўлганда бунинг ёмон та'сири яна кўпроқ бўлади.

Бундан қуйидаги амалий хулосалар чиқади:

1) Бир материални такрорлашдан иккинчи бошқа бир материални такрорлашга ўтганда, ҳамавақт 5—10 минутлик қисқа танаффус қилмоқ ва бунда мияни сра ишлатмасдан бутунлай дам олмоқ керак.

2) Такрорлаганда шундай режа блан такрорлаш керакки, кетма-кетига келадиган дарслар бир-бирига мумкин қадар камроқ ўхшасин. Чунончи, бир кечанинг ўзида алгебра, тарих ҳам адабиёт дарсини такрорлаш лозим бўлса, бу ҳолда такрорлаган дарснинг мияда яхши қолиши учун қуйидаги тартибга риоя қилинса яхши бўлади: 1) тарих, 2) адабиёт, 3) алгебра эмас; 1) тарих, 2) алгебра, 3) адабиёт.

3. Айниқса қийин ва мас'улиятли материални уйқуга ётар олдида такрорлаган яхши, чунки уйқи, ўқилган нарсанинг яхши эсда қолиши учун энг яхши шароит туғдиради.

51. ЭСЛАШ.

Эслаш ҳам ёдда қолдириш сингари *ихтиёрий* ва *ихтиёрсиз* бўлади.

Бир нарсани беихтиёр эслаганда турли тасаввурлар, фикр ва сўзлар, биз онгли равишда атайин эслашга ҳаракат қилмасак ҳам, ўз-ўзидан эсга тушиб қолади.

Бир нарсани беихтиёр эслашга *ассоциациялар* сабаб бўлиши мумкин. Унча машҳур бўлмаган бир шаҳарнинг номини

газетада ўқиганда, тўсатдан бир ошнам эсимга келиб қолади. Чунки бу ошнам бир вақтларда шу шаҳарда турган бўлиб, бу шаҳарнинг номи ошнамнинг номи блан яқин алоқадордир.

Биз идрок қилиб турган нарсанинг бошқа бир нарса блан ташқи ёки ички ўхшашлиги бўлса, аксари бу ҳам ихтиёрсиз эслашга сабаб бўлади. Бир нарса бу хил сабаб блан эсга тушса, буни *ўхшашлик муносабатидан* эслаш дейилади. Кўчада тасодифан бир танишимни кўриб қолсам, кўп йиллардан бери сра эсимга келмаган эски бир ўртоғим ёдимга тушади. Бунинг сабаби кўчада тасодифан учрашиб қолган танишим блан эски ўртоғим ўртасидаги ўхшашликни пайқаганимдир. „Хожи-Мурод“ ҳикоясининг бошида *ички ўхшашлик* сабабидан эсга тушишнинг жуда яхши мисоли бор: Толстой „Татарин“ номи блан машҳур бўлган чақир тиконнинг синиғини кўриб, бу тиконак блан Хожи Мурод ўртасида ички бир ўхшашлик борлигини фаҳмлаб (бақувватлик, чидамлилик, қийинчиликларга бардош қилиш), бир вақтларда доғистонлиларга бош бўлган Хожи Муродни эслади. Толстой тасвир қилган бу образ ёзучилик сан'атининг мевасигина эмас. Толстойнинг кундалик хотира дафтарига ёзиб қўйган сўзлари, Хожи Мурод ҳикоясини ёзиш фикри бояги сабаб блан туғилганлигини кўрсатади. 1896 йил 18 июльда далада юрганда, синиб тушган чақир тиконакка кўзи тушганини айтади. Синиб тушган чақир тиконак „Хожи Муродни эсимга туширди. Ёзгим келади. Далада якка қолса ҳам ўз ҳаётини қўриқлайди, нима бўлса ҳам ҳар ҳолда жонини сақлайди“ деган сўзларни хотира дафтарига ёзган.

Кишининг эсидан чиқмай миясида „ҳа деб айланаберадиган“ нарсалар ихтиёрсиз эслашнинг алоҳида бир хилидир. Киши бир хилдаги таассуротларни узоқ идрок қилгандан кейин, ёки гарчи қисқа бўлса ҳам, ниҳоятда қаттиқ та'сир қиладиган таассуротлар олгандан кейин айланиб-айланиб яна эсга тушаберадиган нарсалар ихтиёрсиз эслашнинг ана шу алоҳида бир хилидир. Ўрмонда бирнеча соат гриб териб қайтиб келгач ўринга ётиб кўз юмиш блан дарров ўрмондаги ўт-ўланлар, хазонлар, хазон тагидан мўралаб турган гриблар кишининг кўз ўнгидан ўтаберади, бир марта бўлса ҳам ўрмонга бориб гриб терган одам буни яхши билади.

Энди ихтиёр блан эслаганда бундай бўлмайди. Бунда биз бир нарсани эслашга онгли равишда ният қиламиз ва шунинг натижасида эслаймиз.

Ба'зида бундай, атайин ният қилиб эслаш жуда осон бўлади, алоҳида куч сарф қилишни талаб қилмайди. Жуда яхши ёд бўлган бир ше'рни ёд ўқиш, яқиндагина кўрган бир воқиани сўзлаб бериш, кўп куч сарф қилмасдан ихтиёрий равишда эслашнинг мисолидир. Ба'зида бир нарсани эсга келтирмоқ учун бирмунча тиришиш керак бўлади. Гоҳда бировнинг номи ҳа деганда эсга келабермайди, ёки бирор воқианинг тарих

санаси эсимизга келмай қолади, ё эса ше'рнинг „эсимиздан чиқиб кетган“ бирон йўли тез эсимизга келабермайди, уларни эсимизга келтириш учун озроқ тиришиб *хотирламоқ* лозим бўлади.

Бир нарсани ихтиёрий равишда эсга келтирганда, қийналиб уни бирмунча куч сарф қилиб аранг эслаш, хотирлаш дейилади.

Бир нарсани фақат бир карра эслаб олиш қийин бўлади, бир карра эслаб олинган нарсани эсга тушириш жуда осон иш деб ўйлаш хатодир. Эсга тушириш ҳам осон иш эмас. Кўп кишиларга бир нарсани эсда қолдириш қанча қийин бўлса, кейин уни эслаш ҳам шунча қийин бўлади. Кишининг бир нарсани эсга жойлаши қанча муҳим бўлса, кейин уни эслаши ҳам шунча муҳим. Агар одам билган кўп нарсаларидан вақти келганда керак бўлиб қолган бир қисмини эсига келтираолмаса, кўп билгандан фойда нима.

Биз бир нарсани хотирлаб эсга туширишга ҳаракат қилганимизда кўп йўллардан фойдаланамиз. Бу йўллардан ба'зиларини кўрсатиб ўтайлик.

Бир нарсани хотирлашда атайин *ассоциациялар* туғдириш йўли жуда катта фойда етказади. Эсимиздан чиқиб кетган нарсани эсимизга солармикин, деган ниятда хотирлаш лозим бўлган нарса блан бевосита боглиқ бўлган турли ҳолларни эслаймиз. Калитни қаерга қўйганимизни эслаганимизда, фалон вақтда калит қўлимда турганда нимани қилаётган эдим ва қаерда турган эдим, деб шуни аниқ эсимизга келтиришга ҳаракат қиламиз. Бир ёзучининг номини ва отасининг номини эсимизга келтирмоқчи бўлганимизда, унинг номи ёзилган китобнинг муқовасини, унинг номи зикр қилинган дарсни эслашга ҳаракат қиламиз.

Хотирлашнинг яна бир усули *топишга* суянади. Масалан, бир одамнинг отасининг номи эсимиздан чиқиб қолса, уни эслаш учун унинг номини турли кишиларнинг отасининг номига қўшиб айтаберсак, ҳадеб шундай такрор қилаберсак, иттифоқо булардан биттаси қидирган номимизга тўғри келиб, топиб олармикинмиз деган чамада ҳадеб „Петр Александрович“, „Петр Алексеевич“, „Петр Антонович“, деб такрорлай берамиз.

Хотирлашда *ма'но боғланиши* ҳам катта роль ўйнайди. Бу тўғрида қилинган синашлардан бирида бир мактаб бола Ёлғончи Дмитрийнинг ўлган йилини қуйидаги равишда хотирлади: „1612 йилдан аввал эди, лекин кўп аввал эмас, демак 160... Охиридаги рақами эсимда бор, демак 1602, 1604, 1606, тўғри топдим 1606 эди“. Бунда хотирлаш мулоҳаза қилиб ўйлашдан бошланади. Ба'зида бу хил ўйлаш контроль қилиш, текшириб кўриш вазифасини ўтайди. Ўқучи Францияда бўлиб ўтган буржуа революциясининг қайси йилда бошланганини эсламоқчи бўлиб, иккинчи ўринда 7 рақамими ёки 8 рақами турганини билолмай „1889 бўлса керак“ деб қарор

қилади. Лекин дарров бу қароридан қайтади: „бундай бўлмаса керак, XVIII асрда эди-ку“ дейди.

Хотирлаш ниҳоятда мураккаб ва зўр фаолият ичида бўладиган процессдир. Бир нарсани эсга олмоқчи бўлиб хотирлаш, бир томондан астайдил тиришишни ва иккинчи томондан топқирлик ва уқув талаб қилади, турли йўллардан фойдаланабилишни талаб қилади.

52. ХОТИРАНИНГ ХИЛ ВА ТИПЛАРИ

а) Хотиранинг хиллари

Хотирага олинган ва кейин эсга келтирилган нарсанинг нималигига қараб, хотирани *турли хилларга* бўладилар. Хотиранинг муҳим хиллари шулардир:

1) Ҳаракат хотираси; бу хотира турли ҳаракатларни эсга оладиган ва эсга туширадиган хотирадир. Турли ҳаракатлар (хат ёзиш, ёзув машинкасида ишлаш, музика асбобларини чалиш, аэропланни юргизиш ва ҳоказо ҳаракатлар) машқининг асоси шу хотирадир. Физкультура ва спорт машқларида бу хотира ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир (чунончи, конькида муз отиш, велосипед миниш, сувда сузиш ва ҳоказо ишларда).

2) Образ хотираси; бу хотира одам аввал идрок қилган нарсаларнинг суратини эсга келтиришдан иборатдир. Образ хотирасининг энг муҳим турлари кўриш ва эшитиш хотирасидир. Образ хотираси хаёл блан жуда яқин боғлиқдир. Бу хотира турли касб ва ҳунарда ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Сан'ат ишларида бу хотира биринчи ўринни ишғол қилади. Масалан, музикант учун эшитиш хотираси, рассом учун кўриш хотираси қандай муҳимлигини ҳарким билади.

3) Сўз ва мантиқ хотираси; бу хотира фикрларни эсда қолдириш ва эсга туширишдан иборатдир. Аммо бизнинг фикрларимиз нутқимиз блан қаттиқ боғлангандир. Шунинг учун ҳам бир фикрни эсга тушириш ҳамиша уни бирон сўзда ифода қилиш блан боғлиқдир. Биз ҳамиша сўзда ифода қилинган фикрларни эсда қолдирамиз ва эсга тушурамиз. Шунга кўра хотиранинг бу хили сўз ва мантиқ хотираси дейилади.

Одам хотиранинг бу хилидан доим фойдаланади. Ўқишда унинг роли ниҳоятда катта. Юқорида ўтган параграфларда бир нарсани ёдда қолдириш, сақлаш ва ёдга тушириш процессларини текширганимизда аввало шу сўз ва мантиқ хотирасини назарда тутган эдик.

4) Эмоция хотираси; бу хотира эмоция, я'ни ҳисларни ёдда қолдириш ва ёдга туширишдан иборатдир.

Ўтган умримизда бўлган воқиаларни эслаганимизда, одамларнинг кўз ўнгимизда қолган суратини, ўрин ва ваз'иятни, гаплашган одамларимизнинг сўзларини, бу сўзлар сабаб бўлиб туғилган фикрларимизни эслаш блангина кифояланмаймиз.

Ба'зида бундай хотиралар туғилганда, аввал кечирган ҳисларимиз ҳам эсимизга тушади. Гарчи ўзи биз учун унча аҳамиятли бўлмаса ҳам, лекин ҳаётимизда бўлиб ўтган катта бир хурсандчиликка алоқаси бўлган одам блан учрашганимизда, кечгача жуда хурсанд бўлиб юришимиз мумкин. Бир маҳалда бизни жуда қўрқитган бир воқиа эсимизга тушиб қолгундай бўлса, дарров рангимиз ўчади, ёки бир маҳалда бизни қаттиқ уялтирган бир қилмишимиз ёдимизга келиб қолса, қизариб кетишимиз мумкин.

Ҳечнарсадан қўрқмаган, мард ва ботир, кўп мардликлар қилиб ном чиқазган Хожи Мурод умрида бир мартаба қўрқиб, ўлим таҳликасидан қочиб қутилди. Хожи Мурод ўз турмушидан сўзлаганда бу ерга етгач „Қўрқиб қочдим" деган сўзни айтишдан аввал „бир пас тўхтади, офтобдан қорайган юзи қип-қизарди, кўзларига қон қуюлди".

„Хожи Мурод" асарининг бу ери (XI бобнинг охири) ҳис хотирасининг бир мисоли жиҳатидангина мароқлимас. Асарнинг бу ери, ҳис хотирасининг кишининг руҳий ҳаётида қандай аҳамияти борлигини ҳам жуда яхши кўрсатади. Хожи Муроднинг сўзини тинглаб ўтирган Лорис Меликов бояги сўзларни эшитиб, жуда ҳайрон қолди. „Ҳали шундайми? Сени ҳеч нарсадан сра қўрқмагандирсан, деб ўйлаган эдим", деди. Унинг бу гапига Хожи Мурод бундай жавоб берди: „Кейин сра қўрқмадим. *Шундан бери ҳамавақт бу орни хотирлар ва бу ор эсимга тушганда ҳечнарсадан қўрқмайдиган бўлиб кетардим*".

Ҳис хотираси кишининг руҳини ўстириб юксалтирадиган муҳим шартдир. Олижаноблик блан мардона бир иш қилгандаги хурсандчилигини ва бундан олган завқини ва шунингдек хунук бир иш қилиб қўйгандаги уятини тамомила унутиб юборадиган одамда, кейин ҳам яхши ишлар қилишга ва ёмон қилиқлардан сақланишга унча интилиш бўлмас эди.

Ҳис хотирасининг бундан ташқари яна бир аҳамияти шуки, бу хотира кишининг ҳиссиётини оширади ва уни ранг-баранг қилади, чунки ҳиссиёт манба'и ёлғиз ҳозирги ишларгина бўлмай, ўтмишдаги ишлар ҳам унга бир манба' бўлади.

б) Хотиранинг типлари

Бировнинг хотирасини та'риф қилиш учун яхши ёки ёмон дейиш блан кифояланиб бўлмайди. Кишининг хотираси бир нарсага нисбатан яхши бўлса, бошқа бир нарсага нисбатан ёмон бўлиши мумкинлигини ҳарким билади. Ба'зилар саналарни жуда яхши эслайдилар, лекин бировнинг афти сра эсларида турмайди. Ба'зилар бир кўрган одамнинг афтини сра унутмаганлари ҳолда, одамларнинг номини эслаб ололмайдилар.

Бунинг сабаби шуки, ҳаркимда хотиранинг турли нав'и турли даражада ўсган бўлади. Соғ-саломат бўлган ҳарбир одамда хотиранинг ҳамма нав'лари албатта бўлади, аммо уларнинг ҳарқайсисининг ўйнайдиган роли одатда ҳархил бўлади. *Ҳаркимда хотиранинг бирон хили кўпроқ ўсганлиги сабабидан, ҳаркимнинг ўзига хос бўлган хотирасини, хотира-*

нинг нав'и ёки типи деймиз. Агар бировнинг ҳаракат хотираси, айниқса ўсган бўлиб, бошқа хотиралардан ошиқ бўлса, бу одамнинг хотираси ҳаракат хотираси нав'идандир, деймиз. Агар бировнинг эшитиш хотираси кучлик бўлса, унинг хотирасини эшитиш нав'идан деймиз.

Шу тариқа, хотиранинг нав'и деб, гарчи турли даражада бўлса ҳам, ҳаркимда бўладиган томонини, ёки унинг алоҳида бир аломатини атаймиз. Турли кишиларда хотиранинг ма'лум бир хили устун турганлиги сабабидан ҳаркимнинг хотирасида пайдо бўлган алоҳида бир хусусиятни назарда тутиб, хотирани нав'ларга бўламиз. Образ хотираси блан сўз ва мантиқ хотираси ўртасидаги фарқ катта аҳамиятга эгадир.

Ба'зилар кўзлари блан кўрган нарса ва ҳодисаларнинг суратини эсда сақлаб қолишга кўпроқ мойил бўлсалар, ба'зилар сўзда ифода қилинган фикрларни эслаб қолишга кўпроқ мойил бўладилар. Образ хотираси кучлироқ бўлган одамлар ўқиган китобларининг мазмунини эсларига келтирганларида ҳикояда иштирок қилган одамларни, табиат манзараларини, ҳикоядаги ба'зи воқиаларни кўнгилларида айнан кўрадилар, хотираси сўз ва мантиқ хотираси нав'идан бўлган одамлар аввало китобдаги асосий фикрларни, энг қизиқ сўзларни эслайдилар.

Хотираси образ хотираси нав'идан бўлган одамларнинг энг яққол мисолини сан'ат ходимлари орасидан, чунончи, рассомлар, машшоқлар, ёзучилар, артистлар орасидан топса бўлади, ҳолбуки хотираси сўз ва мантиқ хотираси нав'идан бўлган одамларнинг мисоли кўпроқ олимлар орасидан топилади.

Кўриш хотираси ниҳоятда кучли бўлган одамлар мисоли рассомларнинг таржимаи ҳолларидан топилади. Машҳур рус рассоми Н. Н. Ге „Петр I Петергофда шаҳзода Алексейни сўроқ қилмоқда" деган расмида (бу расм Москвада Третьяков Давлат галлериясида сақланади) Петергофдаги саройлардан биридаги уйни тасвир қилган. Бу рассом кейинроқ бориб, „мен Петр I ва Алексей" деган расмнинг бутун фонини, унда кўрсатилган камин борми, карниз борми, голландча солинган тўртта сурат, ундаги стуллар борми, уйнинг поли ва чироғлари борми ҳаммасини миямда, хотирамда сақлаб олиб келган эдим, бу уйда мен атиги бир марта бўлдим, олган таассуротим бузилмасин деб жўрттага бир мартадан ортиқ бўлмадим" деб ёзган эди.

Музикашуносларнинг таржимаи ҳолига боқсак, бунда ҳам ниҳоятда кучли эшитиш хотирасининг мисолларини кўрамиз. Рус композитори Балакиревда замондошларининг айтишларича „ҳайрон қоларлик" даражада „ажойиб" музика хотираси бор эди. Бу киши Чайковскийнинг симфония асарларидан бирини концертда бир марта эшитиб, орадан икки йил ўтгач, бу куйни Чайковскийнинг ўзига айнан чалиб берган, ҳолбуки Чайковскийнинг ўзи бу асарини анча унутиб қўйган экан. Рахманиновнинг музика хотираси ҳам шундай кучли бўлган. Бир кун композитор Глазунов унинг устози Танеевнинг олдига келиб, янгигина ёзилган ва ҳали ҳечким эшитмаган бир асарини чалиб берган. Ҳазилкашликни яхши кўрган Танеев, Глазунов келиш олдида, у маҳалда консерватория ўқучиси бўлган Рахманиновни ўз ётоқхонасига ёшириб қўйган. Сўнгра Глазунов янги асарини чалиб бўлгач, Танеев Рахманиновни олиб чиққан. Ёш студент фортопиано ёнига ўтириб Глазуновнинг асарини чалиб берганда, қўл ёзмасини ҳали ҳечким кўрмаган бу асарни консерваториянинг ёш студенти қаердан билиб олди, деб жуда ҳайрон қолган.

Шуниси қизиқки, турли кишилар, бир хилдаги материални хотирага олганларида, хотираларининг нав'ига қараб турлича усуллардан фойдаланадилар. Чунончи, кўриш хотираси кучли бўлган кишилар телефон номерини эсда қолдирмоқчи бўлганларида, бу номерларнинг ёзилган ёки босилган суратини тасаввур қилишга тиришадилар; эшитиш хотираси кучли бўлган одамлар бу номерни баланд овоз чиқазиб такрорлашга ва унинг „овозини" эслаб қолишга ҳаракат қиладилар; ҳаракат хотираси кучли бўлганлар, номерни овоз чиқазибми ёки дилдами, барибир, такрорлашга (нутқ ҳаракатларини эсда қолдириш) ёки қоғозга ёзишга, ёки ҳеч бўлмаса ҳавога ёзишга ҳаракат қиладилар (ёзув ҳаракатларини эсда қолдириш).

Хотиранинг фақат бир нав'идан фойдаланучи кишилар кам бўлади. Кўпчилик хотиранинг юқорида мазкур хилларининг кўпроқ иккитасидан (масалан, эшитиш ва ҳаракат хотираси кучли бўлганлар), учтасидан, ҳатто хотиранинг ҳамма хилларидан ҳархил даражада фойдаланадилар (хотираси аралаш нав'идан бўлган кишилар).

53. ХОТИРАНИНГ СИФАТЛАРИ

Ўтган параграфда бировнинг хотирасини яхши ёки ёмон деб та'риф қилиб бўлмайди, чунки ҳаркимнинг хотираси турли нарсаларга нисбатан турли даражада бўлиши мумкин, деган эдик. Энди бу масалани яна ҳам кўпроқ аниқлашимиз керак. Ҳатто муайян бир нарсани хотирлашни назарда тутганда ҳам бировнинг хотирасини яхши ёки ёмонга аниқ ажратиб бўлмайди. Бир жиҳатдан яхши бўлган хотира иккинчи жиҳатдан ёмон бўлиши мумкин. Масалан, бировнинг хотираси тарихий воқиаларга нисбатан жуда яхши бўлиб, бу воқиаларни эсда сақлаб қолиш қобилияти кучли бўлса ҳам, аниқлик жиҳатидан заиф бўлиши мумкин.

Бировнинг хотирасини та'риф қилганда хотиранинг сифатларини билиш керак. Бу сифатларнинг энг муҳимлари шулардир:

1. Эсда қолдиришнинг тезлиги, биров бир нарсани эсида қолдирмоқчи бўлса, ҳавсала блан анча ишлашга тўғри келади, биров, аксинча, шу нарсани дарров эслаб олақолади. Хотиранинг бу сифати ҳаммадан кўп кўзга уринади, шунинг учун кўп кишилар хотирани, кўпроқ шу жиҳатдан қараб, я'ни бир нарсани тез эслаб олиш жиҳатидан қараб, тавсиф қилишга ҳаракат қиладилар. Броқ хотирани бундай тавсиф қилиш тўғри эмас. Бир нарсани тез ёки суст эслашнинг ўзи унча муҳим эмас. Хотиранинг бу сифати бошқа сифатларига қўшилганда қимматга эга бўлади.

2. Хотиранинг маҳкамлиги. Ба'зилар эсга олган нарсани эсларида сақлайдилар, ба'зилар эса тез унутадилар („хотираси қисқалар"). Турли кишиларнинг хотираси ўртасида бу

жиҳатдан бўлган фарқ хотиранинг тезлиги ўртасидаги фарқдан кам эмас.

Хотиранинг бу икки сифати ўртасида турли муносабат бўлиши мумкин. Синаш йўли блан қилинган текширишлар, хотираси тез одамларнинг эсга олган нарсани эсда узоқ сақлаш қобилияти ҳам аксари баланд бўлганини кўрсатади, я'ни бир нарсани тез хотирлаган одам уни узоқ вақтгача унутмайди. Бироқ, бунинг акси ҳам бўлади: тез эсга олган нарсасини тез унутадиган кишилар ҳам бўлганидек, бир нарсани жуда суст эсга олиб, лекин бир карра эсга олган нарсасини эсида узоқ сақловчи одамлар ҳам бўлади.

3. Хотиранинг расолиги. Хотиранинг бу сифати шундан иборатки, хотираси расо бўлган одамларда янглишиш бўлмайди, муҳим нарсалар уларнинг хотирасидан тушиб қолмайди ва хотирага олган нарсаларини ўзларидан қўшиб тўлдирмайдилар. Расолик хотиранинг энг муҳим сифатларидан бўлиб, алоҳида диққат талаб қилади.

Бир карра хотирада қолган нарсани расо ва тўғри эсга тушириш ҳаётнинг турли соҳаларида, масалан, уруш майдонида қанчалик муҳимлигини яхши ўйласак, хотирани расо қилиш устида ишлаш ҳаркимга қанчалик зарурлигини аниқ онглаймиз. Бунинг асосий чораси шуки, киши ўз хотиротига танқид кўзи блан қарамоғи керак. Киши эсида яхши қолган ва шак-шубҳа қилмаган нарсалардан тусмол нарсаларни ажрата билиши, кўрган ва эшитган нарсаларини кейин ўзи қўшган, тусмол ва чама блан ўзича муҳокама қилиб, билганларини, дарҳақиқат кўрган ва эшитган нарсаларидан ажрата олиши керак.

Хотиранинг расолик сифати йўқ бўлса, унинг қолган бошқа сифатлари ҳам қимматини анча йўқотади.

4. Хотиранинг тайёрлиги. Хотиранинг тайёрлиги деб, хотирада сақланган нарсалардан керак бўлганини дарров эсга келтирабилиш тушунилади. Ба'зи одамлар жуда кўп нарса билсалар ҳам, турмуш талаб қилиб қолган чоғда, дарров жавоб тополмай қоладилар. Бундай одамларни „билими кўп бўлса ҳам ундан фойдаланаолмайдиган одам" дейдилар. Кишининг хотирасида доим тайёрлик сифати бўлмаса, бундай одамнинг ақлида, одатда „топқирлик" деб аталган сифат ҳам бўлмайди.

Топқирлик, я'ни ўзида бор билимлардан керак бўлиб қолганини дарров юзага чиқазабилиш қобилияти ба'зи ҳунарларда жуда катта аҳамиятга эгадир. Масалан, лашкарбоши, даволовчи доктор, ўқитучи ва бошқа бунинг каби касб эгалари шу жумлага кирадилар.

Хотиранинг тайёрлиги, биринчидан юқорида 124 — 125 бетда баён қилинган хотирлаш қобилиятига, иккинчидан, кишидаги билимнинг мунтазамлигига боғлиқдир. Хотирадаги билимларда батамом тартиб, саранжомлик ва мунтазамлик бўлса, шундагина ундаги билимлардан керак бўлиб қолганини дарров топиш мумкин бўлади. Шунинг учун хотирасининг тайёрлик

сифати ниҳоятда баланд бўлган улуғ лашкарбошилар ҳамиша билимда тартиб зарурлигини доим жуда қаттиқ та'кидлаб айтганлар. Масалан, Суворов „хотира ақлнинг омборхонасидир, лекин бу омборхонанинг катаклари кўпдир ва шунинг учун ҳарнарсани дарров ўз жойига саранжом қилиб қўймоқ керак" деган.

54. ХОТИРАНИ ТАРБИЯЛАШ

Ҳарким хотираси яхши бўлишини истайди. Бу истак табиийдир, лекин уни амалга ошириш учун, яхши хотира деб, нима тушунилишини яхши билмоқ керак.

Бировда механик хотиранинг бирон хили ниҳоятда кучли бўлгани блан фақат бунинг ўзи кўп қимматга эга бўлган сифат эмас. Фан китобларида бу қоиданинг тўғрилигини исбот қилучи кўп мисоллар айтилган.

Бир одамнинг бир марта эшитган нарсасини эсида сақлаб қолиш қобилияти шу қадар кучлик эканки, лотин тилини тақир билмагани ҳолда, бир мартаба эшитган лотинча ше'рнинг 30 йўлини сра янглишмасдан қайтариб айтаолган. Лекин шундай бўлса ҳам амалий ишда бу одамнинг хотираси жуда ёмон бўлган. Унга нима иш топширилса, бу ишнинг ярмисини унутиб, қолган ярмисини ҳам кўп хатолар блан бажарган. Яна бир одамнинг кўриш хотираси шу қадар кучли бўлганки, бир бет газетани ўқиб чиққач, ундаги сўзларнинг ҳаммаси тамомила эсида қолган. Аммо бу одам ўзидаги бу қобилиятдан жуда норози бўлиб, ўқиган нарсамдан бирор фикрни ёки бирон фактни эслашим керак бўлса, ўқиган нарсамнинг бошдан оёқ ҳаммасини дилимда қайтариб чиқишга мажбур бўламан, деган.

Бу мисоллар ма'но хотираси тақир ўсмай қолган ҳолда механик хотиранинг ниҳоятда ўсиб кетганини кўрсатади. *Хотиранинг яхшиси, механик хотирага фақатгина суянадиган ниҳоят даражада яхши ўсган ма'но хотирасидир.*

Аталган улуғ кишиларнинг кўпининг таржимаий ҳолида уларнинг хотиралари ниҳоятда яхшилиги та'кидланиб айтилади. Психология жиҳатидан қилинган таҳлиллар, бу улуғ одамларнинг аксарисининг хотираси яхши дейилганда, улардаги механик хотира қобилияти яхши дейилмай, балки ма'но хотирасининг ниҳоят даражада яхши ўсганлиги назарда тутилганлигини кўрсатади.

Ма'но хотирасининг ўсишига нима сабаб бўлади? Ма'но хотирасининг ўсиши нимага боғлик бўлади?

Биринчидан, кишининг психик ҳаёти нимага *қараб кетганлигига*, кишининг нималар блан *қизиққанлигига* боғликдир. Ма'но хотирасининг хусусияти шуки, бунда одам ҳамма нарсани баравар даражада эсда қолдирабермай, балки кўпроқ унинг учун муҳим ва мароқли бўлган нарсаларнигина эсида сақлаб қолади. Буни юқорида айтдик. Шунинг учун кишининг

қизиққан нарсалари қанча кўп, ма'нодор ва рангбаранг бўлса, унинг хотирасидаги „хазина“ ҳам шунча кўп, рангбаранг ва ма'нодор бўлади. *Кишининг нималарни кўпроқ эсда тутиши, нималар блан кўпроқ қизиқишига боғлиқдир.*

Я. М. Свердловни билганларнинг ҳаммаси, унинг одатдан ташқари кучли хотираси борлигига ҳайрон қолар эдилар. Одамларнинг номи, афти башараси, турли саналар, хуллас, партия ходимларининг ўзи ва уларнинг ишлари блан алоқадор бўлган ҳарбир нарса унинг эсидан сра чиқмас эди. Ярославский унинг ҳақидаги хотиротида, „Унинг мияси ўз йўлича алоҳида бир ҳисобат ва тақсимот шу'баси эди, бирнеча минг партия ходимларининг афти-башараси миясида сақланар, инқилоб кунларида бизга қўшилган бирнеча минг янги ходимларимизнинг сурати ҳам унинг миясида сақланар эди“ дейди.

Свердлов исте'доди жиҳатидан ҳам, бажарган ишининг асосий йўли жиҳатидан ҳам ажойиб бир ташкилотчи эди. Ўртоқ Сталин унинг ҳақида, „бутун вужуди блан ташкилотчи эди, табиати, одати, революцион тарбияси, ҳиссиёти блан, қайнаб тошган фаолияти блан тамомила бир ташкилотчи эди. — Я. М. Свердловнинг қиёфаси шудир“ деган. Бир ташкилотчи бўлган Свердлов, ҳарбир одамнинг та'риф ва тавсифига оид бўлган нарсаларнинг барчаси блан жуда қизиқар ва ҳарқайсисига катта аҳамият берар эди. Шунинг соясида унинг хотираси ниҳоятда кучли бўлиб кетган чиқар.

Иккинчидан, ма'но хотирасининг ўсиши кишининг *зеҳнига* боғлиқдир. *Билими* кўп ва ҳар томонлама бўлган одам эсида қолдириш лозим бўлган янги материал учун бирқанча ҳархил ма'но боғланишлари топаолади. Фикр қилаоладиган одам, эсида қолдирмоқчи бўлган материални яхши ва чуқур тушунади, яхши тушуниш эса, ма'но хотирасини ўстирадиган асосий шарт эканини биламиз. Одатда кишининг хотираси қанча яхши бўлса, билими ҳам шунча кўп бўлиши мумкин, деб ўйлайдилар. Бу албатта тўғри, лекин бунинг акси бўлиши мумкинлигини ҳам эсдан чиқазмаслик керак, я'ни бунда тескари муносабат бўлиб кишининг билими қанча кўп бўлса билими кўп бўлган соҳада хотираси ҳам яхши бўлиши мумкин.

Учинчидан, ниҳоят, бир нарсани эсда қолдириш ва уни узоқ эсда сақлаш чоралари ҳамда унутчоқликка қарши курашиш йўллари тўғрисида юқорида 49, 50 ва 51 параграфларда батафсил баён қилинган тадбирларни яхши билиш йўли блан ҳам хотирани ўстирса бўлади. *Киши ўз хотирасини ўстириши учун ҳамиша ўзида эслаш, эсда сақлаш ва эсда сақланган нарсаларни тез эсга тушириш қобилиятини тарбиялаб ўстириши керак.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Хотира нимадир?
2. Тасаввурнинг идрокдан фарқ қилган энг муҳим айирмаларини айтинг.
3. Ассоциациялар блан ма'но боғланиши ўртасидаги фарқ нимадир?
4. Ассоциацияларнинг физиологик асоси нимадир?
5. Ма'носини уқмасдан хотирага олишнинг асосий шарти нима, ма'носини уқиб хотирага олишнинг асосий шарти нима?
6. Кишининг турмушида, ма'носини уқмасдан механик эслаш блан, ма'носини уқиб эслаш қандай аҳамиятга эгадир?

7. Бир нарсани яхши уқиб, ўрганиб олишни қулайлаштирадиган шароитларни айтинг.

8. Бир хатни ма'носини уқиб эсга олиш процесси қандай босқичлардан иборатдир?

9. Унутчоғлик блан курашишнинг энг муҳим йўлларини айтинг.

10. Беихтиёр эсга келиш сабабларини айтинг.

11. Хотирлашда қандай усуллардан фойдаланиш мумкин?

12. „Хотиранинг хили" деган тушунча блан „хотиранинг нав'и ёки типи" деган тушунча ўртасида қандай фарқ бор?

13. Хотиранинг хилларини айтиб беринг.

14. Хотиранинг энг муҳим сифатларини айтиб беринг.

15. Ма'но хотирасининг ўсиши қайси шартларга боғликлигини айтиб беринг.

Масалалар

1. Бадиий асарлардан кўриш, эшитиш, ҳид билиш ва тери блан сезиш (туйиш) тасаввурларининг мисолларини топинг.

2. Ассоциация ва ма'но боғланишидан мисоллар айтинг.

3. Бир нарсани хотирда қолдирмоқчи бўлганда уни қандай такрорлаш кераклигини мисол блан кўрсатинг.

4. Ассоциацияга суяниб эслаш блан, ўхшашликка суяниб эслашнинг мисолларини кўрсатинг.

5. Чеховнинг „Лошадиная фамилия" ҳикоясида тасвир этилган хотирлаш процессини таҳлил қилиб беринг.

6. Сурат хотираси блан сўз ва мантиқ хотираси ўртасидаги фарқни мисоллар блан кўрсатинг.

7. Ҳис хотирасидан бир мисол кўрсатинг.

VIII боб

ХАЁЛ

55. ХАЁЛ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ МА'ЛУМОТ

Шу оннинг ўзида биз идрок қилиб турмаган нарса ва ҳодисаларнинг образи тасаввур дейилади. Агар тасаввур ўтмишдаги идрокнинг эсга туширилгани бўлса бу хотирага оиддир. Ҳаркимда ўзининг турган уйининг яқин, қариндош ва ошналарининг тасаввури бор; бу тасаввурлар шулар жумласидандир. Лекин биз аввал асло идрок қилмаган нарсаларимизни ҳам тасаввур қилаоламиз. Масалан, СССР нинг ўрта минтақасидан бошқа ерга сра чиқмаган одам ҳам қутбнинг музларини, шимолдаги тундраларни, иссиқ мамлакатлардаги чангалларни, қумлик чўлларни ҳам тасаввур қилаолади. Бу хил тасаввур хаёлий тасаввурдир.

Бу хил тасаввурлар қандай туғилади? Бу хил тасаввурларга асос бўлган материаллар қаердан олинади?

Хаёлий тасаввурнинг ҳаммаси аввал идрок қилиниб хотирда қолган материаллардан вужудга келади. Хаёлнинг қиладиган иши ҳамиша сезги ва идрок йўли блан ҳосил қилинган нарсаларни қайта ишловдан иборатдир. Хаёл йўқ нарсадан ижод қилаолмайди. Туғма гаранг одам товушни ҳеч тасаввур қилаолмаганидек, туғма кўр ҳам ҳеч маҳал рангларни хаёлига келтириб тасаввур қилаолмайди.

Шимолнинг узоқ жойларига сра бормаган одам ундаги тундраларнинг суратини кўрганидан, сўнгра тундра манзарасига оид нарсаларни, масалан, қор босган яланг ерни, майда буталарни, ҳайвонот боғидаги кийикларни ҳақиқатда кўрганлигидан шимолдаги тундрани тасаввур қилаолади. Аввалда қилинган идроклардан ҳосил қилинган бу хил материалларни қайта ишлов тундра манзарасини тасаввур қилишга имкон беради; бу материаллар қанча мўл бўлса, хаёлдаги тасаввур шунча тўла ва аниқ бўлади. Ба'зида пастки классларда ўқучи болалар СССР тарихини ўқишга энди киришганларида, эски замондаги рус боярларини ҳозирги одамлар қиёфасида, пальто ва кепка кийган кишилар, деб тасаввур қиладилар. Бунинг сабаби ёш болаларда эски рус боярларининг образини тўғри тасаввур қилишга

имкон берадиган материал йўқлигидир; я'ни одатда суратларни кўриб, музейларга бориб, эски рус турмушига оид бўлган театр тамошоларини ва киноларни кўриб ҳосил қилинадиган материалнинг йўқлигидир.

Энди хаёлнинг нималигини та'риф қилсак бўлади. *Хаёл — ўтмишдаги идрок орқасида ҳосил қилинган материалларга суяниб, янги образлар яратишдир.*

Хаёлнинг жуда бориб турган ажойиб ва ғаройиб ғалати маҳсуллари ҳам ҳамиша ҳақиқатда бор нарсалардан бинодга келади. Халқ хаёлининг маҳсули бўлган русалка (сув париси), қадимги юнон афсоналаридаги сфинкс (абулҳавл—танаси шер, боши ва тўши хотин кишига ўхшаган, қанотлик бир махлуқ), товуқоёқ уй ва бошқа бунинг каби нарсаларнинг барчаси асосида ҳақиқатда мавжуд нарсалар бордир.

Пушкин ёзган ва ше'р блан ёзилган эртакнинг алоҳида бир ғалати намунаси бўлган „Руслан ва Людмила“ асарининг бошидаги шу байтларни ўқинг:

Денгиз бўйи, ямяшил чинор,
Олтин занжир чинор тагида.
Чечан мушук тун-кун беқарор
Айланади теварагида.
Ўнгга юрса — қўшиқ куйлайди,
Сўлга юрса — эртак сўйлайди.
Му'жиза мўл у олис ёқда:
Тонг қолгулик баланду пасти,
Сув париси ўтирар шохда,
Дайдиб юрар саёқ алвасти.

Бу ердаги хаёлилик, ажойиблик бундаги нарсаларни бир-бирига боғлашдаги ажойибликдир; бунда уларга берилган ма'но ва мазмунларгина ажойиб бўлиб, нарсаларнинг ўзи ҳақиқатдан олингандир. Чунончи, чинор дарахти, олтин занжир, мушук, унинг қўшиғи, булар ҳаммаси ҳақиқатда бор нарсалар бўлиб, уларни ҳарким билади, аммо олтин занжир блан чинор дарахтига боғланиб, айланиб юрган чечан мушукнинг образи шоирнинг ижодий хаёли яратган нарсадир.

Инсоннинг хаёли меҳнатда туғилиб, меҳнатда ўсди.

Инсон меҳнати соясида дун'ёдаги бор нарсаларни ўзгартади, ўз эҳтиёжларини қондириш учун керак бўлган янги нарсалар яратади. Бунда кишида онгли мақсаднинг бўлмоғи албатта шартдир: одам меҳнатининг натижасини, ҳосил қилмоқчи бўлган нарсаларини ва бу нарсаларда қандай ўзгаришлар қилмоқчи бўлганини олдиндан тушунади. Одамни ҳайвондан айирган муҳим фарқ ҳам шудир.

Маркс ёзадики: „Ўргумчак тўқучининг қиладиган ишларича иш қилади, асалари мумдан шундай ҳужралар қиладики, ба'зи инсон — архитекторлар унинг олдида уялиб қоладилар. Аммо энг ёмон архитектор блан энг яхши ари ўртасида аввал бошданоқ шу фарқ борки, архитектор мумдан ҳужра қурмасдан аввал уни миясида қуради. Ишнинг охирида, ишчининг миясида аввал бошда тайёр бўлган натижа ҳосил бўлади“.

Ҳақиқатда бор нарсаларни тасаввурда „ўзгартиш, мияда“ янги нарсалар қуриш хаёл томонидан бажарилади.

56. ХАЁЛНИНГ ИХТИЁРСИЗ ВА ИХТИЁРЛИ ФАОЛИЯТИ

Диққатнинг ихтиёрий ва ихтиёрсизи бўлганидек, хотирлаш ва хотирга келтиришнинг ҳам ихтиёрий ва ихтиёрсизи бўлганидек, хаёлнинг ҳам ихтиёрийлик даражаси турли бўлади.

Хаёлнинг мутлақо ихтиёрсиз ишлашининг мисоли *туш кўришдир*; туш кўргандаги образлар кишининг хоҳиши блан туғилмайди, улар хоҳиш блан эмас, ўзларича ўзгарадилар. Ўрталарида ҳеч кутилмаган жуда ғалати, ба'зида мутлақо бема'ни муносабатлар тугилиб, чалкашиб кетадилар. Кишининг уйқиси келиб мудроқ босган чоғдаги, масалан, киши эндигина ухлай бошлаган вақтдаги хаёлнинг иши ҳам асоси жиҳатидан ихтиёрсиз ишдир.

Л. Н. Толстой „Уруш ва тинчлик" деган асарида хаёлнинг бундай ихтиёрсиз ишлашини жуда яхши, аниқ ва батафсил тасвир қилган („Уруш ва тинчлик" асарининг IV томи 45 боби). Ўнбеш ёшлик Петя Ростов, Денисов қўл остидаги партизанлар орасида, қоронғи кеча; эрталаб партизанлар французларнинг бир бўлак аскарига ҳужум қилмоқчилар. Петя разведкадан яқиндагина қайтиб келиб, аравада ўтирган жойида мудрайди.

„Петя, Денисов одамлари ичида дарахтзорда французлардан ўлжа олинган аравада ўтирганини... ўтирган араваси тагида казак Лихачов унинг қиличини чархлаётганини, ўнг ёқда қорайиб турган каттакон нарса қоровулхона, чап ёқдаги пастликда шу'ла уриб турган қип-қизил нарса яллиғлаб турган чўғ эканини билиши керак эди... Аммо Петя булардан батамом бехабар, хабардор бўлмоқни ҳатто истамас ҳам эди. Петя ўзини афсун блан жоду қилингандек, аллақандай ўзга бир оламда кўрар ва бу олам унга ҳақиқатдан жуда йироқ кўринар эди. Қоп-қорайиб кўринган каттакон нарса эҳтимол қоровулхонадир, аммо ер қа'рига кирадиган ғор бўлса ҳам ажаб эмас. Қип-қизариб кўринган нарса эҳтимол чўғдир, аммо катта бир аждаҳонинг кўзи бўлса ҳам ажаб эмас"... „чархланаётган қилич — тиғ-тиғ қиларди. Шу топда ногаҳондан Петянинг қулоғига ҳеч эшитилмаган ажаб бир мунгли, ажаб бир хуш тарона нағма эшитилди". „Музика тобора авж олиб овози баланд кўтарилди, мақомлар таронаси ошди". „Гоҳ ғижжак, гоҳ карнай чалгандай бўларди, аммо чиққан овоз на ғижжакникига, на карнайникига ўхшарди, тоза ва майин эди. Ҳарқайсисининг савти ҳархил, нағмаси ранг-баранг; бир мақомни охирига етказмай бошқа мақомга ўтиб кетар, тароналар аралашиб бир-бирига уланиб кетарди, кейин яна қўшилиб бир турфа виқорлик дабдабага, ажаб бир шукуҳлик шодиёнага айланар эди.

Бу музика образлари ихтиёрсиз равишда, ўз-ўзича туғилади ва авжига чиқади. Бу ма'нода улар тушга ўхшайди; лекин Петя ухлагани йўқ, фақат мудроқда, шунинг учун у, ўзида пайдо бўлган образларнинг жараёнига ўз ихтиёри блан та'сир қилаолади.

„Петя турли-туман аллақанча нағмаларнинг бу тароналарини бир мақомга, бир куйга солмоқчи бўлиб уриниб кўрди". Нағмалар дарвоқи' унга итоат қилдилар. „Пастроқ, пастроқ, бўлди жим". „Энди яна авж қилинг, таронангиз ошсин, яна шўхроқ чалинг. Тағинам шўхроқ бўлсин. Ғойибдан келган хуш овоз нағмалар тобора авж қилиб дабдабалари ошди".

Киши бедор чоғида хаёлнинг фаолиятидаги ихтиёрийлик ва унинг кучи турли даражада бўлиши мумкин. Хаёл жуда авжига чиққанда, я'ни ёзучи, рассом ва олимнинг ижодий ишида онгли ва ихтиёрий равишда аниқ ва муайян тилакка жавоб берадиган ва унга мувофиқ бўлган ҳамда аниқ ва муайян талабларни қондирадиган образлар яратиш ишига айланади. Демак, *ихти-*

ёрий равишда обдон аниқ ва равшан тасаввурлар туғдириш қобилияти, кишида хаёлни кучайтириш учун керак бўлган зарур шартдир.

Хаёлнинг иши идрокка суянса анча осонлашади.

Ба'зи хил тасаввурлар аксари шу онда муайян идроклар бор бўлгандагина туғилади. Масалан, кўп кишилар ўзларида маза билиш тасаввури борлигига жуда қаттиқ шубҳаланадилар. Дарвоқи', нордон олманинг мазасини ҳарким ўз ихтиёри блан, хоҳлаганида тасаввур қилабериши осон эмас. Аммо кўз олдингизда пишмаган хом олма турган бўлса, хусусан бировнинг хом олмани еб турганини кўрсангиз, бунда дарров нордон мазанинг аниқ ва равшан тасаввури туғилади. Кишининг бир ери оғримаса, оғриқ тасаввурини туғдириш ҳам осон эмас, лекин бировнинг куйганини ёки қўлини қимчиб олганини кўрсангиз дарров оғриқ тасаввури туғилади.

57. ТАСАВВУР ХАЁЛИ

Тасаввур хаёли деб, бир нарсанинг баёнотига суяниб (ёки чизма сурат ва тарҳига суяниб) унинг шу баёнотга мувофиқ бўлган образини тасаввурга келтиручи хаёлни айтамиз.

Ўқучи физика ёки химия дарслигида баён қилинган бирон тажрибани ўқиганда, унда баён қилинган асбобларнинг турган жойини, қилинадиган ишлари ва бу ишларнинг натижаси ва ҳоказоларни мумкин қадар аниқ ва равшан тасаввур қилмоғи лозим бўлади. Ўқучининг ана шу иши тасаввур хаёлининг ишидир. Бир машинанинг қуруқ чертёжини кўрганда, бу машинанинг ҳарбир бўлак ва қисмининг турган жойини ва бирбирига қандай алоқаси борлигини аниқ ва равшан тасаввур қилиш лозим бўлади. Бу ҳам тасаввур хаёлининг ишидир, я'ни унинг „техника хаёли" дейилган алоҳида бир хилининг ишидир. Ҳарбир инженер, техник ва уста ишчининг ҳунарида керак бўлган бу техника хаёли, машинанинг чертёжига қараб, бу чертёжда кўрсатилган машинани, аппаратни, унинг турли қисмларини дилда аниқ „кўриш" қобилиятини талаб қилади.

Текширадиган нарсалари ҳаркимга унинг ўз тажрибасидан ма'лум бўлабермайдиган фанларни ўқиганда, тасаввур хаёли айниқса катта роль ўйнайди. Масалан, ботаника, зоология, география ва хусусан тарих фанлари шундай фанлардандир. Чунки, масалан, тарих ўқиганда бурунги замонда бўлган воқиаларни, у замондаги одамларни ва бу одамлар яшаган шароитни, хулласа, бу хил ҳолларнинг барчасини фақат хаёл ёрдами блан тасаввур қилиш мумкин. Тарихни ўрганганда тасаввур хаёлининг ишига суянилмаса, бу хил ўрганиш, сўзларнинг ма'нисини уқмай, қуруқ ёдлашдан нарига ўтмайди.

Броқ ҳарқандай фанда ҳам *бир нарсани* хаёлга келтириш блангина кифояланиб бўлмайди. Гап ўқилаётган нарсанинг қандай *бўлмасин фақат бир тасаввурини* хаёлда туғдиришда

эмас, балки унинг *тўғри* тасаввурини туғдиришдадир. Тасаввур хаёли илдам, кучли ва бой бўлишдан ташқари, яна *тўғри, расо* бўлмоғи ҳам керак, тасаввур хаёли ҳақиқатда бор нарсаларнинг образини тўғри кўрсатмоғи керак.

Бунинг учун қуйидаги икки шартнинг майдонда бўлмоғи керак:

1. Хаёл ишининг бошланишига асос бўладиган *схема ва чертёжларнинг баёнини тўғри тушуна билмоқ керак.*

Бир машинанинг чертёжига қараб уни тасаввур қилиш учун „чертёжни ўқий билиш" керак, чертёжда қўлланилган сурат солиш усулларини, унинг белгиларини билиш керак. Ўтмишда бўлиб ўтган воқиаларнинг манзарасини тўғри тасаввур қилиш учун, бу воқиа тўғрисидаги ҳикояни ва унинг баёнини тўғри тушуниш керак.

2. Турмушнинг ҳарбир тегишли соҳасидан кифоя қиларлик даражада бирқанча образлар запасига эга бўлиш керак. Шу бобнинг биринчи параграфида идрокка кирган бирмунча материал бўлмаса, хаёлнинг яхши ишлаши мумкинмаслигини айтган ва бу материал кам бўлганда кишида тарихда ўтган нарсалар тўғрисида янглиш тасаввурлар туғилиши ҳақида бир мисол ҳам кўрсатган эдик.

Тасаввур хаёли кишининг психикасининг ўсиши учун ҳам муҳимдир. Тасаввур хаёли кишига бошқаларнинг ҳикоясига ва баёнига суяниб ўзи асло кўрмаган ва кўришга имкони бўлмаган нарсаларни тасаввурда кўришга имкон беради ва бу блан кишига фақат ўз турмушида кўрган нарсалари доирасида чегараланиб қолмасдан, бу доирадан ташқарига ҳам чиқиш имконини беради ва унинг билимларини жонли қилиб, конкретлаштиради ва оширади.

Бадиий асарларни ўқиганда тасаввур хаёли жуда авж олиб кетади. Пушкин, Гоголь, Л. Н. Толстой, Горький ва бошқа улуғ ёзучиларнинг асарларидаги қаҳрамонлар, ёзучининг тасвир этган манзаралари ўқучининг хаёлида ўз-ўзидан туғилади ва ўз-ўзидан очилиб ошкор бўлиб бораберади. Ўтган замонга оид нарсаларнинг образи тарих дарслигини, ёки тарих китобини ўқигандан кўра тарихий роман ёки ҳикоя ўқиганда аниқ ва равшанроқ тасаввур қилинишини ҳарким билади. Пушкиннинг „Капитан қизи", Гогольнинг „Тарас Бульба", А. Н. Толстойнинг „Петр I" номли асарларини, Вальтер Скоттнинг романларини бу жиҳатдан бир хотирласангиз буни онглайсиз.

Бадиий асарларни ўқиш хаёлнинг тарбияси учун энг яхши мактаб, хаёлни ўстириш учун энг кучли чорадир.

Аммо бадиий адабиётни ўқишда ўқиш бор; ҳарқандақа ўқиш бундай тарбия мактаби бўлаолмайди. „Нима гап бор экан", „воқиа нима блан тугар экан" деган мақсадда, ундан-бундан тез ўқиб чиқиш хаёлни ўстирмаганлиги бир сари, қайтага уни сусткашликка ўргатиб қўяди. Бадиий адабиётни ўқишга усталик, хаёлнинг актив ишлашини талаб қилади; ўқиган одам китобда

нима сўзланган бўлса ҳаммасини кўнгилда „кўраолишини ва эшитишини“ талаб қилади.

Бу лаёқати бўлмаган кишилар бадиий асарни ўқиганда ундаги баёнларни ташлаб кетишга кўпроқ майл қиладилар. Бундай бўлиши табиийдир, чунки „хаёли ялқов“ кишиларга чиройлик тасвирлар кераксиздек кўринади ва уларни зериктиради.

Чиройлик тасвирларни тушунмоқ учун, сўзларнинг ма'нисини тушуниш ва гап қандай нарсалар устида бораётганини онглаш кифоя қилмайди. Чиройлик тасвирни тушуниш учун бундан ташқари, ёзучининг тасвир қилган манзарасини аниқ ва равшан тасаввур қилиш ҳам керак. Бу блан ҳам кифояланиб бўлмайди. Бу манзарани жонли қилиш учун аксари ҳолларда унинг назардаги образини бошқа яна бирқанча тасаввурлар блан, чунончи эшитиш, ҳидлаш ва ҳоказо тасаввурлар блан ҳам тўлдириш керак бўлади. Шундагина кишининг хаёли ёзучи тасвир қилган манзарага кўчади, уни ҳақиқатан „ҳиссиётидан кечиради“.

Тургеневнинг июль ойидаги тонг отар пайтни тасвир қилган қуйидаги сўзларини ўқиб чиқинг:

„Тонг отар пайтда чакалакзор ичида сайр қилиб юришнинг гаштини овчидан бошқа ким билади. Шудрингдан оқарган ўтга юрган изингиздан яшил йўл тушади. Ҳўл буталарни оралаганингизда кечанинг илиғи гуп этиб думоғингизга уради. Оқ бурган ўтнинг какраси, қора ясмиқ блан сариқ гулнинг тотли ҳиди ҳавони хушбўй ва мусаффо қилмиш. Олисда девордек қаторлашиб турган болут дарахтлари қизариб чиқаётган офтоб нуридан алвондек товланади. Ҳаво ҳали ҳам салқин ва лекин иссиқнинг асари аллақачон билиниб қолди. Хушбўй ҳидлар ҳужумидан думоғ чоғ, бошлар сархуш... Бир маҳал аравaнинг ғижиллагани эшитилиб қолади... Кетингизда ўроқчиларнинг чалғиси зинғиллайди“.

Бу сўзларни ҳақиқатан яхши тушунмоқ учун, болут дарахтларининг девордек қаторлашиб турганини, офтобдан қизғиш тортиб йилтирашини, шудрингдан оқарган ўтда юрганда кўкариб қолган изни хаёлан „кўрмоқ“, араванинг ғирчиллаган овозини, чолғиларнинг зинғиллаганини хаёлан „эшитмоқ“ керак. Бу ҳам кифоя қилмайди. Бурган ўтнинг думоғни ачитадиган ҳидини, ясмиқ блан сариқ гулнинг тотли ҳидини (ҳид билиш хаёли) ҳам тасаввур қилиш керак, эрталабнинг салқинини, энди бошланиб келаётган иссиқни ҳам тасаввур қилиш керак (ҳарорат хаёли), сўнгра бошнинг „сархушлигини“ ҳам тасаввур қилиш керак. Шундагина сиз ҳам „Тонготар пайтда чакалакзор ичида“ юргандек бўласиз, я'ни дарвоқи' тасвир қилинган манзарани хаёлан кўрган бўласиз.

Бадиий асарни ўқий билиш ҳам бир сан'ат бўлиб, уни ҳам ўрганмоқ керак ва бу сан'атни ўрганган одам ўз хаёлини ўстирган ва камолотга етказган бўлади.

58. ИЖОДИЙ ХАЁЛ

Ижодий хаёл деб, мустақил равишда янги образлар яратиш учун ижодий фаолиятда қатнашган, я'ни натижасида қимматли янги хил бир нарса ҳосил бўладиган фаолиятдаги хаёлни айтамиз. Ёзучи, рассом, компазитор, олим, ихтиро'чи ва бошқа бунинг каби кишиларнинг хаёли ижодий хаёлдир.

Ижодий хаёл, тасаввур хаёлига қараганда анча мураккаб ва қийин процессдир. Онегин, Печоринларнинг образини, ёхуд Плюшкиннинг образини яратиш, уларни тасаввур қилишга қараганда ва ёзилган тайёр асарни ўқиб тушунишга қараганда беқиёс даражада қийиндир. Янги бир хил машинанинг намунасини ясаш, тайёр чертёжларга қараб уни тасаввур қилишдан анча қийиндир.

Хаёл муҳим роль ўйнамаган ҳечбир ижод соҳаси йўқ.

Ижодий бўлган ҳарбир меҳнатда ижодий хаёлнинг қатнашуви бор. Эски нормаларни барбод қилиб, меҳнат унумини оширишда катта муваффақиятларга эришган стахановчи ишчи иш асбобларини энг яхши ва ма'қул равишда саранжомлаб қўйишни, ишни янгича бажариш йўлларини, ишчи кучларни янгича жойлаштиришни хаёлида тасаввур қилиши, „ўз хаёлида яратиши" керак.

Мавҳум бир фикрни эмас, балки машина, аппарат, ёки бир асбобдан иборат бўлган аниқ бир нарсани топмоқчи бўлган ихтиро'чи учун ижодий хаёлнинг қанчалик муҳимлигини тушунмоқ қийин эмас. Ихтиро'чи ихтиро' қилган нарсасининг моделини ясашдан аввал уни ўз „миясида" ясамоғи, уни хаёлида тасаввур қилмоги керак. Ихтиро'чининг хаёли техникага оид хаёл бўлса ҳам, ўтган параграфда айтилган техникага оид тасаввур хаёли бўлмай, балки техникага оид ижодий хаёлдир.

Олим учун ҳам хаёлнинг аҳамияти каттадир. Олим бир нарсани синаш йўли блан тажриба қилиб кўрмоқчи бўлганда, унинг ўйлаган гипотезасини ёки топган қонунини тажрибада синаб кўришга имкон берадиган шарт ва шароитларни аввал тасаввур қилмоғи, я'ни бу шарт-шароитларни хаёлида туғдирмоғи керак.

Олим ҳам янги гипотезалар яратганда ва янги қонунлар белгилаганда „ўз хаёлини қўйиб юбориб яйратиши" керак. Агар Ньютонда хаёл кучи доҳийлик даражасида зўр бўлмаса, осмондаги сайёраларнинг ҳаракатини ерда отилган тош ёки ўқнинг ҳаракатига ўхшатаолмас ва ер устидаги жисмларнинг отилгач яна ерга қайтиб тушиши блан, қуёш атрофида айланиб юручи сайёраларнинг ҳаракатининг сабаби бир деган фикрга келаолмас эди. Хаёл ишини талаб қилмаган ҳечбир фан йўқ. Ленин ҳамма фанлардан мавҳумроқ бўлган математикада ҳам хаёл кераклигини ва хаёл бўлмаса математика соҳасида қилинган катта кашфиётлар бўлмаслигини та'кидлаб айтган.

Аммо хаёл ҳечбир соҳада сан'ат соҳасидагидек, гўзал бадиий асарлар яратишдагидек катта аҳамиятга эга эмас. Фанда хаёлда туғилган образлар олимнинг ижодий фикри томонидан истифода қилинадиган бир материалдир. Сан'атда образлар яратиш ижод максадидир: сан'аткор, ёзучи, рассом, компазитор ва актёр ўзидаги ғояни образларда гавдалантиради, шунинг учун бадиий ижоднятда хаёлнинг иши энг муҳим ўринда туради.

Мисол учун ёзучидаги хаёл ишини олайлик.

Аввало сўз сан'аткори бўлган улуғ ёзучиларнинг хаёлларида туғилган образларнинг ниҳоят даражада кучли ва жонлилигини айтмоқ керак. Бу образлар аксари ёзучининг кўнглида ёзишга киришмасдан аввал туғилади. Ёзучи ўз қаҳрамонларини, уларнинг фе'л-атворларини, сўзларини кўнгил кўзи блан „кўради", кўнгил қулоғи блан „эшитади", кейин унинг ички, ботин кўзи олдида бўлаётган воқиаларнинг ма'но ва мазмунини ўйлаб тушуниш ва асарга кирадиган нарсаларни танлаб олиш ва бу танланган нарсаларни мумкин қадар тўғри ва расо тасвир қилиш иши қолади, холос.

Диккенс, „Мен китобнинг мазмунини ўйлаб ёзмайман, лекин кўриб туриб ёзаман" деган. Роман ёзиш ишини Гончаров ҳам шундай та'риф қилган: „Турли башаралар мени сра тинч қўймайдилар, олдимга келиб жилваланадилар, уларнинг гапини эшитаман, аксари назаримда уларни мен ўйлаб чиқарганим йўқдек, улар барчаси олдимда гир-капалак бўлиб айланиб юргандек кўринади ва мен уларга қараб туриб яхши ўйласам бўлганидек фаҳмлар эдим".

Албатта, ёзучининг ёзган асарлари унинг назарида „уйдирма" эмасдек, „ўйлаб чиқарилмагандек" *кўринади*. Бундай кўринишнинг сабаби, биринчидан шуки, образлар одатда ёзишга киришмасдан аввал туғилади, иккинчидан, бу образлар аниқ ва равшанлиги, жонлилиги жиҳатидан идрокдаги образларга жуда ўхшайди. Алексей Николаевич Толстой ўзидаги бу ҳолатни кўрсатиб, аксари хотирлаганимда „ҳақиқатда бўлган нарса блан хаёлимдаги нарсаларни" ажратолмай қолардим дейди.

Ёзучи хаёлининг яна бир ғоят муҳим хусусияти шуки, ёзучи ўз қаҳрамонларини ёлғиз „кўриш" ва „эшитиш" блан кифояланмай, балки А. Н. Толстой та'бирича айтганда „улар блан бирга яшайди" ҳам. Ёзучи ўзини ўз қаҳрамонлари қиёфасига киргиза билиши, ўзини қаҳрамонлари ўрнида фаҳмлаї олиши, қаҳрамонларининг ҳисларини хаёлида ўзи ҳам ҳис қилабилиши керак.

Горький, ёзучининг хаёли блан олимнинг хаёли ўртасидаги энг муҳим фарқ шу деган. Горький „Фан ходими қўйни текширганда, ўзини қўй хаёл қилишга зарурат йўқ, аммо ёзучи ўзи сахий бўлгани ҳолда бахил қилиб тасвирлаши, беғараз холис бўлгани ҳолда манфаатпараст ва ғаразгўй одамни тасвир қилишга, иродаси заиф бўлгани ҳолда иродаси кучлик одамни тасвир қилишга мажбурдир", деган.

Ёзучи кўриш, эшитиш ва ҳоказо хаёлларидан ташқари яна *ҳиссиёт хаёлига* ҳам эга бўлиши керак, я'ни бошқаларнинг ҳиссиётларини хаёлидан ўзи ҳам кечира билиши керак.

Хаёлнинг ишлаши учун етарлик даражада мўл материал бўлмаса, хаёлнинг бундай кучли ва бундай ранг-баранг ишларни бажариши мумкин эмас. Хаёлнинг ишлаши учун лозим бўлган материалларни йиғмоқ учун қуйидаги шартлар керак:

1. Кишида ҳар нарсага разм солиш қобилияти юксак бўлсин; юқорида идрок тўғрисидаги бобда бу айтилган эди (70—71 бет).

2. Ёзучи ўз асарида турмушнинг қайси соҳасини тасвир қилмоқчи бўлса, шу соҳани синчиклаб чуқур *ўрганиши* керак.

Лев Толстой „Хожи Мурод" деган асарининг Николай I ни тасвир қилган фақат 15 бобини ёзиш учун бирнеча йиллар овора бўлиб, бу подшоҳнинг шахсига, унинг турмуши ва маишатига, унинг саройидаги расм ва одатларга оид бўлган барча бор материалларни текширди, архивда қолган ҳужжатларни ўқиди; Николай замонини кўрган тирик одамларнинг берган ма'лумотларини тўплади. Толстой, „фақат яхши тушунган нарсани ёзишни яхши кўрганимдан унинг (Николайнинг) бутун хулқи ва фе'л-атворини очиб берадиган калитни қўлимдан келганча яхши эгаллашим керак. Шунинг учун мен унинг ҳаётига, фе'л ва хулқига оид бўлган нарсаларнинг ҳаммасини тўплаб ўқийман" деган.

3. Кишининг ўзи *серзавқ* бўлиши керак, жумладан кишининг ҳис хаёлига озиқ беручи *ҳис хотираси* яхши ишлайдиган бўлиши керак.

Ижодий хаёлнинг ишини тайинлайдиган энг муҳим ва ҳал қилучи шарт кишининг мақсад ва ғоясидир. Кишининг хаёли унинг тилакларини амалга оширишга хизмат қилса, кишининг яратган образларида ижод блан машғул бўлган одамнинг идеялари амалга ошса, шундагина уни ижодий хаёл дейиш мумкин.

Кишининг маслагидан, унинг дун'ёга қарашидан келиб чиқадиган мақсад ва ғоялари унинг ижодий хаёлини фаолиятга келтиручи асосий сабабдир.

59. ОРЗУ

Хаёлнинг алоҳида бир шакли орзудир. Ижодий хаёл сингари *орзу ҳам алоҳида, мустақил янги образлар яратишдир.* Аммо орзунинг ижодий хаёлдан фарқ қилган икки муҳим хусусияти бор:

1. Орзу деб, тилакдаги матлуб образлар яратишни айтамиз, лекин ижодий хаёл яратган образларда ҳамавақт ёзучининг тилаклари гавдаланабермайди. Чичиков, Плюшкин, Ноздревлар каби салбий образларни, „Гогольнинг орзуси" деб бўлмайди. Кишининг орзуларида унинг тилаклари, уни жалб қилган нарсалари, унинг интилишлари образ шаклида гавдаланади.

2. Орзу деб, ижодий фаолият доирасига кирмаган, я'ни бадиий бир асар, илмий кашфиёт, техникага оид ихтиро'чилик ва бошқа бунинг каби нарсаларда ошкор бўлиб, *бевосита ва дарҳол бир самара бермаган хаёлни айтамиз.*

Броқ бундан, орзунинг фаолиятга сра алоқаси йўқ, деган ма'но чиқмайди. Орзу ҳозирги фаолиятга эмас, келажакдаги фаолиятга қаратилгандир, шунинг учун орзу аксари ижодий хаёлнинг биринчи тайёргарлик даражаси бўлади. Ихтиро'чи ижодий хаёлининг қуввати блан ҳозирги вақтда ишлаётган бир аппаратнинг конструкциясини яратади, орзусида эса келажакда

қиладиган ишларининг режасини уни ўзига жалб қилган ижодий тилакларининг амалга ошишини ўйлаб ўзича тасвир қилади.

Орзу келажакка қаратилган, келажак бўлганда ҳам тилакдаги келажакка қаратилган хаёл суришдир.

Орзуни хаёлнинг ихтиёрсиз беҳуда ўйинидан туғилган натижа деб тушуниш нотўғридир. Дуруст, бундай орзулар ҳам бўлади (бу хил орзуларни аксари „ҳавас" дейдилар), лекин бу хил орзулар хаёлнинг бу хилининг қуйи босқичини ташкил қиладилар. Орзу юқорироқ даражага чиққанда ихтиёрий ва онгли равишда қилинадиган актив процессга айланади.

Орзунинг қиммати кўпинча, унинг кишининг фаолиятига, унинг алоқаси қандайлигига боғлиқдир.

Ленин бир асарида 60-йилларда ўтган машҳур танқидчи ва ёзучи Писаревнинг қуйидаги сўзларини нақл қилиб, „орзу кишини ишга рағбатлантирганидан фойдаликдир" деган фикрини тўғри топади.

„Меним орзуйим воқиаларнинг табиий жараёнидан ўзиб, илгарилаб кетиши, ёки тамомила бошқа томонга, воқианинг табиий жараёни ҳеч маҳал асло йўлламайдиган бошқа томонга кириб кетиши ҳам мумкин. Биринчи ҳолда орзу ҳеч зарар келтирмайди, қайтага меҳнаткаш кишига мадад бўлиб, ғайратини оширади... Агар одам бундай орзу қилиш лаёқатидан тамомила маҳрум бўлса, агар одам ба'зида бирмунча илгарилаб кетиб унинг қўл остида эндигина бунёдга келаётган нарсани хаёлида тугал ва мукаммал ҳолда тасаввур қилаолмаса, бу ҳолда сан'ат, фан ва тирикчиликнинг турли соҳаларида инсонларнинг ҳархил қийин ишларга кириштирган ва бу ишларни бажариб саранжомига етказиш учун уларга ғайрат бағишлаган сабабларнинг нималигини мен асло тушунолмайман...".

Фадеев Олег Кошевойни совет кишиларининг „энг ёш янги бўғинининг" энг яхшиларининг намояндаси деб та'рифлаб, улардаги „хаёлпарастлик ва фаоллик хаёлнинг баланд парвозлиги блан амалий ишчанлик каби „бир-бирига сра тўғри келмаган ва ёпишмаган" дек кўринган фазилатларни махтайди. Бу фазилатлар фақат юзаки қарагандагина „бир-бирига тўғри келмагандек" кўринади. Орзу қилиш блан баланд парвоз хаёл суриш иккови кишини ғайратлантирадиган қувватли бир кучдир. Киши орзу қилганда келажакни кўзлайди, илгарига боқади ва ўз орзуларини, келгусида қилмоқчи бўлган ишларининг бир программаси, истиқболи деб билади. Кишининг тилак ва ҳаваслари орзу образларида гавдаланиб, куч олади ва амалийлашади. Бу ҳол „Ёш гвардия"даги Сергей Тюленин образида (XII боб), сўнгра Люба Шевцова образида (XXII боб), айниқса аниқ кўрсатилган. Буларнинг иккининг ҳам мардоналик қилиб иш кўрсатишни жуда қаттиқ орзу қилганликлари улар ма'навиётининг юксалишида ниҳоятда катта роль ўйнайди.

Агар кишининг орзуси унинг учун бир эрмак бўлса, орзу фаолият ўрнини босса, одам ҳаракат ўрнига фақат орзу блан

банд бўлса, турмушдан қочиб орзу қучоғига кириб кетса, бу ҳолда орзу тамомила бошқа хил нарсага айланиб кетади. Бу хил орзу блан банд бўлган кишилар илгари боқмай, уён-буёнга аланглайдилар. Улар ўз орзуларини амалга ошган тилак фаҳмлайдилар ва бу ҳол уларни ўз тилакларининг хаёлда эмас, ҳақиқатда амалга ошиши учун курашишдан қутқазади. Бу хил кишиларни беҳуда орзуга берилган „орзупараст“ дейдилар.

60. ХАЁЛ ВА ҲИС.

Хаёлнинг иши инсоннинг ҳиссиёти блан жуда маҳкам боғлангандир. Хаёл блан ҳиссиёт ўртасидаги бу боғланиш икки ёқламадир. Бир томондан, *ҳис хаёлни уйғотади*: қўрқув та'сири блан кишининг хаёли бирталай хавф-хатарларни унинг кўз олдига келтиради; одам бир нарсадан хурсанд бўлганда унинг бу хурсандлиги келажакда қўлга киргизадиган бирқанча муваффақият ва ютуқларни унинг кўз олдига келтиради. Иккинчи томондан, *хаёл бирқанча ҳиссиётларни туғдиради, ёки бор ҳиссиётларни кучайтиради.* Кўп кишилар тишларини олдирмоқчи бўлганларида тиш оғриғини ўйлаб шундай хаёл қиладиларки, тишларини дарвоқи' олдирганларида бир пастда ўтиб кетадиган оғриқдан неча баравар ортиқ ваҳмага тушадилар.

Хаёл блан ҳиснинг алоқадорлиги бадиий асарлар яратишда жуда яққол кўринади. Сан'аткор ўйлаган ижодига лоқайд бўлса, ўйлаган нарсасининг мазмуни уни ҳояжонга келтирмаса, унинг завқини қўзғотмаса унинг ижоди ҳеч маҳал том ма'носи блан тўла яйрамайди. Ижодий хаёл самараси бўлган нодир асарлар ҳамиша чуқур ҳислардан туғилади.

Чайковский „Евгений Онегин“ операси тўғрисида шу сўзларни айтган: „Агарчи бирор замонда воқианинг мазмунига ва ундаги қатнашучиларга астайдил меҳр ва муҳаббат қўйиб ёзилган музика асари бўлган эса, бу асар „Онегин“ музикасидир. Бу музикани ёзганимда ниҳоятсиз завқ-шавқлар ичида эридим, титрадим“. Кейин ижодиятнинг давомида ҳиссиёт та'сири блан ҳаёл образларининг ўзи ҳиссиёт манбаи бўлиб қолади, я'ни бу хаёл образлари уларни яратган сан'аткорни ҳақиқатда воқи'бўлган нарсалардан қолишмайдиган даражада тўлқинлатиши ва ҳаяжонга келтириши мумкин. Глинка ўз хотиротида, Сусаниннинг ўрмон ичида поляклар блан учрашгандаги аҳволи менга шундай қаттиқ та'сир қилдики, „чочларим тиккайиб, баданим жимирлашиб кетди“, дейди. Чайковский „Пиковая дама“нинг охирги кўриниши тамом бўлган куни хотира дафтарига „Герман жон берганда қаттиқ йиғладим“ деган сўзларни ёзиб қўйди.

Бадиий асарларни идрок қилгандаги хаёл блан ҳис ўртасидаги боғланиш ҳам шу тақлиддадир. Бир асар бизга қанча кучли та'сир қилиб, қанча қаттиқ тўлқинлатса, тасаввур хаёли шунча қаттиқ ишлайди, бир асар қаҳрамонлари ва улар ҳаракат этган жойлар тўғрисидаги тасаввурларимиз қанча аниқ ва равшан бўлса, уларнинг ҳиссиётларидан шунча чуқур ва қаттиқ та'сирланамиз.

Сан'ат ёлғиз хаёлни тарбияламай, балки ҳиссиётни ҳам тарбиялайди. Адабиётга, музика ва рассомликка доир нодир улуғ асарлар, чуқур ва зўр ҳиссиётлар хазинасидир, шунинг учун сан'ат киши кўзига чуқур ва зўр ҳиссиётлар оламини очади, туйғуларини уйғотиб, ҳиссиёт доирасини кенгайтиради, бинобарин, кишининг руҳий ҳаётини бойитиб, ма'навиётини юксалтиради.

Хаёл бўлмаса кишининг ҳаётида завқ ҳам бўлмайди. Хаёли юксалмаган одам албатта ўзининг шахсий туйғулари доирасида ўралашиб қолади. Бировлар шодланганда, қўшилишиб шодланиш, бировлар қайғирганда, қўшилишиб қайғириш учун хаёл воситаси блан ўзини бошқалар ҳолида фаҳмлай олмоқ, ўзини хаёлда бошқалар ҳолига сола билмоқ керак. Бошқаларга чинакам шафқат ва меҳрибонлик кўрсатиш, бошқаларнинг дардига дардлашиш учун кишида жонли хаёл бўлмоғи шартдир.

61. ТАСАВВУРЛАРНИНГ ХАЁЛДА ЎЗГАРИШИ

Хаёлнинг иши ҳамиша идрок қилинган нарсаларни ишловдан ўтказиб ўзгартиришдан иборатдир. Энди хаёлнинг бу ишни қандай бажариши блан танишайик. Бунга оид мисолларни ёзучининг ижодий хаёли соҳасидан оламиз, чунки бунда хаёлнинг энг муҳим нозик хусусиятлари ғоятда аниқ ва равшан ошкор бўлади.

Л. Н. Толстой „Уруш ва тинчлик" романининг қаҳрамони бўлган Наташа Ростованинг образини қандай яратганлигини сўзлаб, бир кун шундай деган: „Соня блан Таняни янчиб аралаштирдим, бундан Наташа чиқди". Соня Лев Николаевичнинг хотини Софья Андреевна Толстая, Таня эса унинг эгачиси Татьяна Андреевна эди. Демак, Наташа Ростованинг образи, Толстойга жуда яқин таниш бўлган икки хотин образининг қўшилганидир[1].

Қандай қилиб бу равишда қўшиш мумкин бўлади? Икки кишининг образини қўшиб, бирлаштириб қўя қолиш мумкин эмас-ку. Бу образларнинг ҳарқайсисининг хусусиятларини, ёки ҳарқайсисининг аломатларини алоҳида қилиб ажратиш, сўнгра ҳар икки образнинг бу аломатларидан ба'зиларини қўшиб, булардан янги бир образ яратиш керак бўлади.

Бинобарин, бу процесснинг икки томони бор: 1) *анализ* қилиш, я'ни яхлит бир образдан унинг айрим хусусият ёки аломатларини ажратиб олиш; 2) *синтез* қилиш, я'ни айрим хусусият ёки аломатларни *бирлаштириб*, улардан янги, бутун бир образ яратиш. Бу томонининг иккови, я'ни анализ блан синтез, ижодий хаёлнинг энг муҳим зарур қисмидир. Хаёл,

---

[1] Ҳақиқатда Наташа Ростованинг образи бундай жўнгина эмас, балки анча мураккаб равишда яратилгандир. Толстой бунда айтилган сўзларида фақат бу образнинг асосий манбаини кўрсатган, холос.

идрокка кирган образларнинг алоҳида томонларини ёки аломатларини ажратиб олиб, булардан яхлит ва бутун янги образлар яратади.

М. Ю. Лермонтовнинг „Замонимиз қаҳрамони“ босилиб чиққанда, ба'зи танқидчилар, Печориннинг образи ёзучининг ўзи эмасми, деган эҳтимолларни қилдилар. Лермонтов мазкур асарининг иккинчи нашрига ёзган сўзбошисида бояги танқидчиларга жавоб бўлсин деб, Печорин „айнан кўчирилган суратдир, ва лекин ёлғиз бир кишининг сурати эмас; бу сурат ҳозирги бугундаги барча айб ва нуқсонларнинг авжига чиққан суратидир“ деди. Бинобарин, Лермонтовнинг ўз иқрорича, Печориннинг образи, у кўрган бирқанча кишиларнинг сифат ва хусусиятларидан йиғиб яратилган бир образдир, я'ни „ҳозирги бўғинимиздаги барча айб ва нуқсонлардан таркиб топган“ образдир, (албатта, том ма'носи блан бутун авлод эмас, балки бу авлоднинг ма'лум бир табақаси, синфий гуруҳидаги айб ва нуқсонлардан таркиб топган образдир).

Бадиий асардаги образларни яратишни Горький ҳам шу равишда баён қилади. „Қаҳрамоннинг характери, унинг ижтимоий гуруҳидан бўлган турли одамларнинг қиёфаларидан олинган бирқанча айрим хусусиятлардан бин'ёдга келади... Бир ишчи, бир поп, ёки бир дўкондорнинг суратини тахминан тўғри чизмоқ учун уларнинг бир-икки юзтасига диққат блан разм солиб юрмоқ керак бўлади“ дейди Горький.

Бадиий асарларда тасвир қилинган ва бир *тип* дейиш мумкин бўлган образларнинг барчаси шу равишда яратилади. Қачонки бирталай одамга хос бўлган хусусият ва сифатлар бир образда тўпланса, бу образ, Горький та'бирича айтганда, „бирхилдаги бирталай фактлардан сиқиб олинган қаймоқ бўлса“, шундагина образ *типга* айланади. Бундай образни яратилиши *умумийлаштиришдан* иборат бўлган, я'ни бирқанча фактларга тегишли бўлган аломатларни йиғиб, сўнгра бу оламатларни бир образда ифода қилишдан иборат бўлган ишдир.

Броқ ёзучининг ижодий хаёли блан яратилган образнинг хусусияти шуким, бу образ, гарчи бирқанча сифатларни умумийлаштириш натижасида вужудга келган бўлса ҳам, ҳар ҳолда *бир кишининг* образи бўлиб қолаберади ва ёлғиз шу кишининг ўзига хос бўлган сифатларини кўрсатади. Печорин бутун бир бўғиннинг айб ва нуқсонларининг йиғиндисигина эмас. Печорин, у мансуб бўлган авлоднинг барчасига эмас, балки ёлғиз унинг ўзига хос бирқанча сифатларга эга бўлган ва нуқсонларигина бўлиб, бошқа яхши фазилатлари йўқ эмас, балки нуқсонлари блан бирга талай яхши фазилатлари ҳам бўлган жонли бир одамдир.

Бундай образни яратиш процессини тўғри тушуниш учун, хаёлнинг турли хусусиятларини йиғиб, таркиблаш иши таҳлил, я'ни анализ йўли блан ажратиб олинган турли сифат ва ху-

сусиятларни бир-бирига механик равишда қўшиш ва мослашдан иборатдир, деб ўйламаслик керак. Бу йўл блан жонли одам образини эмас, балки руҳсиз бир суратни яратишгина мумкин.

Ҳақиқатда хаёлнинг ижодий иши ёзучининг ботин кўзи, я'ни кўнгил кўзи олдида қаторлашиб турган жонли ва равшан образлардан бошланади. Сан'аткор бу образлар устида ишлаб, ўз тилак ва мақсадига мувофиқ равишда уларни секин-секин ўзгартиб боради.

Бунда биздаги тасаввурларнинг юқорида (113 бетда) айтилган бир хусусияти ниҳоятда муҳим роль ўйнайди. Бизнинг тасаввурларимиз об'ектнинг барча хусусият ва аломатларини бирхил даражада равшан акс этдирмайди. Об'ектнинг бирор сабаб блан биз учун ҳаммадан мароқли ёки ҳаммадан муҳим бўлган ба'зи томонлари унинг умумий кўринишидан ҳамиша яққолроқ кўриниб туради. Типик образлар аввало *жонли, аниқ бир одамнинг образидаги кўпчиликка хос бўлган умумий сифатларини лўнда ва яққол кўрсатиш, та'кидлаш ва айириш йўли блан* яратилади. Лермонтовнинг юқорида айтилган сўзларини эсга олайлик: Печориннинг образи бутун авлоднинг нуқсонларидан таркиб этилмай, балки бу „нуқсонларнинг авжига чиққанидан" таркиб этилгандир. Муайян бир хусусиятнинг алоҳида қилиб ажратилиши, аксари, худди ана шу „авжига чиққан" ҳолда майдонга чиқади, я'ни бориб турган даражада кучли ва яққол кўринади.

Бу муносабатдан қараганда, *муболаганинг*, я'ни бир нарсанинг айрим хусусият ва аломатларини ошириб кўрсатишнинг ижодий хаёлда қандай муҳим роль ўйнаши ма'лум бўлади. Муболаға образни аниқ ва равшан ва кучли қилади, унинг айрим хусусиятларини бўртдириб, яққол кўрсатишга жуда катта ёрдам беради.

Такрорлаш учун саволлар

1. Хаёл деб нимани айтамиз?
2. Хаёлнинг идрокка қандай муносабати бор?
3. Кишининг касби-корида хаёлнинг қандай аҳамияти бор?
4. Тасаввур хаёли деб нимани айтамиз?
5. Тасаввур хаёли қандай шартларга жавоб бериши керак?
6. Ижодий хаёл деб нимани айтамиз?
7. Ижодий хаёлнинг та'рифини қилинг.
8. Орзу нимадир?
9. Орзунинг қиммати нимадир?
10. Хаёлий образлар яратишда таҳлил ва таркиб (я'ни анализ ва синтез) қандай роль ўйнайди?
11. Типик образлар қандай туғилишини айтиб беринг?

Масалалар

1. Геометрия ва тарих ўрганганда, тасаввур хаёлининг зарурлигини мисоллар блан кўрсатинг.

2. Биронта бадиий асардан парча ўқиганингизда ўзингизда қандай тасаввур туғилганини мумкин қадар тўғри ёзиб беринг.

3. Илмий ишда ижодий хаёлнинг қандай роль ўйнаганини мисол блан кўрсатинг.

4. Адабиётдан фойдалик орзу блан „орзупарастлик“ мисолини топиб кўрсатинг.

IX боб

ТАФФАКУР ВА НУТҚ

62. ТАФФАККУР ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ МА'ЛУМОТ

Эрталаб уйқудан туриб, ойнадан ташқари қараган одам ернинг ҳўллигини кўриб, „Кечаси ёмғир ёғипти“ деб ўйлайди.

Бу ҳол фикр қилишнинг яққол бир мисолидир. Ёмғир ёққанини одам *бевосита* ўзи кўргани йўқ. Ёмғир ёққанини *бавосита* билди, я'ни бошқа фактлар орқали билди. Тафаккурнинг биринчи аломати шуки, у ҳақиқатда мавжуд нарса ва ҳодисаларни *бавосита билиш* процессидан иборатдир.

Нарса ва ҳодисаларни бундай бошқа фактлар воситаси блан билиш имкони нимага асосланади? Аввало нарса ва ҳодисаларнинг бир-бирига бўлган *алоқа ва муносабатига асосланади.* Кечаси ёмғир ёққанини билган одам, фақат ёмғир блан ернинг ҳўллиги ўртасида сабабчилик муносабати борлигини билганидангина, кечаси ёмғир ёғипти, деган фикрга келади.

Тафаккурнинг, муҳимликда бундан қолишмаган иккинчи аломати шуки, тафаккур ҳақиқатда мавжуд нарса ва ҳодисаларни *умумийлаштириб* билишдан иборатдир.

Қачондир *бир марта* ёмғир ёққанда ер ҳўл бўлганини билиш кифоя қилмайди. Бундан ҳечқандай хулоса чиқазиб бўлмайди. Ер ҳўл бўлганда, ёмғир ёғипти, деган фикрга келиш учун, қачонки бирмунча қаттиқроқ ёмғир ёғса, доим ер ҳўл бўлади, деган умумий қоида чиқарилган бўлиши керак. Бошқача айтганда, одам қилган мушоҳадаларининг натижасини *умумийлаштириши* керак бўлади. Икки факт ўртасидаги муносабатни билиш кифоя эмас, чунки бу муносабатнинг *умумийлигини* унинг нарса ва ҳодисаларнинг *муштарак* хоссаларидан келиб чиққанини ҳам билмоқ керак. Бизнинг бояги мисолимизда ёмгир блан ернинг ҳўллиги ўртасидаги сабабчилик муносабати алоҳида бир ёмгирнинг хос хусусиятидан туғилмай, балки бирмунча қаттиғроқ ёққан ҳамма ёмғирларга хос бўлган умумий хусусиятдан туғилади.

Ҳарбир тафаккур, *нарсаларнинг муштарак хоссаларини, я'ни бир-бирига ўхшаган бирқанча нарса ёки ҳодисаларнинг*

ҳаммасида бор бўлган умумий хоссаларни акс этдиришдир.

Тафаккур бизнинг бевосита кўрмаган нарсаларимзни билишга имкон беради Бундан ташқари, тафаккур воқиаларнинг қандай жараён қилиб боришини ва бизнинг ўз ҳаракатларимизнинг қандай натижаларга элтишини *олдиндан билишга* ҳам имкон беради.

Биздаги билиш процесси сезги блан идрокдан бошланади. Лекин биз ҳамиша алоҳида фактларни идрок қиламиз, алоҳида фактларни идрок қилиш эса бошқа фактларнинг қандай жараён қилишини олдиндан билиш имконини бераолмайди. Чунончи, агар қўлимиздаги бир бўлак қандни чойга солиб эритиб кўрмаган бўлсак, бошқа бўлак қандларни чойга солгандаги натижани ҳеч умумийлаштирмаган бўлсак, *қўлимиздаги* бир бўлак қанднинг иссиқ чойда қандай эришини қаёқдан билардик? Қандни чойга солганда нима бўлганини аввал кўрганлигимиздан ва бу натижани умумийлаштирганимиздан, сўнгра қанднинг ҳамма қандларга *муштарак бўлган* ба'зи *хоссаларини* билганимиздан ва қанднинг қанча вақтда эриши блан сувнинг ҳарорат даражаси ўртасидаги *муносабатни* билганимиздан, қандни чойга солганда нима бўлишини олдиндан биламиз.

Шу тариқа, **тафаккур — нарсаларнинг муштарак хоссаларини акс этдириш ва улар ўртасидаги доимий муносабат ва алоқаларни топишдир,** деяоламиз. Бу та'рифни бошқача айтганда, **тафаккур ҳақиқатда бор нарсаларни умумийлаштириб, бавосита билишдир.**

63. НУТҚ ВА УНИНГ ТАФАККУРГА АЛОҚАСИ

Бизнинг тафаккуримиз нутқимиз блан маҳкам боғлиқдир.

Биринчидан, инсонлар нутқ воситаси блан бир-бирларига фикрларини билдирадилар. Нутқ инсонлар ўртасидаги *алоқа воситасидир.*

Иккинчидан, аксари одамлар нутқ ёрдами блан фикр қиладилар. Демак, нутқ *тафаккур қуролидир.* Агар бировдан, „қайси тилда ўйлайсиз?“ деб сўралса, ҳеч таажубланмасдан, дарров „ўзбек тилида“, „рус тилида“, „украин тилида“ деб жавоб беради. Икки-уч тилни яхши билган одам бу тилларнинг ҳаммасида ўйлай олади. Биз, одатда, доим *сўзлар* воситаси блан *фикр қиламиз.*

Нутқнинг алоқа ва муносабат воситаси бўлиши учун бошқаларнинг қулоғига эшитиладиган, ёки кўзига кўринадиган, бironта *зоҳирий* аломати бўлиши шартдир. Биз фикр қилганда товушсиз, кўнгил нутқи ёрдами блан фикр қиламиз; зоҳирий аломати бўлган ташқи нутқ блан бу кўнгил нутқини бир-биридан фарқ қилиб, бу кўнгил нутқини *ички нутқ* деймиз.

Ташқи нутқ икки хил бўлади, бири — *оғзаки* гап, иккинчиси — *ёзма* гапдир. Бундан ташқари, оғзаки нутқнинг ўзи ҳам икки турли бўлади: *диалогик* нутқ (гаплашиш ма'носидаги „диалог" сўзидан). Нутқнинг бу хили икки ёки бирнеча одам ўртасида бўладиган гапдир. Оғзаки нутқнинг иккинчи тури *монологик* нутқдир (бир кишининг гапи ма'носида бўлган „монолог" сўзидан). Монологик нутқ бир кишининг гапи, доклади, ёки лекциясидир. Бунда сўзловчи бир киши бўлиб, қолганлар тингловчи бўладилар. Шу тариқа, *ташқи нутқнинг уч тури* бор экан: *оғзаки айтилган диалогик нутқ, оғзаки монологик нутқ ва ёзма нутқ.*

Ҳарбир нутқ ма'лум бир мазмунни билдиришдан ташқари, сўзловчи ёки ёзучи одамнинг бу мазмунга қандай қараганлигини ҳам билдиради. Бошқа та'бир блан айтганда, ҳарбир нутқ ма'лум фикрларни билдиришдан ташқари, ма'лум ҳисларни ҳам ифода қилади. Нутқнинг бу томони унинг *ифода* томони дейилади. Ифодаси кучсиз бўлган нутқ ҳарқанча ма'нодор бўлса ҳам, руҳсиз, ўлик ва бета'сир бўлади. Оғзаки нутқда сўзловчининг ҳиссиёти, унинг товушида, имо-ишоралари ва бошқа ҳаракатларида кўринади; ёзма нутқда бўлса, бу воситалар йўқлигидан ёзучи сўзларни танлаб ёзиш ва уларнинг ҳарқайсисининг жойини билиб ишлатиш йўли блан ёзма нутқини ифодали қилади.

Нутқ тафаккурнинг энг керакли қуролидир. Аммо бундан тафаккур нутқдан иборатдир, фикр қилиш кўнгилда ёки тилда гапиришдан иборатдир, деган ма'но чиқмайди. Бир фикрни бирнеча тилда баён қилиш мумкинлиги фикр бошқа, унинг сўзда ифода қилиниши бошқа эканини кўрсатади. Бир фикр бирнеча хил тилда айтилганда, фикрнинг ўзи ўзгармайди, ва лекин уни ифода қилган сўзлар тамомила ўзгаради. Бир фикр турли шаклда айтилиши мумкин, ва лекин қандай бўлмасин бирон хил гап шаклига кирмаган фикр, одатда инсонда сра бўлмайди.

Ҳарбир кишига ма'лум бўлган бир ҳолат бор, у ҳам бўлса шуки, ба'зида одам бир фикрни тушуниб турганини билса ҳам, уни сўзда ифода қилаолмайди. Сўз шаклига кирмайдиган фикр инсонда сра бўлмаса, тушунилиб турган фикрни айтаолмасликнинг сабаби нима? Одам ба'зида „буни пайқаб турипман-у, лекин айтиб беролмаяпман" дейди. Бундай ҳоллар умумий қоиданинг истисносидир, сўзда ифода қилинаолмайдиган „сўзсиз фикр" шудир, деган эҳтимолларнинг бўлиши мумкин.

Аммо бундай эҳтимол нотўғридир. Бунда гап сўзсиз фикрни ифода қилиш учун сра мувофиқ сўз топилмаганлигида эмас, балки фикрни *ички нутқда ифода қилишдан ташқи нутқда ифода қилишга кўча билмасликдадир.* Агар одам бир фикрни дарвоқи' тушунган бўлса унинг бу тушунганини биронта сўзда ифода қилинмасдан иложи йўқ. Лекин менинг фикримнинг фақат ўзимга тушунарлик бўлган ифодаси бошқа,

ўзга одамларга тушунарлик ифодаси бошқа. Биров ўз фикрини сўзда айтаолмаса, демак, бошқаларга тушунарлик тарзда ташқи нутқ шаклида айтаолмаган бўлади.

Ички нутқнинг ташқи нутқдан фарқи унинг ёлғиз товушсизлиги эмас. Ички нутқ тузилиши жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Ташқи нутқ бошқалар учун бўлган нутқ бўлгани ҳолда, ички нутқ кишининг ўзи учун бўлган нутқдир. Шу сабабдан ички нутқ сўнг даража қисқа ва калта-калта бўлади. Киши ўз фикрларидан шу қадар, воқифки, бу фикрларни узун баён қилиб ўтирмасдан баённинг кўпини қисқартса ҳам бўлади.

Ички нутқ аввал гапни бир ерга тўхтатиб қўйган икки кишининг бир-бирига ёзган калта-калта сўзлик телеграммасига ўхшайди. Чунончи, „ўнбешинчида олтинчи блан соғ ёз" деган телеграмманинг ма'носи, „ўн бешинчи мартда олтинчи поезд блан бораман. Снам соғ, унга хат ёз" деган ма'нони онглатиши мумкин. Бу равишда ёзилган телеграмманинг ма'носини гапдан тамомила хабардор бўлган одамдан бошқа ҳечким тушунмайди. Агар кишининг ички нутқини бошқалар эшитиши мумкин бўлса, уни эшитганларнинг унга тушуниши тағин ҳам қийин бўлар эди.

Ички нутқдан ташқи нутқга кўчиш, фикрнинг сўз шаклига кирган ифодасини қайтадан тузишни талаб қилса керак, шунинг учун ички нутқдан ташқи нутқга кўчиш анча қийинлиги турган гап.

Ўз фикрини „сўз блан ифода" қилаолмасликдан иборат бўлган ҳолатни текширганда яна шуни ҳам айтмоқ керакки, аксари бизнинг ўзимизга ҳам обдон аниқ бўлмаган фикрларни „сўз блан ифода қилишга" қийналамиз. Ўз фикрини ўзига обдон аниқлаб олиш учун энг яхши йўл, бу фикрни бошқа одамга айтиб беришга уриниб кўрмоқдир. Агар одам ўз фикрини бошқача тузук айтиб бераолмаса, демак, ўз фикри ўзига яхши аниқ бўлмаганлиги, фикрида қандайдир бир мужмаллик, ноаниқлик борлиги ма'лум бўлади. Фикр қачонки аниқ ва равшан ва тўла ифода қолипига кирса, шундагина аниқ ва тугал бўлади. Агар одам гапирганда ҳам, ёзганда ҳам чалкаш, мужмал гапирса ва ёзса, демак, унинг фикри ҳам аниқ ва равшан бўлаолмайди.

Бизнинг фикримиз ташқи нутқда ифодаланганда мукаммаллашади, ўсади ва равшанлашади.

Нутқ одамлар ўртасида бўладиган *алоқа* воситасидир ва одамлар *фикрининг* қуролидир. Нутқнинг бу икки вазифаси бир-бирига маҳкам боғлиқдир. Нутқ алоқа воситаси бўлиб ўсган ва мукаммаллашган сари фикрнинг қуроли бўлиш жиҳатидан ҳам ўсиб мукаммаллашади.

64. ТУШУНЧА ВА СЎЗ

Тафаккур уч асосий шаклда воқи' бўлади. Бу шакллар — тушунча, муҳокама ва ҳукмдан иборатдир.

Тушунча тафаккурнинг шундай бир шаклидирким, бунда нарса ва ҳодисаларнинг умумий ва бу блан бирга энг муҳим хоссалари акс этади.

Масалан, „учбурчак" деган геометрияга оид тушунчада учбурчакларнинг ҳаммасида бўладиган ва бу блан бирга геометрия нуқтаи назаридан муҳим хоссаларнинг барчаси акс

этади. Учбурчак шакли солинган қоғознинг ранги, ёки учбурчакни ҳосил қилган чизиқларнинг йўғон-ингичкалиги геометрия нуқтаи назаридан муҳим эмас, шу сабабдан бу хоссалар учбурчак деган тушунчага кирмайди.

Бизнинг ҳақиқатда мавжуд нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги билимларимиз тушунчаларда йиғилиб, аниқ шаклга киради.

Тушунчанинг тасаввурдан фарқи шуки, тушунча тасаввурга қараганда анча умумийлашган ва мавҳумроқ бўлади. Тасаввур бир нарсанинг образидир, тушунча бу нарса тўғрисидаги фикрдир.

Биз фикр қилган, ўйлаган нарсаларнинг ҳаммаси мужассам образлар йўсинида тасаввур қилинабермайди. Ленин бу қоиданинг жуда яхши бир мисолини кўрсатади: секундда 300 минг километр босадиган ҳаракатни (нурнинг тезлиги) *тасаввур* қилиб бўлмайди, лекин бундай ҳаракатни *фикрга келтириш* мумкин. Минг бурчакни ўзингизга тасаввур қилиб кўринг, буни ҳеч тасаввур қилаолмайсиз. Борди-ю буни тасаввур қилсангиз ҳам, тарафларининг сони жуда кўп бўлиб, қанчалиги нома'лум бўлган кўп бурчаклик бир нарсанинг суратини тасаввур қиласиз, лекин бу суратни мингбурчак деб ҳам, беш юз бурчак деб ҳам, юз бурчак деб ҳам тасаввур қилсангиз бўлаберади. Аммо мингбурчакнинг аниқ ва равшан *тушунчаси* бизда бор, бу тушунчани бешюз бурчак, учбурчак, ёки ҳатто 999 томони бўлган бурчак блан ҳам аралаштириб хато қилмаймиз. Кўпбурчак деган тушунчадан фойдаланиб, бу ҳақдаги масалаларни ҳал қилаоламиз, чунончи, бундай кўпбурчакнинг ичкари бурчакларининг жам'и қанчалигини ҳисоблай оламиз.

Бир нарса тўғрисида ўйлаш блан, бир нарсани тасаввур қилиш иккови бир эмас.

Тушунча одатда сўз ила боғлиқ бўлади ва бизнинг тафаккуримизда сўзларнинг ма'носи тарзида туғилади.

Ниҳоятда муҳим бўлган бу қоидани обдон яхши тушуниб олмоқ учун *бизнинг нутқимиздаги сўзлар*, гарчи алоҳида нарсаларга оид бўлаолсалар ҳам *ҳамиша бирмунча умумий ма'нолари бўлишини яхши уқиб олиш керак*. Ленин, „Ҳарбир сўз... *умумийлаштиради*" дейди.

„Стол", ҳайвон", „паровоз" деган сўзлар алоҳида бир нарсага оид бўлмай, балки бирқанча ўхшаш нарсаларга оиддир. „Қаттиқ" сўзи кўп нарсаларда бўладиган хоссанинг номидир. „Ёзмоқ" сўзи, кўп кишиларнинг турли ваз'иятда қиладиган ишларининг номидир.

Кўчада дуч келиб қолган ошнамдан, қаердан келаяпсан, деб сўраганимда, „қироатхонадан" деб жавоб беради. Бу қироатхонада мен сра бўлмаган *ва уни* сра билмас чиқарман, лекин шундай бўлса ҳам, унинг берган жавобини тушунаман, чунки *умуман* қироатхонанинг нималигини биламан ва „Қироатхона" деган сўзнинг ма'носини тушунаман, қироатхона тушунчаси менда бор.

Сўзларнинг *ўз ма'носидан* ташқари яна *ҳиссиётга* тегадиган томони, та'сирли *ифодаси* ҳам бўлади. Дабдабали, тамтароқли, ше'рий, қизиқчилик ва ҳазил, мулойим, ширин, расмий ва ҳоказо сўзлар бўлади. Чунончи, „от" сўзи блан „тулпор" сўзининг ма'ниси бир бўлса ҳам, лекин ифодаси жиҳатидан фарқи бор.

Пушкиннинг Полтава жанг майдонига Петрнинг келишини тасвир қилган сўзларини олайлик: „Келаётир. Унга тутдилар тулпор. Тулпор шум овозни тинглаб қалтирар. Сўнгра ҳар томонга бир қийғоч б оқиб, майдон томон учар қуюндек якбор, суворисн блан қилиб ифтихор"... Бундаги „тулпор" сўзи ўрнига „от" сўзини қўйсангиз („Келаётир. Унга тутдилар от. От шум овозни тинглаб қалтирар") Пушкин сўзларидаги улуғворлик, дабдаба йўқолади, ҳатто андак ҳазил туси олиб қолади.

Ҳиссиётни қўзғотадиган муносиб сўзлар топиш, нутқни та'сирли ва кучли қилиш учун энг яхши воситалардандир.

Агар мен бир сўзнинг ма'носини тушунсам, миямда гоҳда аниқ ва равшан, гоҳда бирмунча хирароқ бўлса ҳам, ҳар ҳолда бу сўзга муносиб бўлган бир тушунча туғилади. Аксари, мияда тасаввур ҳам туғилади, аммо бу тасаввур кўпинча тушунчани тасвирлаб кўрсатиш ролини ўйнайди.

Бир экспериментда бирнеча одамга ма'лум сўзларни айтиб, бу сўзларни эшитганда, уларда қандай тасаввурлар туғилиши синалди. Бунда „ҳайвон" сўзини эшитганда бировнинг тасаввурида қўшнисиникидаги мушукнинг сурати пайдо бўлди, бировнинг тасаввурида эгарланган от сурати, яна бировнинг тасаввурида оқиш нарса устига катта ҳарфлар блан ёзилган „ҳайвон" сўзининг сурати пайдо бўлди. „Беиоёнлик" деган сўз бировда ҳартарафга ёйилиб кетган, кенг дашт тасаввурини туғдирса, бировда тўппа-тўғри тортилган узун чизиқ тасаввурини туғдирди, яна бировда „∞" шаклдаги математик белги тасаввурини туғдирди.

Турли кишиларда ҳархил суратга кирган бу образлар тушунчанинг мазмунини тўла ифода қилмай, уни фақат тасвир қилганлиги аниқ. Синалган одамларнинг биринчиси „ҳайвон" сўзини қўшнисиникидаги мушуклигини ўйламаган эди, „ҳайвон"дан мурод эгарланган отлигини иккинчи одам ҳам ўйламаган эди. Бу одамларнинг ҳаммаси „ҳайвон" сўзининг ва шунингдек ўз она тилларидаги бошқа одатдаги сўзларнинг ҳам ма'носини тахминан бир хилда тушунар эдилар. Шунинг учун ҳам, гарчи бир сўз уларнинг ҳарқайсисида бир-бирига ўхшамаган ҳархил тасаввурлар туғдирса ҳам, гаплашганда бир-бирларининг гапини тушунаберадилар.

Алоҳида конкрет тасаввур, сўзнинг ма'носини бермайди. Тасаввур, сўзнинг умумий ма'носидаги жуз'ий бир томонини кўрсатучи бир мисол сингари роль ўйнайди.

Аммо бундан тушунчаларда жараён қиладиган тафаккур тасаввур ёрдамига муҳтож эмас, тафаккурда образлар ҳечқандай роль ўйнамайди, деган ма'но онглашилмайди. Умумий қоидаларни билиш учун алоҳида айрим мисолларни билиш лозим бўлганидек, турли тушунчаларда жараён қилучи тафаккур ҳам кўпинча алоҳида, конкрет образлар ёрдамига албатта муҳтождир. Масалан, бирқанча геометрия масалалари борки, масаласини ечиш лозим бўлган турли чизиқ, бурчак ва шакллар-нинг туриш ваз'иятини аниқ ва яққол тасаввур қилмагунча, бу масалаларни асло ечиб бўлмайди. Бирон машинанинг турли қисмлари қандай жойлашганини ва бир-бирига қандай уланганини аниқ ва равшан тасаввур қилмагунча, фақат бировнинг

айтиб берганига, ёки ёзганига қараб, бу машинанинг қандай ишлашини тушунаолмаймиз.

Тажриба шуни кўрсатадики, бизнинг фикримиз биронта қийинликка учраб қолса, аксари шундай ҳолларда мужассам тасаввурлар бизда кўпроқ туғилар экан. Бир қоиданинг ма'носини дарров тушуниб бўлмаса, унинг қандай ҳолларга тегишлигини амалда яққол тасаввур қилишга уриниб кўрамиз.

65. УМУМИЙЛАШТИРИШ ВА АБСТРАКЦИЯ

Тушунча *умумийлаштириш* асосида, *я'ни ҳақиқатда мавжуд нарса ва ҳодисаларнинг муштарак хоссаларга эга бўлган бирқанчасини фикрда бирлаштириш* асосида пайдо бўлади.

Умумийлаштириш тушунчаларда энг тўла шаклга киради, аммо унинг бошланишини оладиган бўлсак, тасаввурлар пайдо бўлиши бланоқ умумийлаштириш ҳам бошланади.

Агар биздаги хотира тасаввурини олсак, бизда туғиладиган образ ва хотираларимизни олсак, буларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: биринчиси бизнинг эсимизга айниқса қаттиқ ўрнашиб қолган пайтда бир об'ектни эсимизга солган тасаввурлар бўлса, иккинчиси бир об'ектни *умуман* эсимизга соладиган, бизнинг бу об'ект тўғрисидаги „умумий хотирамизга" тегишли тасаввурлардир.

Хожи Муроднинг ўз ўғлини эслаши биринчи хил тасаввурнинг мисолидир: „ўғлини охирги чоғда кўрган сурати эсига тушди... Кийинган, қуроласлаҳаларини таққан, отини етаклаб олган эди. Юсуфнинг қип-қизил нақш олмадек чиройлик юзида, келишган баланд бўйлик қадди-қоматида... ёшлик ғурури, ҳаёт завқи жўш уриб турар эди".

Иккинчи хил тасаввурнинг яққол мисоли, Л. Н. Толстойнинг „Болалик" деган ҳикояси... қаҳрамонининг ўз онаси тўғрисидаги эсида қолган хотирасидир (юқоридан 113 бетга қаралсин): „Волидамни эслаганимда ҳамиша меҳр ва шафқат блан қараб турган кўзлари, бўйнидаги холи... Оқ ёқаси... мулойим қупқуруқ қўллари кўз олдимга келади, холос..."

Биринчи гуруҳга кирган тасаввурларда умумийлаштириш йўқ. Бу тасаввур бир маҳалда идрокка кирган образни эсга олишдир, холос. Бизнинг хотира образларимизнинг кўп қисмини ташкил қилган иккинчи гуруҳ тасаввурлар, гарчи алоҳида об'ектларга доир бўлса ҳам, бирқанча идрокларнинг умумийлаштирилиши натижасида туғилган ва бу идрокларнинг хулосасига ўхшаган бир нарсадир. Мен ўзим ўтириб ишлайдиган столимни ҳар тарафидан, ҳархил масофадан, ёруғ ва қоронғида кўрганман. Лекин уни тасаввур қилганимда, меним ундан олган турли идрокларимга тўғри келадиган минг хил суратда тасаввур қилмай, балки улардан биттасини тасаввур қиламан. Мен тасаввур қилган бу умумий образда столнинг энг муҳим ва доимий аломатлари ҳаммадан равшанроқ кўринади, меним айрим идрокларим блан боғлиқ бўлган томонлари

эса, бунда кўринмайди, ёки кўринса ҳам жуда заиф тусда хира кўринади.

Шу тариқа бизнинг алоҳида ёлғиз нарсалар тўғрисидаги тасаввурларимизнинг кўпида умумийлаштиришнинг ба'зи элементлари бўлади. Ўхшаш нарсаларнинг бирқанчасини ўз доирасига олган умумийлаштиришнинг бундан буёнги давоми икки йўлдан боради.

Биринчи йўл хаёл ҳақидаги бобда (145 бет) баён қилинган *типик образлар* яратиш йўлидир, иккинчи йўл *тушунчалар* яратишга томон элтадиган йўлдир.

Типик образ алоҳида об'ектларнинг барча хусусий аломат ва сифатларини сақлайди, умумийлаштириш эса, бу хусусий аломат ва сифатлардан бирқанча об'ектларга тегишли бўлиб, ўртада муштарак бўлганларини айириб олиб, уларни илгари суриш ва кўпроқ та'кидлашдан иборат бўлганини биламиз. Тушунчага келсак, бунда масала бирмунча бошқароқ. Бир тушунчани пухталамоқ учун, айрим об'ектларнинг барча жуз'ий сифат ва аломатларидан *кўз юмиб*, бир гуруҳ об'ектнинг ҳаммасига хос бўлган муҳим сифат ва аломатларнигина сақлаб қоламиз. *Об'ектларнинг муҳим бўлмаган, иккинчи даражадаги аломатларини ташлаб, миямизда бу гуруҳ об'ектларнинг ҳаммасига хос бўлган энг муҳим аломатларнигина фикран ажратиб олиш абстракция дейилади.* Абстракция ёрдами блан қилинган умумийлаштириш натижасида образ эмас, балки *мавҳум* (абстракт) *фикр* ҳосил қиламиз. Тушунчанинг типик образдан фарқи шудир.

Аввал бошда умумийлаштириш амал блан қаттиқ-боғлиқ бўлади. Амалий ишда бирхил вазифани бажараоладиган нарсаларнинг барчаси бир гуруҳга тўпланади. „Бир нарсанинг нимага ярашлигини“ ажрим қиладиган аломатлари, у нарсанинг муҳим аломатлари деб ажратилади. Гўдакларнинг турли нарсаларга берган та'рифларида бу ҳол жуда яққол кўринади, чунончи, гўдаклар, „пичоқ — кесиш учун“, „от — миниш учун“ дейдилар ва ҳоказо ва ҳоказо. Нарсаларнинг амалда бажарадиган юмушлари нуқтаи назаридангина муҳим бўлмай, бошқа жиҳатдан ҳам муҳим бўлган хоссаларини айиришга асосланган *назарий умумийлаштириш* қобилияти кейин, секин-секин пайдо бўлади.

66. ҲУКМ ВА ХУЛОСА ЧИҚАРИШ

Бизнинг *тафаккуримиз* буюмларнинг айрим томонлари ўртасидаги *алоқа ва муносабатни*, ёхуд айрим буюм ва ҳодисалар ўртасидаги *алоқа* ва *муносабатларни* акс этдиради. *Бу акс этиш ҳукм шаклига киради.*

Ҳукм—фикрнинг бир нарса тўғрисида қилган тасдиқи, ёки инкоридир. Нутқда ҳукм гап шаклида айтилади.

„Учбурчакдаги бурчакларнинг жам'и икки тўғри бурчакка тенгдир“, „кеча мен театрда эмасдим“, „ишқаланишдан иссиқ

чиқади“ — бу гапларнинг ҳарқайсиси турли ҳукмларнинг сўз блан ифода қилинганидан бир мисолдир.

Ҳукм таркибида ҳамиша ҳукмни ифода қилучи сўзларнинг ма'носини ташкил этган *тушунчалар бўлади*. „Кеча мен театрга бордим“ деган ҳукм „театр“ нималигини билмаган одамга ҳечқандай ма'нони билдирмайди. Одам, ишқаланиш, сабаб, иссиқ тушунчаларини билмаса, „ишқаланиш иссиқнинг сабабидир“ деган ҳукмни ҳам билмайди.

Иккинчи томондан, *тушунчанинг мазмуни фақат ҳукм шаклида ошкор бўлмаса, бошқа шаклда ошкор бўлмайди*. „Учбурчак“ тушунчасини ҳосил қилиш нима демакдир? Бу тушунчага эга бўлмоқ, учбурчак тўғрисида, „учбурчак деган нарса уч ёғи учта тўғри чизиқ блан чекланган сатхий (ясси) шаклдир“, „учбурчакнинг ичкарисидаги бурчакларнинг жам'и икки тўгри бурчакка тенгдир“ деган ва бошқа бунинг каби ҳукм қилишдир. Бир буюм тўғрисида ма'нолик бир ҳукм айталмайдиган одамда бу буюм тушунчаси ҳам бўлмайди.

Бирон буюмни билиш, унинг тўғрисида тўғри ва ма'нолик муҳокама юргиза билиш, „унинг тўғрисида ҳукм“ қила билиш демакдир.

Бир ёки бирнеча ҳукмдан янги ҳукм чиқаришдан иборат бўлган фикр қилиш процесси хулоса чиқариш дейилади. Охирида бир хулосага келинган ҳарбир муҳокама хулоса чиқаришнинг бир мисоли бўлаолади.

Геометрия теоремаларининг исботи хулоса чиқаришнинг яққол бир мисолидир.

Хулоса чиқариш натижасида пайдо бўлган ҳукм — *хулоса* дейилади. Хулоса чиқаришда суянилган ҳукмларни *далил* дейилади.

Бу бобнинг бошида айтилган мисолни олайлик. Эрталаб уйқудан турган одам деразадан қараб, ернинг ҳўллигини кўргач, кечаси ёмғур ёғипти, деган хулоса чиқазди. Унинг бу хулосасининг асослари нимадир? Бу хулосани шу икки асосдан чиқаздик: биринчидан, „ер ёмғир ёғса ҳўл бўлади“ деган умумий ҳукмдан, иккинчидан, ҳозир ер ҳўлдир, деган тасдиқловчи ҳукмдан.

67. АНАЛИЗ ВА СИНТЕЗ

(таҳлил ва таркиб)

Хаёлнинг ишини текширганимизда, образлар яратиш процессида икки томони борлигини айтган эдик (144 бет). Энди тафаккур фаолиятини текширганимизда ҳам бир-бирига қарамақарши бўлган яна шу икки процессни кўрамизким, буларсиз фикрлаш бўлмайди.

Анализ — буюм ёки ҳодисани фикран бўлиш, бўлак-бўлак қилиб ажратиш, унинг аломат ва хоссаларини айи-

ришдир; синтез — айрим бўлакларни, қисмларни ва айрим аломатларни фикрда бирлаштириб, яхлит қилишдир.

Фикрлашнинг ба'зи босқичларида анализ биринчи ўринга чиқса, ба'зиларида синтез биринчи ўринга чиқади. Лекин бирмунча мураккаб бўлган фикрлашнинг ҳарқандайи иккининг иштирокини талаб қилади.

Мисол учун яхши билмаган ажнабий тилда айтилган бир гапни қандай тушунишимизни текширайлик. Бир марта ўқиганимизда гапнинг ма'нисига тушунилмайди. Бунда анализ биринчи ўринга чиқади: сўзларни айириб ҳарқайсисининг ма'носини белгилаймиз (эсимизга туширамиз, луғатга қараймиз ва ҳоказо). Лекин бу блан бас бўлмайди, чунки сўзларнинг айрим-айрим ҳолда ҳаммасининг ма'нисини билсак ҳам, бутун гапнинг ма'нисини билаолмаслигимиз мумкин. Бунинг учун фикрнинг синтезлаш иши ҳам керак бўлади, я'ни айрим-айрим сўзларнинг барча ма'носини бирлаштириб, бир бутун ма'но чиқариш лозим бўлади. Бундай бирлаштиргандан кейингина гапнинг ма'носини тушунабошлаймиз. Броқ бир гапнинг ма'нисини тушуниш, доим бу равишда, я'ни аввал анализ, кейин синтез йўлидан борабермайди. Аксари шундай ҳам бўладики, одам гапдаги ба'зи сўзларнинг ма'нисини билмаса ҳам, гапнинг умумий ма'нисини билади (тафаккурнинг синтез йўли блан ишлаши), ва бу равишда билгач, кейин анализ қилишга киришади, я'ни билмаган сўзларни айириб, улар ма'нисини белгилайди.

Анализ блан синтез *аввал амалий ишда туғилади.* Мураккаб бир машинанинг айрим бўлакларини *мияда* айирабилиш, ёки айрим бўлакларни *мияда* тўплаб бир бутун машина ҳосил қилабилиш учун бу хил машинани мияда эмас, ҳақиқатда бузиб — тузатишни билиш, бу ишда бирмунча тажриба ортдириш керак бўлади. Умрида пулемётни ҳеч бузиб, яна тузатиб кўрмаган одам бу ишни „миясида" ҳам сра бажараолмайди. Лекин анализ блан синтез қобилияти амалий ишда ўсса ҳам, аммо кейин нуқул фикр иши йўсинида бажарилиши ҳам мумкин. Масалан, конструктор мураккаб машиналарни миясида анализ қилишни, сўнгра бу машинанинг айрим бўлакларини миясида синтез қилишни билмаса, бир нарса ижод қилиш мумкин эмас.

68. МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШДАГИ ТАФАККУР ПРОЦЕССИ

Одам биронта қийин ишни бажаришга мажбур бўлса, бир нарсани тушуниб олиш, бирор масалани ечишга зарурати туғилса тафаккур процесси одатда шунда бошланади. Бошқа та'бир блан айтганда, *тафаккур ҳамиша саволдан бошланади.*

Ўзингизга, ёки бировга бекордан-бекорга „ўйлаб кўр" деган блан, фикрни фаол ишга солиб бўлмайди. Фикрнинг ишлаши учун одамнинг олдида „ўйлаб" ҳал қилинадиган бир масала бўлмоғи керак ва одамда бу масалани ҳал қилиш эҳтиёжи бўлиши лозим.

Шунинг учун ўйлаш қобилияти бўлган одамнинг биринчи аломати, масаланинг қаердалигини дарҳақиқат топабилишдир. Мустақил фикр қилиб ўрганмаган одам учун ҳечқандай масала йўқ, унинг назарида ҳамма нарса ўз-ўзидан онглашилиб турганга ўхшайди. Билимимиз ошган сари, аввал оппа-очиқ ма'лум бўлиб тургандек кўринган ишларда ҳам янги масалалар борлиги ма'лум бўлади ва бу нарса фикримизни уйғотади, уни мустақил ишлаш йўлига солади.

Броқ масалани „топиш"нинг ўзи кифоя эмас. Бу масаланинг нимадан иборатлигини ҳам обдон яхши билмоқ керак. Бир масалани яхши ҳал қилиш аввало бу масаланинг қанчалик тўғри баён қилинишига боғлиқдир. Бир масалани тушуниш аввало *масалани тўғри қўйиш* демакдир, бунинг учун ба'зида фикрнинг анча ишлаши керак бўлади. Аммо масала тўғри қўйилса, уни ечишга биринчи қадам босилганидир.

Масалани уқиб олгандан кейин, *уни ечиш иши бошланади.*

Масаланинг ўзи қандайлигига қараб, ҳархил йўллар блан ҳал қилинади. Турли масалаларни ҳал қилганда, фикрлашнинг энг кўп учрайдиган хили, *гипотезалар қилишдан*, я'ни масаланинг қандай йўсинда ечилиши тўғрисида чама қилишдан, сўнгра *бу гипотезаларни текшириб кўришдан* иборатдир.

Кечқурун уйга қайтиб келганимда, стол устидаги электр лампани ёқдим. Лампа ёнмади. Нима бўлди? Сабаби нима? Орада масала чиқиб, уни ечиш учун фикр ишлаб кетди. Ҳархил гипотезалар қилдим, қилган гипотазаларни амалда синаб кўрдим. Пробка ёниб кетдими? Шипдаги лампани ёқиб кўрсам ёнди, демак, пробка ёнмаган экан. Лампочканинг ўзи куйганмикин? Лампочкани бураб чиқазиб олдим, қарасам қили бутун, демак, ёнмапди. Штепсель бузилганмикан? Қўлимга отвертка олиб, штепсельни очиб кўрсам, дарвоқи' унинг қили куйиб кетипти. Масала ҳал қилинди.

Бу мисолда *гипотезалар амалий иш равишида синалиб кўрилди,* броқ бу амалда синаш фикрлашга асосланди. Лампочканинг зарарланганлиги тўғрисидаги гипотеза бевосита текширилиб кўрилди, я'ни идрок йўли блан билдикки, лампочканинг қиллари бутун экан. Пробка куйиб кетмадимикин, деган гипотеза бевосита синалиб кўрилди. Пробкани бураб чиқазиб олиш ўрнига, бошқа лампочкани ёқиб кўриб, хулоса чиқариш йўли блан пробканинг куймаганлигига қаноат ҳосил қилинди: агар пробка куйган бўлса, шипга осиғлик лампочка ҳам ёнмас эди. Бунда хулоса чиқариш амалий равишда текшириб кўришни анча енгиллаштирди.

Ба'зи ҳолларда *гипотеза бошдан-оёқ тамомила фикрлаш йўли блан, „мияда" текширилиб кўрилади.*

Икки соатлик вақтим бор. Бу вақт ичида шаҳарнинг турли қисмида бўлган бирнеча жойга бориб келишим керак. Кеч қолмасдан вақтида етиб келиш учун бу жойларнинг қайсисига аввал, қайсисига кейин боришим ва нимага тушиб боришим

керак? Қандай план қилсам бўлади? Бундай масалалар ҳаркимга тўғри келгандир. Бунда ҳам масалани ечмоқ учун бирнеча гипотезалар қилмоқ, я'ни бирнеча планлар тузиш керак бўлади. Лекин бундаги иш шундайки, бунда қилинган планларнинг ҳарқайсисини амалда қилиб кўриш, сўнгра бирини ма'қуллаш мумкин эмас. Бунда планларни фақат фикрда синаб кўриш мумкин.

Кўп масалаларни ечишда *ақлий эксперимент* деган нарса, я'ни қилинадиган турли ишларнинг қандай натижага элтишини билиш учун, уларни мияда бажариб кўриш жуда муҳим роль ўйнайди. Техникага, конструкцияга доир турли масалаларни ҳал қилишда ақлда қилинадиган экспериментларнинг аҳамияти жуда каттадир. Радиоприёмникни, ёки электр қўнғироқни ақлда эксперимент қилабилмаган одам, радиоприёмник ясай олмайди, электр қўнғироқ қилолмайди. Ақлда эксперимент қилиб кўришнинг роли шахмат ўйинида жуда яққол ма'лум бўлади. Шахмат ўйновчи юришини ўйлаб, ҳамма йўлларни ақлда „ўйнаб" чиқади: „мен бундай юрсам, у бундай юради, кейин мен бундай юраман..."

Ақлда эксперимент қилиш учун, *хаёл блан тафаккурнинг* бирга ишлаши шартдир, чунки бир томондан, ҳамма ҳолларни мумкин қадар аниқ ва равшан тасаввур қилмоқ керак бўлса, иккинчи томондан, туғилган ҳарбир ҳолдан қандай натижалар келиб чиқиши тўғрисида *бир ҳукмга келмоқ* лозим бўлади.

Ҳарбир масалани тўғри ечиш учун лозим бўлган шарт билимдир. Бизнинг бояги биринчи мисолимизни олсак, электротехникадан ма'лумоти бўлмаган одам на гипотеза қилаолади, на уни синаб кўраолади; иккинчи мисолимизни олсак, шаҳар кўчаларини ва трамвай йўлларини яхши билмагунча, бунда ҳам на гипотеза қилиб бўлади, на синаб бўлади.

Лекин фақат билим бўлган блан кифоя эмас. Керак бўлганда, бу билимларни ишга солабилиш, уларни татбиқ қилабилиш ҳам керак. Физика китобининг электричествога оид бобини яхши билган блан, бизнинг мисолимизда айтилган сингари масалани ҳал қилишга кучи етмаслик ҳам мумкин.

Билимли бўлиш ва бор билимидан фойдаланиб, уни ишга солабилиш, фикрнинг самарали ишлаши учун зарур бўлган шартдир.

69. АҚЛНИНГ СИФАТИ

Киши ақлининг хусусиятларини та'риф ва тавсиф қилганда, тафаккурнинг бирқанча айрим сифатларини э'тиборга олмоқ керак. Бу сифатларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир:

1. Ақлнинг танқидчилик сифати, я'ни ақлнинг ишини қаттиқ тергаб, ҳарбир эҳтимолни ҳар жиҳатдан яхши мулоҳаза қилиб, бу эҳтимолларни ёқловчи ва уларнинг зиддига далолат қилучи ҳарбир далил ва исботни хўб яхши чамалай

билиш, гипотезаларни ҳар томондан ўйлаб, мулоҳаза қилабилиш сифати. Ақлида танқидчилик сифати бўлмаган одам, бир масалани ҳал қилаётганда, ақлига даф'атан келган ҳарбир фикрни тўғри ва узил-кесил фаҳмлаб, масалани ечдим, деб ўйлайберади. Ақлнинг танқидчилик сифатини кўрсатадиган аломат, ўзининг қилган ҳарбир эҳтимолига текширилиб кўрилиши лозим бўлган гипотеза деб қараш ва бу синаш ва текшириш натижасида нотўғри чиққан эҳтимолларидан қайта билиш, бошлаган иши масаланинг шарт ва талабларига мувофиқ келмаганлиги ма'лум бўлгач, бу ишдан дарров қайта билишдир. Танқидчилик сифатига эга бўлган ақл — саранжом-саришталик, расо ақлдир.

Хаёли югурдак ва бой бўлган кишилар ўз ақлларининг танқидчилик сифатини оширишга айниқса кўпроқ ҳаракат қилишлари керак. Хаёл бой бўлиб, бунинг устига ақл ҳам жуда саранжом-саришталик ва расо бўлса, ижодий фаолиятнинг замини шудир. Танқидчилик сифати баланд бўлган ақл идораси остида бўлмаган хаёл, кишини амалга ошмайдиган, бажариб бўлмайдиган ҳархил ишлар блан беҳуда овора бўлиб юрадиган, қуруқ хаёлпараст қилиб қўяди.

2. Ақлнинг эпчиллиги; ақлнинг бу сифати, турли хом хаёллардан ва сийқа фикрлардан озодлигидир, масаланинг шартлари ва ваз'ият ўзгарганда, дарров янги йўл ва тадбирлар топаолишдир.

Ақл эпчиллигининг аломати фақат унинг сийқаликдан ва бу сийқаликнинг ақлни бўғадиган та'сиридан озодликдангина иборат эмас. Бир масалани ҳал қилаётганда, ҳархил усуллар блан уриниб кўриш, нотўғрилиги бир карра ма'лум бўлган йўлларни сра такрор қилмаслик ҳам ақл эпчиллигини кўрсатадиган аломатдир. Кўп кишиларнинг масалаларни яхши ечолмаганликларининг сабаби, аксари шуки, кўпинча улар бирор масалани ҳал қилмоқчи бўлганларида, даставвал, даф'атанига ақлларига келган йўлнинг натижасизлигини неча марта амалда кўриб билган бўлсалар ҳам, яна шу йўлни ҳадеб қайталайберадилар. Бунда ақл алланучук „хит" бўлиб қолади, я'ни одам ақлини бир карра кирган йўлдан бошқа йўлга сололмай қолади.

3. Фикрнинг кенглиги; ақлнинг бу сифати, масаланинг ишга алоқадор бўлган бошқа майда-чуйда, аммо муҳим томонларини ҳам назарда тутган ҳолда масаланинг умуман ҳаммасини қамраб олиш қобилиятидан иборатдир.

Қийин масалани яхши ҳал қилиш ҳамиша бу масаланинг айни замонда ҳамма томонини бирданига фаҳмлаб, масаланинг бир томонига алоқадор бўлган нарсаларни назарда тутганда, унинг бошқа томонлари тақозо қилган шарт ва шароитларни ҳам қанчалик тўла э'тиборга олабилишга боғлиқдир. Математикага оид қийин масалаларни ечганда бўладиган хатоларнинг кўпи, аксари масаланинг ҳамма томонларини назар-э'тиборга олабилмаслик орқасида туғилади.

Фикрнинг кенглиги улуғ давлат арбобларида, улуғ лашкарбошиларда ва катта олимларда бўладиган сифатдир. Ўртоқ Сталин блан суҳбат қилган, ёки унинг ишлашини кўрганларнинг ҳаммаси ниҳоятда қийин масалаларни ҳал қилганда иш нуқтаи назаридан аҳамияти ниҳоятда катта бўлган майда-чуйдаларга диққат қилиш қобилиятининг унда жуда зўрлигига ҳайрон қолдилар. „Қийин масалалар музокара қилинган кенгашларда қатнашган оддий ходимлар ўз ишларининг майда-чуйдаларини тафсилоти блан сўзлаганларида, ўртоқ Сталин уларнинг фикрини ғоятда катта диққат блан тинглайди. Ўртоқ Сталин ишнинг майда-чуйда хусусиятларигача ҳамиша айниқса кўп диққат қилади“ (Совет Иттифоқининг Қаҳрамони Юмашев). „Ўртоқ Сталин самолёт қуриш ишига оид бўлган масалалар тўғрисида шундай нозик ва қийин саволлар берар эдики, мен ўйламасдан янглиш жавоб бериб қўймай деб, ўйланқираб қолар эдим... Мен бутун давлат ишлари блан машғул бўлган киши самолёт қуриш ва учиш ишига доир бўлган майда-чуйда масалаларни қаёқдан мунча яхши билади деб, хайрон қолардим“ (Совет Иттифоқининг қаҳрамони Байдуков).

4. Фикрнинг илдамлиги. Ақл блан ечиладиган масалаларни илдам ечиш тўғрисида касб ва ҳунарнинг ҳархили турли талаб қўяди. Олим блан аскар бошлиғининг ишини бу томондан солиштириб кўрсак, бу нарса дарҳол ма'лум бўлади. Ньютоннинг миясида бутун оламдаги жозиба (тортиш) қуввати тўғрисидаги қонуннинг асосий фикрлари туғилгач, кейин бу қонунни қа'тий суратда исбот қилгунича, орода 16 йил ўтди. Дарвин „Турларнинг пайдо бўлиши“ деган асарини ёзиш учун 20 йил вақт сарф қилиб тайёргарлик кўрди. Аммо аскар бошлиғининг ишини олсак, қийин масалаларни ҳал қилиш учун унинг ихтиёрида бўлган муҳлат жуда камдир. Суворов „жангнинг тақдирини бир минут ҳам ҳал қилади. Мен соат блан эмас, минут блан ҳаракат қиламан“ деган.

Фикрнинг илдамлиги албатта олим учун ҳам ниҳоятда қимматли сифатдир, лекин шундай бўлса ҳам, аскар бошлиғига қараганда, олимнинг фикр қилишга фурсати анча кўпдир. Уруш ваз'ияти аксари тезлик блан иш кўришни талаб қилади, шунинг учун суст фикр қилучи киши яхши аскар бошлиғи бўлолмайди.

Фикрнинг илдамлиги, ақлнинг бошқа сифатларининг юксак даражада ўсганлиги натижасидир. Фикр илдамлиги блан фикрнинг *шошма-шошарлиги* ўртасидаги фарқ ҳам шундадир. Юзаки қараганда, фикрнинг илдамлиги блан шошма-шошарлиги ўртасида фарқ йўқдек кўринади; фикрнинг шошма-шошарлиги унинг илдамлигига тамомила қарама-қарши бўлган бошқа бир сифатдир.

Фикрнинг илдамлиги, керак бўлганда ақлнинг барча кучини бир ерга тўплаш ва фикрни жуда югуртириб, ҳаракатга келтириш қобилиятига боғлиқдир; сўнгра фикрнинг илдамлиги

унинг кенглигига ва тезлигига боғлиқдир. Фикр кенг бўлса, масаланинг ҳамма томонларини бирданига қўйишга имкон беради. Фикр тез бўлса, масалани ҳал қилишда нотўғрилиги бир карра исбот бўлган янглиш йўлларни такрорламасликка имкон беради. Сунгра фикрнинг илдамлиги, танқидчилик қобилияти юксаклигини талаб қилади. Фикрнинг, танқидчилик қобилияти ўткир бўлса, гипотезаларнинг тўғри-нотўғрилигини дарров айиришга ва яроқсизларини дарров чиқариб ташлашга имкон беради.

Ақлнинг шошма-шошарлиги бунинг акси бўлиб, фикрнинг бирхил ялқовлиги натижасидир. Кишининг фикри ялқов бўлса, ақлни астайдил ишлатиб ўтирмай, ҳали бу, ҳали у чорага тутиниб, ишқилиб тезроқ қутила қолишга ҳаракат қилади; фикр ялқовлиги, пухта текширилмаган гипотезаларга тутиниш, обдон ўйланилмасдан чала ўйланган қарорлар қилиш йўлига бошлайди. Фикрнинг шошма-шошарлигига қарши қаттиқ курашиш ақлнинг яхши сифатларини ўстириш учун амалга оширилиши жуда лозим бўлган бир шартдир.

Қийин масалаларни ҳал қилганда шошмаслик блан илдам фикрлашнинг қўшилгани Лениндаги доҳиёна ақлнинг муҳим сифатидан бири эди. Ўртоқ Сталин, Лениннинг йироқни кўришдаги доҳиёна зийраклигини та'кидлаб, унда „яқинлашиб келаётган воқиаларнинг ички мазмунини дарров фаҳмлаб, пайқаб олиш қобилияти“ бор эди, „ҳар томонини пухта ўйлаб хўб андиша қилиш, барча яхши ва ёмон томонларини обдон ўйлаш лозим бўлган масалаларни ҳал қилганда“, сра шошмасдан, донолик блан ҳал қилар эди, дейди.

70. ТАФАККУР ВА ҲИС

Қадимги замон файласуфларидан бўлган Афлотун блан Арасту, фалсафанинг боши таажжубдир, деган ажаб яхши фикрни айтиб кетганлар. Бу сўзнинг ма'ниси, қачонки, одам тушунмаган бир нарсага тўқнаш келиб, унда бир савол туғилса, шунда унинг ижодий фикри ҳаракатга келмай, балки „ажабланганда“, я'ни бу масала унинг ҳиссиётини қўзғотиб, юрагига дард солса, тушунмаган нарсаси уни *ажаблантирса*, шундагина одамда ижодий фикр бошланади, демакдир. Бу фикр билиш процессида *ақл ҳисларининг* қандай роль ўйнаганлигини, я'ни фикрлаш блан бевосита боғлик бўлган ҳисларнинг қандай роль ўйнаганлигини кўрсатади.

Таажжуб ёки ҳайрат ҳисидан ташқари шубҳаланиш ҳиси блан дадиллик ҳиси ҳам ақл ҳисининг энг муҳимлари жумласидандир.

Бир нарсанинг қат'ий исботи бўлмаганда туғиладиган ва бир масалани ҳал қилаётганда юзаки қараганда тўғридек кўринган ҳарбир қарорга қаноат қилаберишга йўл қўймайдиган *шубҳа ҳиси*, фикр йўлида ҳарқандай қийинликлар учраса ҳам, бу қийинликларга парво қилмай фикрнинг ишини правордига етказишга мажбур қилади.

Дадиллик ҳисси ўз ғоя ва маслаги учун курашда, ўз қарашларининг ҳақ ва тўғрилигини мардоналик блан қаттиқ ёқлашда кишига куч ва қувват беради. Бир ғоя йўлида курашучи чин мард бўлмоқ учун ма'лум фикрларнинг тўғрилигини билишдан ташқари яна дард ҳам бўлмоғи керак, дард бўлмаса фикрнинг тўғрилигини фақат билиш кифоя қилмайди.

Фикр чуқур дард блан бирлашмагунча, ўткир ва кучли фикрга айланмайди. Ўз машғулотига лоқайд ва дардсиз қараган кишилар ҳечмаҳал улуғ фикрлар соҳиби бўлаолган эмаслар. Фан соҳасида бўлган буюк ўзгаришлардан бирини майдонга келтирган Коперник „меним астрономия тўғрисидаги ўйлашларим, осмондаги ажойиботларни кашф ва тамошо қилганимда уйғонган ҳаддан зиёда завқ-шавқларимдан" туғилди, дейди.

Брок ҳиссиётнинг фикрга тескарисича ёмон та'сир қилиши ҳам мумкин. Ақл ўз мустақиллигини йўқотиб ҳиссиёт та'сири остига тушиб қолганда, шундай бўлади. Одам бирон гипотезани „ёқловчи" ёки унга „қарши" бўлган нарсаларнинг барчасини ақл тарозисида ўлчаб кўриш ўрнига, ҳиссиёти талқин қилиб турган қарорни ёқловчи далил ва исботлар излайбошлайди. Бунда кишининг фикри билим қуроли бўлмай, кишининг хоҳишига тўғри келган, кишига ёққан ва кўнглига хуш тушган нарсани ма'қуллаш қуроли бўлиб қолади.

„Кўнгил далиллари", ақл дадилларига қарама-қарши келган, Чацкий айтгандек, „ақл блан кўнгил хафалашган" ҳоллар турмушда кўп бўлади. Бундай ҳолларда „ақлни жим қилмоқ" ҳеч маҳал тўғри тадбир ҳисобланаолмайди. Бундай ҳолларда масалани ҳамиша ақлга ҳавола қилмоқ керак, масалани ақл ечмоғи лозим.

71. НУТҚ ТАРБИЯСИ

Фикримиз ташқи нутқда ифода қилингандагина аниқ ва равшан тусга киришини биламиз. Ўз фикримизни бошқаларга тушунарлик қила олмаганлигимиз, бу фикрни ўзимиз ҳам яхши ва пухта аниқлаб олмаганимиздан гувоҳлик беришини ҳам биламиз. Демак, фикрнинг ўсиши нутқнинг ўсиши блан ниҳоятда маҳкам боғликдир. Нутқ яхши тарбия топмаган бўлса, ақлни юксалтириш қийиндир.

Яхши нутқга эга бўлиш, ўз фикрини бировга яхшироқ тушунтира билишдир; нутқнинг мазмунидан ташқари унинг нозик нуқталарини ҳам билдира билиш демакдир. Бошқа та'бир блан айтганда, *яхши нутқга эга бўлмоқ, бошқалар жуда яхши тушунадиган аниқ сўзлай билиш демакдир.*

Бу нарса кишига бошқа биров блан оғзаки сўзлашганда, ўзи ёлғиз оғзаки сўзлаганда ва ёзганда ҳархил йўллар блан муяссар бўлади. Нутқнинг бу хиллари ўртасида психология жиҳатидан бўлган фарқ жуда каттадир; аксари катта ёзучи-

ларнинг нотиқликка нўноқликлари бечиз эмас. Аксинча, кўп катта нотиқлар ҳам ёзишга нўноқдирлар.

Диалог нутқини ба'зида уланган нутқ дейдилар. Бунинг ма'носи, гаплашиб турганлар бир-бирларига савол-жавоб қилиб, бир-бирларига э'тироз қилиб, гапни улаб, давом этдирадилар демакдир. Агар бу савол-жавоб бас қилинса, бу ҳолда нутқ монологга айланади, ёки гап тўхтайди. Монолог нутқ блан ёзув нутқини бунинг тескариси бўлган ма'нида *уланмаган* нутқ дейдилар.

Уланган нутқ, уланмаган нутқдан осонлигини ҳамма билади. Бунинг сабаби шуки, суҳбат қилучиларнинг ваз'ияти бирдир, икки киши гаплашаётган бўлса, иккови ҳам бир нарсани идрок қилади ва шунинг учун ба'зида сўзнинг пайравиданоқ бир-бирларининг гапини пайқаб оладилар. Трамвай тўхтайдиган жойда бирнеча киши трамвай кутиб турганда, улар орасидан бирови, „келаётир", ёки „тўртинчи" деса, қолганларнинг ҳаммаси бу сўзнинг ма'носини тушунадилар. Бундан ташқари икки киши гаплашганда турли имо-ишоралар ҳам кўп нарсани онглатади. *Хуллас, диалог йўсинида сўзланилганда, нотиқдан унча кўп маҳорат талаб қилинмайди; диалог, ма'носи бир-бирига уланган узун нутқни анча осонлаштиради.*

Ҳеч гап чала эмас, мукаммал айтилиши лозим бўлган ёзма нутқ бутунлай бошқача тузилади. Ёзма нутқда ёзган кишининг мақсади нималигини, нега бу мавзу'дан баҳс қилаётганини, қайси масалалар устида муҳокама юргизиб, қайси саволларга жавоб бераётганини ўқучи ёлғиз нутқнинг ўзидангина онглай олади. Ёзма нутқдан нўноқликнинг энг кўп учрайдиган сабабларидан бири шуки, кўп кишилар ёзганда ўзларини ўқучи ҳолида тасаввур қилиб кўрмайдилар, ёзучининг қайси нуқтаи назардан ёзганини, масалани қандай қўйганини ва муҳокамани нимадан бошлаганини ўқучи олдиндан билаолмаслигини ва бунга мажбур эмаслигини э'тиборга олмайдилар. Шунинг учун ҳам, фикрни ёзиш йўли блан баён қилганда ҳамиша бошлаш қийин бўлади. Ёзучи одамнинг ўзи, ёзишга киришгандаёқ ҳамма хатининг мазмунини бошдан-оёқ билади, лекин ўқучи хатнинг бошдаги жумласини ўқиш блан дарров унинг бутун мазмунини билолмайди. Нўноқ ёзучилар бу ҳолни назарда тутиб, аксари ёзадиган нарсаларини, ёзилган нарсанинг ҳаммасини билмагунча, ма'носини онглаб бўлмайдиган сўзлардан бошлайдилар.

Ёзма нутқ батамом ва тўла бўлиб, ма'носи уланган бўлиши керак. Монолог нутқ ҳам тамомила деярлик ёзма нутқдек тўла ва батамом, аниқ бўлиши керак. Бас, бундан ма'лумки, нутқнинг бу хиллари, нутқ тарбиясининг анча баланд бўлишини талаб қилади *ва ёзма нутқ блан монолог нутқни* (ёки булардан лоақал бирини) *яхши эгалламагунча, ўз фикрини мунтазам равишда, аниқ ва равшан, ма'нодор қилиб баён этишда чин маҳорат ҳосил қилиб бўлмайди.*

Броқ диалог нутқининг ҳам ўзига яраша ба'зи талаблари борлигини ва бу талабларга риоя қилмаган одам биров блан суҳбатдош бўлганда, унинг суҳбати тамизсиз бўлиб, кишини зериктирадиган, ҳатто кишига ёқмайдиган совуқ суҳбат бўлишини назарда тутмоқ керак. Бу талабларнинг энг муҳими, *суҳбатдошнинг гапларига қулоқ солиб туриш, унинг савол ва э'тирозларини онгламоқ ва жавоб берганда ўзининг фикрларига эмас, балки суҳбатдошининг саволларига жавоб беришдир.*

Масалан „З' онимизнинг қаҳромони"да Грушницкийнинг бу қилиғи, я'ни биров блан суҳбат қилганда саволга жавоб беришни билмаганлиги жуда қаттиқ та'кидланиб айтилган. Печорин унинг ҳақида бундай дейди: „Мен у блан ҳеч мунозара қилаолмас эдим. Ў сизнинг э'тирозингизга жавоб бермайди, сўзингизга қулоқ солмайди. Сиз гапингизни тамом қилар-қилмас узун гапга тушиб кетади, бу гапининг сизнинг гапингиз блан андак муносабати бўлса, бўлар, бўлмаса ҳеч алоқаси йўқ гаплар бўлиб, ҳаммаси унинг ўз гапининг давомидир".

Ба'зи одамларнинг бу қилиғи, я'ни бошқаларнинг сўзига парво қилмаслиқ ва қулоқ солмаслик хунук бир одатга айланиб кетади. Бундай одатлик одам суҳбатдошининг гапини бўлиб, сўзини тамом қилдирмайди.

Киши ўзининг суҳбат қилгандаги бу камчилигини фаҳмлаши ва бу камчиликни йўқотишга ҳаракат қилиши, ўз нутқини тарбиялаш йўлидаги тадбирларнинг муҳим қисмидир.

Ёзма нутқ блан оғзаки нутқ ўртасидаги муҳим тафовутларнинг яна бирини айтиб ўтамиз.

Киши ёзганда ўз нутқини онгли равишда, ўз ихтиёри блан сўзларни қандай хоҳласа, шундай танлаб ёзади, жумлаларни танлаб тузади, сўзларини тартиб блан теради, ҳоказо ваҳоказо. Ёзмоқ, фикрнинг сўз қолипига кирган ифодаси устида *ишлаш* демакдир.

Ёзма нутққа усталик кишини бундай ишдан озод қилади, деб ўйлаш ниҳоятда катта хатодир. Яхши ёзиш, қийналмасдан „шариллатиб" ёзиб кетавериш эмас. Ўз фикрини ифода қилиш учун *қандай бўлса* бир сўз топган одам ёзма нутқни яхши эгаллаган бўлмай, балки *энг яхши* ибора излаб, топиб ёзган, энг яхши сўзлар топиш учун тиришган одам ёзма нутқни билган бўлади.

Эсига келган ҳарбир иборага қаноат қилиб, шуни ёзаберган ва яхши иборалар топиб тилини мукаммаллаштиришга ҳаракат қилмаган одамни яхши ёзма нутқи бор деб бўлмайди.

Сўз устида ҳечким катта сан'аткор ёзучилардек кўп ишламайди. Л. Н. Толстой ёшлик чоғларида, „тузатмасдан ёзишни тамомила миядан чиқазиб ташлаш керак. Уч-тўрт марта тузатилса ҳам кам" деган. Кейин кексайган чоғида ҳам яна шу фикрни қайтарди: „бирнеча мартаба қайта-қайта тузатмасдан ёзиш қандай мумкинлигини сра тушунмайман". Толстой учун бундай кўп тузатишдан мақсад, тилини чиройлик ва бадиий қилиш эмас эди. Энг қийини фикрни бошқаларга тушунарли қилиб аниқ ва равшан айтишдир. „Ўзинг тушунган нарсани бошқалар ҳам сендек аниқ ва равшан тушунадиган қилиб айтиш ҳаммадан қийин ишдир, буни имкони бўлган даражада лозимича бажара олмаганингни ҳамиша сезиб турасан". Шунинг учун ҳам Толстой бадиий асарларинигина эмас, ҳатто оддий мактубларини ҳам бирнеча марта қайтадан тузатар эди.

Пушкин, Толстой ва бошқа улуғ ёзучиларнинг қўл'ёзмалари бу фикрни тасдиқлайди. Бу қўл'ёзмалар ёзучининг Толстой та'бири блан айтганда



Расм 33.
Пушкин қўлёзмасининг қора нусхаси („Лўлилар“).



Расм 34.

Л. Н. Толстой қўлёзмасининг қора нусхаси („Анна Каренина")

сўз устида қилган „машаққат“ ишларини кўрсатади (33 ва 34 расмлар бу қўл'ёзмалар намунасидир).

Фикрнинг ёзма ифодаси бўлган хатни тузатиш устида қилинган иш ҳаммавақт уни қайта-қайта тузатаберишдан иборат бўлавермайди. Ибораларни мияда хўб ишлаб, обдан пухталаб кейин қоғоз устига ёзиш ҳам мумкин. Сўз устида ишлашнинг моҳияти бундан ўзгармайди, фақат ишнинг шаклигина ўзгаради.

Бу жиҳатдан қараганда оғзаки нутқ ёзма нутқдан жуда катта фарқ қилади. *Яхши оғзаки нутқ ҳарбир сўз устида узоқ ўйлаб ўтиришга йўл қўймайди.* Гапираётганда бир сўзни айтишдан аввал уни узоқ ўйлаш, жумлани қандай тузиш тўғрисида узоқ мулоҳаза қилиб ўтириш мумкин эмас. Бир жумлани бирнеча мартаба қайтариб, ҳар гал уни тўғрилаб ва яхшилаб ўтириш сра мумкин эмас. Монолог нутқда ҳам, я'ни лекция ўқиганда, доклад қилганда ва бошқа бунинг каби ҳолларда ҳам, сўз устида бу равишда ишлаб бўлмайди. *Оғзаки нутқ бетўхтов равон бормоғи керак.* Оғзаки нутқда сўзлар ўз-ўзидан тилга келсин, сўзлар равон ва ма'нодор жумлаларга терилсин. Оғзаки нутқ, юқорида айтилганидек, фикрнинг сўз шаклига кирган ифодасида тўлалик ва мукаммалликни, боғланишликни кўпдаям талаб қилмайди.

Шу тариқа оғзаки нутқ тузилиши жиҳатидан осон ва соддароқдир, лекин оғзаки нутқ гапираётганда сўзларни яхшилаш устида узоқ ишлашга йўл қўймайди; ёзма нутқ тузилиши жиҳатидан қийин ва мураккаброқ бўлса ҳам, ёзаётганда фикрнинг сўз шаклига кирган ифодаси устида ҳарқанча ишланса ҳам бунга йўл қўяди. Ёзма нутқ сўз устида ишлашга катта имкон берганидан нутқни яхшилаш ва ўстиришда унинг қандай муҳим ўрин тутганлиги ўз-ўзидан ма'лум.

Такрорлаш учун саволлар

1. Тафаккур деб нимани айтамиз?
2. Тафаккур блан нутқ ўртасида қандай муносабат бор?
3. Нутқнинг ўзингиз билган хилларини айтинг.
4. Тушунча блан тасаввур ўртасида қандай фарқ бор?
5. Фикр қилишда тасаввурнинг қандай аҳамияти бор?
6. „Умумийлаштириш“ ва „абстракция“ терминларининг ма'носи нима?
7. Ҳукм нима, муҳокама нима?
8. „Анализ“ ва „синтез“ тушунчаларини та'риф қилинг.
9. Бир масалани ҳал қилаётганда тафаккур жараёнида қандай асосий босқичлар бўлади?
10. Ақлнинг танқидчилиги, деб нима тушунилади?
11. Фикрнинг эпчиллиги ва кенглиги нимада кўринади?
12. Фикрнинг илдамлиги блан шошма-шошарлиги ўртасида қандай фарқ бор?
13. Ақл ҳиссининг қандайларини биласиз?
14. Оғзаки нутқ блан ёзма нутқнинг психологик хусуснятларини қиёс йўли блан тар'иф қилинг.

Масалалар

1. Восита блан билиш деб нимани айтилишини мисол блан кўрсатинг.
2. Бадиий адабиётга доир бир китобдан парча олиб, бунда нутқни ифодали қилиш учун қандай йўллардан фойдаланилганини кўрсатинг.
3. Ленининг „ҳарбир сўз умумийлаштиришдир“ деган сўзининг ма'носини айтинг ва бунинг мисолларини кўрсатинг.
4. Гипотезанинг амалий ишда синалишидан мисол кўрсатинг.
5. Ақлда эксперимент қилишдан бир мисол кўрсатинг.

Х боб

ИРОДА

72. МОТИВ ВА МАҚСАД

Инсон ўзининг ҳарбир амалини ма'лум *мотивлар* блан қилади ва унинг ҳарбир амали ма'лум *мақсадларга* қаратилган бўлади. Мотив деб кишини ҳаракатга солган сабабни айтамиз, мақсад деб, бу ҳаракат натижасида эришилмоқчи бўлинган нарсани айтамиз.

Инсон ўз олдига биронта мақсадни қўйганида, ҳамиша ма'лум мотивлари бўлади, я'ни ма'лум сабаблар блан бир мақсадга интилади. Бесабаб мақсад йўқ. Бир сабаб бўлмаса киши бир мақсад пайига тушиб унга эришмоқ йўлида ҳаракат қилмайди. *Мотив—кишини турли мақсадларни ўз олдига қўйишига сабаб бўлган нарсадир.* Мотивни билмагунча, кишининг мақсади, *нега* ундай эмас, бундайлигини билиб бўлмайди, буни билмагач бас, унинг нега бундай қилаётганининг ма'носини ҳам тушуниб бўлмайди.

Кишини фаолиятга солган нарса унинг *эҳтиёжидир*, я'ни кишининг бир нарсага зорлигидир. Эҳтиёжнинг турли хиллари бор: овқат, кийим-бош, уй-жой ва бошқа бунинг каби нарсаларга бўлган эҳтиёж моддий эҳтиёждир; одамлар блан муносабатда бўлмоқ, илм олмоқ, ўқимоқ, музика тингламоқ каби эҳтиёжлар, *ма'навий* ёки *маданий* эҳтиёжлардир.

Ма'навий эҳтиёжлар жамият бўлиб ишлаганда ва аввал бошдаги моддий эҳтиёжлар қондирилиб, тобора кўпайган ва ошган сари тарихан пайдо бўлиб келгандир. Меҳнат қилишнинг ўзи ҳам шу керакли моддий эҳтиёжларни қондириш зарурати орқасида туғилди. Аммо кейин бу меҳнатнинг ўзи янги эҳтиёжлар туғдирди ва бу эҳтиёжларнинг энг муҳими *меҳнат қилиш эҳтиёжининг ўзидир.* Бу эҳтиёжнинг асоси бир томондан ҳарбир соғлом вужудга хос бўлган ҳаракат қилиш эҳтиёжи бўлса, иккинчи томондан, бошқа одамлар блан муомала ва алоқа қилмоқ эҳтиёжидирким, бунинг даставвалги асосий шакли меҳнатда, ишлабчиқаришда бўладиган алоқа ва муносабатдир. Меҳнатга бўлган бу эҳтиёж фақат социалистик жамиятда ривожланиб, яйраб кетади, чунки социалистик жа-

миятда меҳнат ҳақиқатан эркин бўлиб, „аввалда ҳисобланган-дек уят ва оғир машаққат бўлмай, *шон-шараф*, *мардлик* ва *қаҳрамонлик* ишига айланди“ *(Сталин)*.

Эҳтиёж, уни қондиришга интилтиради ва бу интилиш тилак ёки *хоҳиш* тусини олади.

Тилак деб, муайян бир нарсага қаратилмаган ва мақсадни аниқ ва равшан тушуниш блан алоқадор бўлмаган ноаниқ интилишни айтамиз. Пушкиннинг „*алла нарсаларнинг* зори бўлган руҳим *нома'лум* тилакларга интилмасайди“ деган машҳур сўзлари тилакнинг хусусиятини жуда яхши ифода қилади.

Лермонтовнинг йигитлик чоғида ёзган ше'рлари орасида, қандайдир улуғ бир иш қилиш орзуси, ҳали яхши онглаб етмаган аллақандай мақсадлар йўлида курашиш, жонбозлик қилиш ҳаваси блан ёзилган ше'рлар кўпдир.

Ақлимда доим *бир нарса*
Жўш урадн, тошади...
Нима экан бу билмадим.
Умр назаримда қисқа кўринади, бир иш қилиб
Улгуралмасман деб қўрқаман!..

Хоҳиш деб, ма'лум бир нарсага, муайян бир мақсадга онгли равишда интилишни айтамиз.

Нома'лум тилаклар аниқ онгланган хоҳишга айланмаса, муайян бир мақсадни кўзлаган ва ирода блан қилинадиган онгли фаолиятнинг бўлиши мумкин эмас.

Броқ ҳарбир хоҳиш кишини ҳаракатга солабермайди, Одам қўлидан келмайдиган, унинг ҳаракати блан юзага чиқмайдиган нарсаларни ҳам хоҳлаши мумкин; чунончи биров хоҳлайдики, эртага ҳаво яхши бўлсин, унга кераклик китоб кутубхонада тайёр турсин, бугун саҳнага унга ёққан артист чиқсин, ҳоказо ва ҳоказо. Бу ҳолларда онгланган ма'лум мақсад бор, ва лекин бу мақсадга етишмоққа интилиш йўқ, чунки бу хоҳишларга етишмоқ, хоҳловчи кишининг ихтиёридами, йўқми буни онглаш йўқ.

Бу хил хоҳишларни *амалсиз хоҳиш* деймиз; мақсадни кўзда тутишдан ташқари унга етишмоқ тадбирларини ҳам кўзлаган, уни юзага чиқариш мумкинлигини тушуниш ва бу йўлда ҳаракат қилиш блан ҳам боғлиқ бўлган хоҳишни, бояги амалсиз хоҳишдан фарқ қилиб *амалий хоҳиш* деймиз.

Инсоннинг ирода блан қиладиган фаолияти шу амалий хоҳишларга асосланади.

Кишини фаолиятга келтирадиган мотивлар унинг эҳтиёжлари заминида туғилади. Кишининг ҳиссиётлари, жумладан ижтимоий ҳиссиёти ҳам жамиятда кечирган тирикчилигида туғилган эҳтиёжлари заминида ўсади; кишининг қизиқишлари, қараш ва маслаклари, ниҳоят дун'ёга қараши ва назарияси ҳам шу эҳтиёжлари заминида пайдо бўлиб боради. *Кишининг*

ҳиссиёти, унинг қизиқишлари, маслак ва назарияси унинг амалий хоҳишларига манба' бўлгач, бас унинг фаолиятининг мотивлари ҳам шулар бўлади.

73. ИХТИЁРСИЗ ВА ИХТИЁРЛИ ҲАРАКАТЛАР

Юқорида ўтган бобларда психикада бўладиган турли процессларни текширганда, бу процессларнинг ихтиёрсиз ва ихтиёрли бўлишини такрор-такрор айтган эдик. Хотирага олишнинг ҳам ихтиёрий ва ихтиёрсиз бўлишини, бир нарса эсга тушганда, бунинг ҳам ихтиёрли ва ихтиёрсиз бўлишини, хаёлнинг ҳам ихтиёрлиси ва ихтиёрсизи борлигини айтган эдик. Диққат тўғрисида ҳам шундай деган эдик. Бу айирма ҳаракат соҳасида ҳаммадан яққол ва аниқ шаклда кўринади.

Йўталиш, тучкуриш, кўз пирпираши, қўлга беҳосдан нина кирганда қўлни силташ, тўсатдан қаттиқ овоз эшитганда чўчиб тушиш ва бошқа шунинг каби *рефлекс ҳаракатлар* ихтиёрсиз ҳаракатнинг энг яққол мисолидир. Кишининг ҳиссиётларини билдирган *туйғу ҳаракатлари* одатда ихтиёрсиз қилинган ҳаракатлар бўлади; масалан, киши қаттиқ ғазабланганда беихтиёр тишини-тишига босади, ёки муштумини сиқади; киши астойдил кулса, астойдил жилмайса бу ҳам беихтиёр қилинган ҳаракат бўлади.

Энди ихтиёрли ҳаракатдан бирнеча содда мисол кўрсатайлик. Мен ўнг қўлимни кўтармоқчи бўлсам ва дарвоқи' кўтарсам. Стол устидаги қаламни олмоқ қасдида қўлимни узатсам ва дарвоқи' олсам. Бу ҳаракатлар блан бояги ҳаракатлар ўртасида қандай фарқ бор ва бу ҳаракатларни ихтиёрли дейишга қандай далилимиз бор?

Биринчидан, *бу ҳаракатларда муайян мақсадни кўзда тутиш ва бу мақсадга етишмоқ учун интилиш бор.* Иккинчидан, ҳаракатнинг ўзи аввал бошда ҳаракат тасаввуримизда бордир. Ана шу икки аломат бўлмаса, ҳеч бир ҳаракатни ихтиёрий деб бўлмайди.

Даф'атанига юзаки қараганда, ҳечбир „мақсадсиз" қилинган ихтиёрли ҳаракатлар ҳам бордек кўринади. Ба'зида „ҳечбир мақсадсиз ўз ихтиёрим блан қўлимни кўтараоламан. Мана ҳозир қўлимни кўтариш менга сра керак бўлмаса ҳам кўтараберамен" дейдилар. Бунинг тўғрилигини исбот қилмоқ учун дарвоқи' бекордан-бекорга қўлларини кўтариб ҳам кўрсатадилар. Лекин ҳақиқатда эса, бундай фикр қилучи одам бунинг худди тескарисини исбот қилган бўлади, я'ни „мақсадсиз" бекорга ҳам ўз ихтиёри блан қўлини кўтараолишини кўрсатиш *мақсадида* қўлини кўтарган бўлади. Ихтиёр блан қилинадиган ҳаракатларнинг барчаси албатта бир мақсад блан қилинади. *Ихтиёрли ҳаракат — мақсад блан қилинган ҳаракатдир.*

Қиладиган ҳаракатни аввал тасаввур қилмоқ ҳам, ҳаракатнинг ихтиёрийлигини кўрсатадиган муҳим аломатидир. Аввал тасаввур қилинмаган ҳаракатни, ёлғиз кўриш тасаввури эмас, балки ҳаракат тасаввури тарзида ҳам кўз олдига келтирмаган ҳаракатни ихтиёрий равишда бажариб бўлмайди.

Аммо ҳаракатни, ҳаракат тасаввури тарзида кўз олдига келтириш учун, я'ни ҳарбир ҳаракатнинг ўзига мувофиқ бўлган ҳаракат сезгиларини эсга тушириш учун, бу сезгиларнинг аввал синаб кўрилган бўлмоғи шартдир.

Шунинг учун *аввал беихтиёр равишда ҳеч қилинмаган ҳаракатни* ихтиёрий равишда *бажариб бўлмайди.*

Одам ихтиёрли ҳаракатларни биладиган бўлиб туғилмайди, балки уларни кейин секин-секин билади. Гўдак муҳим ҳаракатларнинг кўпини ёшига етмасданоқ ўрганиб олади. Гўдак бу ҳаракатларни беихтиёр қилади ва бунинг соясида ихтиёрли равишда ҳаракат қилиш учун лозим бўлган ҳаракат сезгиларини ва ҳаракат тасаввурларини ҳосил қилиб боради.

Биз фақат ўрганган ҳаракатларимизнигина ихтиёримиз блан қилаоламиз. Бу ҳаракатларни ўрганишга келсак, уларни биз тирикчиликнинг ва машғул бўлган касб-кормизнинг талаблари орқасида ўрганамиз. Кўп ҳаракатларни ихтиёримиз блан бажараолмаганлигимизнинг сабаби, бу ҳаракатларни аввал сра қилмаганлигимизднр.

Аксари кишилар қулоқларини ихтиёрлари блан қимирлатолмайдилар, ҳолбуки кишининг анатомиясида қулоқни қимирлатишга мони' бўладиган ҳечқандай тўсқин йўқ. Бу тўғрида қилинган махсус тажрибалар, кишини ўз қулоғини қимирлатишга ўргатиш мумкинлигини кўрсатди. Бунинг учун тегишли мушакларни қимирлатиб, бундан туғиладиган ҳаракат сезгиларини кишига ҳис қилдирмоқ керак. Бундан кейин бу ҳаракатларни ихтиёрий равишда қилиш мумкин бўлади.

Яна бир жўнгина мисол. Айни замонда ўнг қўлингизни бирёққа қараб, ўнг оёғингизни бошқа ёққа қараб, айлантириб кўринг, буни бирқанча машқ қилмагунча, бажараолмасангиз керак.

Бирмунча умумийроқ тарзда айтадиган бўлсак, шундай дейишимиз мумкин: *ихтиёрийлик, бир мақсадни аввалдан онглаб кўзлаш ва бу мақсадга элтучи чораларни аввал бошдан тушуниб сўнгра ҳаракат қилишдан иборатдир, я'ни қисқаси онгли равишда бир мақсадни кўзлаб ҳаракат қилишдир.* Ихтиёрий дейилган ҳаракатларнинг ҳаммаси (я'ни ихтиёрий диққат, ихтиёрий ёдлаш, ихтиёрий эсга тушириш ва ҳоказоларнинг ҳаммаси) шундайдир.

74. АМАЛ ХИЛЛАРИ

Ихтиёрий ҳаракатларнинг бажарилиши, ироданинг энг содда кўринишидир. Гўдакларнинг иродаси ихтиёрий ҳаракатларни бажаришга ўрганишдан бошланади, гўдаклар ўз ҳаракатларини идора қилишни ўрганган чоқларидан бошлаб, уларда ирода пайдо бўлиб, ўсабошлайди.

Аммо *балоғатга етган катта одамларнинг фаолияти,* ҳарқайсиси бўлак-бўлак бўлган алоҳида ҳаракатлардан иборат бўлмай, *балки бирқанча ҳаракатлар воситаси блан бажариладиган бирмунча мураккаб амаллардан иборатдир.*

Амал деб, муайян мотивлар тақозоси блан қилинган ва муайян, аниқ мақсадларни кўзлаган ҳаракатларимизни айтамиз. Шунинг учун мутлақо ихтиёрсиз қилинган ҳечбир амал бўлмайди. Одам ихтиёрсиз ҳаракат қилиши мумкин; масалан, юриб кетаётганда ихтиёрсиз равишда қўлларини қимирлатиши, гапирганда қўллари беихтиёр, ўз-ўзидан қимирлаши, куладиган қизиқ ҳикояни эшитганда беихтиёр кулиши, хунук бир хабар эшитганда беихтиёр қовоғи солиниши мумкин, лекин бу ҳаракатларнинг ўзи бир *амал* бўлаолмайди, чунки буларда кўзлаган бир мақсад йўқ. Бу ҳаракатларнинг ба'зиси „амал“

бўлаолади, лекин бу ҳаракатларнинг „амалга“ айланиши учун уларнинг ихтиёрий бўлиши шарт. Одам эшитган бирон хабарига ўзининг қандай қараганини билдирмоқчи бўлиб кулса, бу ҳолда унинг бу кулгиси „амалга“ айланади.

Одамнинг ҳарбир амали ихтиёрийдир, аммо фарқ бу амалларнинг қанчалик ихтиёрийлигидадир.

Ақл блан қилинадиган онгли амаллар бор, сўнгра онгнинг назорати нисбатан камроқ бўлган *импульсив ҳаракатлар бор*. Кучли ҳиссиёт та'сири блан, аксари аффект (ғалаён) ҳолати та'сири блан қилинадиган амаллар импульсив амаллар жумласидандир.

Импульсив амаллар мисоли „Борис Годунов“ да бор. Фонтан тепасидаги воқиада афсус ва надоматда қолган Каззоб алам ичида Маринага сирни айтади. Бу ҳолатнинг ғалати томони шуки, бунда импульсив амал бир лаҳзада воқи' бўлади. Каззоб дадил-дадил, кат'ий сўзларни айтгач, дарров ҳушига келиб „чакки иш“ қилиб қўйганини билади:

Алам ўти мени қайларга элтди!
Зўр меҳнатлар блан олган бахтимни
Эҳтимолки мангу барбод этдим мен.
Нима қилдим мен телба?

Кейин ҳушига келиб ўзини тўхтатиб олгач, усталик блан дарров хатосини тузатади. („Шаҳзодаман. Мағрур поляк қизига ялинмоқ шунчалар. бас энди, алвидо...“).

Импульсив амалнинг яна бир мисоли Павел Корчагиннинг Файло блан тўқнашгандаги фе'лидир („Пўлат қандай тобланди“, II қисм, VI боб), Корчагин ўзининг қилган бу ишини партия суди олдида бундай деб тушунтирди: „Бунда гапирилаётган ишлар меним оғирлик қилиб, ўзимни тўхтатмаганлигим орқасида бўлди. Фалокат бўлдию, лекин мен ўзимга келиб буни фаҳмлагунимча бўлмай Файлонинг боши ёрилди“.

Киши ғалаёнга келганда нима қилганини билмайди, шунинг учун импульсив амаллар онгсиз қилинади, деб ўйлаш хатодир (юқоридаги 34 § га қаралсин). Импульсив амалларнинг хусусияти уларнинг тамомила онгсизлиги эмас, балки бу амалларда, биринчидан, амалда кўзланган *аниқ мақсаднинг йўқлиги*, иккинчидан, кишининг *ўз амалини онгли равишда идора қилаолмай қолганлигидир*. Юқоридаги мисолларда айтилган одамлар бу ишларидан мақсадлари нималигини тушунтираолмайдилар. Бунда улар *нима сабабдан* бундай қилдилар, дейиш мумкин-ку, лекин *нечун* бундай қилдилар деб бўлмайди. Бу одамлар шу ишларни қилганларида ўзларини етарлик даражада яхши идора қилмаганликлари, я'ни ўзларини тутаолмаганликлари ҳам аниқ. Броқ бунда юқорида аффект (ғалаён ҳолати) масаласини текширганимизда гапирилган сўзларни эсга солиб ўтмоқ керак: одам ғалаёнга (аффектга) келганда ба'зида ўзини тутолмай қолишидан, бундай ҳолатда одам ўзини тутиб олиши ера *мумкинмас* деган хулоса чиқазиб бўлмайди. Каззобнинг фонтан тепасидаги ҳаракати, киши ғалаён ҳолати та'сири блан бир лаҳза ўзини тутаолмасдан қол-

са ҳам, лекин кейин дарров ҳушини йиғиб, ўзини тутиб олиши мумкинлигини кўрсатадиган яққол мисолдир.

Импульсив амаллар ўйланмасдан қилинган амаллардир, шунинг учун уларни ўйланиб қилинган амалларнинг зидди деб биладилар.

75. ИРОДА ТУШУНЧАСИ.

„Ирода“ деган ном блан психик ҳаётнинг одам қилган амалларни бир мақсадни кўзлаган онгли амалларга айлантирган томонини атаймиз. Модомики, болиғ кишиларда тамомила беихтиёр қилинган ҳечбир амал бўлмаса, бас, кишининг ҳарбир амалида бир қадар ирода бордир ва ҳарбир амалда ихтиёрнинг иштироки қанча кўп бўлса, я'ни амал қанча онгли ва аниқ мақсадли бўлса, бу амалда ироданинг иштироки ҳам шунча ортиқ бўлади.

Амалнинг ғоятда муҳим бир нав'ини, ирода блан, жазм ва азм блан қилинган амал, деган ма'нида, **иродавий амал** деймиз. **Амалнинг бу нав'и ички ва ташқи тўсқинларни енгиб қилинадиган амаллардир.**

Одатда қачонки бир ишда биронта тўсқинликни енгиш лозим бўлса, фақат шундагина ироданинг иштироки бор, деб ҳисоблайдилар. Икки оддий ҳолни олайлик: 1) бир хат ёзмоқчи бўлсам, столдаги қаламни қидираман, кейин топаман, қўлимни узатиб уни оламан; 2) кечқурун қўлим бўш, театрга бормоқ истайман; бориб кассадан билет сотиб оламан. Бу ҳолларнинг икковида ҳам қилинган ишлар ма'лум мақсадни кўзлаб қилинган онгли ишлардир, лекин бу ишларнинг ҳечқайсисига ҳечким қаттиқ ирода блан, жазм блан киришиб қилинган амал демайди, чунки бу амалларда биронта қийинчиликни енгиш йўқ. Ҳақиқатда бу ишларда ҳам ирода бор, лекин бунда ирода шунча кам талаб қилинадики, соғлом одам уни пайқамайди. Аммо ба'зибир руҳий касаллар борки, бунда кишининг иродасини идора қилучи нерв марказлари жуда бузилиб, иродаси заифланиб, кишида иродасизлик касали пайдо бўлади. Бунда, ўт-бетга бориш уён турсин, ҳатто стол устидаги буюмни қўл узатиб олишга ҳам кишининг „иродаси етмай“ қолади.

Биронта амални бажарганда бир-бирига хилоф тилаклар ўртасида зиддият туғилиб, улар *бир-бирига қаршилик қилса, шунда ички тўсқинлар туғилади.* Чунончи: ухлагимиз келиб турипти, лекин ўриндан туриб тезроқ ишга боришимиз керак; қизиқ ҳангамани бас қилгимиз келмайди, лекин ҳангамани ташлаб, ишга киришмоқ кераклигини онглаймиз. Бир юмушни бажармоқни лозим топганимизда, шу юмушни бажаришга ўзимизни *мажбур қила билиш* бунга қаршилик қилучи *тилак ва хоҳишларимизни* бартараф қилишимиз ироданинг ишидир. Ирода, аввало *ўзини идора қилишдан, ўз амалларимизни идора қилишдан, ўз фе'лимизни онгли равишда тартиб ва интизом остига олишдан иборатдир.*

Иккинчи томондан, *ташқи тўсқинларни* бартараф қилиб енгишда ҳам ирода бордир. Чунончи, ишдаги қийинликларни, ҳархил халақитларни, бошқаларнинг кўрсатган қаршиликларини енгиш ироданинг ишидир. Иродаси кучлик одам мақсадига етмагунча қўймайди, *бошлаган ҳарбир ишни албатта тамом қилмагунча ташламайди.*

Ирода психик ҳаётнинг бошқа томонлари блан қаттиқ боғлангандир.

Кишининг ҳиссиётлари иродани оширадиган катта бир қувватдир. Ҳечбир нарсадан дардланмайдиган, завқсиз одамларнинг иродаси кучли бўлолмайди. Аммо *шу блан бирга ирода, кишидан ўз ҳиссиётларини тушуниб, уларнинг қиммати билишни ва уларни идора қилишни талаб қилади.* „Ўз ҳирсининг қули бўлганлар“ ҳамиша иродаси кучсиз одамдирлар. „Ҳирсни ақлга бўйсундирмоқ“ ироданинг кучли бўлмоғи учун албатта керак бўлган шартдир.

Улуғ Ватан урушида мардлик кўрсатган қаҳрамонларнинг зўр ирода кучи блан қилган улуғ ишларини психологик томондан текширадиган бўлсак, уларнинг бу ишлари, Ватанга фидокорлик, душманга ғазаб, урушда ғайрат ва шижоат кўрсатиш каби кучли ҳиссиётлар блан, ғоятда зўр бардош, сабрутоқат, зийрак ва ҳуш'ёрлик блан ўзини дадил тутмоқ каби ҳислатларнинг бирлашганидан намунадир.

Ирода блан тафаккур ўртасидаги муносабат қандай чуқурлиги шу айтилганлардан ма'лум бўлган чиқар. *Ирода блан қилинган ҳарбир амал, ўйлаб қилинган амалдир.* Одам ўзини бир ишни ундай эмас, бундай қилишга мажбур этишдан аввал буни ўйлаб кўрмоғи, обдон мулоҳаза қилиб тушунмоғи керак бўлади. Бир мақсадга интилганда йўлда учраган тўсқинларни бартараф қилишдан аввал, бунинг чора ва тадбирларини топмоқ, қандай қилиб бу тўсқинларни йўқотмоқ йўлини чизиш лозим бўлади. Бу гаплар жуда хавфли, хатарли ҳолларда бир лаҳза ичида дарров бажарилиши лозим бўлган ишларга ҳам оиддир.

Мисол тариқасида, кўп совет учучиларининг номини дун'ёда мангу қолдирган ҳаво урушини, я'ни душман аэропланини чўқиб йиқитишни олайлик. Учучиларнинг қилган ҳикоялари, таран, я'ни тумшуқ блан чўқиш ниҳоятда пухта чамалаб туриб, обдон пишиқ ўйлаб, сўнгра бажариладиган бир иш эканини кўрсатади. „Чўқишга қарор қилдим. Душман аэропланини қандай ҳолатда ва қандақасига чўқиб йиқитиш тўғрисида мен кўп ўйладим. Душман аэропланини чўқиб йиқитганда ўз аэропланимни омон сақлаб қолиш мумкин, деган хулосага келдим. Бу қарорни амалда синаб кўриш фурсати келди. Тез учиб, бомбардимончи душман аэропланига яқинлашдим. Унинг чап томонидан келиб, унинг қуйруғи блан қанотига фақат паррак блан андак урмоқни чамалаб ўз аэропланимнинг тумшуғини унинг думига тўғриладим. Мўлжалим тўғри чиқди. Қайрилганимдан кейин қарасам, душман аэроплани қинғайиб пастлаб кетаяпти... Уни мўлжалламасдан таваккалига урганим йўқ. Сизнинг назарингизда чўқиш деворга калла блан урганга ўхшар, лекин бу тўғри эмас. Бунда ҳамма гап кимнинг тезроқ учишидадир. Душманга яқин келиб, аввал баравар тез учмоқ, сўнгра бирданига тезлатиб секингина тегмоқ керак. Яхшиси паррак блан тегмоқ керак“.

76. ИРОДАВИЙ АМАЛЛАР АНАЛИЗИ

а) Қарор, ният ва ижро

Ирода блан қилинган ҳарбир амални бажариш учун аввал бу амалдан кўзланган мақсадни ва бу мақсадга эришмоқ чораларини тушуниш шарт эканини биламиз. Бунинг ма'ниси шуки, одам бир ишга киришишдан аввал, *нима учун* бу ишни қилаётганини ва уни *қандай* бажаришини фикрида ўйлайди, демак, одам амалда бир ишга киришишдан аввал уни *фикрида бажаради.*

Иккинчи томондан, ирода блан қилинадиган ҳарбир амал қийинчилик шароитида қилинадиган, қандай бўлмасин биронта тўсқинликни енгиш блан боғлиқ бўлган амалдир. Демак, бундан ма'лум бўладики, бир ишни амалда бажаришдан аввал бўладиган „ўйлаш амали", бу амалдан кўзланган мақсадни ва бу мақсадга эришмоқ чораларини фақатгина тушуниш блан кифояланмайди; фикрда, бу амалнинг турли эҳтимолларини *мулоҳаза* қилишдан иборат бўлган мураккаб процесс ҳам бўлади. Чунончи, ҳаракат қилиш керакми ёки керакмасми, қандай ҳаракат қилмоқ керак, қандай йўл ва усулларни тутмоқ керак, буларнинг ҳаммасини ўйлаб, „фикрий амал" қилмоқ керак бўлади. Фикрда бўлган бу процесс охирида қарорга келинади.

Қарорга келингач „фикрий амалдан" воқий амалга ўтилади, я'ни бу қарорни *ижро қилишга* кўчилади.

Демак, ирода блан қилинадиган ҳарбир амалда икки босқич бор экан: 1) тайёргарлик босқичидан иборат бўлган „фикрий амал"; бунинг оқибати *қарор* бўлади. 2) Охирги босқичдан иборат бўлган „воқий амал"; бу амал қилинган қарорнинг *ижросидир.* Бир амални дарҳол бажариш лозим бўлганда, қарор блан унинг ижроси кетма-кет воқи' бўлади, бунда қарор бевосита ижрога ўтади.

Н. Островскийнинг „Пўлат қандай тобланди" деган романида батальон военкоми Корчагин аскарлар блан уруш машқига чиққанда, полк штабининг бошлиғи унга, отдан тушиб, пиёда машқ қилмоққа буюради. Буйруқ Корчагиннинг чўлоқлигини масхара қилгандай жуда қўпол берилди. Романдаги бу воқиа қаттиқ ирода блан қилинган амал мисоли бўлаолади.

„Корчагинга худди қамчи урилгандай бўлди. Отининг жиловини силтади..." Унда бирнеча минутгача „икки туйгу талашди: бир ёқдан алам, бир ёқдан сабр". Сабр енгди: „Корчагин батальон военкоми эди. Агар бундай бардош қилмаса, кетида турган батальонига қандай ёмон ибрат кўрсатган бўлар эди!.. „Буйруқ ҳарқанча ноҳақ ва чакки бўлса ҳам, унга сра хилофлик қилмасдан, бўйсунишга қилган қарорини дарҳол ижро қилди: „Оёғини узангидан чиқазиб отдан тушди ва бўғин-бўғинларининг оғриғиға чидаш бериб, ўнг ёққа ўтди".

Ба'зида қарор, дарҳол бажариладиган алоҳида ишларга оид бўлмай, балки гоҳда анча узоққа чўзиладиган ва бирқанча айрим-айрим амаллардан иборат бўлган фаолиятнинг характери ва йўлига оид бўлади, шу топда қилинадиган ишга эмас, ке-

лажакда қилинадиган иш программасига оид бўлади; шу топда нима қилмоққа эмас, келажакда турли ваз'ият ва турли шароитда нима қилиш ва қандай йўл тутишга оид бўлади. Биров мактабни а'лочи бўлиб битиришга, папирос чекмасликка, биров блан фалон-фалон хилда муомала қилишга қарор бериши мумкин.

Н. Островскийнинг юқорида мазкур китобида айтилган яна бир воқиа бу хилдаги қарорга мисол бўлаолади. Корчагин касалининг даҳшатли эканини хўб яхши тушунгач, „Энди душман тор-мор қилинди, аммо менда аскар қаторига яна қайтиш умиди қолмади, ўзимни нима қилай? ...Нима қилсам бўлади?...“ деган муаммо олдида қолди. „Унинг кўнглида икки туйғу, икки фикр талашмоқда. Бири ўз жонига қасд қилмоқ йўлига бошлайди: „Энг қимматли нарсасидан, курашмоқ қобилиятидан ажрагач, энди яшаб нима қилади? ...Тузуккина яшашни билган эдинг, энди фурсатни ўтказмай тамом қилишни ҳам бил“. Иккинчиси, касал бўлса ҳам ўз ҳаётини фойдалик қилиш йўлини топмоқ томонига бошлайди; ўз жонига қасд қилмоқ „Қўрқоқлар қўлидан келган энг осон чорадир... Тирикликнинг машаққати ҳаддан ошганда ҳам, яшай бил. Уни фойдали қил“.

Корчагин денгиз бўйидаги шаҳарнинг эски боғида бирнеча соат юриб, ўйлаб, унинг та'бирича айтганда, „сиёсий бюро“нинг мажлисини қилгач ниҳоятда муҳим бир қарор чиқазди, я'ни темир панжарадан қутилиб чиқиб, қўлда янги қурол блан яна сафга киришга қарор қилди.

Бундай ҳолларда қилинган қарор бевосита дарҳол ижро этилмайди; бу хил қарорнинг натижасида *ният* туғилади, я'ни келажакда муайян бир равишда ҳаракат қилмоққа ўзни тайёрлашдан иборат бўлган бир кайфият туғилади.

Броқ ниятнинг фақат ўзининг аҳамияти йўқ. Ният *ишга шайланиш* учунгина керак. Жуда яхши ниятлари бўлиб, бу ниятларини амалга оширишга фаолият кўрсатмаган одам, иродаси кучлик эмас, заиф кишидир. Ирода бир ишга жазм қилиб, қарор беришда кўринади, лекин бу қарорни ижро этишда ирода кўпроқ юзага чиқади. Папирос чакишни ташлашга қарор бериб, ният қилучи кишилар жуда кўп бўлади, лекин бу қарор ва бу ниятни амалда юзага чиқазган кишиларгина ирода кўрсатган бўладилар.

Қарор блан ният, ирода блан қилинган ҳарбир ишнинг керак қисмидир, лекин ишнинг энг муҳим қисми қарорни ижро этишдир.

б) Мотивлар кураши

Ирода блан қилинадиган ҳарбир амалнинг қарорга келишдан иборат бўлган бошдаги тайёргарлик босқичи, қарор қилинган ишни ижро этганда учрайдиган тўсқинларнинг қандақалигига қараб, я'ни ички ёки ташқилигига қараб, мазмун жиҳатидан ҳархил бўлади. Агар *тўсқин ички* бўлса, ирода блан қилинадиган ишнинг тайёргарлик босқичи *мотивлар кураши* тусига киради, лекин *тўсқин ташқи* хилдаги бўлса, бу ҳолда ишнинг тайёргарлик қисми *тадбир топишдан* иборат бўлади.

Ички тўсқинлар бир-бирига хилофлик қилучи тилаклар ўртасидаги талашларда акс этишини биламиз. Ана шу талаш авж олиб, мотивлар кураши тусига киради; бунда бир-бирига хилофлик қилучи тилак ва хоҳишларни, ҳисларни чамалаб, уларни ма'қул ва нома'қулга ажратиш, муҳокама ва мулоҳаза қилиш каби ҳоллар бўлади. Павел Корчагиннинг турмушига оид бўлган бояги воқиаларнинг икковида ҳам шу хилдаги мотивлар кураши бор: биринчи воқиада, алам блан сабр-тоқат ва интизомлилик курашади; иккинчи воқиада бир томонда умидсизлик блан бема'ни „қаҳрамонлик", иккинчи томонда курашга интилиш, темирдай маҳкам сабот ва матонат кўрсатиш ҳамда чин большевикда бўладиган ўз виждоний бурчини тушуниш туйғулари бир-бири блан талашади.

Мотивлар кураши, амални қандай йўллар блан бажариш устидаги кураш бўлмай, балки амалдан кўзланган мақсад ва тутган йўл устидаги курашдир. Бунда қабул қилинган қарор, ишни *қандай* бажаришга оид бўлмай *нима* қилишга оид бўлади. Биринчи воқиада Корчагин олдида турган масала, ҳақсиз буйруқни қандай ижро қилсам экан, масаласи бўлмай, балки уни бўйин товламасдан, дарҳол бажарайми, йўқми масаласи эди.

в) Тадбир танлаш

Бир амални бажараётганда учраган қийинчилик, ички тўсқинликларни енгишдан иборат бўлмай, ташқи тўсқинларни енгишдан иборат бўлганда, аҳвол ўзгаради. Бунда мотивлар кураши йўқ, амалда кўзланган мақсад аниқ, лекин бу мақсадга қандай етишиш, бу йўлда турган қийинчиликларни қандай йўқотиш масаласи аниқ эмас. Бундай ҳолларда турли *чора* ва *тадбирлар* излашга тўғри келади, бошқача айтганда *қандай амал қилиш тўғрисида план тузиш* керак бўлади. Бунда қилинадиган қарор мақсад масаласига оид бўлмай, балки бу мақсадга қандай йўллар блан етишиш, қандай чора кўриш масаласига оид бўлади.

Мисолни Островскийнинг яна шу „Пўлат қандай тобланди" деган китобидан оламиз. Павел Корчагин йўлда кетаётиб, қўлга тушиб қолган Жухрайни олиб кетаётган петлюрачини кўриб қолади. „Корчагиннинг юраги ниҳоятда қаттиқ шиддат блан ўйнаб кетди. Ҳархил фикрлар югурлашиб ўтаберди, уларни йиғиштириб, саранжом қилиб олиш иложи йўқ. Бир қарорга келай деса, фурсат танг. Аниғи фақат шуки, Жухрай ҳалок бўлди. Павел унга яқинлашиб келаётганларга қараб туриб, кўнглида туғилган туйғулар ичида ўралашиб қолди. „Нима қилсин?" Охирги фурсат қолганда, бирдан чўнтагидаги тўппончаси эсига тушди. Унинг ёнидан ўтиши блан, милтиқликни орқасидан отиб ўлдирсам Федор қутилади. Бир лаҳзада қарорга келиб, фикрида бўлаётган алғов-далғов ҳам тўхтади". Павел Жухрайга ёндашиб борди, бирёғлиқ қилиш фурсати келди, бир лаҳзада бажармоқ керак. „Лекин, мабодо ўқим хато кетиб, унга тегмасдан Жухрайга тегса, нима бўлади..." деган фикр унинг миясини чўқилар эди. „Петлюрачи шундоққина ёндашиб қолган бўлса ўйлаб ўтириб бўладими? Шундай бўлдики, Жухрайни ҳайдаб бораётган сариқ мўйлов Павелнинг ёнига келиб қолди; Павел тўсатдан унга ёпишиб милтиғини маҳкам ушлаб, уни ерга босди..."

Бунда ҳечқандай мотивлар кураши йўқ. Психиканинг бутун қуввати тамомила фақат бир томонга қараб кетган, я'ни *қандай* ҳаракат қилишга, қандай *план қилишга* қараган. Фурсат ниҳоятда камлигига қарамай, Павелнинг кўнглида ғоятда мураккаб туйғулар жараён қилиб ўтди. Аввал саросима ва паришонлик, тараддуд ҳолати рўй берди, турли фикрлар орасида ўралашиб қолди. Кейин бир лаҳзада биринчи қарорга келиб, „фикрлар алғовдалғови" тўхтади. Лекин амалий ҳаракат қилиш пайти келганда, ўйлаб ўтиришга фурсат қолмаганда, бу қарорнинг кифоя эмаслиги ма'лум бўлиб, охирги пайтда бу қарор ташланиб, янги қарорга келинди, я'ни Жухрайни ҳайдаб бораётган одамни отиб ўлдириш ўрнига, унинг қўлидаги милтиғини тортиб олишга қарор қилинди. Бу сўнгги қарорга тўхташ блан уни ижро этиш ўртасидаги вақт шундай қисқаки, ҳатто Корчагиннинг ўзига ҳам тўсатдан" қилинган ҳаракатдек кўринади. Аммо ҳақиқатда бунда ҳам амалнн „воқи'да" бажаришдан аввал „фикрда" бажарилди, қарор блан ижро ўртасида ўтган вақт ниҳоятда қисқа бўлиб, орада бир нафас ўтмаган бўлса ҳам ҳар ҳолда ижродан аввал қарор воқи' бўлди.

Қандай тадбир қилишни танлаш, миянинг ишлашини, ба'зида ниҳоятда қаттиқ ишлашини талаб қилади (Корчагиннинг миясида „ҳархил *фикрлар* югуришиб ўтаберди", „*фикрида* бўлаётган алғов-далғов... тўхтади", „деган *фикр*... миясини чўқилар эди", „ўйлаб ўтириб бўладими?.." ва ҳоказо гаплар). Броқ ирода блан қилинадиган амалнинг бир қисми бўлган план тузиш, ёлғиз фикр иши бўлмай, балки бу блан бирга ирода иши ҳамдир, чунки бунда план „умумий" тарзда тузилмай, муайян бир ҳолат ичида бажарилиши назарияда мумкин бўлган иш плани тарзида тузилмай, балки *амалда дарвоқи' қилинадиган ишни аввал фикрда бажариш йўсинида ижро этиш учун берилган бир мажбурият* йўсинида тузилади. Сиз ва бизлардан ҳарқайсимиз, ўзимизни Корчагин хаёл қилиб, унинг олдида турган масалани биз ҳам ҳал қилишимиз ва бунинг учун энг яхши тадбирларни излаб топишиз мумкин. Лекин бу ҳолда бизнинг психикамизнинг бу фаолияти фақат фикр фаолияти бўлиб қолади, аммо Корчагиннинг ўзида бу фаолият айни замонда ҳам фикр, ҳам ирода фаолияти эди.

77. ВИЖДОНИЙ БУРЧ ҲИССИ

Чин ма'носи блан иродавий амал бўлган ҳарбир ишдаги мотивлар кураши, ҳамиша кишининг *ўз бурчини онглаши, ҳис қилиши блан бу ҳисга, бу онгга хилоф бўлган биронта ички интилиши ўртасида бўладиган курашдир.*

Корчагин ўз бошлиғининг ҳақсиз буйруғини бажарганда, унинг дилида қўзғолиб, ички ғалаён даражасига чиққандай бўлган („отининг жиловини силтади") алам туйғуси блан, интизом сақлаб, ўз батальонига ибрат кўрсатиши кераклигини онглаши ўртасида кураш бўлиб ўтди. Корчагиннинг денгиз бўйидаги шаҳар боғида юриб ўй-ўйлаганида, унинг дилида бўлган ички курашнинг моҳияти, *бурчим* нима? большевиклик *бурчи* мендан нима талаб қилади? деган масалани ҳал қилишдан иборатдир.

Ички тўсқинларни енганда, *кишининг иродаси, виждони талаб қилган нарсани қилишга ўзини мажбур этаолишида юзага чиқади.*

Ма'навий ҳиссиёт деб аталган ҳислар орасида энг муҳими ва кучлиси, кишининг бошқаларга бўлган муносабатини, хусусан жамиятнинг ма'лум гуруҳларига, масалан, ўз халқига, партияга, комсомолга, ўзининг ҳарбий қисмига, ўз заводига, ўз мактаби ва ўз оиласига бўлган муносабатини, ўз туйғуларидан кечириши блан боғлиқ бўлган виждоний бурчдир.

Виждон бурчининг негизи, киши қайси ижтимоий гуруҳга мансуб бўлса, шу гуруҳнинг манфаатларини онглаши, ҳамда бу гуруҳга нисбатан устига тушган ўз вазифаларини тушунишдир. Аммо бу манфаатларни ва ўзининг вазифаларини фақат *билиш* кифоя қилмайди, ўз вазифасини, бурчини фақат ақлда *билиш* иродани кучайтириш учун замин бўлаолмайди. Кишидаги бу онг кучли ва чуқур *ички туйғуга* айланиши керак. Агар одам ватани бошига тушган кулфатга ўз кулфатидек қайғирса, ўз заводининг ишидаги муваффақиятга ўз муваффақиятидек қувонса, ўз синфининг муваффақиятсизлигига ўз муффақиятсизлигидек хафа бўлса, шунда ўз бурчини *билишдан* ташқари, уни *туйғуларидан кечириб ҳис қилиш, дардланиш* лаёқатини пайдо қилади. Шунинг учун ҳам, кишининг виждоний бурчи тўғрисида сўзлаганда, ўз бурчини билиш демасдан, ўз бурчини ҳис қилиш, деймиз.

Кишиларнинг қилган бирон ишига *яхши* ва *ёмон* деб баҳо бериш, виждоний бурчни онглашдан келиб чиқади. Кишининг фе'л-атворига берилган қиммат ҳамиша бу фе'л-атворларнинг жамият учун бўлган қимматини онглаш блан боғлиқдир. Кишининг фе'л-атворига *хуш* ва *нохуш* деб берилган қиммат хусусий, шахсий бўлади; бу қиммат блан *яхши* ва *ёмон* деб берилган қиммат ўртасидаги фарқ ҳам шудир.

Кишинииг ўз қилмишларига яхши ва ёмон деб қиммат бериши, қиммат берганда ҳам фақат ақл блан ўлчаб эмас, балки юрак-бағридан ҳам сезиб, қиммат бериши, *виждон* дейилади. Кишининг ўз қилмишларининг ҳақ ва тўғрилигини онглаши, я'ни „виждони поклигини" онглаши, кишига ниҳоятда катта шодлик етказади, хурсанд қилади, кишига дадиллик беради, ҳақсиз буҳтон ва туҳматларга қарши турмоқ учун куч ва қувват беради. Кишининг, ёмон бир иш қилиб қўйганини ўзи онглаши „виждонини қийнайди", „виждон азобига солади", киши афсус еб, пушаймон қилади. Киши ўз қилмишидан бундай виждоний азоб тортганда, унинг инсофи, қилган ёмонлигини дарҳол амалда тузатишни талаб қилади. Агар одам пушаймон еганини ҳечбир равишда изҳор қилмаса, ўз хатосини тузатиш уён турсин, ҳатто унга иқрор бўлиб, бўйнига ҳам олмаса, бу ҳолда киши уни доим эзиб турадиган шундай оғир руҳий ҳолатга тушиб қоладиким, бу ҳолатга тушган одамни виждони нопок, я'ни „шармсор" дейдилар.

Соф виждонлилик, кишининг энг қимматли яхши сифатидир ҳамда *ма'навий жиҳатдан юксак* ироданинг пайдо бўлиши ва ўсиши учун энг муҳим шартдир.

Виждоний бурчни ҳис қилиш ҳам, шунингдек бунинг оқибати бўлган соф виждонлилик ҳам кишининг ниҳоятда *онгли* бўлишини талаб қилади. Бу блан бирга амалда кўрсатиладиган чуқур ҳиссиётларга, чунончи, ватан муҳаббати, партияга садоқат, ўз коллективи блан маҳкам боғлиқ бўлмоқ каби ҳиссиётларга эга бўлмоқни ҳам талаб қилади. Бунда ўз зиммасидаги бурчини бажариш оғир вазифа бўлмайди. Бурчни адо қилиш машаққатли мажбурият эмас, роҳатга айланади, ҳаётнинг улуғ бахти бўлиб қолади. Ўз виждоний бурчини ҳис қилиш, кишининг барча фе'л ва ҳаракатларининг энг кучли сабаби даражасига чиқиб, кишини мардлик ва қаҳрамонлик йўлига бошлайди.

Қизил Армиянинг юбилей куни бўлган 1943 йил 23 февральда 254 гвардия ўқчилар полкининг батальонидаги комсомоллар истироҳат вақтида мажлис қилиб, Чернушка қишлоғини олиш тўғрисидаги буйруқни қандай қилиб яхши бажариш масаласини музокарага қўйдилар. Мажлисда автоматини кўксига тақиб олган малла сочлик ўспирин комсомол Саша Матросов сўзлади. Матросов ўрнидан туриб, ўртоқларига аланглаб қараб олгач, дабдаба блан дадилона сўзлаб, бундай деди:

— Буйруқни бажарганимиз бўлсин! Қўлимдан қуролим тушгунча, дилим тепишдан тўхтагунча, немислар блан уруш қиламан. Юртимиз учун жон фидо қилиб, ўлимдан қўрқмай урушаман!

Батальон кечаси блан тўхтамай, ўрмон оралаб юриб чиқди. Бу кеча Саша Матросов ҳар тўхтаганларида ўртоқларига дер эди:

— Қани оғайнилар, аҳди-паймонни унутмайлик, урушадиган бўлсак, астойдил урушайлик. Ўлсак ҳам ишни бажарайлик.

Чернушка қишлоғига кираверишда душманнинг учта дзоти йўлни тўсиб турар эди. Йўлнинг икки томонидаги дзотлар қамаб олинди, лекин ўртадаги дзот даҳшатли ўқ ёғдириб, қишлоқ блан батальон ўртасидаги сайхон ердан ўтиб боришга сра қўймай турар эди. Бу дзотни бузиб ташлаш учун юборилган бирнеча автоматчилар сайхонга чиқиш блан нобуд бўлавердилар. Душман пулемётини ҳеч бўлмаса бир паст отишдан тўхтатмагунча, қишлоққа яқинлашиб бўлмас эди.

Саша Матросов пана-панадан эмаклаб бориб, ён томондан дзотнинг туйнугини бир сира ўққа тутиб эди, ўқ мўлжалига тегиб, пулемётнинг товуши ўчди, лекин бирпастдан кейин яна овози чиқиб қолди. Матросов сапчиб туриб, ўзини туйнукнинг оғзига ташлаб уни бекитди. Пулемёт бир паст тўхтади, шу пайтда жангчилар босиб бориб, дзотни олдилар.

Комсомол Саша Матросов сўзи устидан чиқиб, *ўз бурчини* дарҳақиқат батамом бажарди. Матросов ўз жонидан кечиб, номини дун'ёда абадий қолдирди. Гвардия аскари Совет Иттифоқининг қаҳрамони Александр Матросовнинг номи Чернушка қишлоғида бўлган жангда бирга борган ротанинг аскарлари рўйхатида мангу қолди („Правда" газетасининг 1943 йил 12 сентябрь сонига қара).

78. КИШИНИНГ ИРОДАГА ОИД СИФАТЛАРИ

Кишининг иродага доир сифатларини та'риф қилганда, бу сифатларни, биринчидан, ирода блан қилинадиган амалларнинг мотивига тегишли бўлган сифатларга, иккинчидан, бир қарорга келганда юзага чиқадиган сифатларга, учинчидан, қилинган қарорни ижро қилишга алоқадор бўлган сифатларга ажратамиз.

1. Қарор ва амалнинг онглилиги. Ҳарбир иш ва амалида онгли бўлган одам, ўз олдига қўйган мақсадларининг тўғри ва муҳимлигига қаттиқ ишониб, бунга қаноат ҳосил қилганлигидан, ҳарбир ишни ўз билганича мустақил қилади. Бу одам ўзининг бирмунча барқарор қараш ва маслакларидан келиб чиққан ва яхши онглаб етган тилакларига қараб амал қилади. Бундай одам интизомга бўйсуниш лозимлигини тушунганидан, ҳеч бўйин товламасдан, интизомга итоат қилади.

Ироданинг яхши ўсганлигининг аломати бўлган ҳақиқий мустақиллик, ироданинг нуқсонидан дарак беручи *лақмалик* ва *негативизм* деб юргизилган *терслик* каби сифатларнинг зиддидир.

Бировларнинг та'сири остига тушаберишни *лақмалик* деймиз.

Онгли одам, бировнинг берган маслаҳатларининг тўғрилигини ва унинг ўз қараш ва маслакларига мувофиқлигини онгласа, бу маслаҳатларга кўнади. Лақма одам ҳаркимнинг ҳарқандай маслаҳатига кўниб кетаверади. Агар андак қистанилса, унинг ўз қараш ва хоҳишларига тамомила тескари бўлган ва сра тўғри келмаган ишларни қилишга ҳам кўнаберади.

Негативизм, я'ни бекордан-бекорга бошқаларнинг деганига терслик қилабериш, зоҳирда лақмаликнинг зиддидир. Негативизм деб юргизилган бу терслик, бировнинг гапига, маслаҳатига кўнмасдан, фақат ўжарлик юзасидан ўз билганини қилиш хоҳишидан иборатдир.

Лақмалик ирода заифлигининг аломати бўлганидак, терслик ҳам ироданинг кучлилигини эмас, заифлигини кўрсатади. Бу ҳолларнинг икковида ҳам, мустақилик сифати йўқдир; бунда одам бировларнинг берган маслаҳатининг тўғри-нотўғрилигини ўйлаб кўрмай, агар лақма бўлса, бу маслаҳатларга қулоқ солиб дарров кўниб кетаверади, агарчи терс бўлса ўжарлик қилиб сира кўнмайди.

2. Дадиллик. Дадиллик деб, кишининг фурсатни ўтказмасдан пухта ўйланган ва замини маҳкам қарорлар чиқариш қобилиятини айтамиз.

Дадиллик блан „тезликни" бир-бирига аралаштирмасдан, уларни фарқ қилмоқ керак. Ваз'ият шошишни талаб қилмаса ҳам, бир ишни пухта мулоҳаза қилмасдан шошма-шошарлик блан қарор қилиш, ироданинг кучлилигини эмас кучсизлигини кўрсатади. Кўпинча мужмал ва суст одамлар шошма-шошар бўладилар; дадиллик блан бир иш қилиш бундай одамларга жуда қийин кўринади, шунинг учун улар бу ишдан тезроқ қутила қолай деб, шошадилар. Чин дадиллик, агар ваз'ият йўл қўйса, қарор қилишга шошмасдан, аҳвол, ваз'ият жуда аниқ ва равшан бўлгунча бардош қилиб туриб, сўнгра иш пухта билингандан кейин бир пастда қарорга келишни талаб қилади.

Лекин иккинчи томондан, дадиллик вақт танг ҳолларда дарҳол бир қарорга кела билишни талаб қилади. Дадиллик,

таваккал қилиш лозим бўлган гезларда бундан қайтмасликни талаб қилади. Ўртоқ Сталин, „учучи, ироданинг, характернинг таваккал қилабилиш қобилиятининг мужассам тимсолидир“, деган.

Дадиллик аслида иродага оид сифат бўлса ҳам, лекин ақлнинг муайян сифатлари блан қаттиқ боғлиқдир, я'ни дадил бўлмоқ учун ақл жуда танқидий бўлмоғи ва бу блан бирга жасур ҳам бўлмоғи керак.

Фурсати келганда кераксиз шак-шубҳаларни ташлаб, тараддудга тушмай, я'ни иккиланмасдан узул-кесил ҳаракат қилучи одамни дадил деймиз. Аммо қарашларининг торлиги, мулоҳазасизлиги орқасида, шубҳаланишни ҳам билмаган одамни дадил демаймиз. Бундай одам фалон ишни дадиллик блан қилди демаймиз, ўйламасдан қилди, деймиз.

Киши бир ишни ўйлаб, мулоҳаза қилиб, сўнгра қарорга келса, унинг бу қарори маҳкам ва пухта бўлади. Дадил киши қилган қароридан қайтмайди, ҳолбуки жасоратсиз, дадилмас одам, ҳамавақт, я'ни қарор қилгунча ҳам, қарор қилгандан кейин ҳам иккиланаберади. Дадилмас одам қат'ий ва узул-кесил иш қилишдан қўрққанидан доим аввал бир қарорга келишни орқага ташлайберади, кейин қароридан ҳадеб айнай беради.

Гогольнинг „Уйланиш“ деган асаридаги Подколёсин жасоратсиз одамнинг мужассам тимсолидир, Подколёсин уйланмоқни хоҳлайди, лекин унинг уйланишига тўсқин бўладиган ҳеч мони' бўлмаса ҳам, бу тўғрида қат'ий бир қарорга келаолмайди, Кочкарёв уни келинникига обормоқчи бўлганда ҳеч унамай уйланишдан воз кечади.

Кочкарёв. Орқага ташлаб нима қиласан? ахир ўзинг розисан-ку?

Подколёсин. Менми? Йўқ .. мен ҳали кўнганим йўқ.

Кочкорёв. Ана холос! Ахир ҳозиргина ўзинг хоҳлайман деб эдинг-ку.

Подколёсин. Мен уйлансам ёмон бўлмайди, деган эдим, холос.

. . . . . .

Кочкорёв. Хўш, бўлмаса гап нимада қолди?

Подколёсин. Ҳечнарсада қолгани йўқ-ку, фақат ғалатироқ. . . .

Ма'лумки, комедиянинг правордида, тўй бўлиб, никоҳ пайти келганда, Подколёсин ўзини деразадан ташлаб қочади. Бунинг сабаби нима? Сабаби шуки, жасорат қилиб, узил-кесил қарор қилиш лозим бўлган пайт келганда, юраги ботинмади: „... иш тамом бўлгач ҳеч важ ва баҳона қолмайди, айнаб бўлмайди, пушаймоннинг фойдаси бўлмайди, тамом бўлади. Ҳали ҳам орқага қайтиш анча қийин бўлиб қолди...“

3. Сабр-тоқат. Ироданинг бу хусусияти икки нарсада кўринади.

Биринчидан, бир қарорга келгач, бу қарорни бажаришга тўсқинлик қилиб турган қўрқув, дангасалик, уятчанлик каби нарсаларни енгиб, қилган қарорни бажаришига *ўзини мажбур қилаолиш*. Турмушда *ирода қуввати* деб ироданинг кўпроқ шу сифатини айтамиз. Кишида ирода қуввати бўлмаса, мардлик уён турсин, ҳатто бир ишни инсоф блан ҳалол бажариш каби оддий сифатлар ҳам бўлмайди.

Иккинчидан, сабр-тоқат, номатлуб туйғу ва ғалаёнларни ташқари чиқазмасдан ва импульсив ҳаракатларга йўл бермас-

дан, ўзини тута билишдан иборатдир. Ироданинг бу томонини *бардош* дейдилар.

Н. Островскийнинг „Пўлат қандай тобланди“ деган китобида кўрсатилган турмуши, ирода қуввати ва сабр-тоқатнинг яхши бир мисолидир. Кўзи кўр, қўл-оёғи шол бўлиб қимирлайолмасдан ётса ҳам, зўр ирода қуввати блан бошқа янги қурол олишга, я'ни ёзучилик қаламини тутишга ўзини мажбур қилди ва бунда умидсизликни кўнглидан тамомила чиқазиб ташлади, ҳатто унинг ўз та'бирича айтганимизда, „ҳаркимнинг кўнглида яшашга ҳаққи бўлса ҳам, менинг кўнглимда яшашга ҳаққи бўлмаган“ ма'юслик сингари „оддий инсоний ҳиссиётларни“ ўзига „тақиқ“ қилди. Машҳур икки романини ёзганда унинг иродасидан қандай зўр куч талаб қилинганини билмоқ учун ёлғиз қуйидаги ҳолни э'тиборга олсак кифоя: „Нимаики ёзса ҳар калимасини эсида тутиши керак эди“; ёзаётганда бирнеча варақ, ҳатто бирнеча бобларни бошдан оёқ ёд ўқишга мажбур бўлар эди“. Кўп тажриба кўрган ёзучи бўлмай, бу соҳада эндигина кучини синаб кўрмоқчи бўлган ва бунинг устига дард чекиб ётган одам бўлатуриб, шундай қийин ишни қилди.

4. Ғайрат ва сабот. Ироданинг бу ҳислати мақсад йўлида учраган ташқи тўсқинларни бартараф қилабилишдан иборатдир.

Бу сифатларнинг иккови айни замонда ҳаммада бўлабермайди. Ба'зилар бир ишга жуда катта ғайрат блан киришсалар ҳам тезда „совийдилар“; бундай одамлардаги ғайратнинг умри қисқа бўлади. Қийинчилик кўпроқ йўлда учраса, уларни енгишга сабрлари чидамайди. Лекин иродаси чинакам кучлик бўлган одамларнинг ғайрати, узоқ вақтгача совимайди. Йўлда қийинчилик ва тўсқинлар учраганда, буларнинг иродаси сусайиб, ғайрати кетмайди, аксинча иродаси кучайиб, ғайрати ошади.

Сабот, кўзланган иш планини амалга оширишдир.

Ҳарбир планнинг икки томони бўлади:

1) Мақсад ва вазифалар, я'ни *нимани* бажариш кераклиги, *қанча* бажарилиши, *қачон* бажарилиши. Бу планнинг сон жиҳатидир.

2) Вазифани адо қилиш учун қандай чора ва тадбирлар кўриш кераклиги, я'ни кўзланган мақсадни *қандай йўллар* блан ва *қайси тартибда* амалга оширилишидир. Бу, планнинг сифат жиҳати бўлади.

Саботли бўлмоқ, планнинг сифат томонини ҳарна қилиб бажариш учун ҳархил чоралар кўриб, унинг сон жиҳатини астойдил бажариб бормоқ демакдир. Саботда, ҳарна қилиб бўлса ҳам мақсадга етишмоқ бор; лекин бунда ваз'иятнинг ўзгаришига қараб, мақсадга етмоқ йўлида аввал бошда кўрилган чора ва тадбирлар ўзгариши мумкин, мумкингина эмас, ҳатто шартдир. Аввал бошда белгиланган йўл кишининг мақсадга етмоқ йўлидаги ҳаракатларини бўғиб қўймасин. Аввал

бошда белгиланган йўл ҳамма йўллардан яхши бўлган чоқ-қача, бу йўл ташланмайди, лекин мақсадга тезроқ элтадиган бошқа бир йўл топилиши бланоқ, эски йўл ташланиб, янгиси ишга солиниши керак.

79. ИРОДА ТАРБИЯСИ

Кишининг иродаси қийинликларни енгишда юзага чиқади, лекин одам бир ишни нима мақсадда ва қайси омоли йўлида қилаётганини билмаса қийинликни енголмайди. Шунинг учун иродани тарбиялашда риоя қилиниши лозим бўлган энг биринчи муҳим шарт, кишининг *ўз маслак ва қарашларини аниқлаб олиши ва жамиятпарастлик ҳиссиётларини* ўстириши ва бу заминда *виждоний бурчини билиш ҳиссиётини тарбиялашидир.*

Иродани тарбиялашнинг иккинчи шарти, ўз *ҳохишларини идора қилабилишдир.* Кишининг тилак ва интилишлари, анчайин қуруқ хоҳиш доирасидан чиқмай, амалда йироқдаги мужмал истаклар шаклида қолаверса, бунда иродани кучайтириш асло мумкин бўлмайди. Гражданлар урушининг қаҳрамони ва отлиқ қизил аскарларнинг жанговор командири бўлган Г. И. Котовскийнинг ён дафтарида „истамоқ, уддаламоқ демакдир", деган сўз бор. Котовский сингари иродаси қувватли одамлар назарида истак шундай бир зўр кучдирки, ҳечқандай тўсқин бу кучга писанд эмас. Лекин кишининг асосий мақсад ва омолидан келиб чиқмай, балки тез ўтиб кетадиган, бир пастлик кайфиятидан келиб чиқадиган истаклари ҳеч маҳал бундай кучлик бўлаолмайди. Ўртоқ Сталин, ҳар ишда муваффақият қозониш учун истакнинг ҳал қилучи катта аҳамиятга эга бўлганлигини та'кидлаб айтган „большевикчасига ихтирос блан исташ" ана шундай исташдир (ўртоқ Сталиннинг 1931 йилда бўлган хўжалик ходимлари кенгашида сўзлаган нутқидан).

Иродани тарбиялашнинг учинчи шарти, *бажариб бўлмайдиган қарорларни қилмаслик ва амалга ошмайдиган ниятларга бел боғламасликдир.*

Ҳархил қарорлар ҳархил эзгу ниятлар иродаси кучсиз одамларда ҳаммадан кўп бўлади. Ўз иродасини оширмоқчи бўлган одам қилган ҳарбир қарорига ва ниятига мас'улиятли муҳим иш деб қараши ва қабул қилинган қарорни бажармаслик кишининг иродасини бузиб, издан чиқазишини доим эсда тутмоғи керак.

Иродани тарбиялаш шартининг тўртинчиси, ўзининг ҳарбир ишига ўзи баҳо бериб, қилган ишининг оқибатини тушуниб, унга баҳо берабилиш одатини пайдо қилиш, қилган ҳарбир ишига *бошқалар кўзи блан қарашдир.* Киши ўзига ва қилган ишларига танқид кўзи блан қарашга одатланмаса, иродасини ошираолмайди. Ўзини тергаб-тежаб туриш, ўзига

жиддий талаблар қўйиш кучли ироданинг муҳим аломатларидан биридир.

Иродани тарбиялашнинг охирги, бешинчи шарти, *ташқи ва ички тўсиқларни енгишга ўзини одатлантириш ва иродани маҳкамлашни ҳамиша машқ қилиб, бунга ўзини ўргатишдир*. Киши бутун иродасини тўплаб, бирон иш устида „диққат“ бўлиб, „иродаси ишлаб“ тургандаги алоҳида бир ҳолат, ироданинг амал қилиб турганини кўрсатадиган аломатидир. Қаттиқ са'йи ва ҳаракат талаб қилинмаган ишда жиддий ирода ҳам бўлмайди. Лекин, „иродани ишга сола билиш лаёқати“ ва бинобарин, тўсқинликларни енгаолиш қобилияти амалиёт натижасида пайдо бўлади. Горький бу ҳақда сўзлаганида, „одамнинг ўзини андаккина енгиши ҳам, уни анча кучлик қилади“ деган. Кишининг иродаси амалиёт натижасида маҳкамланади. Кўп майда ишларда иродасини етилтирган ва пишитган одамгина катта ишларда ирода қувватини кўрсата-олади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ҳарбир амалнинг мотиви блан мақсади ўртасида қандай фарқ бор?
2. Ҳавас блан хоҳиш ўртасидаги фарқ нима?
3. Ихтиёрий ҳаракатнинг ихтиёрсиз ҳаракатдан фарқ қилган аломатлари қайси?
4. Импульсив ҳаракатларни та'риф қилиб беринг.
5. Ирода нимадир?
6. Ироданинг сезгилар ва тафаккур блан қандай алоқаси бор?
7. „Қарор“ ва „ният“ тушунчаларининг бир-биридан фарқи нима?
8. Қандай ҳолларда мотивлар кураши чинакам ирода ишига айланади?
9. Ирода блан қилинадиган иш қайси ҳолларда план тузишни талаб қилади?
10. Қайси ҳислар виждоний деб аталади?
11. Виждоний бурчни ҳис қилиш қобилиятини ўстириш учун замин бўладиган нарса нимадир?
12. Одамнинг иродага оид сифатларини айтинг.
13. Иродани тарбиялашдаги муҳим шартларни айтинг.

Масалалар

1. Адабиётдан мисол олиб бир ишнинг мотиви блан мақсади ўртасидаги фарқни кўрсатинг.
2. Ўзингиз билган биронта адабий асардан импульсив ҳаракатдан бирнеча мисол кўрсатинг.
3. Ички тўсқинликларни енгиш талаб қилган иродавий амалдан, сўнгра ташқи тўсқинликларни енгишни талаб қилган иродавий амаллардан мисол кўрсатинг.
4. Мотивлар курашидан мисол кўрсатинг.
5. Ирода блан қилинадиган бир ишни бажарганда, уни қандай бажариш йўлини аниқлаб олиш лозим бўлган иродавий амалдан бир мисол кўрсатинг.
6. Кишида сабр ва тоқат борлигини билдирадиган ҳоллардан бирнеча мисол кўрсатинг.

XI боб

ФАОЛИЯТНИНГ ПСИХОЛОГИК АНАЛИЗИ

80. ФАОЛИЯТНИНГ ВАЗИФА ВА МОТИВЛАРИ

Меҳнат қилишми, ўқишми, ўйинми фаолиятнинг барчасида, белгиланган иш нормасини бажариш, ишни унумли қилиб кунда уч-тўрт норма бажариш, инглизча ёзилган осон китобларни белуғат ўқишни ўрганиш, имтиҳонда ҳамма дарсдан беш олиш, спорт мусобақаларида биринчикликни олиш ва бошқа бунинг каби мақсад ва вазифалар бўлади.

Юқорида ўтган 72 § да кишининг ўз олдига бирон мақсадни қўйишига сабаб бўлган нарса, уни ҳаракатга солган нарса мотивлар эканини айтган эдик. Броқ мотивлар блан мақсад ёки вазифалар ўртасидаги муносабат фаолият вақтида ўзгариб кетиши мумкин, *я'ни олдимизда турган вазифаларни бажаришнинг ўзи фаолиятнинг мотивига айланиши мумкин.* Ма'лум мотивлар ўнинчи синф ўқучиларидан бирини, мактабни медаль олиб тамомлашга жазм қилдирди. Кейин бу вазифани бажаришга интилишнинг ўзи болани бу йўлда ҳаракат қилдирган кучга, унинг фаолиятининг мотивига айланади. Одам ўз олдида турган вазифасини бажаришга бепарво ва лоқайд бўлмай, балки ҳақиқатан тиришиб, ўз вазифасини бажаришга астойдил *киришганда,* бу йўлдаги фаолияти унинг *жону-дилига* айланганда ҳамиша шундай бўлади.

Ҳарбир ишда одам ёлғиз бир вазифани кўзда тутмай, балки *бир-бирига боғланган бирқанча вазифаларни* кўзда тутиб ҳаракат қилади. Бир ўқучи инглиз тилини ўрганаётган бўлсин. Аммо ҳозирнинг ўзида унинг олдида турган вазифа, қийин бир жумланинг ма'носини онгламоқдир. Лекин бу вазифа сўнгидан турган яна бир кенгроқ вазифа борки, у ҳам бўлса эртаги дарсга тайёрланиши керак бўлган узун бир парчани таржима қилишдир. Бу вазифа, орадаги бирқанча кичик вазифалар орқали, инглиз тилини ўрганишдан иборат бўлган умумий ва катта вазифа доирасига киради, бу катта вазифа ҳам ўз навбатида тағин ҳам каттароқ бошқа вазифани адо қилиш учун бир шартдир, я'ни ма'лум бир соҳанинг етук мутахассиси бўлмоқ учун бажарилиши лозим бўлган шартдир.

Лекин одамнинг бу сўнгги вазифаси ҳам, Совет Ватанига хизмат қилиш ва коммунизм учун курашишдан иборат бўлган марказий, юксак вазифага бўйсунади; Совет кишиси бу вазифани ўзининг бутун ҳаётининг мақсад ва омоли деб билади ва келажак касб-корини шу мақсадига қараб белгилайди.

Кишининг бирон фаолиятга муносабати ва бинобарин, бу ишни *қандай* адо қилиши, унинг ўз олдидаги вазифаларининг келажак истиқболини қанчалик олис кўра билишига жуда қаттиқ боғлиқдир. Агар бировнинг бир фаолият соҳасига бошлаган мотивлар яқиндаги вазифалар блангина боғлиқ бўлмай, балки бу блан бирга узоқ келажакдаги мақсад ва омолга тегишли катта вазифалар блан ҳам боғлиқ бўлса, бу ҳолда фаолиятнинг *мотивлари узоқ* деймиз; бировнинг фаолияти, мақсад ва омолга тегишли бўлмаган яқин орадаги вазифаларни кўзлаган фаолият бўлса, бу ҳолда фаолиятнинг *мотивлари яқин* деймиз. Фаолиятнинг мотивлари яқин бўлиб, олисни кўзламаса, бу ҳол истиқболсизлик, торлик, принципсизлик деган сифатларни туғдиради.

Фақат олисни кўзлашгина одамга куч ва қувват беради, қийинликларга чидаб, уларни енгишга мададкор бўлади, чунки олисни кўзлаб иш қилиш, кишининг ўз касб-корида учраган ҳарбир айрим ишга, кўзланган охирги мақсад ва муродга етишмоқ учун албатта бажарилиши лозим бўлган бир иш, деб қарашга мажбур қилади. Агар одам келажакни олисроқ кўраолмаса, бу ҳолда бу яқин орадаги қийинликларни нима учун енгиши кераклигини, нимани деб тиришаётганини қандай билсин?

Мотивларнинг узоқлиги, я'ни ҳарбир ишда олисни кўзлаш, кишининг ўз муваффақият ва ғалабаларига қандай қарашига ҳам та'сир қилади. Яқинни кўзлаган одам бир вазифани уддасидан чиқиб бажарса, муродимга етдим, ишим тамом бўлди деб ўйлайди ва шунинг учун хотиржам' бўлиб, тиниб-тинчиб қўяқолади. Аммо мотив узоқ бўлиб, олисни кўзланса, бир ишни бажаришдаги муваффақият, нарвоннинг яна бир поғонасига чиқиш деб фаҳмланади. Бу поғонадан кейин яна бошқа поғоналар келади. Шунинг учун муваффақият кишини яна ғайратлантиради, одам янги муваффақиятларга интилиб, бу йўлда ишлайди ва курашади. Ўртоқ Сталин, Ленининг мағлубият блан ғалабага қандай қараганини қуйидагича баён қилади.

„Ленинни иккинчи мартаба 1906 йилда партиямизнинг Стокгольмда бўлган с'ездида кўрдим. Бу с'ездда большевиклар озчилик бўлиб мағлубиятга учраганликлари ма'лум. Бунда мен Ленинни енгилган одам ролида биринчи мартаба кўрдим. У мағлубиятдан кейин ма'юсланиб зорланадиган йўлбошчиларга заррача ҳам ўхшамас эди. Аксинча *мағлубият, Ленинни ўз тарафдорларининг руҳини кўтариб, уларни янги жангларга ва келажак ғалабаларга бошловчи куч-қувватининг қўйилган жавҳарига айлантиради*“ (та'қидлаган мен *Б. Т.*).

„1907 йилда Лондонда бўлган келаси с'ездда большевиклар ғолиб чиқдилар. Бунда мен Ленинни ғолиб ролида биринчи мартаба кўрдим. Одатда ғалаба ба'зи йўлбошчиларнинг бошини айлантириб, уларни махтанчоқ ва думоғдор қилиб қўяди. Бундай ҳолларда аксари ғалабага мағрур бўлиб, роҳат тўшагига ётиб оладилар. Аммо Ленин бундай йўлбошчиларга заррача ўхшамас эди. Аксинча, *унинг ҳуш'ёрлик ва зийраклиги ғалабадан кейин айниқса ошар эди*" (та'қидлаган мен *Б. Т.*)

Кишининг фаолияти хамиша биронта ижтимоий аҳамиятга эга бўлади. Одам ўз олдига фақат хусусий мақсадлар қўйганда ҳам, унинг фаолияти, берадиган натижалари э'тибори ила ҳамма вақт жамиятга фойдалик ёки зарарлик бўлади. *Кишининг онглилиги* аввало ўз фаолиятидан туғиладиган натижаларнинг жамиятга фойда-зарарини қанчалик яхши онглашига боғлиқдир. Фаолият *мотивнинг даражаси, ёки унинг юксаклиги* ижтимоий вазифалар (чунончи, ватаннинг бахт ва саодати, синфнинг манфаатлари, ишлабчиқаришда ёки ўқишда умумий коллектив олдида турган вазифалар) қанчалик кишининг ўз мақсадига, унинг фаолияти мотивларига айланганлигидир. Кишини ғайратга солган мотивлар орасида жамият олдидаги вазифасини, бурчини тушуниш қанчалик кўп ўрин тутса, фаолият мотиви шунча юқори бўлади.

Ўртоқ Молотов Социалистик Октябрь революциясининг ўттиз йиллигига бағишланган докладида бундай деди: „Эндиги совет кишиларининг ма'навий қиёфаси, аввало ўз меҳнатига онгли қараб, уни жамият учун муҳим бўлган вазифа ва совет давлати олдидаги муқаддас бурч деб билишида ошкор бўлади".

Кишининг фаолиятига бошқалар томонидан берилган *баҳонинг* та'сири ҳам катта бўлади. Бунда кимларнинг берган баҳосини э'тиборга олиш ва кимларникини олмасликни билиш кишининг онглилик даражасини кўрсатадиган аломатдир. Пушкин унинг ше'рлари мафҳумига тушунмаган „жоҳил киборлар", „дардсиз одамлар"нинг фикрларини ҳеч писанд қилмай, чин халқ томонидан берилган баҳонинг қимматини баланд билар эди:

Бутун буюк Русияни чулғаб олур овозам.
Ундаги ҳарбир улус мени ёдлайди ҳар чоқ:
Мағрур славян зоти, букун ваҳший тунгус ҳам,
Фин ҳам, ҳатто ўша саҳройи қалмоқ.
Узоқ замон қилажак бу халқ менга ҳурматни.

Жамиятнинг виждон ва инсофини, халқ тилагини ўзида гавдалантирган одамларнинг берган баҳоси кишининг фаолиятига катта та'сир қилиб, унга йўл кўрсатади, кишининг муваффақиятларинин тақдир қилади.

Улуғ рус олими И. В. Мичурин саксон ёшга тўлган куни ўртоқ Сталиндан унинг қилган хизматларини тақдир қилган телеграммани олганда берган жавобида „Сизнинг номингиздан келган телеграмма саксон йиллик умрим

учун юқори мукофотдир. Бу телеграмма менга барча мукофотлардан қимматдир“деди.

Ба’зида бундай юксак баҳо тўғрисидаги фикрнинг ўзиёқ кишининг руҳини кўтариб ғайратга миндиради. „Юк машинасини ҳайдовчи Джон номли инглиз шофери Испаниядаги жангда уруш майдонида душман ўқ ёғдириб турган пайтда ташна қолган жангчиларга сув етказаман, деб, қаттиқ ярадор бўлганда „Агар бу ҳолимни ўртоқ Сталин кўрса, елкамга қоқиб: баракалла қилган ишинга, балли яхши ўртоқ экансан Джон, дер эди деди“. (Ўртоқ Мануильскийнинг ВКП(б) нинг XVIII с’ездида қилган докладидан),

81. ОНГ ВА ФАОЛИЯТ.

Ўтган бобда одамнинг ҳарбир ҳаракати онгли ҳаракат бўлиб, фарқ фақат бу онглиликнинг даражасида эканини билган эдик. Энди бирқанча ҳаракатлардан иборат бўлган мураккаб фаолиятга келсак, онг бунда тағин ҳам кўпдир. Одам соғ ва саломат ва тузук ҳолатда бўлганда унинг барча фаолияти *онгли фаолиятдир*.

Броқ бу блан бирга кишининг фаолиятини ташкил қилган барча ишлар ҳамавақт онгли бўлавермаслиги ҳам муқаррар. Бирмунча мураккаб бўлган ҳарбир фаолиятда *автоматик* равишда қилинадиган, я’ни тузук онгламасдан қилинадиган бирмунча ҳаракат ва қимирлашлар албатта бўлади. Бу ҳол онгнинг киши бир нарсага диққат қилганда юзага чиқиб кўринадиган хусусиятининг оқибатидир. Масалан, онг муайян бир об’ектга, ёки бир тўда об’ектларга жалб қилинганда, бошқа об’ектлардан чалғиши, уларни э’тиборсиз қолдириши турган гап. Киши мураккаб бир фаолият блан банд бўлган чоғда унинг онги бу фаолиятининг айрим томони ёки қисмига қараб кетиши табиийдир.

Демак, бировнинг фаолияти доирасига кирган айрим ишларининг қанчалик онглаб қилаётганлиги тўғрисида гапирганимизда, аввало унинг онги *нимага* қараганлигини, онги нима блан машғуллигини назарда тутиб гапирган бўламиз.

„Ўлик жонлар“даги қаҳрамонлардан бири бўлган Чичиковнинг хизматкори Петрушка китоб ўқишга жуда ҳаваскор ва лекин унинг китоб ўқиши ғалатироқ эди: „ошиқ кишининг саргузаштими, алифбеми, ёки дуо китобими барибир, ҳаммасини бирдек иштиёқ блан ўқий берар эди. Агар унинг қўлига ким’ё китоби тушиб қолса, ундан ҳам қайтмас эди. Унга ўқиган нарсаси эмас, ўқишнинг ўзи ёқар эди. Ҳарфлардан ҳадеб ба’зида ма’носини ҳечким билмаган аллақандай сўзлар чиқиши ёқар эди“.

Петрушканинг китоб ўқиши онгсиз ўқишнинг худди ўзидир, лекин унинг ўқишида онгнинг иштироки сра йўқ деб бўлмасди. Бунда „онгсизлик“ онгнинг лозим бўлган томондан бошқа ёққа қараб кетганлигида, я’ни ўқилаётган китобнинг мазмунига қарамай, ўқишнинг ўзига қараб кетганлигида кўринади.

Ҳарбир ишнинг онгли равишда бажарилиши, бу иш нимага қаратилган бўлса, унинг мазмунини, унинг вазифаларини, ундан кутилган натижаларни, оқибатини ва ниҳоят, ўтган параграфда айтилганидек, унинг жамият учун фойда ва зарарини мумкин қадар тўла онглаб, яхши тушунишни шарт қилади.

Аммо бу шартни бажо келтириш учун фаолиятни ташкил қилган бирқанча ишларнинг мумкин қадар кўп қисми автоматик равишда бажариладиган бўлиши керак. Масалан, бир китобни ўқиганда, киши китоб ўқиш ишининг ўзига диққат сарф қилмайдиган бўлса шундагина ҳамма диққатини китобнинг мазмунини онглашга сарф қилаолади. Бўлмаса йўқ.

Киши ҳарбир ишнинг техникасини қанча яхши ва мукаммал билса, бу ишни бажаришнинг ўзига шунча кам диққат сарф қилади. Бунинг натижасида одам, ишнинг мазмунига, вазифаларига, бу вазифаларни қайси йўл ва қайси усуллар блан яхшироқ бажариш чораларини излашга кўпроқ диққат қилиб, тушунчасининг кўпини шу ишларга сарф қилиш имконини топади.

Бошқача айтганда, киши бир ишга алоқадор бўлган *кўникмаларни* қанча яхши билса, бу ишни бажарганда шунча кўп *ижодият* кўрсатаолади. Бир музика куйини завқ блан, унга ижод қўшиб чалиш учун музика асбобини чалишга уста бўлмоқ шартдир. Чалучи чалишга уста бўлмаса, унинг бутун диққати чалиш техникасига, нота ўқишга сарф бўлиб, тушунчасининг кўпи бу ишларга банд бўлади.

Ёзучи имлони, синтаксисни яхши билмаса, имлода, услубда хато қилмаслик учун бутун диққатини ва ма'навий кучини бу ишларга сарф қилишга мажбур бўлиб, ижод қилолмайди.

Кўникма блан ижод ҳарбир мураккаб ишнинг икки муҳим томонидир. Кўникма, ишнинг техника томонини ташкил қилган доимий амалиётларни мумкин қадар осонлик блан, автоматик равишда мукаммал бажара олишдан иборатдир. Ижод эса, шароитнинг хос томонларини э'тиборга олиб билишдан, ҳар шароитнинг ўзига қараб чора ва тадбир кўришдан, аввал учрамаган янги масала туғилиб қолганда, уни тўғри тушуниб, бу масалани ҳал қилиш йўлларини излаб топишдан, ниҳоят ташаббус кўрсатиб, эски сийқа йўлларни ташлаб, янгиларини топишдан иборатдир.

Том ма'носила ижодий иш деб, ҳалигача мисли кўрилмаган ва жамият учун қиймати баланд бўлган янги хил бир маҳсул берган ишни айтамиз. Бу хил ишда ижодият албатта айниқса аниқ ва равшан кўринади. Лекин бундан одатда ижодий дейилмайдиган ишларда ижодчилик сра йўқ, деган ма'но чиқмайди. Меҳнатни унумли қилиш йўлини топган стахановчи ишчи ҳам ижодчидир. Машинасозлик саноатида стахановчилик ҳаракатини бошлаб берган А. Х. Бусигин, „иш жойини қандай қилсак яхши уюштираркинмиз, деб ҳар куни ўйлаймиз, ҳар куни биронта янгилик ўйлаб чиқарамиз ва ҳар куни илгарилаймиз" дейди. Бир ўқучи аввал учрамаган янги хилдаги бир ҳисоб масаласини ҳал қилса, унинг бунда фойдаланган усуллари математика соҳасида янгилик бўлмаса ҳам, психология нуқтаи назаридан қараганда, ўқучи бунда ижодият кўрсатган бўлади.

Бу ҳолларнинг барчасида *ижодчилик кўрсатиш учун* бир шарт борки, у ҳам бўлса, бу ишларга *доир кўникмаларни эгаллашдир*. Киши ўз ишига тегишли кўникмаларни яхши билса, унинг онги тамомила ишнинг муҳим томонлари блан, ишнинг муваффақиятини ажрим қилучи асосий нуқталари блан банд бўлиб, бошқа чакана томонлари блан банд бўлмайди.

82. КЎНИКМАЛАР

Мураккаб ишлар таркибига кириб, унинг бир қисми бўлган ва автоматик равишда, я'ни онг иштирокисиз, бир-бирига боғланиб бажариладиган бирқанча ҳаракат ва амаллар кўникма дейилганлигини ўтган параграфдан биламиз.

Рефлектор ҳаракатлар сингари, аввал бошданоқ автоматик бўлган ҳаракатлардан кўникманинг фарқи шуки, кўникма бирон ишни бирмунча вақт ҳадеб такрорлай бериш, машқ қилиш натижасида автоматлашган ҳаракатлардир. Шунинг учун кўникмаларни автоматик ҳаракатлар демай, балки *автоматлашган*, я'ни амалиётнинг „автоматик" қисми демай, балки кейин автоматик бўлиб қолган ҳаракат, деймиз.

Кўникмалар онгли равишда қилинадиган ишларни бажарганда ўрганиш бўлиб қоладиган автоматлашган ҳаракатлардир.

Кишида кўникмалар пайдо бўлганда, кишиниг бажарган ҳамма юмуши бошдан оёқ автоматлашмай, унинг айрим бўлакларигина автоматлашадиганини доим эсда тутмоқ керак. Чунончи, ўқиш, хат ёзиш, милтиқ отиш, рояль чалиш ва бошқа бунинг каби ишлар ҳамиша онгли фаолият бўлиб қоладилар, бунда фақат бу фаолиятни бажариш воситаси бўлган айрим *ҳаракатларгина*, бу фаолиятни *бажариш усулларигина* автоматлашади.

Инсондаги кўникмалар блан юқорида, 7 параграфда айтилган ҳайвон кўникмаларини бир-биридан фарқ қилмоқ керак. Инсонда бўладиган кўникмалар унинг онгли фаолиятининг бир қисмидир. Ҳолбуки ҳайвонларда онгли фаолият бўлиши мумкин эмас. Ҳайвонлардаги кўникмаларнинг физиологик асоси шартли рефлекслар механизмаси бўлгани ҳолда, инсондаги кўникмаларнинг физиологик асоси анча мураккабдир. Инсонда бўладиган кўникмаларнинг пайдо бўлишида шартли рефлексларнинг пайдо бўлиши катта роль ўйнайди, аммо баландроқ даражада турган мия механизмлари бунда тағин ҳам катта роль ўйнайди.

Инсонда бўладиган кўникмалар ҳайвонлардаги кўникмалардан тамомила бошқа бўлиб, ўртада сифат айирмаси бордир.

а) Кўникмаларнинг пайдо бўлиши

Кўникмаларнинг пайдо бўлишидаги ба'зи муҳим нуқталарни айтиб ўтамиз.

1. Бирқанча бўлак-бўлак ҳаракатларни бирлаштириб, бир бутун ҳаракат ҳосил қилиш. Учучилик ҳунарини ўргатучи ба'зи мутахассисларнинг олган ҳисобларига қараганда, учишни ўрганаётган учучи тўғри бурчак шаклини олиб 5—6 минут учганда 200 га яқин ҳархил ҳаракатларни бажарар экан. 5—6 минутлик қисқа вақт ичида 200 хил онгли ҳаракатни яхши бажариб бўлмаслиги аниқ. Учучиликда кўникмалар ҳосил қилишнинг энг муҳим нуқталаридан бири, аввал бошда ҳарқайсиси алоҳида бир ҳаракат бўлган бирқанча ҳаракатни тўплаб, бир вазифага бўйсунган бутун, умумий бир ҳаракатга айлантиришдир. Бошда онгли равишда бажариладиган алоҳида бир ҳаракатдан иборат бўлган иш, энди бунинг натижасида, янги ва мураккаб ишнинг бир қисми бўлган, автоматлашган ҳаракатга айланади.

Мисол учун милтиқни ўқлаш ишини олайлик. Аввал ҳеч милтиқ ушламаган одам учун винтовкани ўқлаш иши, ҳарқайсиси алоҳида бир ҳаракат бўлган тўрт амалдан иборатдир: 1) затворни чапга бураш, 2) затворни орқага суриш, 3) затворни олдинга суриш, 4) затворни ўнгга бураш. Милтиқ отишни ўрганаётган одамнинг миясида бу амалларнинг ҳарқайсиси бир вазифадир: „аввал затворни чапга бураш, сўнгра орқага суриш керак", бу амалларнинг ҳарқайсисининг ўз бошига алоҳидалигини кўрсатадиган зоҳирий аломат ҳарбир ҳаракат ўртасида бўладиган тўхташдир; бу тўхташ туфайлидан бутун ҳаракатнинг текис ва равонлиги йўқолиб, силтовга айланади. Броқ тез орада ҳаракатларнинг бирлашуви бошланади. Бирнеча марта машқ қилингач, аввал бошдаги икки ҳаракат биттага айланади, я'ни затворни очишдангина иборат бўлиб қолади. Машқ қилаётган кишининг миясида фақат бир вазифа туғилади, у ҳам бўлса затворни очиш вазифаси бўлиб, бу иш бетўхтов бир ҳаракат блан бажариладиган иш бўлиб қолади. Учинчи ва тўртинчи ҳаракат ҳам бирлашиб, „затворни ёпиш"дан иборат бўлган бир ҳаракатга айланади.

Кейин машқ қилаберилгач бу икки ҳаракат ҳам, я'ни затворни очиш ва ёпиш ҳаракати ҳам бирлашиб, каттароқ бўлган бир ишга, я'ни винтовкани ўқлаш ишига айланади ва бу иш бетўхтов, узлуксиз текис бир ҳаракат блан бажариладиган иш бўлиб қолади.

Шу тариқа, одамнинг бир ишдаги кўникмалари кўпайган сари „иши йириклана" боради. Мактаб болалари ўқишни энди ўрганаётганларида, аввал ҳар ҳарфни бўлак-бўлак ўқийдилар, сўнгра ҳарфларни ҳижоларга бирлаштириб, кейин сўзларга қўшиб ўқийдиган бўладилар. Ёзувни энди ўрганаётган боланинг миясида ҳарфларнинг ҳарбир элементи, я'ни ҳар ҳарфни ташкил этган айрим чизиқ алоҳида бир иш бўлиб туради. Кейин бола ҳарфларни қўлнинг бир ҳаракати блан, тўхтамасдан ёзадиган бўлади. Кейин ёзувни пухта ўргангач, алоҳида сўзларни, ба'зида бутун бир гапни бир ҳаракат блан ёзадиган бўлади ва бу ҳаракатни орада тўхтовсиз, равон бажарадиган бўлади.

2. Ортиқча ҳаракатларни йўқотиш ва ишни жўнлаштириш. Бирон ишни бажаришдаги нўноқликнинг катта аломати ортиқча ҳаракатларнинг кўплигидир. Ёзувни эндигина ўрганаётган бола, аксари, бошқа а'золарини қимирлатмасдан фақат қўлини юргизишни билмайди. У тили блан, бетининг мушаклари блан, гавдаси, ба'зида оёқлари блан ўзига

ёрдам бермоқчи бўлади. Аммо бола ёзувни ўрганган сари бу ортиқча ҳаракатлар барҳам еб боради. Ишдаги нўноқликнинг яна бир аломати уни *қийналиб* бажаришдир. Одам кўникмаган ҳарбир ишни бажарганда ҳамавақт шундай қийналади. Нўноқ одам нинага ип тақмоқчи бўлганда (хусусан қўл блан нозик ишлар бажаришга ношуд бўлса) унинг ҳаракатларига қараб турсангиз, бутун а'зосининг мушаклари худди оғир бир ишни қилаётгандай куч сарф қилиб, зўриққанини кўрасиз.

Кўникма ҳосил қилишдаги энг муҳим ҳолларнинг бири ортиқча ҳаракатларни ва мушаклар зўриқишини йўқотишдир.

3. Кўз назоратининг роли камайиб, ҳаракат назорати ролининг ошиши. Ёзув машинкасида ёзишни билмаган одам ҳарфларни кўзи блан излаб ўтиради. Ҳарфлардан кўзини олса, бир оғиз сўзни ҳам ёзаолмайди. Лекин уста машинистка ҳарфларга қарамасдан ҳам ёзаберади, агарчи мактаб кўриб яхши ва тўғри та'лим олган бўлса, ҳарфларга ҳеч қарамасдан ёзаберади. Бунинг сабаби шуки машинкада ёзишни яхши билиб уста бўлган машинисткаларнинг ҳаракатларини кўриш сезгиси назорат қилмай, ҳаракат сезгиси назорат қилади. Ҳаракатга доир кўникмаларнинг аксарисида шу ҳолни кўрамиз; одам бир нарсага яхши кўникиб борган сари, ҳаракатларига тикилиб қараб туриш заруратидан секин-секин қутилиб боради, чунки унда ўз ҳаракатларини ҳаракат сезгилари орқали назорат қилиш қобилияти борган сари нозиклашади.

Ҳаракатларнинг автоматлашганини кўрсатадиган асосий аломатларнинг бири шуки, бунда кейин қилинган ҳарбир ҳаракатни олдингисидан туғилган сезгилар чақириб келаверади.

4. Бир фаолиятни ҳархил йўл ёки ҳархил усуллар блан бажариш имкони. Одам бир ишга кўникканда турли амалларни бажаришда ма'лум бир қолипга кириб, пухталанган ба'зи бирхил доимий иш равишларини пайдо қилган бўлади. Бу иш усулларининг автоматланиши шу шартларга боғлиқдир. Агар бир иш ҳаргал ҳархил усул блан бажарилса, ҳечмаҳал автоматик равишда бажариладиган бўлолмайди.

Броқ ма'лум бир ишни бажариш усулининг сра ўзгармаслиги асло матлуб бўлган ҳол эмас. Бир ишни бажаришдаги *чин маҳорат*, бу ишни бажариш шароити ва унинг вазифалари ўзгарганда бажариш усулини ҳам дарҳол ўзгартишни талаб қилади. Бир ишни фақат бажараоладиган киши блан бу ишни *усталик блан* бажарадиган одам ўртасидаги фарқ шуки, уста одам бу ишни бирқанча усуллар блан бажараолади ва ваз'иятга қараб, бу усулларнинг қайсиси қулай бўлса, шунисини ишлатаберади. Демак, уста одамда бу ишнинг биргина кўникмаси бўлмай, бирқанча кўникмаси бордир ва бундан ташқари бу кўникмаларни *жойига қараб ишлатишни* ҳам билади.

Жўнгина бир мисол олайлик. Юриш кўникмаси ҳаркимда бор, ва лекин ҳархил юриш қилишни, юришни ҳар мақомга солиб ўзгартишни ҳарким билавермайди. Ба'зи одамлар борки, қаттиқ юришни секинлатишни, дўқ-дўқ

юришни енгиллатишни билмасдан, бошқаларга кўп озор етказадилар, кўчада машқ қилиб кетаётганда қандай дўпир-дўпир юрсалар, бетоб ётган уйга кирганларида ҳам шундай дўпирлаб юрадилар. Кўп кишилар узоқ йўлга чиққанларида, дарров чарчаб қоладилар, чунки фақат сайрга чиққандаги юриш блан юрадилар. Ҳарбий машқ ва физкультурада ниҳоятда муҳим бўлган юришга усталик, юриш усулларини яхши билишни ва улардан тузук фойдалана билишни талаб қилади.

Иккинчи мисол учун ўқиш кўникмасини олайлик. Ўқишга усталикнинг шартларидан бири *тез* ўқишга кўникишдир; лозим бўлганида мумкин қадар тезроқ ўқишга ўрганмоқ керак. Броқ тез ўқимаса, сра ўқий олмайдиган одамлар ҳам бўлади. Бундай одамлар тез ўқиш кўникмасини ҳосил қилган бўлсалар ҳам, *аста* ўқишга кўникмаган бўладилар, ҳолбуки, аста ўқишга кўникиш аҳамияти ҳам, тез ўқишга кўникиш аҳамиятидан кам эмас. Масалан, бадиий адабиётни, одатда, аста ўқиш қоидадир; акс ҳолда кишининг миясида воқи' бўладиган тасаввур хаёлининг иши яхши авж ололмайди, тасаввур хаёли яхши ишламаса юқорида 57 §-да айтилганидек бадиий асарнинг мазмуни яхши тушунилмайди. Ба'зи одамлар аста ўқишни билмаганларидан бадиий асарларни ўқишга маҳорат ҳосил қилолмайдилар. Аста ўқишни билмаслик илмий китобларни ўқиганда ҳам катта зарар етказади. Ўқишни яхши билиш, қандай китобни нима учун ўқиётганлигинигга қараб, ҳархилча ўқий билиш демакдир.

Бир ишни бирнеча йўл ёки усул блан бажараолиш учун қат'иян лозим бўлган бир шарт бор. Одам бир ҳаракатни бажаришда автоматлашган усуллар пайдо қилиб, бу ишнинг ҳавасини олганда, истаган ҳарбир гезда бу усулларни онгли иш усулига айлантираолиш имконини йўқотмаслиги керак; бу усулларни онгли равишда идора қилиш имконини сақлаши керак. Бир ишга усталик, бу ишни бажаргандаги автоматлашган ҳаракатлардан *онгли равишда фойдалана* билиш ва керак бўлганда уларни *онгли равишда идора қилабилиш* демакдир.

б) Машқ

Кўникмалар машқ йўли блан ҳосил қилинади, я'ни бир ишни бажариш усулини мукаммаллаштириш мақсадида бу ишни қайта-қайтадан бажариш орқасида ҳосил қилинади. Ўқни нишонга теккизиш кўникмасини ҳосил қилиш учун отишни хўб машқ қилмоқ керак; сузишни ўрганмоқ учун кўп сузишмоқ керак.

Броқ бир ишни қайта-қайтадан ҳадеб такрорлайберишнинг ҳарқандайини машқ деябермаймиз. Чунончи, бадхат кишилар умр бўйи хат ёзсалар ҳам, ба'зилари ниҳоятда кўп хат ёзсалар ҳам, хатолари тузалмайди. Бунда бир иш доим такрорланса ҳам, машқ деган нарса йўқ.

Бир ишнинг қайта-қайтадан такрорланиши машққа айланиши учун бирнеча шартларни бажо келтириш керак бўлади. Бунда биз бу шартларнинг албатта бажо келтирилиши лозим бўлган муҳимларидан иккитасини айтиб ўтамиз.

1. Бир нарсани ўрганаётган одам, нима қилиши кераклигини ва мақсади нималигини аниқ билиши керак.

Буни билиш учун, бажариладиган иш тўғрисида назарий ма'лумот олиш, бу ишни бажарганда қўлланадиган усулларни таҳлил қилиш (устознинг тушунтириши) ба'зида катта фойда етказади. Агар бу ишни яхши билган устанинг уни қандай бажарилишини тўғридан-тўғри кўрсатилса (устознинг ўзи бажариб кўрсатиши) яна ҳам яхши бўлади.

Лекин, бир ишни ўрганаётган одам, бошқалар кўрсатиб ва тушунтириб бергандан кейин уни мумкин қадар аниқ ва равшан суратда миясида сақлашга тиришса, шундагина бу йўллар ҳақиқатан фойдали бўлади, бўлмаса йўқ.

2. Бир ишни ўрганаётган одам ҳарбир машқнинг натижасини билиши керак. Бир ишни такрор қилганда, ҳар галги такрорнинг оқибати нима бўлганини, қандай мурод ҳосил бўлганини, қандай камчиликлари борлигини, қандай хатолар қилганини билиши ва келаси галда бу камчиликларни йўқотиб, хатоларини тузатиши керак. Бу тўғрида қилинган махсус тажрибалар, агар ўрганучи одам эришган натижаларини билмаса, ҳарқанча такрорлаб машқ қилгани блан, маҳорати ошмаслигини кўрсатди.

Ўрганаётган кишининг эришган натижаларига баҳо бериб, яна такрорлаб машқ қилишдан эндиги муддао нималигини кўрсатиб ва айтиб бериб туручи устознинг бунда кўрсатган йўл-йўриғи ва берган та'лими бу жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эгадир. Аммо устознинг берган баҳосига суяниб туриб, ўз ютуқларини, камчилик ва хатоларини ўзи ҳам пайқаш ва топишни тезроқ ўрганабориш ҳам керак. Қандай бўлмасин, ҳарбир ишда, кимки ўзига-ўзи танқидчи бўлишни ўрганса, фақат шундай одамгина ишда маҳорат ортдириб, усталик даражасига етади. Ҳарбир ишда бўлсин *ўз хато ва камчиликларини пайқаш* машқ қилиб уста бўлишнинг энг муҳим шартидир.

83. ОДАТ

Одатлар ҳам кўникмалар сингари кишидаги қилиқларнинг автоматлашганларидир. Одатларнинг кўникмалардан фарқи шуки, *кўникма турли ҳаракатларни* онг иштирокисиз *автоматик равишда* бажараолишдан иборат бўлса, *одат автоматлашган турли ҳаракатларни* бажаришга *мойилликдан*, ёхуд бунга *эҳтиёж сезишдан* иборатдир.

Агар бола қўл ювишни билса ва бу ишни автоматик равишда бажараолса, бу ҳолда бола қўл ювишга кўниккан деймиз. Лекин бола дастурхон тепасига ўтирмасдан аввал, дарров умивальникка ёки водопровод жумрагига бориб, қўлини ювадиган бўлса ва овқат олдидан қўлингни юв деб, буни унинг „эсига солиш“ лозим бўлмаса ва овқат олдидан қўл ювиш унинг учун бир эҳтиёж бўлиб қолган эса, бу ҳолда болада овқат олдидан қўл ювиш одати пайдо бўлган деймиз.

Ҳарбир кўникма фойдаликдир, ёки фойдалик бўлмаганда

безарардир; аммо одатлар фойдалик ва зарарлик бўлади. Оғиз блан ҳуштак чалабилиш зарарли эмас, аксинча, пайти келганда жуда катта фойдаси ҳам тегади, аммо ҳуштак чалиб юрши одати, албатта зарарлидир. Ҳуштак чалиш кишига одат бўлиб қолганда киши беихтиёр бу ишни қилаберади ва бунинг орқасида унинг бу одати бошқаларни ранжитади. Биров блан сўзлашиб турганда, қўлида бир нарсани ўйнаб туриш, гапирганда „хўш", „мен сизга айтсам" каби бекорчи сўзларни гап орасига суқиш одати, гарчи зарарли бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда хунук хусусиятдир. Ҳарнарсани қўлига олиб ўйнайбериш одати, аксари, шундай ҳолларга сабаб бўладики, бундай одати бор одам бир жойга бориб қолгундай бўлса, бундагилар синадиган қиммат баҳо нарсаларини дарров йиғиштириб қўядиган бўладилар. Иккинчи хил одат, я'ни сўзлаганда „хўш-мўш"ларни ҳадеб гап орасига қистирабериш кишининг нутқини бемаза қилади ва бу одати бор одамнинг ўзини ба'зида майна қилиб қўяди.

Чеховнинг „Совчилик" деган қизиқ ҳикоясининг қаҳрамонларидан бири бўлган помешчик Чубуковда сўз орасига „худдакаш", „шу қабила", „ва ҳоказо" каби сўзларни қистириш одати бор. Қизига совчи қўйган куёви келгандаги хурсандлигини бундай сўзлар блан изҳор қилади: „чироққинам... ниҳоятда хурсандман, ва ҳоказо.. худдакаш ва шу кабилар... Бориб Наташани чақириб келайин, шу тариқа... "Жуда қаттиқ тортишганда жаҳли чиққанини қуйидаги сўзлар блан изҳор қилади „худдакаш йигитча, одамларнинг мен блан бу қабила сўзлашувига чидаб одатланган эмасман ва ҳоказо. Бобонгиз мукка тушиб ичар эди, кичик холангиз Настасья Михайловна бўлса, худдакаш, архитектор блан қочиб кетган эди ва ҳоказо...". Хушидан кетиб қолган одам тепасида ивирсилаб, унга сув бермоқчи бўлиб шошиб турганда, „ичинг!.. йўқ ичмади... бас ўлипти ва шу қабила..." дейди.

Гапирганда бу хил беҳуда сўзларни аралаштириб гапирадиган кишиларнинг нутқи кулгили, бема'ни гапга айланиб кетиши жуда осон.

Иккинчи томондан, кишининг фойдали одатлари унинг турмушида жуда катта фойда етказиши мумкин. Яхши одатлар тирикчиликда керак бўлган ба'зи ишларни бажаришнигина эмас, балки бу ишларнинг умуман ўзини ҳам автоматлаштириб, онгни кўникмалардан ҳам кўпроқ даражада бу ишлардан озод қилади. Ишлайдиган жойингизни ҳамавақт саранжом *тутабилиш* фойдаликдир, лекин саранжомда тутиш *одатга айланса*, я'ни киши ҳеч ўйлаб, ташвиш қилиб ўтирмасдан, ҳар буюмини ҳамавақт ўз жойига саранжом қилиб қўяберадиган бўлса, бу нарса яна ҳам фойдаликдир. Озодаликка кўникиш, я'ни қўлни тоза тутиш, тишни ювишга кўникиш зарур нарса, лекин бу блан кифояланиб бўлмайди, буларнинг одат бўлмоғи керак, я'ни бу ишларни қилиш бир эҳтиёж даражасига етмоғи, бу ишларни қилмагунча кишининг кўнгли жойига тушмайдиган бўлмоғи, бу ишларни сра малол келмасдан қиладиган бўлмоқ керак.

Машҳур совет педагоги А. С. Макаренко, „бизнинг вазифамиз ўзимизда аҳлоқ масалаларига тўғри ва ма'қул қарашлар тарбиялашдангина иборат бўлмай, тўғри одатлар тарбиялашдан ҳам иборатдир, я'ни бир ма'қул ишни қилганимизда уни ўйлаб,

андиша қилганимиздан эмас, балки одатимиз бўлиб қолганидан ва бошқача қилаолмаганимиздан шундай қиладиган бўлайлик" дейди.

Фойдалик яхши одатлар пайдо қилиш ва зарарли, ёмон одатларга барҳам бериш кишининг ўзи учун қандай муҳим экани айтилган шу сўзлардан хўб аниқ бўлгандир.

Матлуб бўлган яхши бир одатни ўзида онглаб пайдо қилиш учун *жазм қилган бир ишдан сра қайтмаслик*, белгиланган аниқ йўлдан астойдил ҳаракат қилиш керак. Номатлуб ёмон одатларни йўқотишга ҳаракат қилганда, бу қоидага яна ҳам қаттиқроқ риоя қилиб, уни жиддий ушлаш керак. Фақат бир ишга жазм қилганда, бу ишдан сра қайтмай, уни астойдил амалга ошириб, правордига етказиш учун сабри чидаган одамгина *ўз одатларини идора қилишга* ва бинобарин, ўз хулқини идора қилишга ўрганаолади.

Онгли равишда ўзида яхши одатлар тарбиялаш учун кучлик ирода керак бўлади, лекин бу блан бирга, яхши одатлар тарбиялаш, иродани тарбиялайдиган энг яхши воситадир.

84. ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТ

Том ма'носила ижодий фаолият деб, юқорида айтганимиздек, жамият учун қимматли бўлган ва аввалда мисли кўрилмаган янги маҳсул берадиган фаолиятни айтамиз. Бадиий бир асар яратиш, илм ва фан соҳасида қилинган текшириш ёки янги бир нарса ихтиро' қилиш, аскарбошининг жанг майдонида жанг плани тузиши каби ишларнинг ҳарқайсиси ижодий фаолиятнинг бир намунасидир.

Фаолиятнинг мазмунига ва шунингдек ижод қилучи кишининг табиатидаги хусусиятларига, талантига қараб ижод иши ҳархил равишда боради. Лекин шундай бўлса ҳам ижодий фаолиятнинг аксарисида бўладиган ба'зи бирхил умумий ҳолларни кўрсатишимиз мумкин.

а) Илҳом

Ижод қилгандаги ҳолларни текширганда, ҳамавақт энг аввал кишининг диққатини жалб қиладиган нарса шуки, *ижод қилаётган кишининг бутун куч ва қуввати ҳамма лаёқат ва исте'доди қўзғолиб, қаттиқ ишлаган бир ҳолат туғилади,* ижод қилаётган кишида пайдо бўлган бу ҳолат *илҳом* сўзи блан тавсиф қилинади. Ижод қилучи кишида бўладиган бу ҳолат одатда ижодий фаолиятнинг ғоятда муҳим ва ажрим қилучи томони блан боғлиқдирким, у ҳам бўлса, асарнинг мафҳум ва мазмунини ўйлаб топиш, биронта илмий муаммони ечиш, биронта ихтиро'нинг принципини белгилаш, биронта ҳаракат планига асос бўладиган мақсадни белгилаш, бадиий асарда энг муҳим роль ўйнайдиган образларни яратиш, асарнинг энг кучли ва кишини тўлқинлантируччи нуқталарини яратиш каби ишлардир.

Илҳом келган ҳолатнинг муҳим хусусияти шуки, аввало *кишининг бутун диққати ижод қилаётган нарсаси устига тўпланиб,* бошқа нарсалар унинг диққатини сра жалб қилмайди.

Илҳом келгандаги ҳолат тўғрисида Пушкин, „Бутун оламни унутаман...“ деган. Чайковский, „Киши ҳамма нарсани унутади...“ деган.

М. А. Шолоховнинг ҳамшаҳари бўлиб, у блан бирга балиқ овлаб юрган ўртоғи қуйидаги воқиани ҳикоя қилади: „Шолохов Дон бўйида қармоқни ташлаб, оғзида трубкаси блан сув лабига келиб ўтирди. Шу ўтирганча бир нуқтага тикилиб, қимирламай, бир соатдан кўпроқ ўтирди. Ҳамроҳи ҳарқанча гапирса ҳам беҳуда, жавоб йўқ. Унинг сра қимирламасдан сувга тикилиб, бошқа ҳечнарсага парво қилмай ўтиришини кўрган ўртоғи бундан ҳовотирланиб, унинг ҳарбир қадамидан хабардор бўлиб туришга қарор қилди. Бир маҳал худди уйгониб кетгандек, сапчиб туриб, қармоғини йиғиштириб, югурганча уйига қараб кетди. Кейин шу куни кечгача ва туни блан столда ўтириб ёзиб чиқди“.

Диққатнинг бу хил ғоят даражада жам' бўлиб, бир нуқтага тўпланиши натижасида *кишининг онги ниҳоятда ҳуш'ёрлашиб, сўнг даража аниқ ва равшан бўлади.* Пушкин та'бири блан айтганда, „Илҳом, одам руҳининг таассуротларни тез қабул қилиш кайфиятига ва ибораларнинг мазмунини тез ўқиш ва уларни фаҳмлаш кайфиятига тушган ҳолатидир“. Илҳом чоғида ишнинг ғоятда унумли бўлишига сабаб шудир.

Аммо илҳом вақтида кишининг мияси ижод қилинаётган *нарса* блан банд бўлганидан, ижод процессининг ўзи мияни унча банд қилмайди. Сан'аткордан, энг гўзал образлар — унинг миясида қандай туғилганлиги сўралганда, олимдан, „қулф дилингиз“ очилиб кетган чоғда қилган ихтиро'ингизга доир энг муҳим фикр миянгизга қандай келди, деб сўралганда улар бу саволларга жавоб беролмайдилар, чунки илҳом келган чоғда одам „бутун оламнигина“ эмас, ҳатто ўзини ҳам унутади ва фикр блан хаёлнинг қандай жараён қилганини та'қиб қилиб бориш қобилияти илҳом ҳолатидаги кишида жуда кам бўлади. Шу сабабдан илҳом ҳолатида ижодиятнинг қандай борганини киши яхши тушунмайди. Броқ ба'зилар ўйлагандек, илҳом келгандаги ижод „онгсиз“ бўлади эмас, балки бунинг аксидир. Илҳом ҳолатидаги ижоднинг онгсизлиги, ижодиятнинг ғоят даражада онглилигининг оқибатидир.

Илҳом ҳолатининг муҳим хусусияти ёлғиз диққатнинг ижод блан банд бўлишигина эмас, илҳом чоғида кишининг бутун *ҳиссиёти* ҳам ижод қилинаётган нарса блан *банд бўлади,* одам ижод қилинаётган нарса та'сири блан туғилган ҳисларга чўмиб кетади. Юқорида ўтган 60, 70 параграфларда бунга оид мисолларни айтган эдик. Илҳом чоғи — кишининг *туйғулари қўзғолонга келиб, жуда баланд кўтарилган чоқдир.*

Броқ ижодий фаолият блан боғлиқ бўлган ҳарбир ҳиссиётнинг бундай авж қилиши чинакам илҳом бўлабермайди. Ҳақиқий илҳомнинг муҳим аломати шуки, бунда ғоятда чуқур

ҳиссиётларнинг қўзғолиши блан бирга, кишида алоҳида бир осойишталик ва *ором* ҳолати ҳам бўлади, бу ҳолат кишига ихтиёрини қўлдан бермаслик имконини беради, ҳақиқий илҳом чоғида кишининг онгида бўладиган равшанликни сақлайди.

Пушкин, ҳақиқий илҳомнинг туғилиши учун „осойишталик" албатта керак шарт эканини айтиб, бу ҳолатни „шавқ" ҳолатидан, я'ни кишининг ҳиссиёти қўзғоши блан бирга ўзи ҳам ҳаракатга келган ҳолатдан уни фарқ қилган. Пушкин, „шавқ узоқ давом қилмайдиган ва қарори йўқ ва бинобарин, ҳақиқатан улуғ камолат даражасига етказаолмайдиган бир ҳолатдир" деган.

Пушкин фикрича „шавқ" блан „илҳом" ўртасидаги фарқнинг яна бири шуки, „илҳом" хаёл блан бирга ақлнинг бошқа барча кучларининг бараварига ҳаракатга келишидан иборат бўлгани ҳолда, шавқ фақат хаёлнинг ҳаракатга келишидан иборатдир". Пушкиннинг бу сўзларида, ҳақиқатан самарали ижодиятнинг илҳомланган ҳолатда ҳаммадан равшан намоён бўладиган энг муҳим психик хусусиятларидан бири кўрсатилгандир, у ҳам бўлса, *киши илҳомланганда, унинг хаёли блан фикри бараварига ишлашидир.* Хаёлсиз ижод мумкин бўлмаганидек, фикр блан ўйламасдан ҳам ижод қилиб бўлмайди. А. Н. Толстой айтганидек, „ёзучи айни замонда ҳам мутафаккир, ҳам сан'аткор, ҳам танқидчи бўлиши" керак.

б) Ижодий ишнинг тайёргарлик босқичи

Аксари шундай ҳоллар бўладики, биронта илмий масалани ечиб берган асосий фикрлар, ёки бадиий асарнинг энг муҳим, марказий нуқталари ижод этучи кишига илҳом келган нисбатан қисқа муддат ичида туғилади ва яратилади. Броқ бундан бутун ижодий иш бу қабила „илҳом порлаган" пайтлардаги иш блан тамом бўлади, деган ма'но чиқмайди. Ижодий куч жуда ошиб иш унумли бўлиб кетган қисқа муддатлар, *ҳамиша бундан олдин қилинган аллақанча тайёргарликнинг натижаси бўлади.* Агар олим биронта ниҳоятда қийин илмий масалани ҳеч қийналмасдан тўсатдан ҳал қилиб қўйса, кўчада сайр қилиб юргандами, трамвайдами, театрдами, ётгандами, тургандами бехосдан ақлига келиб қолиб қийин масалани осонгина ечса, ҳақиқатда бу масала унинг миясида шу пайтда бирдан ҳал қилинган бўлмай, балки *узоқ вақтлардан бери давом қилиб келаётган ижодий ишнинг охирги нуқтасида ҳал қилинган бўлади.*

Масалани *ижодий фикр қилиш йўли блан ҳал қилиш учун замин ҳозирлаган аввалги* иш, бу масалани текшириш, унинг тўғрисида ўйлаш ва унга керакли материалларни тўплаш каби юмушлардан иборатдир. Бундай тайёргарлик ёлғиз олимнинг ишидагина бўлмай, ёзучининг ишида ҳам бордир.

Л. Н. Толстой „Хожи Мурод" деган асарининг ёлғиз бир 15-нчи бобини ёзиш учун бирнеча йил давом этган аллақанча тайёргарлик ишларини қилганини юқорида 58 параграфда айтган эдик. Бу хил тайёргарлик ишларини Толстойнинг ўзи, „экмоқчи бўлган ерни чуқур ҳайдашдан иборат бўлган дастлабки ишларим" деб атаган. Толстойнинг ижодий ишида бу тайёргарлик жуда катта ўрин тутар эди. Толстойнинг ўз сўзига қараганда, „Уруш ва тинчлик"ни ёзганда тўплаган ва фойдаланган материалларидан „бутун бир кутубхона вужудга келди".

Лекин тайёргарлик ишлари ёзучининг кўнглида туғилган фақат бир фикрни амалга ошириш учунгина махсус материаллар тўплашдангина иборат бўлмайди. *„Ғамлаб қўйиш“* мақсадида *материал тўплаш* ҳам катта аҳамиятга эгадир ва бу иш ҳам олим бўлсин, ёзучи бўлсин ҳамманинг ижодий фаолияти учун керак бўлган ишдир. Ҳарбир яхши мутахассис ҳамиша ўз ихтисосига доир ма'лумотларни тўплаш, улар тўғрисида ўйлаш ва фикр қилиш блан машғул бўлади. Шунинг учун биронта янги масалага дуч келиб қолганида, унинг ихтиёрида аллақанча материаллар, факт ва фикрлар тайёр турган бўлади. Янгидан учраган масалаларни тезлик блан дарров ҳал қила билиш имкони, ижодий фаолиятнинг ма'лум бир соҳасидаги ана шу *умумий тайёргарлик* натижасида туғилган имкониятдир.

Ба'зибир ҳунарларни оладиган бўлсак, ижодий масалаларни ҳал қилишга ўзини бундай „тайёрлаш“ ҳатто махсус бир масала устида кўп вақтлардан бери қилиниб келинган тайёргарлик ишларидан ҳам каттароқ аҳамиятга эгадир. Масалан, лашкарбошининг иши шундай ишдир. Лашкарбоши аксари ўз олдида турган масалани узоқ текшириб, ўйлаб ўтираолмайди ва шунинг учун кутилмаган ва тўсатдан туғилиб қолган янги масалаларни ижод йўли блан дарҳол ҳал қилишга ўзини ва ақлини аввалдан тайёрлаб қўймоғи керак бўлади.

Сан'ат соҳасида „материал ғамлаб қўймасдан“ ижод қилиш ҳеч мумкин эмас. Горькийнинг юқорида бир карра айтилган сўзларини эсга олайлик: „бир ишчи, бир поп, бир дўкондорни тахминан тўғри тасвир қилмоқ учун бошқа бирнеча юз ишчи, бирнеча юз поп ва бирнеча юз дўкондорни хўб яхши мушоҳада қилиб бормоқ керак“. Агар ёзучи ма'лум бир тоифа одамларнинг турмушини ва фе'л-атворини синчиклаб текширишни асарини ёзишга киришгач бошласа, бу ҳолда тасвир этмоқчи бўлган кишиларининг ҳарбирининг қиёфасини кўрсатиш учун бирнеча йиллаб вақт кетказишга мажбур бўлар эди. Ёзучи бўлмоқ учун турмушда кўп нарсани мушоҳада қилиб, *кўпни кўрган,* пишиган бўлмоқ керак. Сан'аткорликнинг энг муҳим ва зарур шарти бўлган *разм солмоқлик*, ёзучининг турмуш тўғрисидаги билим ва тажрибаларини муттасил тўлдириб ва ошириб боришидан иборатдир.

Юқорида ақл ва ироданинг сифатларини текширганда, ақлнинг чинакам илдамлиги ва шунингдек чинакам дадиллиги, шошмашошарлик блан ҳечқандай алоқаси бўлмаган тамомила бошқа сифатлар эканини айтган эдик. Ижодий фаолиятни текширганда шошмашошарликнинг бунда ҳам нома'қул сифатлигини эсда тутмоқ керак. Ҳарбир йирик асар яхши *тайёрланишдан ташқари „кўнгилда ташилмоғи“, вояга етказилмоғи ҳам керак.* Алексей Николаевич Толстой та'бирича айтганимизда, „сабрсизликни босмоқ керак“. Фан ва сан'ат арбоблари ҳамиша кўнгилларида туғилган фикрларни бирнеча йиллаб дилларида

сақлаб юрганлар ва шу сабабдан улар ҳақиқатан улуғ асарлар яратганлар.

Дарвиннинг „Турларнинг пайдо бўлиши“ деган асари устида қилган ишлари бу жиҳатдан ниҳоятда яхши ибрат бўладиган ишдир.

Эволюция назариясига оид фикрларнинг энг аввалги бошлангичлари унинг хотира дафтарида даставвал 1837 йилдан бошлаб кўринади. Бу назариянинг умумий асослари 1839 йилда тайёр бўлган бўлса керак, деб ўйлашга кўп далиллар бор. Броқ Дарвин ўз назариясининг нисбатан қисқа бўлган энг аввалги бир парчасини орадан уч йил ўтгач 1842 йилдагина қоғозга ёзди. „Турларнинг пайдо бўлиши“ деган асарида баён этилган асосий фикрларнинг ҳаммаси ва бу асарнинг ҳамма асосий қисмлари 1842 йилда ёзилган мазкур „парчада“ бор эди. Лекин 1842 йилда ёзилган парча „Турларнинг пайдо бўлиши“ деган машҳур асаридан 12 марта қисқа бўлиб, хомаки ёзиб ташланган, ҳали пухта бир қолипга солинмаган асар эди. Орадан икки йил ўтгач, 1844 йилда аввалгисидан тўрт ҳисса ортиқ бўлиб, анча муфассал ва анча пухта бўлган иккинчи парчани ёзди. Аммо орадан яна ўнбеш йил ўтмагунча, Дарвин китобнинг ҳаммасини, тўла қилиб ёзишга киришмоқни лозим топмади. Бу 15 йилнинг ҳаммаси яна материал тўплаш блан, эволюция назариясидаги асосий фикрларни исбот этадиган янги далиллар топиш блан ўтди. Бу давр охирига бориб Дарвин ихтиёридаги ҳом ишланган материаллар шу қадар кўпайиб кетдики, унинг ўз та'бирича айтганда, бу материалларни фақат бир марта кўздан кечириш ва тартибга солиш учун бир йил вақт керак бўлар эди.

Бундай узоқ тайёргарликдан кейин китобни жуда қисқа муддат ичида ёзиш мумкинлиги турган гап. Дарвин „Турларнинг пайдо бўлиши“ни 1858 йил июль ойидан бошлаб ёзишга киришди, 1859 йил апрель ойида китоб босилабошлади.

в) Меҳнат ва ижод

Ижод аввало доимий қилинадиган катта ва оғир меҳнатдир. Қаттиқ ишлай оладиган, қунт қилиб ўтирадиган, ба'зан майда, жуда диққат ишдан иборат бўлган ёзучининг иши тўғрисида Л. Н. Толстой айтганидек, „даҳшатли ишга“ бардош қилиб, чидам блан ишлай оладиган одамгина ижод этаолади. Горький, менинг муваффақиятларим аввало „меҳнатга меҳр қўйиб ишлаш қобилиятим“ соясида эришилган муваффақиятлардир, дер эди.

Ижодий фаолиятни самарали қиладиган асосий шарт, *қунт блан муттасил ва мунтазам ишлашдир.*

Ижоднинг энг муҳим нуқталари илҳом келган пайтда бажарилганидан, ижодий меҳнат кўпинча қисқа вақт ичида, илҳом келиб қолган чоқларда, бир пастда қилинадиган ва қунт блан астойдил ўтириб узоқ ишлашни талаб қилмайдиган ишдек кўринади, лекин масалага юзаки қарагандагина бундай кўринади. Шунинг учун бундай деб ўйлаш ниҳоятда катта хатодир, чунки, биринчидан, юқорида айтилганидек, илҳом келган чоқда ижоднинг авжга чиқиши ёлғиз илҳомдангина бўлмай, балки бундан аввал, кўп вақтлардан бери қилиниб келинган ишларнинг та'сири ҳам бордир. Иккинчидан, *илҳом ҳолатининг ўзи ҳам аксари доимий равишда ва мунтазам суратда қилиниб келинган ишнинг натижасидир. Киши илҳом келмаган чоқда ҳам қунт блан ишлашга ўзини мажбур*

эта билиши керак; фақат шундай қилгандагина тез-тез илҳом келиб туради.

Чайковскийнинг бу масалага қандай қараганлиги блан танишмоқ ғоятда фойдалидир. Чайковскийнинг бу тўғридаги қарашлари чинакам илҳом эгаси бўлган сан'аткорнинг қарашидан бир намунадир. „Ҳамавақт ишламоқ керак, чинакам виждонли артист, кайфим йўқ, деган важ блан ишламасдан жим ўтираолмайди. Илҳом шундай бир меҳмонки, бу меҳмон хушёқмасларникига боравермайди. Илҳом чақирганникига боради. Бутун ҳикмат, ҳар куни, ва ҳар доим мунтазам ишлаганлигимдадир. Бу жиҳатдан темир иродам бор, ишлашга хушёқмай турган гезларимда ўзимни мажбур қилиб ишлайман, хушёқмаслигимни енгиб ишга киришиб кетаман. Ҳар куни эрталаб тургач, бирон иш қилиб, ўзимни ишга шайлаб олишни ўзимга вазифа қилиб олдим".

Тургенев ҳам ёш ёзучилардан бирига, „баракатли илҳом чоқлари, деган гезларни кутиб ўтирманг, илҳом келса яхши, лекин келмаса ҳам ишлайберинг" деганида у ҳам ижодий ишга боягидай қарашни назарда тутиб гапирган.

Илҳом келган чоғи, ижодий иш учун энг қулай чоқдир. Аммо илҳомнинг ўзи иш натижасида келади. Горький: „ишни қўзғовчи илҳом деб, нотўғри тушунадилар деб ўйлайман, илҳом, аксинча, иш қизиганда, унинг оқибати ўлароқ келса керак" деган эди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Фаолиятнинг мотивлари блан вазифалари ўртасида қандай муносабат бор?
2. „Фаолият мотивининг юксаклиги" нимадир?
3. Фаолиятнинг мазмунидан кўра унинг ўзини қандай бажаришга кўпроқ диққат қилиш қандай ҳолларда фойдалидир?
4. Кўникма деб нимани айтамиз?
5. Кўникма блан ижод ўртасида қандай муносабат бор?
6. Кишида кўникмалар пайдо бўлганда кўринадиган муҳим аломатларни айтинг.
7. Ҳақиқий маҳоратнинг оддий усталикдан нима фарқи бор?
8. Такрорлаш қачон машққа айланади?
9. Одат нимадир ва кўникмадан фарқи нима?
10. Илҳом келган ҳолатнинг аломатлари қайси?
11. Фаолиятнинг турли соҳасидаги ижодиятнинг тайёргарлик босқичи қандай шаклларга киради?
12. Ижодий ишни самарали қиладиган ва жумладан илҳом туғдирадиган шарт-шароитлар қайси?

Масалалар

1. Адабиётдан ёки турмушдан олис ва яқин мотивларга доир мисоллар кўрсатинг.
2. Адабиётдан ёки турмушдан мисол олиб, бировларнинг берган баҳоси кишининг фаолиятига қандай та'сир қилишини кўрсатинг.
3. Бирон касб-кор соҳасида кўникма блан ижоднинг қандай роль ўйнаганини мисол тариқасида кўрсатинг.
4. Бирон ишда бировнинг усталик ёки нўноқлик блан бажарган ишини таққос қилинг ва қандай тафовут топган бўлсангиз, шуни баён қилиб ёзинг.
5. Фойдали ва зарарли одатлардан бирнеча мисол кўрсатинг.
6. Л. Н. Толстой рассом Михайловнинг ижодий фаолиятини та'риф қилганда қандай тавсифлайди („Анна Каренина", бешинчи қисм, IX, XIII боблар).

XII б о б

ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАВСИФИ.

85. ШАХСНИНГ ПСИХИК СИФАТЛАРИ

Психология илми фақат айрим психик процессларни ҳамда бу процессларнинг одам томонидан қилинадиган ҳарбир мураккаб ишда алоҳида равишда бир-бирига боғланган мураккаб шакллардаги кўринишларинигина текширмай, балки бу блан бирга *ҳарбир шахснинг ўзига хос бўлган психик сифатларни* ҳам текширади, я'ни ҳарбир кишининг ҳавас ва майилларини, лаёқат ва исте'додини, темпераментини (мизожини) ва характерини ҳам текширади.

Психик сифатлари бир-бирига тамомила ўхшаган икки одамни сра топиб бўлмайди. Ҳарбир кишининг ўзига хос бўлган бирқанча хусусиятлари бўлади ва бу хусусиятларнинг жам'и унинг *шахсиятини* (индивидуаллигини) ташкил қилиб, бошқалардан уни фарқ қилади.

Ҳаркимнинг ўз шахсига хос бўлган психик сифатлари бор, деганимизда, кишиларнинг *бирмунча қат'илашиб, ма'лум бир тусга кирган муҳим сифатларини* назарда тутамиз. Бир нарсани эсдан чиқазиш ҳаркимда бўладиган бир ҳолдир, лекин „унутчоғлик", ёки „эсарлик" ҳаркимда бўлаверадиган хусусият эмас. Сра аччиғи чиқмаган одам бўлмайди, лекин „аччиғи тезлик", ёки „сержаҳллик" ҳаркимнинг сифати бўлавермайди.

Инсоннинг психик сифатлари, бир карра тайёр ҳолда кишига берилиб, кейин умрбод бир қолипда қолаверадиган нарса эмас. *Кишининг психик сафатлари*, я'ни унинг қобилияти, фе'л ва қилиқлари, ҳавас ва майиллари *умр ўтган сари ўсиб, ўзгариб борадиган нарсадир*. Кишининг бу сифатлари бирмунча барқарор ва доимий бўлса ҳам, сра ўзгармайдиган сифатлар эмас. *Кишининг шахсига оид сифатлар ичида асло ўзгармайдиган сифатлар бўлмайди.* Одам умрининг охиригача ўсади, демак ундайми, бундайми ҳар ҳолда ўзгаради.

Психик хусусиятларнинг ҳечбириси туғма хусусият бўлаолмайди. Инсон онадан туғилгандаёқ ма'лум хусусиятларга, ёки фе'л ва қилиқларга эга бўлган „тайёр" ҳолда туғилмай-

ди. Фақат кишининг *а'зои-баданининг тузилишига оид бўлган ба'зи анатомик ва физиологик хусусиятларгина*, сўнгра нерв системасига ва сезги а'золарига ва хусусан энг муҳим, мияга оид бўлган ба'зи хусусиятларгина *туғма бўлиши мумкин*. Ҳаркимнинг ўзидаги шахсий сифатларнинг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнайдиган нарса, ҳаркимнинг а'зо тузилишидаги ана шу анатомик ва физиологик хусусиятлардир, аммо бу хусусиятлар ҳеч қачон кишининг бутун сифатларини ажрим қилиб, тайинлаб қўяқолмайди, я'ни кишининг шахсиятига оид хусусиятлари ёлғиз шу анатомик ва физиологик хусусиятларгагина боғлиқ эмас. Икки кишининг а'зо тузилишига, жумладан миясининг тузилишига оид хусусиятлари бир хилда бўлса ҳам, буларнинг ҳарқайсисининг қандай шароитда яшашига қараб, психик сифатлари ҳархил бўлиб кетиши мумкин.

Кишининг шахсий сифатлари, я'ни унинг фе'л-атвори ҳавас ва майллари, лаёқати ҳамиша *кишиниг таржимаи ҳолини, қандай умр кечирганини*, ҳаётини бир қадар акс этдириб кўрсатадиган гўё бир ойнадир. Кишининг иродаси ва фе'л-атвори, турмушида учраган қийинликларни енгиш соясида етилади ва ўсади, машғул бўлган касб-корига қараб ҳархил ҳавас ва майллари туғилади, турли қобилиятлари ўсади. Аммо кишининг тирикчилиги, қандай яшаб, нима ишлар қилиши, яшаган ижтимоий муҳитига қараганлигидан, унда қандай психик сифатларнинг пайдо бўлиши ва ўсиши ҳам шу *ижтимоий муҳитдандир*. Маркс блан Энгельс, „рафаэль сингари бир шахснинг ўзидаги талантни ўстираолиш-олмаслиги тамомила унга талаб борлигига боғлиқдир, талаб ҳам ўз навбатида меҳнат тақсимотига ва бу тақсимотнинг ма'рифат бобида туғдирган шароитларига боғлиқдир“ деганлар. Шахсни тўла ва тўкис ва мукаммал даражада ўстириб, уни камолга етказадиган шарт-шароитларни ёлғиз социалистик тузумгина вужудга келтиради. Дарвоқи' ҳечбир маҳал, ҳечбир мамлакатда кишиларнинг исте'дод ва лаёқати, ҳозир Совет Иттифоқидагидек кўпайган ва ўсган эмас.

Кишининг шахсий сифатларининг, я'ни ҳавас ва майллари, фе'л ва қилиқларининг пайдо бўлишида унинг *дун'ёга қараши*, я'ни яшаган ижтимоий ва табиий муҳитида бўладиган барча ҳодисалар тўғрисидаги умумий қарашлари, энг муҳим марказий ўринда туради. Аммо ҳарбир кимсанинг дун'ёга қараши бутун жамиятда ҳукм сурган дун'ёга қарашларнинг, ижтимоий фикр ва ғояларнинг, турли назария ва қарашларнинг бу кимса миясида акс этганидир.

Совет кишилари Улуғ Ватан уруши кунларида шундай кўп қаҳрамонлик, мардлик, ватанга шундай оташин муҳаббат, душманга шундай қаттиқ қаҳру-ғазаб, ўлимдан қўрқмаслик бобида шундай ботирлик кўрсатдиларки, оммавий тус олган бундай ғайрат ва шижоатни инсоният тарихи сра кўрган эмас.

Халқимизда бу сифатларни ўстирган энг муҳим шароит, Ленин — Сталин партиясининг дун'ёга қарашидирким ,бутун инсониятнинг олдида бораётган илғор совет кишисининг онги шу Ленин — Сталин партиясининг назарияси руҳида тарбияланиб келди ва шу руҳда ўсди.

Кишининг онги ижтимоий муҳит маҳсулидир. Марксниинг китобимизнинг 13 § да нақл қилинган сўзларини бунда яна эсга солиб ўтамиз: „онг даставвалданоқ бошлаб жамият маҳсулидир, ва инсон дун'ёда яшагунча, шу моҳиятда қолади".

Бироқ „ижтимоий фикр ва назариялар ҳархил бўлади. Ёшини яшаб эскирган ва жамиятнинг эски кучлари манфаатини кўзлаган эски фикр ва назариялар бор... Жамиятнинг олдинда боручи илғор кучлари манфаатини кўзлаган янги илғор фикр ва назариялар ҳам бўлади" *(Сталин)*. Тараққийга бошловчи назарияларни, қараш ва фикрларни одамлар ўз-ўзидан автоматик равишда билиб ва қабул қилиб кетавермайдилар. Бунинг учун аввало тараққийга бошловчи илғор қараш ва назарияларни, кишини орқага судраб, унинг камолга етишига тўсқинлик қилучи эскирган ва замони ўтган кўҳна қараш ва назариялардан фарқ қилиб, ажрата билиш керак бўлади. Бундан ташқари, илғор фикр ва қарашларни фақат „билиш" кифоя қилмайди. Бу қараш ва фикрлар кишининг бутун руҳига сингиб, унинг бутун фе'л ва ҳаракатларига сабаб бўлган *маслак ва э'тиқодига* айланиши керак.

Кишининг э'тиқодлари унинг бутун ҳаётидан келиб чиқса ҳам, кейин кишининг э'тиқодлари ҳам ўз навбатида унинг ҳаётда тутган йўлини белгилайди, бунга та'сир қилиб, кишининг бутун фе'л-атворини, турмуш йўлларини ва фаолиятини ма'лум йўлларга солади.

Кишидаги психик сифатларнинг пайдо бўлишида гўдаклик чоғидаги *та'лим ва тарбиянинг* аҳамияти ниҳоят даражада каттадир. Лекин киши ўзи камол топиб борган сари, *ўзини-ўзи тарбиялаши*, я'ни ўз маслак ва э'тиқодларини белгилаш бобида, ма'қул ва матлуб психик сифатларни ўстириб, нома'қул ва номатлубларини йўқотиш бобида кишининг ўз тарбияси устида онгли равишда қилган ишлари тобора катта аҳамият олиб боради. Ҳарким ўз шахсиятини кўпроқ ўзи яратади.

86. ҚИЗИҚИШЛАР

Кишини психик жиҳатдан тавсиф қилучи биринчи сифати, унинг *қизиқишларидир;* одамнинг *майли* унинг *қизиқишларида* акс этади.

Ма'лум бир вақтда онгимизнинг ма'лум бир нарсага банд бўлишини диққат дейилганини биламиз. *Бир нарсага бўлган муносабатимиз, бизда у нарсага кўпроқ э'тибор қилиш майлини туғдирса, буни қизиқиш деймиз.* Бировни тавсиф қилганда „театрга қизиқади" десак, бу одам театрга мумкин

қадар кўпроқ боришга интилади, театр тўғрисидаги китобларни ўқийди, театр тўғрисида газетада чиққан хабар ва мақолаларни ўқимасдан қўймайди, биров блан гаплашганда, радио тинглаганда театрга алоқадор бўлган ҳарбир нарсага диққат қилади, умуман фикри театр блан жуда кўп банд бўлади, деган бўламиз.

Қизиқишларнинг заминида эҳтиёж бор. Броқ ҳарбир эҳтиёж кишининг нималарга кўпроқ майллигини кўрсатадиган сифат тусига кирган барқарор ҳавас туғдирабермайди. Масалан, овқат ейиш ҳарбир кимсанинг асосий эҳтиёжларидан биридир. Кишининг бу эхтиёжи етарлик даражада қондирилмаса, я'ни одам оч бўлса унда „овқатга қизиқиш" туғилади, унинг фикри-зикри томоқ бўлиб қолади. Лекин бундай қизиқиш вақтинчалик бўлиб, кишининг қорни тўйгач, йўқолади; бундай қизиқиш кишининг доимий ҳавасини кўрсатадиган барқарор бир сифат эмас, шахснинг сифатига оид хусусият эмас.

Кишининг қизиқишлари уни билим олишга, ма'лумотини ошириб, фикр доирасини кенгайтиришга, ўз психик ҳаётини мазмундор қилишга интилтирадиган муҳим бир кучдир. Кишида қизиқиш бўлмаса, ёки кам бўлса, бундай одамнинг ҳаётида ҳеч маза ва ма'ни бўлмайди. Бундай одамнинг ички туйғулари фақат зерикишдангина иборат бўлиб, ҳечнарсадан завқ олмайдиган, бир нарса доим кўнглини ёзиб турмаса, бўлмайдиган хафагезак бўлиб қолади. Бундай одам ўз ҳолига қолса, дарров зерикади, чунки қизиқ-ноқизиқлигидан қат'и назар, уни ўзига жалб қиладиган, фикрини машғул қиладиган, завқини қўзғотадиган нарса йўқ. Ҳаваси баланд ва ҳарнарсага қизиққан одам зерикиш деган нарсани сра билмайди.

Кишининг нимага ҳавас қўйган ва нимага интилганини тавсиф қилганда, ҳаммадан аввал унинг *қизиқишларининг ма'нодорлигига, мазмунига ва кенглигига* э'тибор берамиз.

Гогольнинг асарларида қизиқишлари бема'ни ва беҳуда, доираси тор бўлган кишиларнинг жуда яққол тимсоли бор. Масалан, „Шинель" даги чиновник Акакий Акакиевич шу қабила одамлардандир; унинг хат кўчиришдан бошқа қизиққан иши йўқ. „Хат кўчириб ёзиш унинг назарида алоҳида бир завқлик иш эди". Хизматдан қайтгач бекор қолганда „ўз завқи учун" хат кўчириш блан овора бўлар эди холос. „Хўб ёзиб маза қилгач, эртага ҳам бир нарсани кўчиришни худо насиб қилар, деган умид завқи блан, уйқуга ётар эди".

Агар одамнинг интилишлари, ҳаваси унинг дун'ё қарашларига суянмаган, турмушнинг ҳарбир томонидан завқланиб, уни чинакам севишига асосланмаган қизиқишлар блан чегараланиб қолаверса, бу ҳолда унинг қизиққан нарсаларининг ўзи ҳарқанча аҳамиятли бўлса ҳам, бундай кишининг тузук ўсиши, ўз ҳаётини бама'ни қилиши мумкин эмас, умри беҳудага ўтади.

Пушкиннинг „Моцарт ва Сальери" деган трагедиясида, Сальери тимсолида бутун завқи-шавқи, бутун ички ҳаёти ёлғиз бир нарса блан чегараланган, я'ни фикри-зикри музика бўлган одамнинг қиёфаси кўрсатилган.

Эрмаклардан ўзим барвақт воз кечдим:
Музикадан ўзга фанга — билимга
Йўқ-ди асло юрагимда ҳавас — завқ:
Мағрурона ҳазар айлаб улардан
Фақат, фақат музикага берилдим.

Сальери учун музика, бутун оламни сайр-тамошо қилиш учун унинг кўз олдида очилган ойна эмас, балки оламни унинг кўзидан бекитган девор эди. Сальерининг музикага ҳавас қўйиши ҳаётнинг бошқа томонларидан уни бебаҳра қилди, унинг ички ҳаётини дардсиз, қуруқ қилиб қўйди. Музикада ниҳоятда баланд маҳорат ортдирган ва лекин ёлғиз шу ҳунари доирасида чегараланиб қолмай, балки ҳаётнинг бошқа ҳамма томонларидан ҳам завқ оладиган устоз Моцарт унинг тамомила зиддидир. Моцарт учун музика „нағмаларнинг янги ҳикматларини ошкор этиш"дангина иборат бўлмай, балки аввало турмуш таассуротларига жавоб бўлган туйғулардир. Шунинг учун Сальери ҳарқанча ақиллик, исте'додлик, музикани яхши билган устоз бўлса ҳам, ма'навиёти пуч одамдир, унинг назарида ҳаёт „бир мараздир", у „ўлимга ташнадир", ниҳоят у, ҳасад балосига мубтало бўлиб, даҳшатли бир жиноятга киришди, Моцартни кўролмай, ҳасадидан уни ўлдирди.

Кишининг камолотга етишмоғи учун ҳаваслари кўп бўлиб, ҳар нарсага қизиқиши шарт, кишида бу сифат бўлмаса, унинг ички ҳаёти, ма'навиёти пуч бўлади. Исте'доди баланд бўлган кўп машҳур кишиларнинг билими ҳаммани ҳайрон қолдиради. Уларда билимни бу даражага етказган нарса улардаги зўр қизиқишдир.

Марксниг қизлари, сизга энг кўп манзур бўлган ҳикматли гап нимадир, деб сўраганларида, қадимги лотин ҳикматларидан бўлган „Мен ҳам бир инсон, барча инсонларда бор сифатлар менда ҳам бор" деган ҳикматли сўзни ёзиб берган.

А. М. Горький ёш ёзучилар блан қилган ҳамма суҳбатида доим уларни билим доирангизни, қизиқишларингизни кенгайтиринг ва кўпайтиринг, деб насиҳат қилар, ва „бизнинг дун'ёда ибрат бўлмайдиган ҳечнарса йўқ" дер эди. Бир кун Горький, яқинда ёш ёзучилардан бири менга ёзган хатида, „ҳамма нарсани билаверишим ҳеч керак эмас, ҳечким ҳамма нарсани билаолмайди" дейди. „Бу ёзучидан тузук одам чиқмаса керак, деб ўйлайман" деди. Ёшлигидаёқ ўз қизиқиш ва ҳаваслариниг чегаралаб қўйган, элбурутдан „ҳамма нарсани билаверишим ҳеч керак эмас" деючи одам, Горький фикрича, муҳимроқ ҳечбир иш қилолмайди.

Броқ кишининг кўп нарса блан қизиқиши, бу кўп нарсадан биттасига кўпроқ ва ортиқроқ қизиқишини истисно қилмайди. Қайтага кишининг қизиқишлари кўп бўлиб, бу қизиқишлари турмушидаги биронта энг асосий қизиққан нарсаси атрофида жам' бўлса, шундагина кишининг серзавқлиги қимматли, яхши сифатга айланади.

Маркс қизларининг, сизга энг кўп манзур бўлган ҳикматли сўз қайси деган саволларига, инсоннинг барча қизиқишларига чин кўнгилдан э'тибор қилмоққа, қулоқ солмоққа чақиришдан иборат бўлган бояги жавоби блан бир қаторда, сизнинг хос сифатингиз қайси, деган саволга, мақсад бирлиги, деган жавобни

ҳам берди. Кишининг бутун ҳаётидаги омоли бўлиб қолган мақсад ва муроди шундай бир ўқдирким, одамдаги бошқа тилакларнинг барчаси шу ўқ атрофида айланади.

Ҳарбир нарсага, ҳарбир нарсага бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда кўп нарсага қизиқиш керак, аммо бу нарсалардан биронтасига айниқса кўпроқ қизиқиш керак.

Суворов ниҳоятда кўп нарсага қизиққан ва лекин қизиққан нарсаларининг барчаси унинг табиатида жуда яққол кўринган энг катта ҳавасга бўйсунган кишининг бир мисолидир. Суворовнинг табиатида, ёшлик чоғиданоқ ҳарбий ишга ҳавас ва майл ниҳоятда зўр эди, унинг бу ҳаваси борабора чинакам бир ихтиросга айланди. Успиринлик вақтида, қишлоқдаги ота уйида турган чоқларидаёқ бутун юриш-туриши ўзини ҳарбий ишга тайёрлашдан иборат бўлди, я'ни у маҳалда топилган уруш тарихига ва техникасига оид китобларни ўқиди, вақтининг кўпини жангда бўладиган тактика масалаларини ечишга сарф қилди, ўзини уруш шароитидаги азоб ва машаққатларга чидашга ўргатди. Ҳамиша ҳарбий иш блан машғул бўлиб ўтган бутун умрида, қандай бўлмасин уруш ҳунарига доир билимини ортдиришга имкон бўлганида, бу фурсатни ҳеч қўлдан бермади. 60 ёшга кирганда денгизчилик ишини ўрганиш блан шуғулланди ва имтиҳон бериб мичманлик даражасини олди.

Аммо Суворов бу блан бирга жам'ий билимлар блан қизиқар, қаригунча ҳам бўш вақти бўлганда, китоб ўқир ва ўрганар эди ва бунинг натижасида замонининг энг олим кишилари даражасига етган эди. Математика, география, фалсафа, тарих илмларини яхши билар эди. Тил ўрганишга кўп вақт сарф қилди; немис тилини, француз, итальян, поляк, фин тилларини, турк, араб, форс тилларини билар эди. Бадиий адабиётга, айниқса кўп қизиқар эди. Яхши ёзучиларнинг асарларини доим ўқишдан ва умуман адабиётни диққат блан та'қиб қилиб боришдан ташқари, ўзи ҳам ше'р ёзар эди. Кўп нарсага қизиқиш ва ҳарнарсани билишга интилиш, бу улуғ рус саркардасининг энг муҳим ҳислатларидан бири эди.

Қизиқишнинг *барқарорлиги* ҳам анча катта аҳамиятга эгадир. Ҳар нарсага қизиқадиган ва лекин қизиқиши узоқ давом этмайдиган одамлар бўлади. Бундай одамлар ҳали у, ҳали бу нарсага қизиқаберадилар. Узоқ давом этмайдиган бу қизиқишлар ба'зи одамларда, бутун ҳиссиётни ҳаракатга келтирадиган даражада кучли бўлади. Одатда бундай кишиларни „ишқибоз" одам дейдилар. Ҳали у, ҳали бу нарсага қизиқабериш кишини доимий бир ҳислати бўлиб қолса, камчиликка айланади. Доимий қизиққан нарсалари бўлмаган одам ҳечбир иш соҳасида катта муваффақият қозонаолмайди.

Қизиқишнинг яна бир хусусиятини айтиб ўтмоқ керакким, у ҳам бўлса унинг *кучидир*.

Кишининг қизиқишлари пассив бўлиб, фақат кўзига тушиб қолган нарсаларга ҳавас блан диққат қилишдангина иборат бўлиши мумкин. Мактаб ўқучисининг ўқитучи айтган ҳикояни диққат блан тинглаши, ҳатто бунга оид бўлган сабоқни „ҳавас блан" тайёрлаши учун бундай қизиқиш кифоядир, лекин болани ўз ташаббуси ва ўз хоҳиши блан ҳаракат қилиб, бу соҳага доир билимларини оширишга интилтириш учун бундай қизиқиш кифоя қилмайди. Кишининг қизиқиши сўнг даража пассивлашиб кетса, бу ҳолда одамнинг бир нарсага қизиқиши,

бу нарса блан шуғулланиш ниятидан нарига бормайди, я'ни „Тарих китобларини ўқишга албатта киришмоқ керак“, „Музейга бориб келсам яхши бўлар эди“ каби ният блан кифояланади. Ба'зи одамлар бўладики, бу хил ниятларни амалга оширишга ҳечнарса тўсқин бўлмаса ҳам, уни ҳеч амалга оширмайдилар, ният ниятлигича қолаберади.

Лекин кишининг қизиқишлари чинакам кучли бўлса, киши қизиққан нарсасига етишмоқ учун астойдил ҳаракат қилади, бундай қизиқиш фаолиятнинг кучлик мотивига айланади. Бундай кучли ҳавас пайига тушган одам, ҳарқандай тўсқинликни енгиб, ҳечнарсадан таб тортмай қизиққан нарсасига эришмагунча қўймайди.

Суворовнинг ҳарбий ишга қизиқиши ёшлик чоғиданоқ ниҳоятда зўр бир куч даражасига етиб, унинг а'зосидаги заифликни ҳам енгиб кетди; отаси ўғлини ҳарбий хизматга тайёрлашга асло хоҳламаса ҳам, уруш сан'атини ўрганиши учун унга ёрдам бериб турадиган ҳеч ёрдамчиси бўлмаса ҳам, қизиққан нарсасига етишди. Ломоносовнинг бошдан-оёқ бутун турмуши тилаги йўлида фидокорлик қилишдан иборатдир; Ломоносовни бу фидокорликка бошлаган куч илм ва фанга ниҳоят даражада қизиқиши ва муҳаббатидир.

87. ҚОБИЛИЯТ ВА ИСТЕ'ДОД

Кишини бир хил ёки бирнеча хил ишни яхши бажарадиган қилган ба'зи психик сифатлар қобилият дейилади.

Масалан, ёзучилик, олимлик ва педагоглик ишларида аҳамияти катта бўлган, ҳарнарсага разм солиш, сифати ҳам бир қобилиятдир. Рассомликда жуда муҳим бўлган кўз хотираси ҳам қобилиятдир. Ёзучининг ижодий ишида катта роль ўйнайдиган туйғу хотираси блан туйғу хаёли; инженер ёки техникнинг ишида ниҳоятда зарур бўлган техника хаёли, музика оҳангларини билиш,— булар ҳаммаси қобилиятдир. Ақлнинг юқорида 69 § да айтилган сифатлари ҳам қобилиятдир, чунки ақлнинг унда айтилган сифатлари бирқанча юмушларни яхши бажаришга имкон берадиган шартлардир.

Айрим бир қобилиятнинг ўзи ҳечқандай бирор ишнинг яхши бажарилишини та'мин этаолмайди. Чунончи кишида разм солиш қуввати ҳарқанча камолга етган бўлса ҳам, ёлғиз унинг ўзи, ёки ҳарқанча кучли бўлса ҳам ёлғиз туйғу хаёлининг ўзи кишини яхши ёзучи қилаолмайди. Бировнинг қулоғи музика оҳангларига ниҳоятда зийрак бўлса ҳам, ёлғиз бу қобилият блан киши яхши чолғучи бўлавермайди; шунингдек техника хаёли кучли бўлган ҳарбир одам яхши инженер — конструктор бўлавермайди. *Ҳарқандай юмушнинг усталик блан яхши бажарилиши ҳамиша кишининг бирқанча қобилиятларига боғлиқдир.* Чунончи ёзучилик иши учун ҳарнарсага разм солиш қобилияти ҳам, образ хотираси ҳам, ақлнинг бирқанча

сифатлари ҳам ва шунингдек ёзма нутқ блан боғлиқ бўлган қобилиятлар, бир нарсага қаттиқ диққат қилабилиш ва яна бирқанча қобилиятларнинг аҳамияти жуда каттадир.

Бирон фаолиятни яхши бажариш имконини туғдирган бирқанча қобилиятларнинг бир кишида жам' бўлиши исте'-дод дейилади.

Исте'доднинг юқори даражаси *талант* дейилади.

Кишининг бошқа психик хусусиятлари сингари, исте'дод ҳам аввалда бор бўлган сифатнинг кейин бирмунча ўзгаргани бўлмай, балки кишидаги ўсиш натижасидир. Кишининг исте'-доди, қайси соҳа учун зарур исте'дод бўлса, кўпроқ шу соҳада ишлаш натижасида ўсади.

Ба'зи одамларда ёшликдан мустақил равишда пайдо бўлган, я'ни махсус та'лим ва тарбия кўрмасдан ҳам пайдо бўлган исте'дод бўлади. Ба'зи болалар, масалан музика, ёки рассомлик мактабига кириб ўқимасданоқ музика ёки рассомликка қобилиятлари борлигини кўрсатадилар. Масалан, Римский-Корсаковнинг музикага лаёқати тўрт ёшиданоқ ма'лум бўлган эди. Репин, Суриков ва Серовларнинг расм солиш бобидаги лаёқатлари 3—4 ёшлариданоқ ма'лум бўлган эди.

Бундай қобилиятни „туғма", „табиий" қобилият дейиш одати бор. Броқ бундай ҳолларда болаларда бу хил қобилиятларнинг ўсиши учун яхши шароит туғдирган ба'зи анатомик ва физиологик хусусиятларгина туғма бўлиши мумкин.

Исте'дод уён турсин, ҳатто кишининг айрим қобилиятлари ҳам, одамдаги бир сифат э'тиборила, ҳеч маҳал туғма бўлиши мумкин эмас.

Музикага жуда лаёқатли бўлган болалар ҳам ашула айтиш йўлларини, ёки оҳангларни ажратишни та'лим йўли блан *ўрганишлари* керак. Рассомлик исте'доди жуда зўр бўлган болалар ҳам расм солишни та'лим олиб *ўрганишлари* керак. Бу хил исте'додли болаларнинг бошқалардан фарқ қилган хусусияти фақат шуки, бу хил болалар жуда ёшликларидан музика чалиш ва расм солишни тез орада осонгина, аксари ўйин орасида билиб олганларидан, уларнинг бу ҳунарларни қачон ўрганиб олганликларини ота-оналари ҳам, муаллимлари ҳам билмай қоладилар.

Броқ исте'дод ҳамавақт бундай ёшликдан ошкор бўлавермайди. Фаолиятнинг бирор соҳасига оид бўлган исте'додни ҳосил қилган бирқанча қобилиятлар кишида кейинроқ бориб ошкор бўлади ва лекин бора-бора ўсиб камол топиб кетади. Бундай ҳолларда кишидаги қобилият қайси соҳага тегишлик бўлса шу соҳада мунтазам равишда та'лим олиш ва ўрганиш орқасида киши камол топади ва қобилиятлари ошади. Шунинг учун ёш болада бирон қобилиятнинг йўқлигига суяниб, уни қобилиятсизга чиқазиб қўйиш нотўғридир; боланинг исте'додли, ёки исте'додсизлиги тўғрисида фақат та'лим-тарбия натижасига қарабгина ҳукм чиқариш мумкин.

Бирор иш соҳасидаги *исте'дод* блан бу иш соҳасидаги маҳоратни бир-биридан фарқ қилмоқ керак. Исте'дод бирқанча қобилиятларнинг бир кишида жам' бўлишидир, маҳорат ёки усталик эса бирқанча билим, ҳунар ва кўникмаларнинг жам'идир. Лекин қобилият, билим, ҳунар ва кўникмаларнинг ўзи эмас. Ёзучиликка энди киришиб келаётганларнинг кўпида анча исте'дод бор дейиш мумкин бўлса ҳам, ёзучилик ҳунарини яхши эгаллаганлар, деб бўлмайди.

Исте'дод блан маҳорат, ёки усталикни бир-биридан фарқ қилиш блан бирга, буларнинг бир-бирига боғлиқлигини ҳам айтиб ўтишимиз керак. Чунки биринчидан, бир ишда осонлик блан тез маҳорат пайдо қилмоқ исте'додга боғлиқдир; иккинчидан бир ишда маҳорат пайдо қилиб, уста бўлмоқ, исте'доднинг яна ҳам ўсишига ёрдам беради, ҳолбуки, лозим бўлган билим ва маҳорат бўлмаса, бу ҳол тегишли қобилиятларнинг пайдо бўлишига йўл қўймайди.

Кишида бирон соҳага оид қобилиятнинг жуда кучлилиги, унинг бу соҳада катта исте'доди борлигини кўрсатмаганидек, бирон қобилиятнинг унда заифлиги ҳам, бу қобилиятни талаб қилган соҳада бу одамнинг ишга ярамаслигини ҳам кўрсатмайди. Ёшликда сўз хотираси заиф бўлса ҳам, кейинчалик катта ёзучи бўлиб кетиш, ёшликда кўз хотираси заиф бўлса ҳам кейин катта рассом бўлиб кетиш мумкин. Кишининг бир соҳадаги фаолиятга доир ба'зи қобилиятлари етарли даражада кучли бўлса, бу одам бу соҳада муваффақият блан кўп шуғулланишга имкон топади ва бу ҳол яхши ўсмаган бошқа қобилиятларнинг ҳам ўсишига яхши шароит туғдиради. Бунинг натижасида кишида ўсмаган қобилият ҳам ўсиб, шу даражага етадики, бу қобилиятнинг аввалги заифлигидан асар ҳам қолмайди.

Кишида бирон ишга майл ва ҳавас бўлиб, унинг бу майили жуда барқарор ва кучли бўлса ва шу ишга меҳр ва муҳаббат даражасига етса, бу ҳол кишининг шу ишга қобилияти зўрлигини кўрсатади. Айни замонда ишга бундай меҳр қўйишнинг ўзи, талантни ўстирадиган кучли омиллардандир. Горький бу ҳақда, „талант ишга меҳр қўйишдан ўсади, ҳатто талант аслида ишни, ишлашнинг ўзини севишдан иборат бўлса ҳам ажаб эмас“ деган. Горькийнинг бу сўзларини тор ма'нода тушунмаслик керак, чунки талантда ишга муҳаббатдан ташқари, яна бирқанча нарсалар ҳам бор, лекин Горькийнинг бу сўзларида ниҳоятда тўғри бир ма'но бор. Кишида унинг фаолияти учун керак бўлган бирқанча асосий қобилиятлар бўлмаса, ишга яхши меҳр ва муҳаббат туғилмаслиги мумкин, лекин бу муҳаббат туғилса, бу ҳолда одам ўзидаги заифликларни енгиб, ўсмасдан кейинда қолган қобилиятларини ҳам бошқа қобилиятларига „баравларштириб“ ўзидаги талантни жуда камолга етказса бўлади.

Қадим замонда ўтган нотиқларнинг ҳаммасидан улуғи бўлган Демосфеннинг таржимаи ҳоли бу жиҳатдан яхши бир мисолдир.

Йигитлик чоғида Демосфен машҳур бир нотиқнинг сўзини эшитди. Бунда сўзга усталикнинг одамларга қандай кучли та'сир қилишини кўриб, нотиқлик сан'атини албатта ўрганишга қарор қилди. Яхши тажрибали муаллимлардан хўб та'лим олгач, халойиқ олдида нутқ сўзлаб ўзини синаб кўрмоқчи бўлди, лекин шарманда бўлиб, халқнинг кулгисига қолди. Бундан кейин бу муваффақиятсизлиги бесабаб эмаслигини ва нотиққа сра келишмайдиган ба'зи камчиликлари борлигини тушунди, я'ни овози пастлигини, сўзларни нотўғри талаффуз қилишини, нафаси калталигидан тез-тез тўхташини ва бу сабабдан сўзларнинг ма'носи бузилишини, ҳаракатлари қўполлигини, гапда чалкашиши ва бошқа бунинг каби камчиликлари борлигини билди. Аксари одамлар бундай камчиликларини кўриб нотиқлик ҳунаридан воз кечиб, аввалги ниятидан қайтар эди, лекин Демосфен бундай қилмади, ўзидаги бояги камчиликларни йўқотишга мисли кўрилмаган даражада қаттиқ ва астойдил киришди. Овозини баланд қилмоқ ва нафасини узайтирмоқ учун чопиб кетаётиб, ёки тепаликка чиқаётиб, узун нутқ сўзлашни машқ қилди. Талаффузидаги камчиликларни йўқотмоқ учун оғзига майда тошлар солиб гапирганда ҳам аниқ ва равшан сўзлайдиган бўлишга ҳаракат қилди. Ер тагида ўзига махсус уй қилиб, шу ерда ёлғиз ўз ҳолига қолиб нотиқликни машқ қилди. Ба'зида 2—3 ойлаб у ердан чиқмади. Ер тагидан чиқишга имкон колдирмаслиги учун сочининг яримисини қириб, яримисини қирмади ва шундай қилиб одамларга кўринишдан ўзини ўзи маҳрум қилди.

Жазм қилган ишига эҳтирос блан меҳр қўйиб, астойдил киришганлиги, ўз талантига қаттиқ ишонганлиги ва иродасининг кучлилиги бирқанча муҳим қобилиятларидаги камчиликларни йўқотишга имкон берди, бунинг натижасида ер юзида ўтган улуғ нотиқларнинг бири деган шуҳратга эга бўлди.

Одам психикасининг энг муҳим хусусиятларидан бири, кишининг психикасида бўлган бир хоссанинг ўрнини бирқанча бошқа хоссалар блан тўлдириш мумкинлигидир; демак, кишида бирон қобилият йўқ бўлса, бошқа жуда яхши ўсган қобилиятлар унинг ўрнини босаберади. Бошқача айтганда, бир ишнинг икки одам томонидан бирхил даражада яхши бажарилишининг асоси бу одамлардаги турли қобилиятларнинг турлича қўшилиши ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳол инсондаги исте'додларнинг ҳақиқатан чексиз ўсишига имкон беради.

Кўзи кўр, қулоғи гаранг ва тили гунг бўлган Ольга Скороходованинг ҳаёти бунинг яққол мисолидир. Бу киши туғма кўрлик блан туғма гаранглиқнинг оқибати сингари оқибатларга элтадиган ёшидан кўз ва қулоғидан ажради, сўнгра гунг бўлиб қолди. Демак, Скороходова дун'ёдаги бор нарсаларни идроқ қиладиган асосий а'золаридан ажраши устига, инсонлар блан оддий муносабат воситаси бўлган тилдан ҳам ажради. Скороходованинг бундан буёнги ҳаёти, кишидаги талант ва қобилиятларни ўстириш учун бизнинг Совет Иттифокимизда қандай яхши шароит туғдирилганини кўрсатадиган яққол бир мисолдир. Скороходова кўз ва қулоғидан ажрагандан кейин, орада бирнеча йил ўтгач, у махсус клиникага жойлаштирилди; яхши педагог бўлган И. А. Соколянскийнинг раҳбарлиги остида у гапиришни, ўқиш ва ёзишни ўрганишдан ташқари жамоат ишлари блан шуғулланучи актив комсомол бўлиб, жуда илмли киши бўлиб чиқди. Бунинг устига у шоиралик ва илмий ходимлик даражасига етди. Ниҳоятда катта илмий аҳамиятга эга бўлган бир китоб, сўнгра бирқанча ҳикоя ва ше'рлар ёзди.

Скороходовада, ёзучи бўлмоқ учун мутлақо зарур бўлгандек кўринган кўриш ва эшитиш қобилияти йўқ бўлгани ҳолда, унда ёзучилик исте'доди борлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Ольга Скороходова блан бирнеча йилгача хат ёзишиб турган Горький унинг ёзучилик исте'додига қойил эди. Қулоғи

ғаранг, кўзи кўр одам қандай ше'р ёзаолади, деган саволга жавоб тариқасида ёзган ше'ридан бир парчасини бунда нақл қиламиз.

Садоларни эшитучи қулоғи соғ ҳар кимса
Қуёш, юлдуз, ойни кўрган кўзи борлар ўйласа.
Қандай қилиб кўзсиз аёл гўзалликни тасвирлар,
Ахир лолку қандай қилиб сас, баҳорни у сезар?

Ҳидларни ҳам, ва тонгдаги шабнамни ҳам сезаман
Бармоқларим ушлаб кўрар шилдираган япроқни,
Қоронғуга чўмилиб мен кенг боғ ичра кезаман
Ва истайман хаёл суриб, севаман деб айтмоқни.

Ақлим кўрар, туйғум блан эшитаман барини.
Хаёлим-чи чулғаб олур кенг паёнсиз дун'ёни.
Кўзи борлар гўзалликни мендай тасвир қиларми,
Ёрқин нурга мен сингари кулиб-кулиб боқарми?

Менда кўриш сезгиси йўқ, охир мен бир лол одам.
Лекин менда қайнаб тошган не-не хислар жамул-жам.
Сергак, дадил, итоаткор ва ёлқинли зўр илҳом—
Блан ҳаёт гўзал нақшин тўқиганман чинакам.

Ольга Скороходовада ёзучилик исте'додининг бундай камол топиши бир томондан партия ва Совет ҳукуматининг одам боласига кўрсатган ғамхўрлиги натижаси бўлса, иккинчи томондан, Скороходованинг ўзидаги ғайрат ва шоирликка муҳаббати натижасидир. Скороходова бир мақоласида „ше'р менинг жонимдир" дейди. Скороходовада бўлган ишга муҳаббат ва ҳавсала ва ғайрат, ундаги йўқ қобилиятлар ўрнини босадиган бошқа қобилиятларнинг ўсишига ва ундаги ёзучилик исте'додининг ниҳоятда ўсиб, камолга етишига йўл очди.

Бас, бундан ма'лум бўладики, агар кишида бирон ишга ҳавас ва майл бўлса, ба'зи қобилиятлари уни шу ишга кўпроқ ва жиддийроқ тортса, бу ҳолда биронта, жуз'ий қобилиятнинг унда йўқлиги, унинг бу иш блан шуғулланишига тўсқин бўлмаслиги, ҳавсаласини пир қилмаслиги керак.

Ижодий фаолият масаласини текширганимизда (§ 84) ижоднинг ҳамиша кўп куч ва қувват талаб қиладиган катта иш эканини билдик. Аммо киши қанча исте'додли, қанча талантли бўлса, унинг ишида ижод шунча кўп бўлади ва бинобарин, унинг иши шунча оғир ва қийин бўлади. Шунинг учун эски замонда, эксплоататорлик ҳукм сурган шароитда туғилган таассубни, я'ни кишида қобилият бўлса, унинг бу қобилияти уни меҳнат қилиш заруратидан қутқазади, кишининг таланти меҳнат ўрнини босади, деган нотўғри қарашларни ташлаш керак. Биз бунинг тамомила тескариси бўлган да'вони қиламиз ва талант „ишга муҳаббат"гина эмас, балки бу блан бирга „ишлашга ҳам муҳаббат қўйиш", меҳнатга меҳр қўйиш деймиз. Ҳарқандай исте'доднинг энг муҳим икки бўлагининг бири меҳнат қилиш ҳаваси бўлса, бири меҳнат қилиш қобилиятидир.

Совет мамлакатидаги илғор кишиларнинг энг муҳим сифати бўлиб қолган меҳнатда ижод кўрсатиш сифати, СССРда барча талант ва исте'додларнинг гуллаб равнақ топишига сабаб бўл-

ган энг муҳим шартларнинг биридир. Бизнинг мамлакатимизда ҳарбир меҳнат ижодий меҳнатдир, шу сабабдан бизнинг юртимизда исте'додли ва талантли кишиларнинг ҳарбир соҳада кўпаяётганини кўрамиз.

Киши ўз турмушини онгли равишда яхши қуриш учун ўз қобилиятларини яхши билиши керак. Лекин бунда кишининг ҳамма диққат ва э'тибори, ўзидаги қобилиятларнинг *қандай катталигига,* бир ишга лаёқат ва исте'доди қандай *зўрлигига* қаратилмай, балки *қандай ишга* кўпроқ исте'доди борлигига, *қайси* қобилиятлари кучлироқлигига э'тибор қилмоғи керак. Кишидаги исте'доднинг қанчалик баландлиги, қилган ишларининг натижасида ма'лум бўлади, ишнинг натижасини олдиндан билиб бўлмайди. Кишининг нимага ва қандай ишларга кўпроқ исте'доди борлиги олдиндан ма'лум бўлади, я'ни кишининг доимий ҳавас ва майллари, ба'зи ишларни бажаришдаги маҳорати, турли ҳунарларни бирмунча осонлик блан ўрганиб олиши унинг қандай ишларга исте'доди борлигини олдинданоқ ма'лум қилиб қўяди.

Машҳур рус ёзучиси Сергей Тимофеевич Аксаков энг биринчи асарини 56 ёшида ёзди, лекин унинг ёзучилик таланти камолга етган яхши асарлари бўлган „Оила тарихи", „Багров набирасининг гўдаклик ёшлари" деган китобларини 65—67 ёшларида ёзди. Бу ёзучининг бу қадар исти'доди борлигини ёшлик чоғида олдиндан ким айтаолар эди? Лекин унинг қандай қобилиятлари борлиги жуда тез ошкор бўлди, я'ни ҳарнарсага разм солиш қобилияти, адабиётга меҳр ва муҳаббати, ёзучилик ишларига майл ва ҳаваси ёшлик чоғиданоқ унда аниқ кўринабошлаган эди.

Ҳечнарсага қобилияти бўлмаган одам сра бўлмайди. Ҳаркимда унинг ўзига хос бўлган бир лаёқат ва исте'дод бўлади, унинг бу исте'доди ма'лум соҳада муваффақият блан фаолият кўрсатишга имкон беради. Ҳарбир кимсада бўладиган исте'дод мумкин қадар тезроқ ва аниқроқ юзага чиқиши учун энг муҳим шарт, кишининг кўп нарсага қизиқиши ва ўзидаги қобилиятларни ҳар томондан ўстиришга ҳаракат қилишидир.

Бизнинг Совет Иттифоқимизда илм олиш соҳасида бўлсин, ҳаркимнинг майли ва қобилиятига қараб касб ва ҳунар таллаши бобида бўлсин, ёшларга имконият эшиги жуда катта очилган. Бизнинг ҳаётимиз шундайки, бунда ўз куч ва лаёқатини ишга солиш учун ҳаркимга жуда катта ва чексиз имконият берилган. Бундай шароитда одамларни „қобилиятли" ва „қобилиятсиз"га бўлишнинг ҳеч ма'ниси қолмайди. „Бизда фақат дангасалар талантсиздир. Талантли бўлишни дангасалар хоҳламайдилар. Ҳечнарса йўқдан бор бўлмайди, чўкиб ётган тош тагидан сув ўтмайди" деган Николай Островский жуда ўринли айтган.

Ва лекин бизнинг шароитда масала, бировнинг қандай ишга кўпроқ қобилияти бор, қандаҳ лаёқат ва исте'додларга эга, деган тарзда қўйилмоғи керак, бунда ма'но бор.

88. ТЕМПЕРАМЕНТ (МИЗОЖ)

Темперамент деб, ҳарбир кишининг ўзига хос бўлган ва ҳиссиётнинг қўзғалучанлиги блан, я'ни қанчалик тез ва қанчалик кучли қўзғалиши блан, боғлиқ бўлган бирқанча психик хусусиятларнинг жам'ини айтамиз.

Қадим замондан бери темпераментни тўрт асосий хилга бўладилар:

1) холерик темперамент: бу темперамент ҳиссиёти тез ва кучли қўзғаладиган кишиларда бўлади;

2) Сангвиник темперамент; бу темперамент, ҳиссиёти тез қўзғаладиган ва лекин кучсиз бўладиган кишиларда бўлади;

3) меланхолик темперамент; бу темперамент, ҳиссиёти секин ва лекин кучли қўзғаладиган кишиларда бўлади;

4) флегматик темперамент; бу темперамент, ҳиссиёти суст ва заиф қўзғаладиган кишиларда бўлади.

Холерик темперамент блан сангвиник темпераментнинг бундан ташқари яна шу аломатлари ҳам бор: 1) чаққонлик ва серҳаракатлик; 2) ички ҳиссиётларни ташқи ҳаракатлар блан (қўл ҳаракатлари, еўз, имо-ишора ва бошқа бунинг каби ҳаракатлар) кучли ифода қилишга мойиллик. Меланхолик темперамент блан флегматик темпераментнинг аломатлари аксинча шуки, биринчидан, бу хил одамларнинг ҳаракатлари суст бўлади, иккинчидан, ҳиссиётлари заиф ифода қилинади.

Бу темпераментларнинг типик намояндаларини қуйидагича та'риф қилса бўлади.

Холерик темпераментли одам, илдам ва чаққон, ба'зида ҳатто жўшқин бўлади. Ҳиссиётлари тез ва кучли қўзғалади ва гапида, ҳаракат ва имо-ишораларида жуда равшан ифода қилинади; аксари жуда тез бўлади, ҳиссиётлари бирдан қузғалиб жўш уриб кетади.

Сангвиник темпераментли одам, илдам ва серҳаракат бўлади. Ҳиссиётлари тез қўзғалаб, тез та'сирланучан бўлади, бундай одамнинг ҳиссиётлари дарров ташқари чиқиб, бирон қилиғида кўринади ва лекин бу ҳиссиётлари кучсиз, бетоқат бўлади ва тез ўзгаради.

Меланхолик темпераментли одамнинг ҳиссиётлари унча ранг-баранг бўлмайди ва лекин бор ҳиссиётлари кучли бўлиб, узоқ давом этади; бу хил одам ҳар нарсадан та'сирланабермайди, тоқатли бўлади, лекин бир нарсадан та'сирланса қаттиқ та'сирланади, аммо ташқи аломатларда зоҳир қилмайди.

Флегматик темпераментли одамнинг ҳаракатлари суст, ўзи оғир ва ёвош бўлади, унинг ҳиссиёти ҳадеганда қўзғайбермайди, бутун ҳаракатлари салмоқли, ўзи босиқ бўлади; ҳиссиётлари зоҳирга чиқмайди.

Тургеневнинг „Накануне"деган романида иштирок қилучи тўрт одамнинг ҳарқайсиси, бу тўрт темпераментнинг бир мисолидир: Инсаров холерик темпераментли одам. Шубан сангвиник темпераментли одам, Берсенев ме-

ланхолик темпераментли одам, Увар Иванович флегматик темпераментли одамдир. „Уруш ва тинчлик“ романидаги кекса князь Балконский, сўнгра Тургеневнинг „Овчининг хотироти“ деган асаридаги икки ҳикоянинг қаҳрамони („Чертопханов ва Недопюскин“ ҳикояси блан „Чертопхановнинг ўлими“ ҳикоясидаги) Чертопханов, холерик темпераментли кишиларнинг яққол мисолидирлар. „Анна Каренина“ даги Степан Аркадьевич Облонский сангвиник темпераментли одамнинг яққол мисолидир.

Гоголь „Уйланиш“ деган асарида тасвир қилган Кочкаров блан Подколёсин образларида, сангвиник темпераментли одам блан флегматик темпераментли одам ўртасидаги фарқни жуда яққол кўрсатган. „Уруш ва тинчлик“ романида тасвир қилинган князь Андрейнинг хотини Лиза блан („кенжа княгиня“) князь қизи Марияни таққос қилганда, сангвиник темпераментли одам блан меланхолик темпераментли одам ўртасидаги фарқ аниқ кўринади.

Темпераментларнинг физиологик асоси нерв системасининг хусусиятидир. И. П. Павлов *турли хилдаги нерв системалари* борлигини ва қуйидаги уч аломат уларни бир-биридан фарқ қилдирганини кўрсатади: 1) нерв процессларининг *кучи*, я'ни нерв процессларинииг қанчалик кучли қўзғалиши ва қанчалик кучли тормозланиши;

2) қўзғалиш блан тормозланиш ўртасидаги *мувозанат*;

3) қўзғалиш блан тормозланишнинг *илдамлиги*, я'ни бу процессларнинг қанчалик тез олмошуви.

Кишининг нерв системасидаги хусусиятлар, унинг темпераментидаги хусусиятларга сабаб бўлади. Чунончи, холерик темпераментли одамнинг жўшқинлиги, унинг тез ғалаёнга келиши, унинг нерв системасида бўладиган қўзғалиш процесси блан тормозланиш процесси ўртасида мувозанат, я'ни бараварлик йўқлигидандир, қўзғалиш кучи ортиқ бўлиб тормозланиш кучи заифлигидандир. Нерв системасининг бу хилини Павлов „қўзғалучан“, ёки „бетоқат“ деб атади. Сангвиник темпераментли одамдаги ҳисчанлик ва серҳаракатлик блан, флегматик темпераментли одамдаги ҳиссиёт ва ҳаракат сустлигини Павлов буларнинг нерв системасида бўладиган процессларнинг тез ва сустлигидан кўради.

Нерв системасининг хусусияти ва бинобарин, темперамент ҳам мутлақо ўзгармайдиган нарса эмас. Аксари кишининг ёши улғайган сари темпераменти ҳам ўзгаради. Темперамент „турмуш тарбияси та'сири блан“ ҳам (Павловнинг сўзи) ўзгаради. Лекин темперамент, кишининг алоҳида психик хусусиятлари жумласидан бўлиб, ҳар ҳолда анча барқарор ва анча доимий бўлган бир сифатдир.

Жами' одамларни шу тўрт асосий темпераментга қараб, тўрт хилга айирса бўлади, деб ўйлаш хатодир. Бу темпераментларнинг ёлғиз бир хилига мансуб бўлган кишилар жуда оздир. Аксари одамларда бирнеча хил темпераментнинг айрим томонларининг қўшилишганини кўрамиз. Сўнгра бир одам турли шароитда ва фаолиятнинг турли соҳасида турли темперамент кўрсатаолади.

Чунончи, „Уруш ва тинчлик“ даги Пьер Безуховнинг табиатига қарасак бу киши аксари одатдаги тирикчилик ишларида флегматик кўринади, я'ни оғир ва суст, хотиржам' ва бемалол ёвош кўринади. Лекин гоҳда фавқулодда ҳоллар рўй берганда, холерик темпераментли кишиларда бўладиган сифатларни кўрсатиб қўяди, я'ни тез ғалаёнга келади, ҳиссиёти бирдан жўш уриб кетади, ҳатто бу жўшқин ҳиссиётлар та'сири остида одатида бўлмаган ишларни қилиб ҳам қўяди. Бу блан бирга унинг табиатида меланхоликларга хос бўлган ба'зи хусусиятлари ҳам кўрамиз, я'ни тўсатдан эмас, секин туғилган ва лекин ниҳоятда кучли ва барқарор ҳиссиётлари бор ва унинг бу ҳиссиётлари зоҳирга жуда кам чиқади.

Темперамент, ҳечбир важдан, кишининг қобилият ва исте'додини белгилай олмайди. Ҳарқандай темпераментли одамлар орасидан ҳам зўр лаёқатли кишилар чиқиши мумкин.

Фаолиятнинг турли соҳасида иш кўрсатган машҳур талантли кишилар орасида турли темпераментли одамлар бор. Масалан, машҳур рус ёзучиларини олсак, булардан Пушкиннинг табиатида холерик темпераментли одамларга хос бўлган хусусиятларни аниқ кўрамиз, Герценнинг табиатида сангвиник темпераментли, Гоголь блан Жуковскийнинг табиатида меланхолик темпераментли, Крилов блан Гончаровнннт табиатида флегматик темпераментли одамларга хос бўлган хусусиятларни кўрамиз. Икки улуғ рус лашкарбошиси бўлган Суворов блан Кутузовни олсак, темперамент жиҳатидан булар бир-бирларига сра ўхшамайдилар. Суворов холерик[1] темпераментли одамнинг худди ўзи бўлса, Кутузовнинг табиатида флегматик темпераментли одамга хос бўлган сифатлар кўп эди, я'ни ҳаракатлари суст, ўзи вазмин ва совуққон эди.

Масалани, темпераментларнинг қайсиси яхши, деган тарзда қўйиб бўлмайди. Ҳарқайсисининг ма'қул ва нома'қул томонлари бор. Холерик темпераментли кишидаги эҳтирос ва ғайрат серҳаракатлик, сангвиник темпераментли кишидаги серҳаракатлик, чаққонлик, ҳисчанлик, меланхолик темпераментли кишидаги чуқур ҳиссиётлилик, вазминлик, флегматик темпераментли кишидаги оҳиста ва осойишталик — буларнинг барчаси кишининг қимматли, яхши сифатларидирким, бу сифатларнинг ҳарқайсиси ҳархил темпераментга боғлиқдир. Аммо холерик табиатли кишиларнинг ҳаммаси серғайрат бўлавермаганидек, сангвиник табиатли кишиларнинг ҳам ҳаммаси ҳисчан бўлавермайди. Бу сифатларни ҳарким ўзида тарбиялаб етказиши керак. Темпераментнинг вазифаси бу сифатларни тарбиялашни осонлаштириш ёки қийинлаштиришдангина иборатдир. Масалан холерик темпераментли одам ўзида серғайрат ва серҳавсалалик сифатларини флегматик темпераментли одамга қараганда осонлик блан тезроқ тарбиялай олади, лекин флегматик темпераментли одам ҳам сабр ва тоқатлик сифатларини, холерик одамга қараганда осонлик блан тезроқ тарбиялай олади.

---

[1] Суворовнинг таржимаи ҳолини ёзганлардан бири бундай дейди: „Унинг кўзлари ўйнаб турар, гапи ва ҳаракатлари ниҳоятда илдам эди. У ҳеч тинмагандек кўринар, уни мушоҳада қилиб турган одамга, у, бирданига неча юз ишни бажаришга ошиққан кишидек кўринар эди. „Хатто кексайганда ҳам,“ юрмас, югурар, отга минганда юрмас, чопар, стул ёнидан эмас, устидан сакраб ўтар эди“.

Ўз темпераментининг қимматли, яхши томонларидан фойдаланиш учун уларни ўз тасарруфига олиб, *идора қилобилмоқ* керак. Агар бунинг акси бўлиб кишинииг темпераменти уни ўзига бўйсундириб олса, я'ни фе'л ва ҳаракатларини темпераменти идора қиладиган бўлса, бу ҳолда кишининг темпераменти қандай бўлса ҳам барибир кишида ножўя сифатларнинг пайдо бўлиш хавфи бор. Масалан, холерик темперамент, кишини енгил, муомалада дағал, „бадфе'л" қилиб қўйиши мумкин. Сангвиник темперамент, кишини калта ўйлайдиган енгилтак, тутуруқсиз, бебурд одам қилиб қўйиши мумкин. Меланхолик темперамент, кишини одам ёви қилиб, ўз туйғулари блан ўралашиб қолган, ҳаддан ташқари тортинчоқ одам қилиб қўйиши мумкин. Флегматик темперамент, кишини жуда бўшашган баёв, беҳавсала, беғайрат, бепарво, лаванг одам қилиб қўйиши мумкин.

Ўз темпераментининг яхши ва ёмон томонларини онглаш ва уларни тасарруф ва идора қилишга ўрганиш, кишининг ўз характерини тарбиялашга доир вазифаларнинг энг муҳимларидан биридир.

89. ХАРАКТЕР

Харакатер деб кишининг барча фе'л ва қилиқлариға та'сир кўрсатган асосий психик сифатларини, кишининг қандай ҳолларда қандай ҳаракат кўрсатишига биринчи сабаб бўлган сифатларини айтамиз. Бировнинг характерини билсак, қайси ҳолларда, қайси хилда, қандай ҳаракат қилишини, қандай фе'л кўрсатишини биламиз. Агар кишининг ўзлиги аниқ бўлмаса, я'ни ўз „табиати" бўлмаса, унинг фе'л ва ҳаракатлари ўзидан кўра кўпроқ ташқи ваз'ият ва аҳволга боғлиқ бўлса, бу ҳолда бундай одамни „характерсиз", я'ни ўз қиёфаси йўқ, тутуруқсиз одам деймиз.

Кишининг характерини ташкил қилган ва ма'лум ҳолларда кишининг қандай ҳатти-ҳаракатда бўлишини чама блан билишга имкон берган психик сафатлар *хулқ* дейилади. Мардлик, инсоф, ғайрат, жасорат, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, виждонлилик, қўрқоқлик, дангасалик, писмиқлик — буларнинг барчаси кишининг хулқига оид ҳислатлардир. Бировни мард, бировни номард деганимизда, биронта хатарга учраганда буларнинг ҳарбирининг қандай ҳаракат кўрсатишини айтган бўламиз. Бировнинг ташаббускорлигини айтганимизда, янги бир ишга унинг қандай қарашини айтмоқчи бўламиз.

Темпераментнинг ўзи ҳечмаҳал яхши ёки ёмон бўлмайди; ўз темпераментини яхши ва ёмон идора қилиш, ундан яхши ва ёмон фойдаланиш бор. Характерга келсак, бу ҳақда „яхши характер", „ёмон характер" деган сўзни кўп ишлатамиз. „Характер" деб, ҳаркимнинг фе'л-атворида дарҳол кўринадиган ва ҳаркимнинг турли ҳолатларда қандай ҳаракат қилишини белгилайдиган ва, бинобарин, кишининг тирикчилигида аҳамияти

қатта бўлган сифатларини айтишимиз шундан ма'лум. Ҳарқайсиси характеримизнинг бир томони бўлган ҳислатларимизнинг қўпини ҳамиша яхши ва ёмонга ажратамиз; мардлик, инсоф, виждон, камтарлик каби ҳислатларни яхши, номардлик, ёлғончилик, бебурдлик, махтанчоқлик ва бошқа бунинг каби ҳислатларни ёмон деймиз.

Кишининг характери унинг ўз олдига қўйган мақсадларида ҳам ва шунингдек бу мақсадларга етишиш учун кўрган чора ва тадбирларида ҳам кўринади. Энгельс та'бирича айтганда, кишининг сифати, ёлғиз *қилган ишлари* блангина тавсифланмай, балки бу блан бирга, бу ишларни *қандай қилгани* блан ҳам тавсифланади.

Икки одам бир ишни қилиб, бу ишдан иккови ҳам бир мақсадни кўзлаши мумкин. Лекин булардан бири бу ишни завқшавқ блан, „дард" блан қилса, бошқаси халоллик блан қилса ҳам, фақат ўз бурчини адо қилиш учун қилади, „дардсиз" ишлайди. Бир ишни икки кишининг *қандай* равишда бажарганлигидаги фарқ, бу одамларнинг ҳарқайсисининг сифатидаги барқарор хусусиятларни кўрсатади ва кўпинча кишининг характерини аниқлайди.

Кишининг характерини аввало, унинг дун'ёга, бошқа одамларга, ўз ишига ва ниҳоят ўзига қандай *қараши*, муносабати белгилайди. Кишининг бу муносабати, унинг дун'ёга қарашларида, маслак ва назариясида акс этади ва одам бу муносабатларини ҳис қилиб, туйғуларидан кечиради.

Демак, кишининг характери, унинг қарашлари ва маслаги блан жуда яқин алоқадор эканлиги ма'лум. Кишининг қарашлари аниқ,ишончи маҳкам бўлса, ўз олдига қўйган мақсадлари ҳам аниқ ва равшан бўлади, мақсаднинг аниқлиги эса, тутган йўлида собит қадамликнинг энг керакли шартидир.

Маслак ва э'тиқоди маҳкам бўлмаган кишиларнинг характери асло қаттиқ бўлмайди. Бундай одамлар кўпинча аҳвол — ваз'иятга, тасодифий ҳолларга қараб иш қиладилар. Бундай кишиларнинг тавсифини Сталин хўб яхши берган: „шундай одамлар борки, уларнинг кимлигини, яхшими ёмонлигини, мард, номардлигини, правордигача халқ тарафдорими ёки душман тарафдорилигини билиб бўлмайди... Бу хил бетайин ва беқолип кишилар тўғрисида улуғ рус ёзучиси Гоголь жуда боплаб айтган: „одамларнинг та'йини йўқ, нималигини, қандай одамлигини билиб бўлмайди, шаҳарга борса Богданмас, қишлоққа борса Селифанмас". Бундай бетайин кишилар, бетайин ходимлар тўғрисида халқ орасида ҳам яхши гап бор: „шунчаки бир одам, балиқ бўлиб балиғмас, эт бўлиб эт эмас", „худога шам' эмас, ажинага косов эмас".

Характер психик ҳаётнинг барча томони блан боғлиқдир. Агар кишининг сезгиларига, иродасига, фаҳм ва тушунчасига оид хусусиятлари унинг психик турмушида, фе'л атворига, қилиқларига та'сир қиладиган, хулқини белгилайдиган даражада

муҳим ўрин олса, бу ҳолда кишининг бу хусусиятлари ҳам характерига оид хусусиятга айланади.

Ҳар нарсага разм солиш, ёки ақлнинг танқидчилиги каби аломатлар аксари кишининг тафаккурига, ёки идрогига оид хусусият бўлмай, балки унинг шахсиятининг муҳим хусусияти бўлади. Онегиннинг ёки Андрей Балконскийнинг танқидчилиги уларнинг характерга оид хусусиятлари эканлигига ҳеч шубҳа йўқ.

Кишининг сезгиларига оид хусусиятлари ҳам характернинг хусусияти бўлиши мумкин. Маниловнинг сентиментальлиги, Онегин блан Печориннинг дарров зерикиб, ҳавсаласи пир бўлиши — буларнинг барчаси характернинг аниқ кўринган хусусиятларидир.

Аммо кишининг иродасига доир хусусиятлари психиканинг одамда бўладиган қилиқ ва фе'лларга дарҳол та'сир қиладиган томони бўлганидан, кишининг характерига унинг та'сири ҳаммадан зўр бўлади. Кишининг иродасига доир сифатлари барқарор ва доимий бўлса, бу сифатларнинг барчаси (78 § да айтилган сифатларнинг барчаси) характернинг хусусиятига айланади. Одам ўзи мард ва дадил бўлмаса ҳам, ба'зида иттифоқо мардлик ва дадиллик кўрсатиб қўйиши мумкин. Аммо дадиллик кишининг доимий бир сифатига айланса, ирода кучи блан қилинадиган ҳаракатлари аломатига айланса, бу ҳолда дадиллик унинг характерига доир хусусиятга айланади.

Характернинг бирқанча хусусиятлари борки, булар асл зотида мураккаб бўлиб, кишининг идрогига, ҳиссиёти ва иродасига доир хусусиятларни ҳам ўз ичига олади. Чунончи мардлик, меҳнаткашлик, ташаббускорлик, камтарлик ва бошқа бунинг каби сифатлар шу қабила хусусиятлардандир.

Характернинг айрим хусусиятларини текшириш ва уларни классификация қилиш психологиянинг энг қийин масалаларидан биридир. Бунда биз характернинг ба'зибир энг муҳим хусусиятларинигина кўрсатиш блан кифояланамиз.

Буларнинг биринчиси характернинг энг умумий бўлган ва кишининг психикасига ма'лум бир тус берган сифатларидир. Чунончи ўз принципини маҳкам ушлаш, тутган йўлида собит қадамлик, мардлик, виждонлилик, интизомлилик, активлик каби муҳим сифатлар, кишининг бутун психикасига ма'лум бир тус берган ва характернинг энг умумий бўлган хусусиятларидандир.

Иккинчиси, кишининг бошқа одамларга бўлган муносабатини кўрсатадиган хусусиятлардир. *Инс*, я'ни одамга аралашиб, эл бўлиб кетиш (ва бунинг тескариси бўлган одам ёвилик), оқ кўнгиллилик (ва бунинг тескариси бўлган ичи-қоралиқ, писмиқлик), шафқатлилик, дўстона муносабат (я'ни „оғайнигарчилик“ дегандаги муносабат), боадаблик ва бошқа бунинг каби яна бирнеча сифатлар шу жумладан бўлган хусусиятлардир.

Учинчиси, кишининг ўзига бўлган муносабатини кўрсатадиган хусусиятлардир. Иззати нафс, я'ни ўз қадр ва мартабасини билиш, камтарлик (ва бунинг тескариси бўлган манманлик, кеккайиш), жиззакилик, тортинчоғлик, уятчанлик (кишининг бу сифати ба'зида жуда камтарлик натижаси бўлса, ба'зида такаббурлик натижаси бўлади), эгоцентризм (худбинлик, я'ни ўзи ва ўз туйғулари блан кўп машғул бўлмоқ), эгоизм (манфаатпарастлик, я'ни ўз манфаатини юқори билиш) ва бошқа бунинг каби сифатлар шу хил хусусиятлар жумласидандир.

Тўртинчиси, кишининг меҳнатга ва ўз ишига бўлган муносабатини кўрсатадиган хусусиятлардир. Ташаббускорлик, сабот, меҳнаткашлик (ва бунинг тескариси бўлган дангасалик), қийинликларга бардош қилиш (ва бунинг тескариси бўлган қийинликлардан қўрқиш, жасоратсизлик), инсофлилик ва ҳалоллик, озодалик, субутлилик ва бошқа бунинг каби сифатлар шу жумлага кирадиган хусусиятлардандир.

Характер бошқа сифатларга қараганда яна ҳам ўзгаручан бўлиб, туғмаликдан яна ҳам узоқ турган бир ҳислатдир. *Характернинг ҳархил хусусиятлари кишининг фе'л ва характерларида юзага чиқиб, ошкор бўлади, лекин бу блан бирга, кишининг фе'л-ҳаракатлари ҳам бу хусусиятларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.* Тоза ва озода ва субутли бўлмоқ учун ҳамавақт озода бўлиб юрмоқ, ҳамавақт лафзида турмоқ керак, одобли бўлмоқ учун ҳамиша одоб сақламоқ керак. Мардлик ҳислати доим мардона ишлар қилиш соясида пайдо бўлади, қачонки мардлик кишининг турмушида гоҳ-ғоҳда, тасодифан бўладиган иш эмас, балки кишининг одатига, доимий фе'лига айланса, шунда мардлик характернинг бир сифатига айланади.

Кишининг дун'ёга қарашлари, маслак ва э'тиқоди унда ўз характерида ма'лум сифатларни пайдо қилиш тилагини туғдиради, лекин киши бу тилагини амалга ошириш учун ҳамиша ма'лум равишда ҳаракат қилмаса, тилагини амалга ошириш учун тиришиб бу йўлда ҳаракат қилмаса, тилаги амалга ошмайди. Масалан, интизомли бўлиш учун фақат бир чора бор, у ҳам бўлса, ҳамиша ва ҳардоим интизом сақламоқдир.

Ҳеч ўзгартиб бўлмайдиган характер асло йўқ. Шунинг учун биронта ножўя иш содир бўлганда, бунга кишининг характеридаги камчиликларни важ қилиш бема'ниликдир. *Инсон ўз характерига ўзи жавобгардир.*

90. СОВЕТ КИШИСИНИНГ ХАРАКТЕРИДАГИ ХУСУСИЯТЛАР

Характернинг энг муҳим хусусиятлари кишининг яшаган *ижтимоий муҳитига ва унинг дун'ёга қарашларига, маслак ва э'тиқодларига боғлиқдир* (85 § га қаралсин). Шунинг учун *типик характерлар ҳақида* сўз очганда, фақат муайян за-

мондаги ижтимоий шароитларнинг маҳсули бўлган характерларни олиб сўзлаш мумкин.

Павел Петрович ва Николай Петрович Кирсановларнинг (Тургеневнинг „Оталар ва болалар“ деган асарида) ва Рудин образларида, Обломов образида XIX асрнинг ўртасидаги рус помешчикларига хос бўлган характерларни кўрамиз. А. Н. Островскийнинг пьесаларида, Горькийнинг бирқанча асарларида рус савдогар бойларига хос бўлган характерлар кўрсатилган. Горькийнинг „Она“ деган асаридаги Павел Власовнинг образида онгли инқилобчи рус ишчисига хос бўлган характер сифатлари жуда кучли қилиб кўрсатилган.

Синфий жамиятда бутун халққа хос бўлган умумий характер бўлмайди. Одамларнинг қандай миллатга мансублиги туфайлидан улар характерида пайдо бўлган хусусиятлар, қандай синфга мансублиги туфайлидан пайдо бўлган тафовутга қараганда, орқага чекинади, я'ни синфий хусусиятлар сабабидан туғилган тафовут, миллий хусусиятларни босиб кетади. Мулкдор бой блан камбағал деҳқоннинг, капиталист блан ишчининг дун'ёга қараши бирхил бўлаолмаганидек, уларнинг харектери ҳам бирхил бўлаолмайди. Агар кишининг характеридаги хусусиятларни жуда синчиклаб текширганда, ба'зибир миллий хусусиятларни топса бўлади ва лекин синфий жамиятда кишининг характерини бу хусусиятлар белгиламайди, бу миллий хусусиятлар характернинг ҳал қилучи муҳим томони эмас.

Бизнинг Совет Иттифоқимизда, социализм енган мамлакатда, бир-бирига зид бўлган синфлар йўқ. Эксплоатация қилучи синфларнинг ҳаммаси, я'ни помешчиклар блан капиталистлар синфи бизнинг мамлакатда тамомила битирилди. Бизнинг мамлакатимизда ишчилар синфи блан деҳқонлар синфи ва зиёлиларгина бор. Лекин бу ижтимоий гуруҳлар ўртасида бир-бирига зидлик йўқ; уларнинг манфаати бир-бирига қарама-қарши эмас, балки, аксинча, ҳаммасининг манфаати бир-бирига яқиндир. Улар ўртасидаги тафовутнинг ўзи ҳам секин-секин йўқолиб бормоқда. „Бу ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги оралиқ борган сари камаймоқда“ *(Сталин)*.

Совет давлатидаги барча меҳнаткашларнинг турмушдаги умумий манфаатлари бир бўлиб, айрим ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларига қараганда, бу умумий манфаатлар беқиёс даражада муҳимдир. Улуғ Ленин — Сталин партиясининг дун'ёга қараши, коммунистик назария, бутун совет халқини бирлаштирган назариядир. Улуғ Ватан уруши коммунистлар партиясининг раҳбарлиги остида яшаётган, халқлар йўлбошчиси Улуғ Сталин етаклаб бораётган бутун совет халқининг бир ёқадан бош чиқазган, бирлашган улуғ бир халқ эканини кўрсатди. Урушдан кейинги Сталин бешйилликлари ичида Совет кишиларининг ҳамма соҳада меҳнат бобида кўрсатаётган қаҳрамонликларининг асоси ҳам шу бирликдир.

Турмушдаги манфаатларининг ва назариянинг бирлиги асо-

сида, Совет кишиларининг характерида, социалистик жамиятда яшаб, коммунизм йўлида курашучи одам бўлган илғор Совет кишиларининг ҳаммасига бир хилда хос бўлган умумий хусусиятлар пайдо бўлди. Ҳозирги бизнинг замонимиздаги Совет кишиларига хос бўлган ма'навий қиёфа совет кишиларининг характерига оид бўлган янги сифатларда ҳам намоён бўлмоқда. Ҳозирги психология илми олдида турган энг муҳим вазифа *Совет кишисининг характеридаги типик хусусиятларни* ўрганишдир.

Броқ, шуни ҳам назарда тутмоқ керакки, кишининг характерида ма'лум бир замонда яшаган муайян бир ижтимоий гуруҳнинг ҳамма а'золарига муштарак бўлган умумий хусусиятлар блан бирга, бу гуруҳга мансуб бўлганларнинг ҳарқайсисининг ўзига хос бўлган ва уларни бир-биридан фарқ қилган алоҳида *шахсий* хусусиятлар ҳам бўлади. Совет кишиларининг характерини текширганда буни айниқса қаттиқроқ та'кидлаш керак. Инсоният тарихида биринчи мартаба энди социалистик тузумда кишининг чин ма'носи блан ўсиб, ҳар жиҳатдан камол топиши учун лозим бўлган барча шароитлар туғдирилди. Бунинг ма'носи, социалистик тузумда ҳаркимнинг ўзига хос сифатларининг ҳаржиҳатдан ўсиши ва камол топиши учун энг яхши қулай шароитлар вужудга келади, демакдир.

Дун'ёга қарашнинг бирлиги, бу қарашдаги кишиларнинг ҳаммасининг характери албатта бирхил бўлишини талаб қилмайди. Дун'ёга қарашнинг бирлиги, характернинг ма'лум томонларини, я'ни бу қарашга хилоф бўлган томонларинигина рад қилади. Масалан, қўрқоқлик, дангасалик, мас'улиятсизлик каби сифатлар бизнинг дун'ёга қарашимизга хилофдир, шунинг учун илғор совет кишисига бу сифатлар номуносибдир.

Шу тариқа, совет кишиларининг характерини текширганда қуйидаги икки қоидага риоя қилмоқ керак:

1) илғор совет кишиларининг характерида уларнинг барчасига муштарак бўлган ва уларнинг манфаатлари ва дун'ёга қарашлари бирхиллигини акс этдиручи умумий хусусиятлар бор.

2) Совет кишиларининг характерида бундай муштарак хусусиятларнинг борлиги, ҳарбир кишининг характерига хос бўлган ҳархил сифатларнинг бўлишига тўсқинлик қилмайди.

Масалан, Фадеевнинг „Ёш гвардия" деган романида бу гапларни тасдиқлайдиган равшан мисоллар бор. Ёш гвардияга бирлашган барча қаҳрамонларнинг характерида, уларнинг рухий қиёфасини, илғор Совет ёшларининг энг яхши намояндаларида бўладиган қиёфа деб тавсиф қилишга имкон берадиган муштарак сифатлар бор. Лекин шу блан бирга уларнинг ҳарбирининг ўзига хос бўлган алоҳида сифатлари ҳам бор. Уля Громова блан Люба Шевцованинг, Серёжа Тюленин блан Ваня Земнуховнинг ҳарқайсисининг характеридаги хусусиятлар ҳархил бўлиб, кўп жиҳатдан бир-бириникига қарама-қаршидир.

Илғор Совет одамининг характерига доир бўлган типик хусусиятларнинг ба'зибир энг муҳимлари устида тўхтаб ўтамиз.

1) Ғоявийлик ва мақсад йўлида азмкорлик. Совет одамининг психологиясига ҳаммадан ёт бўлган нарса ғоясизлик ва мақсадсизликдир, ўз турмуш ва фаолиятини беҳуда ва бемақсад билишдир.

Ўтган эски замонларда яшаган ва у вақтдаги ижтимоий муҳитдан норози бўлган ақллик, доно кишиларнинг кўпининг „фожиаси" шу эдики, уларда бир ғоя ва мақсад йўқ эдики, бу ғоя ва бу мақсад йўлида курашсалар. Герценнинг ўткир та'бирича айтганда, бу хил кишилар ўзларини „кераксиз донолар" деб билардилар. Печориннинг эртага дуэль бўлади деган кечаси ўз хотира дафтарига ёзган сўзларини эслайлик: „хаёлимда ўтмишимни сайр қилиб чиқдим, беихтиёр нега яшадим, не мақсадда туғилдим, деб сўроқлайман ўзимдан" дейди. Ҳаётда ҳеч мақсад бўлмаса, кишини ҳаёт йўлига етаклаган ғояси бўлмаса, бундай одамнинг секин-секин ма'нан ўлишини, унинг барча яхши сифатлари барбод бўлиб хароб ҳолга тушишини, Чехов „Ионич" ҳикоясида жуда яхши кучли тасвир қилган.

Совет шароитида „кераксиз кишилар" ёхуд „кераксиз донолар" чиқмайди. Совет халқи олдида турган улуғ мақсад, я'ни коммунизм қуриш мақсади ва бу мақсад йўлидаги кураш, бу улуғ мақсадга тоби' бўлган ва бундан келиб чиқадиган, аллақанча беҳисоб кичикроқ вазифалар туғдирадиким, бу вазифалар ҳарбир Совет гражданининг фаолияти учун катта бир иш майдонидир. Совет кишиси бўлган бир ишчи, бир деҳқон ва бир зиёлий бўлатуриб, ўз фаолиятидан норози бўлган, уни бемақсад деб билган одам тасаввурга ҳеч сиғмайди. Гап фақат, кишининг ўз фаолиятидан мақсади нима эканлигини қанчалик яхши тушунган-тушунмаганлиги ва ўз куч ва лаёқатини бу мақсадга сарф қилишга қанчалик тайёрлиги устида бўлиши мумкин. Ўз куч ва қувватининг ҳаммасини мақсади йўлига сарф қилишга тайёрлик, *мақсадда азмкорлик* дейиладиким, бу сифат илғор совет кишиларининг сифатидир.

Совет кишиларининг *ғоявийликлари*, ишда ҳарбир кишининг олдида турган кичикроқ вазифа ва мақсадлар блан, коммунизм қуришдан иборат бўлган улуғ, праворди мақсад ўртасидаги алоқани тушунишдан иборатдир, я'ни коммунистлар партияси Сталин доҳийлиги остида қайси мақсадга томон етаклаб бораётган бўлса, шу мақсадни тушунишдан иборатдир. Ҳарбир кичик вазифани праворди мақсадга етказадиган бир босқич деб билиш, кишининг ғоявийлигини кўрсатадиган бир аломатдир.

Николай Островский бутун ҳаётини коммунизмнинг улуғ ғоялари йўлига тикмаган бўлса, унинг бундай ажойиб ишларни қилиши мумкин эмас эди. Ажнабий мухбирлардан бири „агар коммунизм бўлмаса, унда ҳам бу ҳолингизга чидармидингиз" деб сўраганда, у „асло!" деб жавоб берди.

2) Совет ватанпарварлиги. Ленин „Ватанпарварлик, асрлар, минг йиллар бўйича ҳар юртнинг алоҳида бўлиб келганлиги орқасида маҳкамланган энг чуқур ҳислардан биридир“ деган. СССР халқлари ўтмишда ҳам, бутун куч-қувватини ватан йўлига сарф қилган, халқини эзган барча золимлар блан курашган ажойиб ватанпарварларнинг кўпини етиштирган эдилар.

Совет ватанпарварлиги янги хил юксак ватанпарварликдир. „Совет ватанпарварлари учун ватан блан коммунизм, бир-биридан ажралмайдиган иккови бир бутун нарсадир“ *(Молотов)*. Совет кишилари ўз ватанларига социализм енгган мамлакат, деб қарайдилар; коммунизмга ўтаётган, барча тараққийпарвар халқларга йўл кўрсатучи бир маяк бўлган мамлакат деб қарайдилар. Совет кишилари учун, коммунизм йўлидаги кураш блан ўз социалистик ватанлари манфаати учун курашиш иккови бирдир, буларни бир-биридан айириб бўлмайди.

Совет ватанпарварлигининг асоси, ирқий ёки миллий таассуб эмас, балки мамлакатимизда яшовчи барча миллат меҳнаткашларининг қардошлик қилиб, бир-бирларига кўмаклашишлари негизига қурилган Совет ватанига бўлган муҳаббатдир. „Совет ватанпарварлиги, мамлакатимиздаги барча миллат ва қабилаларни бир-биридан айирмайди, балки, аксинча, уларни бирлашган бир қардош оилага тўплайди“ *(Сталин)*.

Совет кишиларидаги ватан муҳаббати актив ва кучли муҳаббатдир. Бу муҳаббат ватан талаб қилса, ҳечқандай фидокорликдан қайтмайдиган чин муҳаббатдир. Бу муҳаббат ватан душманларининг барчасига қаттиқ қаҳр-ғазаб блан боғланган муҳаббатдир, душманларга омон бермайдиган ўтли муҳаббатдир.

Совет ватанпарварлигида, мамлакатимиз халқларини коммунизм сари етаклаб бораётган янги социалистик жамият қуриш йўлида қилинаётган улуғ ишларга раҳбарлик қилаётган коммунистлар партиясига чексиз фидокорлик бор. Совет ватанпарварлигини, халқлар йўлбошчиси улуғ Сталинга чексиз ҳурмат ва садоқатдан ажратиб бўлмайди, совет гражданларининг барчаси қалбида ўртоқ Сталинга нисбатан шу ҳурмат, шу садоқат бор. Улуғ Ватан уруши йилларида жанг майдонларида қаҳрамонлик кўрсатиб, ўз номларини дун'ёда абадий қолдирган бирнеча юз минг ботирлар урушга кирганларида тилларида, „Ватан учун, Сталин учун!“ деган сўзни зикр қилиб урушга кирдилар. Энди урушдан кейинги тинчлик шароитидаги қурилиш йилларида ҳам фабрика ва заводларда, колхоз далаларида, илмий текширишлар қилинадиган лабораторияларда, мактаб ва касалхоналарда, узоқ экспедицияларда ишлаётган барча Совет ватанпарварлари Сталин номидан илҳом олиб, фидокорлик блан ишламоқдалар.

Совет ватанпарварлиги коммунизм йўлидан бораётган совет жамиятини илгарига ҳаракат қилдиручи улуғ кучдир.

3) Коллективизм. Совет жамиятида коллективдан хорижда турган шахс бўлмайди. Совет кишиси, коллективнинг мақсадларига қарама-қарши бўлган мақсад ва тилакларни ўзининг кўзлаган муҳим мақсади деб билиши мумкин эмас, Совет кишиси ўз тақдирини ва ўз муваффақиятларини коллектив тақдиридан, бутун коллективнинг умумий ишларидаги муваффақиятларидан айираолмайди. Совет кишиси қайси коллективнинг а'зоси бўлса, ўзининг шу коллектив блан, ва умуман бутун совет халқи блан, маҳкам боғлиқлигини онглаши, коллективнинг умумий манфаатлари хусусий манфаатлардан юқорилигини онглаш, Совет кишиларидаги коллективизмнинг асосидир.

Хусусий мулк асосига қурилган синфий жамиятда *индивидуализм*, я'ни фардиятчилик, ҳарким ўзи учун деган таомил ҳукм суради. Ленин комсомолнинг III с'ездида сўзлаган нутқида бундай деган: „Эски жамият шундай бир асосга қурилган эдики, сен бировни талайсан, ёки биров сени талайди, сен биров учун ишлайсан, ёки биров сенинг учун ишлайди, сен қул эгаси сен, ёки ўзинг бошқага қулсан". Шунинг учун бундай жамиятда тарбияланган кишиларнинг психологиясига, „ўзим бўлай, бошқа блан ишим нима" дейдиган одамнинг қарашлари „она сути" блан бирга кирганлиги табиийдир.

Ишлабчиқариш воситаларига хусусий эгаликнинг йўқотилиши, янги социалистик тузумга ўтилиши бундай фақат ўз манфаатини кўзловчилик психологиясининг моддий асосини вайрон қилди ва коллективчилик асосига қурилган янги психологиянинг негизини вужудга келтирди.

Индивидуализм психологияси, масалан, Печорин образида жуда аниқ кўринади. Печориннинг хотира дафтарининг бир парчаси бўлган „Тамань" ҳикояси қуйидаги сўзлар блан тамом бўлади: „Кампир блан бечора кўрнинг ҳоли нима бўлганлигини билмайман. Сафарда юрган, бунинг устига пошшолик хизмати блан кетаётган мендек офицернинг бошқалар хурсандлиги-ю, хафалиги блан нима иши бор!..."

Одамларга бу хил муносабат, бу сўзларда ифода қилинган бундай қараш, илгор совет кишисида сра бўлиши мумкии эмас.

Совет кишиси психалогиясининг муҳим сифати ўз хусусий манфаати блан жамият манфаати ўртасидаги айрилиқнинг ўз „хурсандлиги-ю, хафалиги" блан бошқаларнинг „хурсандлигию хафалиги" ўртасидаги хилофликни тамомила йўқотишдир. Ҳақиқий коллективизм шуки, бунда коллективнинг умумий манфаатлари кишининг ўз манфаатлари бўлиб қолади, киши кўпчилик манфаати учун яшайди, ўз манфаатлари учун қанча қайғирса, коллектив манфаати учун ҳам шунча қайғиради.

Совет кишисидаги коллективизм Павленконинг „Бахт" деган романида Воропаев образида ниҳоятда яхши кўрсатилган. Тўрт марта ярадор бўлиб, оёғидан ажраган, сил касалига мубтало бўлган Воропаев полковниклик вазифасидан исти'фо бериб, аскарий хизматдан бўшагач, ўғилчаси блан тинчгина, бахтиёр яшайман деган орзу блан Қримга келади. Лекин турмуш унинг

бу орзусига барҳам беради, чинакам илғор Совет кишиси ва коммунист бўлган Воропаевнинг бахт йўли бу эмаслигини очиқ кўрсатади. Аввал район пропагандисти, кейин райком секретари бўлиб, халқ орасида ишлаб, шунда бахтиёр бўлади.

Воропаев бу ишдан мен „Кишини бахтли қиладиган завқ-шавқ олдим, дадиллик топдим". „Йигирма йилдан бери партиядаман, кексайдим, шунча умр кўрдим, энди ишонасанми, бундаги иш мени ёшайтирди. Халқнинг бир нафари эканлигимни, халқ қаторида, халқ блан бирга турганимни, меним овозим халқ овози эканлигини ёлғиз онгим блан тушунмай, балки бутун вужудим блан, танам ва руҳим блан сездим"— дейди.

Воропаев образида, халқ блан биргалик, одамларга ғамхўрлик, ҳожати тушганларга ёрдам қилиш каби сифатлар табиатининг эҳтиёжи бўлиб қолган Совет раҳбарининг бир намояндаси кўрсатилган, Воропаев, „ёрдам қилғинг келадиган кишиларнинг дун'ёда борлигини кўрганингда қуванасан" дейди. Романда иштирок қилучиларнинг бири томонидан Воропаев ҳақида айтилган „Воропаев ҳамма учун бўлган одам", деган сўз, Воропаевнинг характерига хос бўлган энг муҳим сифатни жуда яхши тавсиф қилади.

4. Социалистик гуманизм. Совет кишиларидаги коллективизм сифати, гуманизм блан, я'ни инсонпарварлик, одамларга ғамхўрлик, болаларни севиш каби сифатлар блан маҳкам боглиқдир, ва социалистик гуманизмнинг моҳиятини ташкил қилган сифатлар шулардир.

М. И. Калинин, совет ёшларида қандай одамгарчилик сифатларини тарбиялаш керак" деган саволга берган жавобида аввало „ўз халқига муҳаббат, меҳнаткаш оммага муҳаббат"-ҳисларини тарбиялаш керак, деди. Сўнгра яна, „одам, одамни севиши керак. Ҳарким инсонпарвар бўлса дун'ёда яхши яшайди, умри шодлик блан ўтади, чунки дун'ёда ҳечким мизантропдек, я'ни одам севмас кишидек ёмон яшамайди" деди.

Совет кишилари, ўртоқ Сталиннинг одамга ғамхўрлигини инсонпарварликнинг а'ло даражаси деб биладилар. Одамга „Сталинчасига ғумхўрлик" деб социалистик жамият қуручиларнинг ҳарбирига ғамхўрлик қилишни, уларни аяш ва сақлашни, уларга шафқат ва меҳрибонлик кўрсатишни айтамиз.

„Бахт" романида энг муҳим сифати одамга ғамхўрлик ва кадрларни тарбиялашга ниҳоятда уста бўлган Воропаев блан бирга Коритов номли яна бир раҳбар ҳам кўрсатилган. Коритов партияга садоқати ва ўз районини севиши тўғрисида ҳеч шак-шубҳа бўлмаган одам бўлса ҳам чинакам раҳбар коммунист даражасига етган одам эмас. Коритовнинг заиф томони биринчидан шуки, унда одамга чини блан э'тибор қилиш, қизиқиш йўқ; унда одамларга Сталинчасига ғамхўрлик қилиш фазилати йўқ. Шунинг учун яхши кадрларни саралаб олишни, уларни тарбиялашни билмайди. Коритов, Воропаев блан сўзлашганда „Оғайни, ҳарбир айрим одам блан ишим бўлмайди, кўпчилик блан ишим бор. Мен ҳарнарсани умумилаштиришни яхши кўраман" дейди. Бунинг оқибати шу бўлдики, Коритов оммадан, халқдан ажраб қолди. Воропаев айтганидек „яккабош раҳбарга" айланди.

Полевойнинг „Чин одам достони"даги комиссар Воробьёвнинг образида ҳақиқий социалистик гуманизм сифатларига эга бўлган одам тасвир этилган. Воробьёвнинг одамларга меҳр-муҳаббати, одамларнинг туйгу ва фикрларига, тилак ва ғамларига диққат қилиши шу қадарки, госпитальда у блан бирга ётган Совет Иттифоқининг Қаҳрамони, Сибирияли колхозчи Степан Ивановичнинг та'бирича айтганда, у худди „сиҳргардек", „бошқаларнинг кўнглидагини топади". „ҳаркимга бир калит боплашни" билади.

Ўзи ўлар ҳолатда бетоб бўлса ҳам, оёғи кесилган Мересьевга дилдорлик қилиб, бу уқубатнинг азобини унга енгилаштириш ғамини ейди. „Комиссар бўлар ишни олдиндан пайқаб, учучи Мересьевнинг бошига оғир мусибат тушган чоғида аэродромдаги дўстларидан хушхабар келтирган хатларни унга бериб хурсанд қилмоқ учун, унга келган хатларнинг бир қисмини бермасдан яшириб қолар эди". Степан Иванович, оёғи кесилгач ўз жонига қасд қилмоқ ниятига тушиб қолган Мересьевга, панжаси кесилган оёқ блан ҳам учишни ўрганган бир рус учучиси тўғрисида газетада ёзилган хабарни кўрсатиб, бу блан унга далда берди ва бояги ёмон ниятидан қайтарди.

Социалистик гуманизм суриштирмасдан, барчага баравар меҳр-шафқат кўрсатабериш блан ҳеч алоқаси бўлмаган гуманизмдир. Социалистик гуманизм одамларга зўр муҳаббат блан бирга, ёмонларга қаттиқ душманликка ҳам йул қўяди, йўл қўядигина эмас, ҳатто талаб қилади. Одамларга, халққа, барча меҳнаткашларга чин муҳаббатдан, бу меҳнаткашларнинг душманларига, халқ манфаатига қарши чиқучиларга, келажакдаги бахт йўлини тўсучиларга қахрлик бўлмоқ келиб чиқади.

5) Меҳнатга коммунистик муносабат. Совет кишисининг характерига доир энг муҳим сифатларнинг бири меҳнатга янгича қарашдир.

Меҳнат Совет кишилари учун ҳаётнинг энг биринчи мақсадидир, ҳарбир киши ўз фазилатларини аввало меҳнатда кўрсатади; меҳнат, кишининг энг катта ҳавасларининг марказидир, завқ манбаидир. Совет кишилари учун, меҳнат блан „хусусий ҳаёт" бир-биридан жудо бўлган икки нарса эмас; аксинча кишининг хусусий ҳаётининг асосий мазмуни, унинг меҳнат бобидаги фаолиятидир.

Бу блан бирга „ўз меҳнатини жамиятга керакли иш ва Совет давлати олдидаги муқаддас вазифа деб тушуниб, унга онгли қараш" *(Молотов)* ҳам Совет кишиларининг сифатидир. „Капитализмда меҳнат хусусий ва шахсий ишдир. Унда кўп ишласанг кўп ол, кейин ўз билганингча яшайбер" *(Сталин)*. Бизнинг мамлакатда ҳаркимнинг меҳнати жамият учун кераклидир. Ҳарбир меҳнатчининг меҳнат бобидаги муваффақияти жамият ва давлат учун муҳим иш деб билинади. Шунинг учун бизда меҳнат „виждон ва шараф ишидир".

Совет кишисининг психологияга доир энг муҳим сифати, унинг меҳнатга муносабатида ошкор бўладиким, унинг бу сифати хусусий манфаатининг умум манфаати блан қўшилишганидан иборатдир, я'ни меҳнатнинг умум манфаати учунлигини онглаши ўсган сари, Совет кишиси турмушида меҳнатнинг тутган ўрни ҳам ошиб боради.

Социалистик меҳнат ташкилотининг асосий шакли бўлган социалистик мусобақа, капитализм дун'ёсида ҳукм сурган рақобатдан томомила бошқачадир. Кипиталистик рақобатда бир кишининг муваффақияти бошқаларнинг мағлубиятидир. Социалистик мусобақада ҳарбир меҳнатчи умум ишининг манфаатини кўзлаб, шу йўлда яхши ютуқларга эришишга интилади. „Социалистик мусобақанинг принципи шуки, *умумий* юкса-

лишга эришмоқ учун, илгарилаб кетганлар орқада қолганларга ўртоқлик *ёрдами* кўрсатсинлар" *(Сталин)*. Бошқаларнинг муваффақиятига хасад қилиш, бошқаларни орқада қолдириб кетиб, улар ўрнига ўзини юқори кўтариш, илғор Совет кишисининг психологиясига ётдир.

Совет меҳнатчисининг муҳим фазилати ҳарбир меҳнатга ижодий иш деб қарашдир; ишчиларимиз, колхозчиларимиз ва Совет зиёлилари орасидан чиққан кишиларимиз томонидан меҳнат бобида кўрсатилаётган ажойиб муваффақиятларининг асоси, Совет кишиларининг шу фазилатидир. Бизнинг шароитимизда ҳарбир меҳнат ижодий ишга айланади.

6) Ўз бурчини ва мас'улиятини онглаш. Илғор Совет одамининг сифати бўлган юқори даражада ғоявийлик, ўз принципида маҳкам туриш, ўз бурчини яхши тушуниш ва онглашни талаб қилади. Кишининг зиммасига юкланган вазифасига, топширилган ишга ва умуман ўзининг ҳарбир фе'л ва ҳаракатига мас'улиятли кўз блан қарашнинг асоси, ўз гражданлик бурчини онглашдир, ватан олдидаги, партия ва кўпчилик олдидаги вазифасини тушунишдир.

Ёлғиз ўз ишига, ўз фе'л ва ҳаракатларига эмас, балки бошқаларнинг ишига ҳам, бошқаларнинг фе'л ва ҳаракатига ҳам мас'уллигини онглаш ҳам Совет кишисининг сифатларидандир. Ўзини қаттиқ тергаш-тежаш блан бирга бошқаларни ҳам тергаб-тежаш шундан келиб чиқади.

Совет кишиларининг бу сифати Совет халқининг энг яхши намояндаларининг барчасида яққол кўринади. Замонамизга доир кўп бадиий асарларда уларнинг образлари яхши кўрсатилган. Н. Островскийнинг „Пўлат қандай тобланди" деган асарида Павел Корчагинни, Горбатовнинг „Бўйсунмаганлар" идаги Степан Яценкони, Полевойнинг „Чин одам достони"-даги комиссар Воробьёвни, Павленконинг „Бахт"идаги полковник Воропаевни эсга олайлик.

Ёш гвардиянинг барча қаҳрамонона ишларининг муваффақиятига ўзининг жуда қаттиқ жавобгарлигини тушуниш Олег Кошевойнинг табиатига сингиб кетган бир сифатдир. Фадеевнинг романида бу ҳақда қуйидаги сўзлар бор. „Улар ишининг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз чиқиши, ҳамма шериклари ичида Олегнинг ўзининг ҳуш'ёрлик қилиб ҳарбир нарсанинг эҳтиётини кўриб қўйишига, ёки бунинг уддасидан чиқолмай хато қилиб қўйишига боғлиқлигини борган сари яхши тушунаберди". Олегнинг ҳамавақт жуда ҳуш'ёр ва зийраклиги, доим ҳозир ва тийраклиги ўзини ҳам, бошқаларни ҳам ҳеч ғафлатга солмай, доим ҳуш'ёр туриши унинг шу сифатидан келиб чиқади.

7) Ҳарбир қийинликни енгишга тайёрлик. Кишининг характерида иродага доир сифатлари жуда катта аҳамиятга эгадир; ирода эса қийинчиликларни енгишда зоҳирга чиқади, буни биламиз. Аксари иродани „характернинг бели" дейдилар. Демак, кишининг қийинчиликларга бардош қилиш қобилиятини ҳам „характернинг бели"деса бўлади.

Характернинг кучлик ва маҳкамлиги, субутлилиги кўпроқ кишидаги бардошда юзага чиқади; совет кишисининг ма'навий қиёфасини эса бу сифатларсиз ҳеч тасаввур қилиб бўлмайди. Совет кишиси аввало коммунизм учун *курашучи* ва социализм *қуручи* одамдир. Характернинг маҳкамлиги, азимкорлик сифати, ҳарқандай қийинликни енгишга тайёрлик, ҳарқандай тўсқинни бартараф қилишга ҳозирлик сифати, курашучи ва қуручи одамга ниҳоятда зарур бўлган психик сифатларнинг биридир.

Ўртоқ Сталин Совет кишиларига та'лим бериб, қийинликлардан қўрқмасликка, улардан кўз юммай, уларни енгишга дадиллик блан киришиб, ғайрат кўрсатиб уларни енгишга ўргатади.

Ўртоқ Сталин нутқларидан бирида, „Енисей сингари катта дар'ёда қаттиқ долғада қолган балиқчиларни кўрганмисиз. Мен уларни кўп кўрганман. Долға турганда балиқчиларнинг бир тўдаси ҳамма куч-қувватини тўплаб, одамларига далда бериб, жасорат блан қайиқни долғага қарши суриб бораверади: „йигитлар, қуйруқни маҳкам тутинг, тўлқинга қараб буринг, бўш келманг!“ Лекин бирхил балиқчилар борки, долға туришини пайқаган он руҳлари тушиб, ғайратни қўлдан берадилар ва ўз ораларини ўзлари бузадилар: „Шўримиз қурсин, довул турди, йигитлар, қайиқнинг ичига ётиб, кўзингизни юмиб олинг, зора дар'ё бўйига чиқариб ташласа“.

Бундай довулдан қўрқиб қочиш, қийинликлар тўғри келганда орқага чекиниш Совет кишисига муносиб иш эмас. „Қийинликлар,улар блан курашиб енгиш учун бор-да“ *(Сталин)*

8) Мардлик. Мардлик характернинг мураккаб бир хусусияти бўлиб, ботирлик, бир хавфга тўғри келганда жасур бўлмоқ, коммунизм улуғ ғояси йўлида ҳечнарсадан тоймасдан жонбозлик қилишга тайёрлик, сабот ва матонат, сабр ва бардош каби сифатларни ўз ичига олади.

Ўртоқ Сталин 1941 йил 3 июльда радио орқали сўзлаган нуткида, „Бизнинг давлатимизни қурган улуғ Ленин, Совет кишиларининг асосий сифати мардлик ва ботирликдир, курашда қўрқишни билмаслик, халқ блан бирликда Ватанимиз душманларига қарши уришишга тайёрликдир, деган“ деб айтди. Совет кишилари йўлбошчимизнинг бу сўзларига жанг майдонларидаги қаҳрамонликлар блан, душманнинг орқа томонида жонбозлик кўрсатиб курашиш блан, меҳнат фронтидаги қаҳрамонликлар блан жавоб бердилар. Совет ёшларидан бўлган Зоя Космодемьянская, Александр Матросов, Краснодон комсомоллари тарихда мисли кўрилмаган мардликлардан намуна кўрсатдилар.

Совет кишиларининг мардлиги ўз бурчини ниҳоятда яхши тушунишдан, устига юкланган мас'улиятни хўб яхши онглашдан туғилган мардликдир. Мард одамнинг сифати, ҳечқачон ҳечнарсадан қўрқмаслик эмас, балки хавф-хатарни писанд ва

парво қилмай, ма'қул тадбир топишдир. Хавф-хатарга дуч келганда ҳарким ҳархил ҳаракат кўрсатади, лекин совет граждани деган номга лойиқ бўлган одам ҳарқандай хавф олдида ҳам мардона бўлмоғи керак.

Қўрққан одам қўрқоқ эмас, балки қўрқиб, ўз ишига хиёнат қилган одам қўрқоқдир. Николай Островский, „Қўрқоқ бугун хоинроқ бўлса, курашда албатта хиёнат қилади" деб ҳақли айтган. Шунинг учун ҳам „бизнинг мамлакатимизда қўрқоқ ҳаммадан хордир". Қаҳрамон ёш гвардиячиларга хиёнат қилган Стаховичнинг мудҳиш тарихи бу сўзларнинг далилидир.

9) Ғайрат. Меҳнатга ижодий иш деб қараш ва ҳарқандай қийинликни енгишга тайёр туриш учун ғайратлик бўлмоқ мутлақо шартдир. Ғайратлик одам бировнинг айтишини кутиб турмайди; ғайратли одам ўзи ташаббус кўрсатади. Ижод йўлида мардлик кўрсатишдан қўрқмайди.

Совет кишиларининг ташаббускорлик ва ғайратмандлиги ижодий қувват блан, жасорат кўрсатиш қобилияти блан боғликдир; „Янгиликка интилиш" сифати блан боғликдирким, бу сифатга эга бўлмаган одам социалистик жамият қуриш йўлида ишловчи илғор ходим бўлаолмайди. Стахановчи ишчиларимизнинг, илғор колхозчиларимизнинг илм ва фан, сан'ат ва техника бобида ишлаётган кишиларимизнинг ишда янгиликлар туғдиришга интилишлари, ғайрат ва ташаббус Совет кишиларига хос сифат эканига далилдир.

Ғайратманлик Совет ёшларининг энг муҳим сифатидир. М. И. Калинин комсомол ишчиларига мурожаат қилиб, „сизнинг нутқингизда ижодий фикр блан ижодий ташаббус булоқдек қайнаши керак. Ғайратингиз қайнаб тошсин, ғайратингиз қайнаб тошмаса қандақа ёшсиз, қандай қилиб Совет ватанпарвари бўласиз?" деган.

Краснодон қаҳрамон комсомолларининг бошлиқлари, аввало Олег Кошевой блан Сергей Тюленин бунга мисол бўлаоладилар.

Фадеев Олег Кошевойни тавсиф қилганда, „унинг табиатининг асоси" шу эдики, „ўзимни кўрсатай, одамларнинг турмушини, ишини чаққонлатадиган, янги мазмун блан тўлган мукаммалроқ бир нарса ўзимдан қўшай деган тилакда одамларнинг турмуш ва ишига аралашмоқ иштиёқи блан ўртаниб ёнар эди" дейди. Олегнинг ёш гвардияни ташкил қилмасдан аввал Тюленин блан учрашганини ва уларнинг бундаги гапларини эсга олайлик; сўнгра Олегнинг махфий иш тўғрисида тузган планини хотирлайлик. Бунда 16 ёшар ўспириннинг ниҳоятда ғайратманд ва ташаббускорлиги ошкор бўлган эди. „Олег ўз планини шерикларига тушунтириб, ёшларга яхши кўз ташлаб юрмоқ, ишга ярайдиган пишиқ, садоқатли ва субутлик ёшларни кўз тагига олиб қўймоқ керак; шаҳар ва атрофда кимнинг қамалганидан, қаерга қамалганидан хабардор бўлиб, уларга ёрдам етказиш йўлларини топмоқ керак; сўнгра ҳамиша немис солдатларидан ўсмоқлаб, немис қўмондонлигининг халқни итоатда тутиш ишларига ва уруш ишларига доир чора ва тадбирларини билиб турмоқ керак" дейди.

Сергей Тюленин немислар Краснодонни ишғол қилганларидан кейин дарҳол ёлғиз ўзи, ҳечкимнинг ёрдамисиз, ўз билигича, немис штаби жойлашган трест биносига, сўнгра немислар казарма қилиб олган мўрчага ўт қўйди, унинг ниҳоятда сергайрат ва жасурлиги шу ишлариданоқ ма'лум

бўлган эди. Краснодон шаҳрини немислар ишғол қилар олдида, бунда қолган ярадорларни дарҳол уй-уйга тарқатган ва бу йўл блан уларни ҳалокатдан сақлаб қолган одам ҳам Сергей Тюленин эди.

10) Камтарлик. Совет кишиларининг характерига доир бўлган ғоявийлик, коллективизм, ўзини қаттиқ тергаб-тежаш каби сифатлар, ўзига ҳаддан ташқари бино қўйиб мағрурланиш, ўз хизматларини пеш қилабериш, ман-манлик ва такаббурлик каби ножўя сифатларга сира келишмайди. Камтарлик, Совет кишисига хос бўлган энг муҳим сифатларнинг биридир.

Николай Островский, „Камтарлик жангчининг хуснидир, ман-манлик блан мағрурлик эски капитализмдан, эски худбинликдан қолган сарқитдир. Жангчи қанча камтар бўлса шунча яхши“ дейди.

Ўртоқ Сталин, Қизил Армия қумондонларидан бири бўлган ва гражданлар урушида қаҳрамонлик кўрсатган ўртоқ Котовскийнинг сифатларини тавсиф қилганда, энг аввал унинг ботирлиги блан камтарлигини айтди.

„Бизнинг камтар командирларимизнинг энг ботири, ботирларнинг энг камтарини эди — ўртоқ Котовский шундай одам қиёфасида эсимда қолган“.

Симферопольдаги ёшлар махфий ташкилотининг секретари бўлиб, кейин немислар қўлига тушиб гестапо қўлида нобуд бўлган комиссар Борис Хохлов блан ташкилот командири Анатолийни бир-бирига таққослаш бу жиҳатдан жуда ибратлидир, — (И. Козловнинг „Қрим махфий ташкилотида“).

Симферополь махфий ташкилотининг бошлиғи И. Козлов, Борис Хохлов блан бўлган учрашувини тасвир қилиб бундай дейди: „Бу йигитни биринчи марта кўришимдаёқ менга ниҳоятда яхши та'сир қолдирди, мени ўзига жуда жазб қилди. Толядан унинг фарқи шу эдики, агар та'бир жоиз бўлса, бутун вужуди блан камсуқум камтар йигит эди. Мен бир кун уларнинг немислар орасига кириб қилаётган ишларини мақтаб „Қаҳрамонлик“ деганимда, у ҳижолат бўлиб, ҳатто қизариб кетди. Уларнинг қилаётган ишлари Бориснинг назарида табиий ва оддий бир ишдек эди. Кечагина мактабда ўқиб юрган ёшгина йигит, комсомолларнинг ҳечбир муболағасиз қаҳрамонлик дейиш мумкин бўлган курашларини табиий ва оддий „Иш“ дейиши мени ҳам хурсанд, ҳам ҳайрон қилар эди“.

И. Козлов Анатолийни тамомила бошқача тавсиф қилади: „Анатолий жасур ва ғайратлик йигит бўлса ҳам, ниҳоятда ҳаваси баланд, гердайган ва такаббурроқ йигит эди ва унинг бу хил ёмон сифатлари мени анча ташвишга солар эди. Мен блан сўзлашганда комсомол ташкилотини тузишда Борис Хохловнинг ўйнаган ролини ва кўрсатган хизматларини бирушта ерга уриб, камситишга ҳаракат қилиши менга сира ёқмас эди“. „Бошқа ватанпарварлар комсомол ташкилотидан кўра кўпроқ иш кўрсатиб, немисларга биздан кўра кўпроқ улар зарар етказиб, биздан ошириб юбормасинлар, деб, хавфсинар эди“. Даф'атан қараганда унча зарарли бўлмаган бу камчилик, кейин жуда катта жиддий оқибатларга сабаб бўлди. Борисни немислар қамаганларидан кейин Анатолий комсомол ташкилотининг бошлиғи бўлиб қолгач жуда енгилтаклик ва интизомсизлик қилабошлади. Ном чиқармоқчи бўлиб, Симферопольдаги махфий ташкилотнинг раҳбари бўлган партия бошлиқлари блан маслаҳатлашмай, ҳамма ишни барбод ургундай бўлган беҳуда ва хатарли ишларга киришди. Кейин алоҳа уни ишдан чекинтиришга тўғри келди.

11) Тетиклик, ўз кучига ишониш, оптимизм. Совет кишиларининг ма'навий қиёфаси тетиклик ва оптимизм блан

суғорилгандир. Бу сифатларнинг манбаи, социалистик қурилишнинг барча соҳасидаги катта ютуқларимиз блан коммунизмнинг ғалабасига қаттиқ ишонганимиздир. Киши ўз омолларининг тўғрилигига, қилаётган ишининг ҳақлигига ишонса, бу ишонч ўз куч-қувватига ҳам ишонч туғдиради.

Ҳозирги замон бужуазия маданияти бошдан-оёқ тушкунлик ва пессимизм руҳи блан суғорилгандир. „Умидсизлик, ўлиб бораётган ижтимой гуруҳнинг онги учун табиий бир ҳолдир“ *(Жданов)*. Совет маданияти эса, аксинча ҳаёт завқи блан тўлган, ҳаётни севган маданиятдир. Совет даврининг отоқли шоири В. В. Маяковский оптимизм куйини куйлаган улуғ шоир эди:

„... Ҳаёт
Яхши,
Яшаш яхши,
Ҳаётда бор
Ажаб гўзаллик.
Юз йил умр
Кўрайлик,
Бизлар асло
Қаримайлик.
Йилдан-йилга
Кунимиз бўлсин
Наш'алик.

Ҳаётга муҳаббат, инсониятнинг келажакда бахтиёр яшамоғи учун, янги турмуш қуриш учун курашучиларнинг сифатидир. Ҳаёт муҳаббати шундай улуғ кучки, ҳечқандай оғир мусибат ва ҳечқандай бахтсизлик уни енгаолмайди.

Улуғ Ленин—Сталин партиясининг яхши фарзандларидан бири бўлган Николай Островский фалаж бўлиб, кўзидан ажраб, азоб ичида қийналиб ётса ҳам, умрининг охиригача ҳаёт наш'асидан кечмади. Унинг ёр-биродар ва қавм-қариндошларига ёзган хатлари ҳаёт завқи ва бахтиёрлик наш'аси блан тўлган: „Мен, турмуш менга бу қадар бахт келтирар деб сра ўйламаган эдим... Бутун ҳаёт кучли бир ижод наш'аси блан тўлган. Мен соғсаломат бўлган йигитлик чогимдами бахтиёр эдим, ёки энди, ким билсин?..“, „тиришқоқлигим эвазига ҳаёт мени чексиз ажаб гўзал бахтга етказди...“

Оптимизм, тетиклик ва ўз кучига ишониш Совет кишиларининг энг қимматли сифатларидандир. „Совет давлати ва партиямиз совет адабиёти ёрдами блан ёшларимизни ғайрат ва шижоатли, руҳи тетик ва соғлом қилиб тарбиялаганлиги учун, уларни ўз ишимизга қаттиқ ишонч руҳида тарбия қилганлиги учун биз социализм қуриш соҳасидаги катта қийинчиликларни енгиб, немис ва японлар устидан ғалаба қилдик.

Такрорлаш учун саволлар

1. Кишининг психик сифатларининг пайдо бўлиши нимага боғлиқ?
2. Қизиқиш та'рифини айтинг.
3. Қизиқишнинг асосий хусусиятларини айтинг.
4. „Қобилият“ тушунчаси блан „исте'дод“ тушунчаси ўртасида қандай фарқ бор?

5. Бировнинг исте'додлигини қандай аломатлардан билиб бўлади?
6. Исте'дод блан маҳорат ўртасида қандай муносабат бор?
7. Темперамент нимадир?
8. Тўрт темпераментнинг ҳарқайсисини баён қилинг.
9. Темпераментнинг физиологик асоси нимадир?
10. Характер нимадир?
11. Кишининг характери блан дун'ёга қараши ўртасида қандай алоқа бор?
12. Характерга доир сифатларни қандай хилларга бўлиш мумкин?
13. Совет кишиси характерининг муҳим томонларини айтинг.

Масалалар

1. Адабиётдан қизиқишларининг доираси тор бўлган, сўнгра қизиқишларининг доираси кенг бўлган кишилар мисолини кўрсатинг.

2. Кишининг энг муҳим қизиқиш ва ҳаваслари бошқа кичикроқ қизиқишларини ўзига бўйсунтирганини турмушдан олинган мисоллар блан кўрсатинг.

3. Қизиқишнинг амалийлиги нималигини турмушдан олинган мисоллар блан кўрсатинг.

4. Совет адабиётидан тўрт темпераментнинг ҳарбирига биттадан мисол кўрсатинг.

5. Характернинг маҳкам ва равшанлиги нималигини мисол тариқасида кўрсатинг.

6. Фадеевнинг „Ёш гвардия“ сидаги қаҳрамонларнинг бирини мисол қилиб олиб, илғор Совет ёшларининг характеридаги муҳим хусусиятларни ва характернинг ҳар кишининг ўзига хос бўлган томонларини таҳлил қилиб беринг.

7. Совет адабиётидан биронта мисол олиб, Совет одамларидаги ғоявийлик ва мақсад йўлида азмкорлик нималигини таҳлил қилиб беринг.

8. Фадеевнинг „Ёш гвардия“ сидаги қаҳрамонларни, ёки Горбатовнинг „Бўйсунмаганлар“идаги қаҳрамонларни мисол қилиб Совет ватанпарварлигининг муҳим томонларини кўрсатинг.

9. Революциядан аввалги рус адабиётидаги қаҳрамонлар блан Совет адабиётидаги қаҳрамонларни таққос қилиб, индивидуалистлик психологияси блан коллективчилик ўртасидаги қарама-қаршиликни кўрсатинг.

10. Совет адабиётидан меҳнатга коммунистик қарашнинг психологик хусусиятларини кўрсатучи мисоллар топинг.

МУНДАРИЖА

I боб. **Психология нимадан баҳс этади, унинг вазифалари ва методлари**

1. Психика тўғрисида умумий ма'лумот 3
2. Психик процесслар классификацияси 5
3. Психика ва фаолият 8
4. Одамнинг руҳий ҳаётини текшириш методлари 9
5. Психологиянинг аҳамияти 11

Такрорлаш учун саволлар 13

II боб. **Психиканинг тараққийси**

6. Психиканинг пайдо бўлиши ва тараққийси тўғрисида умумий ма'лумот 14
7. Ҳайвонлар психикасининг ўсиши 15
8. Нерв системаси ва психика 21
9. И. П. Павловнинг ҳайвонларда юксак нерв фаолияти тўғрисидаги та'лимоти 24
10. Ҳайвоннинг яшаш тарзи ва психика 25
11. Инсоннинг онги ва ҳайвонлар психикасидан унинг фарқи . . . 26
12. Одамдаги катта миянинг пўсти 30
13. Онгнинг тарихий тараққийси 33

Такрорлаш учун саволлар 38

Масалалар . . . . . —

III боб. Сезгилар.

14. Сезгилар ҳақида умумий ма'лумот 39
15. Сезгининг хиллари 40
16. Сезгирлик ва унинг чегаралари 42
17. Адаптация 44
18. Сезгиларнинг бир-бирига та'сири 47
19. Ҳаёт ва фаолият талабларининг та'сири блан сезгирликнинг ўзгариши 48

Такрорлаш учун саволлар 52

Масалалар . . . . . —

IV боб. Идрок

20. Идрок тўғрисида умумий ма'лумот 53
21. Идрокнинг физиологик асослари 55
22. Идрокда об'ектни айириш 56
23. Идрокда тасаввурнинг роли 60

24. Апперцепция 61
25. Иллюзия 63
26. Мушоҳада 67
27. Ҳаркимнинг идроги ва мушоҳадасидаги фарқ 69
Такрорлаш учун саволлар 71
Масалалар . . . . . —

V б о б. Ҳис

28. Ҳиссиёт тўғрисида умумий ма'лумот 73
29. Ҳиссиёт ва билиш процесслари 76
30. Ҳис ва фаолият 77
31. Ҳиссиётнинг ташқи аломатлари 80
32. Ҳиссиётнинг физиологик асослари 83
33. Ҳиссиётнинг асосий сифатлари 84
34. Аффектлар 87
35. Кайфият 89
36. Турли шахсларнинг хиссиётидаги фарқ 91
Такрорлаш учун саволлар 95
Масалалар . . . . . —

VI б о б. Диққат

37. Диққат тўғрисида умумий ма'лумот 96
38. Диққатнинг физиологик асослари ва ташқи аломатлари 97
39. Ихтиёрсиз ва ихтиёрий диққат 98
40. Диққатни чалғитмаслик чоралари 102
41. Диққатнинг асосий хусусиятлари 103
42. Паришонлик 108
43. Диққат тарбияси 109
Такрорлаш учун саволлар 110
Масалалар . . . . . —

VII б о б. Хотира ёки эс

44. Хотира тўғрисида умумий ма'лумот 111
45. Тасаввур ва унинг муҳим хусусиятлари 112
46. Ассоциация ва ма'но боғланиши 114
47. Хотиранинг физиологик асослари 115
48. Тушунмасдан ва тушуниб эсда қолдириш 116
49. Эсда сақлаш 118
50. Унутчоқликка қарши чоралар 121
51. Эслаш 122
52. Хотиранинг хил ва типлари 125
53. Хотиранинг сифатлари 128
54. Хотирани тарбиялаш 130
Такрорлаш учун саволлар 131
Масалалар 132

VIII б о б. Хаёл

55. Хаёл тўғрисида умумий ма'лумот 133
56. Хаёлнинг ихтиёрсиз ва ихтиёрли фаолияти 135
57. Тасаввур хаёли 136
58. Ижодий хаёл 138
59. Орзу 141
60. Хаёл ва ҳис 143
61. Тасаввурларнинг хаёлда ўзгариши 144
Такрорлаш учун саволлар 146
Масалалар . . . . . —

IX б о б. Тафаккур ва нутқ

62. Тафаккур тўғрисида умумий ма'лумот 148
63. Нутқ ва унинг тафаккурга алоқаси 149
64. Тушунча ва сўз 151
65, Умумийлаштириш ва абстракция 154
66. Ҳукм ва хулоса чиқариш 155
67. Анализ ва синтез 156
68. Масалаларни ечишдаги тафаккур процесси 157
69. Ақлнинг сифати 159
70. Тафаккур ва ҳис 162
71. Нутқ тарбияси 163
Такрорлаш учун саволлар 168
Масалалар 169

X б о б. Ирода

72. Мотив ва мақсад 170
73. Ихтиёрсиз ва ихтиёрли ҳаракатлар 172
74. Амал хиллари 173
75. Ирода тушунчаси 175
76. Иродавий амаллар анализи 177
77. Виждоний бурч ҳисси 180
78. Кишининг иродага оид сифатлари 182
79. Ирода тарбияси 187
Такрорлаш учун саволлар 187
Масалалар . . . . . —

XI б о б. Фаолиятнинг психологик анализи

80. Фаолиятнинг вазифа ва мотивлари 188
81. Онг ва фаолият 191
82. Кўникмалар 193
83. Одат 197
84. Ижодий фаолият 199
Такрорлаш учун саволлар 204
Масалалар . . . . . —

XII б о б. Шахснинг психологик тавсифи

85. Шахснинг психик сифатлари 205
86. Қизиқишлар 207
87. Кобилият ва исте'дод 211
88. Темперамент (мизож) 217
89. Характер 220
90. Совет кишисининг характеридаги хусусиятлар 223
Такрорлат учун саволлар 235
Масалалар 236

На узбекском языке

Б. М. ТЕПЛОВ

ПСИХОЛОГИЯ

Учебник
для средней школы

Госиздат УзССР — 1949 Ташкент

Редактор *Ш. Байбурова* Техн. редактор *Я. Пинхасов*

Теришга берилди 5/IX 49 й. Босишга рухсат этилди. 18/X 49 й. Р 04153. Қоғоз формати 60×92/16. Босма листи 15,0. Учет. нашр. листи 17,5. Бир босма листида 46672 белги. Индекс: Д. Договор № 214 — 49 й. Тиражи 10000. Баҳоси 2 с. 65 т. Муқоваси 75 т.

ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекполиграфнашрнинг Тошкент, 1-нчи босмахонаси, 1949. Заказ № 257 Ҳамза кўчаси, № 33.

Муҳим тузатишлар.

Бет	Сатр		Босилган	Тузатиб ўқилсин
	юқоридан	пастдан		
18	8		этдириш	этдиради
28	22		онгламаганлиги	онглаганлиги
34		23	ифода	ирода
87	19		ваҳима	ваҳимага
145	10		бугунидаги	бўгинидаги
151		22	бошқача	бошқага
189		2	қўйилган	қуйилган

257-заказ